

ЛАТИФ МАҲМУДОВ

ДАНГАСАНИНГ  
ҲОЛИ ВОЙ

ҲИКОЯЛАР

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти  
1989

ISBN 5-633-00288-1

Ил  $\frac{4803620201-117}{356 (04)-89}$  125-89

© Издательство «Еш гвардия», 1989 г.

© Издательство «Еш гвардия», 1979, 1981, 1983г.

## ҲАМ ҚУВНОҚ, ҲАМ ЖИДДИЙ КИТОБ

В. Г. Белинский: «Болалар китоблари тарбия мақсадида ёзилади, тарбия эса — ғоят буюк ишдир: зеро у инсон қисматини ҳал қилади», деб таъкидлаганди. Менимча, ўз ижодини ёш авлодга бағишлаган ҳар бир ёзувчи бу сўзларни ҳамиша ёдда сақлаши керак. Зотан, бу сўзлар улғайиб келаётган ёш авлодимиз учун яратилган барча яхши асарларга эпиграф вазифасини ўташи мумкин.

Ёзувчи Латиф Маҳмудов, инсон «қисматини (яъни, тақдирини) тарбия ҳал қилажагини» яхши билади. Мана шунинг учун ҳам у ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан... Мен унинг рус тилига таржима қилинган ҳикоя ва қиссаларини мароқ билан ўқийман. Сабабини ҳозир тушунтириб бераман.

Адабиётда энг муҳим нарса — бу инсоннинг жонли характерини ярата билишдир. Латиф Маҳмудовнинг китобида биз одамларнинг<sup>1</sup> (ёшларнинг ҳам, катталарнинг ҳам) айнан шундай характерларини учратамиз! Китоб саҳифаларида биз ҳозиржавоб, шўх, баъзида хато ишлар ҳам қилиб кўювчи, аммо ҳамиша қалби пок, меҳрибон ўғил ва қизлар билан учрашамиз. Улар бир-бирлари билан дўстлашишади, баҳслашишади, дам уришишиб, дам ярашишади, аммо кўпроқ эзгу ишларни бажаришга, ҳаттоки энг кескин ва мардона ишларга ҳам жазм қиладилар. Латиф Маҳмудовнинг асарларида тасвирланган болалар ўз атрофларидаги мавжуд муҳитни синчковлик билан мушоҳада қиладилар, уни астойдил берилиб ўрганадилар. Биз муаллифнинг китобида бу ўғил ва қизлар билан бир қаторда катталарни ҳам кўрамыз, зеро ёшлар дунёсини катталар даврасидан ажратилган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.

Дейдиларки, яхши инсон, неча ёшда бўлишига қарамай, ўз болалик хотираларини, ҳаттоки ёшларгагина хос бўлган айрим феъл-атворни ҳам мудом ўз хатти-ҳаракатларида сақлаб қолар экан. Латиф Маҳмудов болалик хотираларини ҳам, ёшларга хос бўлган феъл-атворни ҳам ўзида сақлаб қола олган. Мана шунинг учун ҳам у катта ҳаётга эндигина қадам қўйиб кириб келаётган навқирон йигит-қизлар ҳаётини ҳаққоний ва табиий тасвирлайди.

Мен илгари ҳам ёзган эдим: фақат соддадил одамларгина «қувноқ» ва «ножиддий» сўзларини бир хил маънода ишлатади. Ваҳоланки, энг жиддий масала билан ёшларнинг онги ўртасидаги энг қисқа масофа аксар пайт юмор ва мароқли баён ҳисобланади. Бунини яхши тушунган Л. Маҳмудов ўз асарларини айни пайтда ҳам жиддий воқеалар билан, ҳам самимий табассум-у, олижаноб юмор билан мунаввар қилади.

Максим Горький, болалар учун «мароқли» асарлар ёзиш керак, деб айтган эди. Мароқли — бу енгил-елпи, эрмакбоп дегани эмас, балки, қизиқарли, жозибали деган маънони билдиради. Л. Маҳмудов ҳам ўз асарларини мана шу ҳикматли фикрга амал қилиб ёзади.

Қисқаси, бу китобни қўлига олиб ўқишга киришган ҳар бир ёш китобхон менинг фикримга албатта қўшилишади, деб ўйлайман!

АНАТОЛИЙ АЛЕКСИН



## ДАНГАСАНИНГ ҲОЛИ ВОЙ

Бу нарсани ёзиш хаёлимда йўқ эди. Нега десангиз, ялқов дангасанинг нимасини ёзади-ю, нимасидан хузур-ҳаловат топади одам. Бир ишни дўндириб қўйибдими, ё айталик, бирор қилиги билан бировни қойил қолдирибдими. Яхшининг йўриги бошқа. Ёзган сари одамнинг кўнгли яйраб, дунёда фақат яхшилик қилгиси-ю, фақат яхшилик учун яшагиси келаверади. Аммо бир мактабда дангасаларнинг дангасасини, ялқовларнинг ялқовини учратиб, ҳайратда қолдим, тавба, одам ҳам шунақа бифарқ, шунақа иш ёқмас бўладими, шу бола нега бунақаман, деб ўзига-ўзи ҳеч савол бериб кўрганмикин?

Оти Дадавой эди.

Танишишим тасодифий, ғалати бўлди. Редакциянинг топишириги билан мактабга бориб қолдим. Ичкарига кирсам тумонат одам. Қий-чув, мактабнинг қизлар терма командаси волейбол ўйнаётган экан. Қизлар чамамда бешинчи-олтинчи синф ўқувчилари бўлса керак, аммо шиддат билан ўйнашарди. Назаримда ўйинчилардан кўра томошабинлар ҳаяжонда эди. Шундоқ олдимда турган бир бола қичқиравериб, тоза бўғилиб қолган экан, тўрға копток тушиши билан:

— Яша, Ойша! — деб қичқирган эди, овозини менадан бўлак одам эшитмади. Шунда ҳаяжондан ўзини тутолмай қолдим, ёнидаги шеригининг елкасига бир мушт туширди. Шериги бехос турган экан, мункиб кетиб менга урилди.

— Тентак, нега урасан?

— Э, кечирасан, ошна, — деди товуши хириллаган бола, — ўзимнинг элкам дебман.

Дарҳақиқат, жуссаси ҳамманикидан кичик бўлишига қарамай, Ойша чаққон ҳаракат қилар, худди тажрибали ўйинчилардек ўзини дадил тутар, қийин ҳолатларда ҳам гангиб қолмас эди. Ойша кетма-кет икки марта тўрға копток ташлади. Ҳаммаёқни қийқириқ босиб кетди. Бало экан, деб қўйдим. Аммо шу пайт бирдан қийқириқ тўхтади, ҳамма жим қолди. Ёнимдаги бола оғзини ярим очиб, алланарса деди ва майдондан кўз узмай беихтиёр ўртоғининг мушт еган елкасини силай бошлади. Мен ҳам лабимни тишлаб қолдим. Негаки, учиб келаётган коптокни тутаман деб, Ойша мувозанатни йўқотиб узала йиқилган эди. Аммо абжирлик билан дарров ўрнидан турди. Қўл кўтариб ўйиндан чиқди. Оқсоқлана-оқсоқлана ҳовлининг этагига кета бошлади. Мен авваламбор ачиниб, қолаверса икки-уч оғиз гаплашай, деган ниятда Ойшага эргашдим. Шундагина ариқ бўйидаги тўнкада, тиззасидаги папкага бош қўйиб ўтирган болани кўриб, беихтиёр тўхтаб қолдим. Бу бола касалми ё бирор ери оғриянтими, бўлмаса одамлардан ажралиб, бу ерда нега ёлғиз ўтирибди?

Ойша унинг олдига келиб елкасидан туртди.

— Ҳой, Дадавой!

Дадавой зўрға бош кўтарди. Унинг кўзлари ярим юмуқ эди.

— Ҳи... — деди.

— Кетмайсанми?

— Йўқ.

— Нега?

Дадавой бир нима деди. Ойша жигибийрони чиқиб, жавоб қайтарди, яна майдон томондан болаларнинг қийқириғи эшитилди-ю, Ойшанинг ганини эшитолмадим. Ойша жаҳл билан орқасига бурилган эди, Дадавой папкадан бош кўтарди.

— Тўхта!

Ойша ноилож орқага қайтди.

— Ҳа?!

— Қачон бўшайсан?

— Э, сенга нима, — деди Ойша, — бўл, айт, гапинг борми, шошиб турибман.

Дадавой бир-икки тамшаниб ҳузур қилиб керишди ва битта кўзини очди.

- Қорним оч!
- Нима қилай?
- Папкадан нон олиб бер.

Ойша силтаб қўлидан папкани олди, титкилаб қоғозга ўралган алланарсани Дадавойга узатди ва майдончага югурди. Дадавой нон кавшай бошлади. Ажабланиб Дадавойдан кўз узмай қолдим, тавба, афт-ангори касалга ўхшамаса, қанақа бола ўзи, секин келиб ёнига чўккаладим. Дадавой менга бепарвогина бир қараб, иккита ноннинг орасидаги яхна гўштдан бир бўлагини иштаҳа билан оғзига солди.

— Зап ўйин бўляптими, — дедим, — Ойшанинг командасини қаранг-а!

Дадавой миқ этмади. Анчадан сўнг:

— Хи... — деди.

Бунақа болани биринчи учратишим эди.

— Волейболга қизиқмас экансиз-а, ука?

Дадавой лунжини тўлдириб, ғалати илжайган эди, кичкина кўзлари юмилиб кетди.

— Э-э, қизиқсиз-а, амаки. У команда ютди нима-ю, бу команда ютди нима, хўш?

Сухбатдошим жуда антиқа чиқиб, «ие-ие» деганча яқинроқ силжиб, тўнканинг четига омонатгина ўтирдим. Билсам, ака-сингил битта синфда ўқишар экан. Минг афсус билан «нега бунақа бўлиб қолди, мулла Дадавой» десам, Дадавой пинагини ҳам бузмай «қайтага яхши бўлган экан, амаки, синглим папкамни кўтариб юрипти» деди. Хуллас, қорни тўйиб, чиройи очилиб, эски ошнасини тошиб олгандек, ҳар гапларни айтади. ҳар гапларни айтади денг, ёқамни ушладим. Футболни жини суймас экан. «Битта коптокни талашган болаларга ҳайронман, копток тепишга ишқибоз бўлса ҳаммаси биттадан сотиб олиб, тепавермайдими», деди. Менинг миқ этмай эшитаётганимни кўриб, яна очилиб кетди. «Шуни Ойшага ҳам айтганман, тентак қиз, қулоқ солиш ўрнига ҳиринг-ҳиринг кулади», деди ва қий-чув бўлаётган томонга қошларини чимириб ғалати қараб қўйди. Шундан сўнг суҳбатимиз китобга кўчди. «Шунча китоб ёзилган-у, бари бир менбоп китоблар кам», деб шикоят ҳам қилиб қўйди. Мулла Дадавойнинг китоб ҳақидаги мулоҳазаси мени жуда қизиқтириб қўйди-ю:

— Хўш, ука, қандай китоблар ёқади? — дедим.

Дадавой чўнтагидан олган конфетни шошилмай оғзига солди, кўзларини ярим юмиб, ҳузур қилиб шимди.

«Конфет яхши нарса», деб гўлдиради. Бу гапни менга айтдим, ўзигами, билмадим-у, бояги саволимни яна қайтардим. Бу гал у жавоб бериш ўрнига конфетни бир ўзим сўраверсам инсофдан бўлмас, ёнимдаги одамни ҳам оғзининг суви-келаётгандир деб, чўнтагидаги ҳар бало нарсаларнинг орасида юравериб, қоғозини кир босган конфетдан биттани олиб менга узатди. Олай десам, конфетнинг аҳволидан кўнглим ўлгур бориб-келиб турибди, олмай десам, орадаги илиқлик йўқолмасмикин, деб қўрқиб турибман, ноилож қўл чўздим.

— Одам конфетни сўриб ухласа конфетга ўхшаган ширин-ширин туш кўради!

Бай-бай, фикрнинг зўрлигини қаранг-а, шунча йил мактабма-мактаб юриб, шунча болалар билан суҳбатлашиб, умримда бунақа антиқа гап эшитмаганман, тавба, бу дейман конфет сўриб ухлаган боланинг тили эрталаб-гача танглайига ёпишиб қолмасмикин!

Шу денг, мулла Дадавойни «сиз ҳам бир марта оғзингизга конфет солиб ухлаб кўринг», деб берган маслаҳатидан кўн мамнун бўлиб, гапни яна китобга бурсам, эҳ-ҳе, Дадавойга маъқул китобнинг ўзи дунёда йўқ экан. «Китоб бўлсаки, ичида кўрган ҳамма-ҳамма ширин-ширин тушларинг ҳам ёзилса», деди ва шундан кейин бирикки ажойиб-ғаройиб тушлардан гапириб бердики, мен уларни ҳеч ўзгартирмай, уёқ-буёғини бир оз текислаб, ҳикояга кирита қолдим. Яхши болалар бу эртақ-ку, дер, Дадавойга ўхшаганлар айни ҳақиқат, дер дедим-у, мактабга нима учун борганимни ҳам унутиб, мулла Дадавой маслаҳат бергандай икки лунжимни конфетга тўлдириб, ёзишга тушиб кетдим. Ажабланманг, ялқовлар табиатан жуда хаёлпараст бўларкан, ҳаётлари чалакам-чатти эртақка ўхшаркан. Мен нега улар бунақа уйқучи бўлишади десам, ўнгиларида қилолмаган ишни улар тушларида дўндириб юришаркан, мана эшитинг:

\* \* \*

Дадавой куйганча бор экан. Сингил деган сингилдек бўлиб, «акажон, сизники маъқул», деб қўл қовуштириб турса. Бўлмаса Дадавой деразадан бош чиқариб:

— Ойша, шафтолидан тўртта узат, чанқаб кетдим, деб ўн марта айтгандир, йўқ, ўжар қиз ҳовли сунуриш билан овора. — Вой, тентаг-е, сунураман десанг ҳовли қочиб кетадими-а?



Акага бўлган ҳурмат шуми, деди-ю, Дадавой каравотнинг суянчигидаги жилдни ойнадан улоқтирди. Қани Ойша миқ этса. Вой, тавба, парвойипалак, ҳатто бош кўтармади-я. Жиллдаги дафтар, китоб, қалам, йўғ-е, бир ҳовуч конфет, беш-олтита қизил олма, эзилиб суви рқиб кетган икки-уч бош узум ер билан битта бўлди. (Дадавой жилдга китоб-дафтар солиб жинни бўптами, ҳамма ўқув қуролини Ойшанинг папкасига солиб қўяди. сингил бўлгандан кейин кўтарсин-да). Эсиз, ҳар хил конфетлар, буларни ўтган куни бувиси бир тоғора варақи билан бориб, хотин ошидан олиб келган эди-я. Яхши ҳам Дадавойнинг бахтига шу бувиси бор. Доим бошида минг айланиб, минг ўргиладиган бувижони мана ҳозир ҳам Дадавойнинг товушини эшитиб, ошхонадан чиқиб қолди.

— Ҳой, Ойша, нима гап?

Ойша сунуришдан тўхтамай:

— Анови таптигингиздан сўранг, — деб қўя қолди.

Бу гапни деразадан қараб турган Дадавой эшитди. Аммо бувим ҳозир боплаб таъзирини беради, деб индамай қўя қолди. Шундай бўлди ҳам. Ойшанинг гапидан бувижонининг дили оғриб, бошини чайқай-чайқай:

— Ҳой, болам, ака-я! — дея Ойшани койий кетди, — ака-я, айтганини қила қолсанг нима бўлади?

Дадавой ажаб бўлди, хўп бўлди, деб Ойшага тилини кўрсатиб қўйди. Ойша қўлидаги сунурги билан бир ўдагайлаган эди, Дадавой деразани ёпиб, лип этиб кўрпанинг ичига кириб кетди. Бувиси хамирли қўлларини бир-бирига ишқалай-ишқалай шафтоли томон юрди.

Офтоб тиккага келиб қолган. Осмонда губор йўқ. Шарақлаб оқаётган ариқ бўйидаги садарайҳон-у, гулзорда мингбир хил турланаётган оқ-сарик, қизил атиргулларнинг иси гул-гул димоққа урилади. Ойша барвақт туриб яхши қилган экан. Мана ҳаш-наш дегунча ҳамма уй ишларидан қутулди. Саралаб гул узди. Бувисининг яхши кўришини билиб, бир даста садарайҳонни токчасидаги гул идишга қўйиб чиқди. Тандирга ўтин қалади. Ювиниб-таранди. Саватча кўтариб Дадавой ётган уйга кирди. Бир коса шафтолини паққос тушириб, чанқовни босган Дадавой нишиллаб ухларди. Эсиз, боя эрталаб бу уйни чинни-чироқ қилиб қўйган эди-я. Ҳаммаёққа конфет қоғозлари, шафтоли данаклари сочилган, каравотнинг остидаги бир пой шипшак ёстиқнинг устида, боя, Ойшага улоқтираман.

деб олган бўлса керак. Каравотнинг суянчиғидаги кўйлак, шим ерда ғижимланиб ётарди. Уй дим, нафас олиб бўлмайди-ку, кўршага буркалиб олипти-я. Ойша деразани очиб юборган эди, гуп этиб ичкарига янги ҳаво урилди. Бу ердан қўшнилари Нусрат бобонинг томи, ўриги, ўригидаги каттакон қовоғи шундоқ кўриниб турарди. Ойшанинг боши қотди. Уйғотай деса Дадавой мурод-мақсадига етиб, ўзи турмагунча қулоғининг тагига тўп кўйиб отсанг ҳам уйғонмайди. Қўя қолай, деса мактабдагилардан уялади, нуқул Дадавойнинг ишёқмаслигидан Ойша изза бўлади. Тагин бунинг устига ўзи кеча рўйхатга киритиб кўйган, олиб бормаса калака бўлиши турган гап.

Уй ичи жимжит. Столдаги будильник соатининг бир меъёрдаги чиқ-чиқи, кўрпа тагидан Дадавойнинг пишиллаши эшитиларди. Ойша нима қиларини билмай каравотнинг четига ўтириб, соатга қаради.

— Вой, ановини. ўн бир бўляпти-ку, ҳалиям бўкиб ётибди-я!

Ойша Дадавойни туртиб:

— Тур-е, — деди.

Дадавой эринибгина ғингшиди, бошқа ёнига ағдарилиб, яна пишиллаш бошлади.

— Вой, тур, — деди Ойша елкасидан силкиб, — бормайсанми?

Боя айтганимиздек Дадавойни уйғотиш ҳазилакам иш эмасди. Мана ҳозир ҳам ундан садо чиқмади. Ойша яна елкасидан силкитди, қулоғидан чўзди, бурнидан чимчилади, кўрпадан чиқиб турган оёғидан тортди. Дадавой ҳали мурод-мақсадига етмаган кўринарди.

— Энди нима қилдим?

Ойша ҳафсаласи пир бўлиб, Дадавойнинг тепасида турар экан, столдаги будильникка яна кўзи тушиб, хаёлига келган галати фикрдан қийқириб юборди.

— Бир пружинадай сакраб туш! — деди-ю, соатни бураб, Дадавойнинг кўйнига солиб кўйди ва каравотнинг орқасига яшириниб кута бошлади. Соат худди қонга тушган мушукдек бўғилиб жиринглаши билан Дадавой бирдан «вой-вой»лаб туриб кетди.

У қора терга ботган эди.

— Буви!

У титраб-қақшаб чақириши билан бувижони ошхонадан югуриб келди.

— Ҳа, болам,ҳа?

Дадавой лабларини ярим очиб, кўзларини галати пирпиратиб беҳуш одамга ўхшаб ўтирарди. Бувиси ичкарига кириши билан Дадавойнинг афт-ангорини кўриб чўчиб тушди.

— Ҳа, нима бўлди, болам!

Дадавой ҳадеганда тили айланмай, (ким билади, конфет сўриб ётган бўлса тили ёпишиб қолганми) ниҳоят гўлдиради:

— Кўр... кўрдим.

— Нимани, болам, нимани?

Дадавой боягидан баттар довдираб:

— Туш! — деди.

Бувиси ҳеч нарсага тушунмай:

— Нима, — деди, — қанақа туш?

Дадавой бош силкиб:

— Туш, буви, туш, — деди, — туш... будильник ютган эмишман. Будильник қорнимда жаранг-журинг қилиб ўйин тушаётганмиш.

Бувиси:

— Вой, будильник ўлсин, — деди ва шу пайт неварасини тинчитиш ниятида беихтиёр столга қўл чўзди-ю, будильникнинг жойида йўқлигидан ўзи ҳам галати бўлиб:

— Вой, ўлмасам! — деб юборди.

Дадавой соатни жойида кўрмай кичкина кўзлари олачанинг данагидек юм-юмалоқ бўлиб кетди.

— Вой-вой, туш эмас экан, рост экан, — деди додлаб ва қорнини чангаллади, — мана, буви, ушладим.

Бувиси чунонан кўрқдики, жонҳолатда кўрпани пайпаслаб:

— Қани, болам, қани? — деди ва кўрпанинг тагидан будильникни олиб, уйга, ҳовлига кўз югуртди, ҳеч ким кўринмади.

— Ойша!

Каравотнинг орқасидан Ойша чиқди.

— Нима?

Бувиси бош чайқай-чайқай:

— Ўзим ҳам билувдим, — деди, — уят-е!

Бу ичи қора қизнинг қилмишини кўриб, Дадавойнинг хўрлиги келди: ухлатгани қўймаса, кўчада туртки ласа, синфда турткиласа, унинг дастидан Дадавойга кун борми, йўқми?

— Нега уйготдинг? — деди Дадавой.

Оббо, ўжар Ойша-е, шунча қилғилиқни қилиб қўйиб.

тагин пинагини бузмайди. Каровотга ёпишиб қолган-мисан, дейди-я.

Дадавой бурнини торта-торта бувисига қаради.

— Буви, бунингиз оёғимни ҳам қитиқлади.

Бувиси Ойшадан бунақа қилиқни ҳеч кутмаган эди:

— Вой, товба, — деди, — ростдан-а?

— Ҳа!

— Бекор айтибди, — деди Ойша, — оёғини қитиқлаб зарил кептими, тортдим!

— Нега?

— Турсин, батантарбия қилсин!

— Ана, буви, кўрдингизми, — Дадавой йиғламсиради, — кеча қоронгида уйғотиб, ҳовлида дикир-дикир чопгин, деди.

— Вой, товба, — деди бувиси яна ҳайрат билан, — бекордан-бекорга-я.

— Ҳа!

— Ҳой қиз, — деди бувиси Ойшага, — сен нега бунга тақашиб қолдинг-а?

— Ким?

— Сен, сен, — деди Дадавой.

Ойша индамай каравотнинг суюнчигидан шим, кўйлакни олиб Дадавойнинг олдига қўйди.

— Кий, мактабга борасан!

— Ана, кўрдингизми?

— Ҳой, ҳой, мактабда нима қилади, — деди бувиси, — бугун оддих-ку!

— Ўзи билади, сўранг.

Дадавой яна йиғламсираб:

— Бормайман, — деди.

— Борасан!

Дадавой яна бувисига қаради.

— Ана, буви, ана, кўрдингизми?

Ойша Дадавойнинг қўлидан тортди.

— Тур!

— Қўйиб юбор қўлини, э, мунча қийнамасанг бола бечорани. Оддих куни ҳам ўқийдими?

— Ўқиш йўқ, — деди Ойша.

— Бўлмаса нега судрайсан?

— Тажриба участкасига экилган нарсаларни йиғиштириб, мактабда виставка ташкил қилмоқчимиз. Ўқитувчи ҳамма келсин, деган. Бу ҳам борсин, қарашсин.

— Э-э, бор-бор-е, — деди бувиси, — миставка эмиш-а! Ҳали тойчоғимни Нурсат бобосиникига олиб чи-

қаман. Ҳамма миставка ўша ерда! Бир дона қовоғи бор.  
ё нармони худо, маҳалла қозонидай келади-я!

Ойша сўнги марта сўради:

— Борасанми?

— Йўқ.

— Бўлмаса бўкиб ёт!

— Ётаман.

— Овқатни ҳам ўрнингда е!

— Алам қилсин, — деди Дадавой.

— Пуфакка ўхшаб шишиб кет!

— Майли. Пуфак яхши нарса, — деди Дадавой, —  
осмонга учади.

— Кейин-чи?

Дадавойнинг лаблари осилиб кетди.

— Нима кейин?

— Пақ этиб ёрилади!

Ойша саватчасини олиб, чиқиб кетди. Дадавой:

— Ана, буви, ана, кўрдингизми, — деди қовоғини  
осилтириб.

— Қўявер тойчоғим, қўявер, — дея бувижони уни  
юната бошлади, — ойинг, даданг командировкадан кел-  
ганда бир чақайлик, қўявер оппоғим, сен ичгин, деб сер-  
қийма мастава қилдим.

Дадавой хушбўй кўкатлар солинган серқатиқ мас-  
таванинг дарагини эшитса ҳам кўнгли овқат тиламай:

— Э-э, яна тураманми? — деди (каравотга ёпишиб  
қолган болада иштаҳа нима қилсин).

— Нега тураркансан, — деди бувижониси, — бўта-  
лоғим, оппоғим, тойчоғим, сен ёцбошлаб ёта тур, мен хо-  
зир келаман, — дея чиқиб кетди-ю, зум ўтмай қўлида то-  
гора, елкасида сочиқ билан қайтиб кирди. Дадавой кўр-  
панинг тагидан секин қараса, бувисининг қўлида ўша  
таниш тогора, ювингани эриниб ўзини ухлаганга солиб  
ётаверди. Бувисида шубҳа уйғотмаслик учун бир-икки  
хуррак ҳам отган бўлди.

— Вой, тойчоғим, яна туш кўряпти шекилли, — де-  
ди бувиси, — майли, болам, яхши-яхши тушлар кўр-  
сомса пишганда уйғотарман.

Бувиси Дадавойнинг ширмон нондай қип-қизил юз-  
ларига қараб меҳри жўшиб кетди, каравотнинг четига  
омонатгина ўтирди. Дадавойнинг кичиклигида эркалаб  
айтган алласини эслаб, паст товуш билан хиргойи қила  
кетди.

Бувиси оёқ учида чиқиб кетиши билан Дадавой кў-

зини очди. Очди-ю, турайми, йўқми, деб яна алламаҳал-гача шифтга қараб ётди. Оббо, тентак Ойша-е, бугун дам олиш куни бўлса, ўзинг чўзилиб дам олмаганингга яраша, акангни тинч қўй, мактабга судраб нима қиласан. Виставка эмиш-а! Мактаб тажриба участкасидаги қовоқ, тарвуз, бодринг, помидор, мочалкаларни бир марта кўрган. Ушанди ҳам мана шу Ойша бўйнига сиртмоқ солгандай судраб борган эди. Уша ҳам тарвуз-қовоқ бўлди-ю, мана деразадан кўриниб турган Нусрат бобонинг қовоғини қовоқ деса бўлади. Дадавой Нусрат бобонинг қовоғини тоза мақтовини келтирган, бувисини «маҳалла қозонидай келади-я», деган гапларини эслаб, қовоққа узоқ тикилди.

— Зўр-е! — деб юборди ва ёстиқнинг тагидан дарров битта конфет олиб оғзига солди. Кўзларини юмиб, ҳузур қилиб сўрган эди, калласига шунақа ажойиб фикр келдики, ҳаяжондан оғзидаги бус-бутун конфетни ютиб юборди, биров бошига тўқмоқ билан ургандек сакраб туриб кетди.

— Оламан, қовоқни оламан, — деди ўзига-ўзи. Деразадан мўраласа бувиси ҳовлининг этагидаги тандирда орқасини ўгириб сомса ёпаётган экан. Дадавой шиппакни илиб, секин ҳовлига тушди. Атайлаб бир-икки йўталиб қўйди, йўқ, бувиси эшитмади. Шундан сўнг кўнгли хотиржам тониб, Нусрат бобонинг томига нарвон қўйди. Лип этиб, томга чиқиб олди. Ўрикнинг каттакон шохи томга эгилиб, томдаги мўрини тўсиб турарди. Дадавой бир-бир кўздан кечирди. Нусрат бобоникида ҳеч ким йўқ шекилли, ҳовли бўш, бувиси ҳам ўзи билан ўзи овора. Ана, бувижони шошқалоқлаб тандирдан оқиб тушган сомсани қўли билан олди-ю, пуф-пуфлаб саватга ташлади, косадаги сувга бопмалдогини тикиб, яна тандирга эгилди. Дадавой мўри орқасидан бошини чиқариб, қовоққа қаради. Зап қовоқ эканми? Шу қадар катта, шу қадар каттаки, пастдан қараган одам ўрикнинг танасидан бўлак ҳеч нарсани кўролмаса керак, ие-ие, анови ким? Дадавой секин шохнинг орасидан мўралади. Буни қаранг, Нусрат бобо ҳам қўлини орқасига қилиб, пастда қовоққа қараб турган экан.

— Бай-бай! — деди Нусрат бобо.

Ошхонанинг деразасидан кампирнинг боши кўринди.

— Ҳа, нимага хайрон бўляпсиз, чол?

— Қовоққа, кампир, — деди Нусрат бобо, — қовоққа!

Кампир ташқарига чиқиб, у ҳам ҳайрат билан ўрилка қаради.

— Товба!

— Ёшим икки кам саксонга кириб, бунақа қовоқ кўрган эмасман.

— Мен ҳам, чол.

— Бу дейман, қиши билан маза қиладиган бўлдик, кампир.

— Қовоқдан минг турли овқат қилса бўлади, чол!

— Қовоқ сомса! — деди Нусрат бобо.

— Қовоқ манти, — деди кампир.

— Ширқовоқ, — деди Нусрат бобо.

— Аччиққина қилиб қовурсангиз ана овқату мана овқат, — деди кампир, шунча ширин-шакар таомларнинг дарагини эшитган Нусрат бобо бирдан шошиб:

— Э, қовоқни узаман, — деб қолди.

Ошхонадан пичоқ олиб чиққанда, кампир ҳой-ҳойлаб, уни зўр-базўр шаштидан қайтарди.

Шундай бўлса ҳам Нусрат бобо қовоқдан кўз олмай тураркан:

— Бу қовоқ соат сайин катталашяпти, ўрикни қулатмаса гўрга эди, кампир, — деди.

Бу гапдан кампир ҳам пича чўчиди-ю, аммо ичидagini сиртга чиқармай Нусрат бобога далда берган бўлди.

— Қўйинг-е, чол.

— Бу дейман, кампир, ҳамма сир уруғидамикин?

— Бо-о, нима деяпсиз, чол, ҳамма сир сизнинг қўлингизда.

Бу гап Нусрат бобога хушёқиб, оғзининг таноби қошиб илжайди.

— Ҳа, ўргилай, чол, ха! — деди кампир яна гапини тасдиқлаб.

Нусрат бобо яна бир нарсa демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган эди:

— Э, чол, гапга солмай кетинг, — деди кампир, — овқатни сузиб қўйганман-а!

Кампир шоша-пиша ошхонага ўтди. Нусрат бобонинг ташвиши ваҳимага айланиб:

— Бу катта бўлиб кетаверса, катта бўлиб кетаверса, — деди пичирлаб, — бир кун эмас, бир кун узилиб ошхонанинг томини босиб қолмасмикин?

...Чол-кампир ҳовлини ярмига қуюқ соя ташлаган каттакон тутнинг остидаги чорпояга чиқиб иштаҳа билан овқатланаверишсин-у, энди ҳали ҳам мўрининг орқасида яшириниб ўтирган Дадавойга келайлик. Шу денг, чол-кампирнинг мақтовидан Дадавойнинг қовоққа бўлган қизиқиши яна ортиб кетиб, қовоқ назарида боғидан ҳам каттароқ бўлиб кўзига кўринди. Қўшниси Нусрат бобо эккан нарса ҳаммани қўйиб ёмон бўлармиди, бир-бири билан аҳил, бир-бири билан иноқ бу чолу кампирнинг ишларига ҳам, нарсаларига ҳам ҳамманинг ҳаваси келарди. Кампирнинг чеварлиги-ю, чолнинг миришкорлиги маҳалланинг оғзига тушган. Дадавой шундоқ катта, шундоқ ажойиб қовоқни олиб бориб, мактабдаги кўргазмага қўйса «қўлинг дард кўрмасин», деб ҳамма Дадавойга қойил қолган бўларди, аммо, шундоқ баҳайбат қовоқни олиш ҳазилакам иш бўптими, қовоқ бодринг эмаски, дарров узиб чўнтакка солсанг. Бошини қотиргандан кўра уруғини олса-чи. Дарров бувисига бериб, шафтолининг тагига экдиради-ю, кўз очиб-юмгунча каттакон қовоқ битади-қўяди. Ахир боя чол ҳамма сир қовоқнинг уруғида демабмиди! Қойил бўларди-я. Маҳалла қозонидай қовоқни Дадавой елкасига қўйиб, дарров мактабга олиб борган бўларди. Шундоқ анови виставкага, йўғ-е, тўппа-тўғри идорага кириб, ўша баджаҳл Солижон Болтажоновнинг олдига қўйган бўларди. Бекорга койидингиз, домла, мен саланглаб юрганим йўқ, учни учга қўшолмаган бўлсам, камоли дарс тайёрлашга вақт тополмаганимдан айтганман, деган бўларди. Шунда доим болаларнинг ёнини олиб юрадиган директор даргазаб бўлиб, ўрнидан туриб кетарди-ю:

«Бу қанақаси бўлди, Солижон Болтажонович, бу қанақаси бўлди, — деб уни тоза койиб кетарди, — бола бечора мактаб обрўси деб, мактаб шон-шуҳрати деб, шундоқ қовоқ етиштириш билан овора экан-у, сиз қаждаги бўлмагур, бачкана саволларингиз билан унинг бошини оғритиб, тагин уялмасдан кундалигига «икки» қўйиб юрибсиз. Шу ҳам инсофданми, бола тарбиялаш қўлингиздан келмаса, тарбиялай оладиган одамга ўрни-нгизни бўшатиб беринг», дейди.

Директор ҳаяжон билан Дадавойнинг пахтадай ошпоқ қўлларини қисиб, қовоқни дарров виставканинг тўрига қўйдириб қўйган бўларди. Ана ўшанда анови Солижон Болтажоновнинг аҳволини кўрсангиз. «Укажон,



худо ҳаққи, ўша иккимни қайтариб беринг», деб тоза ялинган бўларди. Бу ҳам майли. Анови тентак Ойшани уйдаги қилиқларини эшитиб, қулоқларидан бураб олиб келарди-ю: «Бунақа акани бошингизга кўтариб юринг. Ойшахон, бунақа ака дунёда битта», деб Дадавойнинг кундалигидаги «икки»ни дарров Ойшанинг кундалигига қўйдириб қўйган бўларди!

Дадавой шундай ширин-шакар хаёллар билан маст бўлиб, яна ўйлай кетди. Боя Нусрат бобо бу қовоқнинг сири уругида деди, хўш, уруги ўлгурни қандоқ олса бўларкин?

Оғзига битта конфет солиб, ҳузур қилиб сўриб кўрган эди, калласига шунақа ажойиб фикр келдики:

— Топдим! — деб юборди қувончдан қичқариб.

Дадавой ўрикнинг танасига ёпишиб, дарров пастга тушди. Ошхонадан кампирнинг ошпичогини олиб чиқди. Яна бир марта тутнинг тагида чол-кампирнинг овқатдан бош кўтармай ўтирганини кўриб, ошпичоқни белига қистирди-ю, ўриikka тирмашди. Аммо шу тирмашганча қанча инқилламасин, қанча синқилламасин, жойидан жиллолмади. Кейин ке, илонга ўхшаб дарахтга чирмашиб юраманми деди-ю, оғзидаги конфетни сўриб, бир сакраган эди, ўрикнинг катта шохига чиқиб миниб олди. Белидаги ошпичоқ билан қовоқни чертмаклаб, бир бўлагини суғуриб олди. Ичига қаради, эҳ-хе, ичи ҳам Дадавойнинг бувисини тандиридай келаркан. Дадавой шошиб, қовоқнинг тешигига қўл тикди. Қўлига уч-тўрт уруг илинди. Уругни кўриб, ҳафсаласи пир бўлди, ие, бу оддий қовоқнинг уруги-ку, бунақа уругдан ана, бувисининг айвонидаги устуннинг миҳида бир халтаси турибди. Дадавой шунча меҳнатнинг зое кетганига ачиниб, уругни томга улоқтириб юборди-да, чўнтагидан яна битта конфет олиб оғзига солди.

— Ҳали ҳам қовоқни узганим маъқул, — деди конфетни мазасидан бутун вужуди аллақандай лаззат топиб, калласи ҳам бўзчининг мокисидек тез ишлаб кетди, — бўлди, шунга узиб мактабга олиб бораман!

Дадавой шошиб қолди. Шунақа пайтда шошқалоқлик жуда ёмон нарса-да. Мана яна бус-бутун конфетни ютиб юборди-я. Қўлидаги ошпичоқни даст кўтариб қовоқнинг бандига солмоқчи бўлди: банди узилса, қовоқ гумбурлаб пастга тушса ёрилиб расво бўлади-ку! Дадавой ён атрофга аланглаб, жўхорининг пайкалидаги

кетмонни кўриб қолди ва бир сакраб пастга тушди. Кетмонни қўлга олди. Қойил, бандига уриб кетмонни ташлайди-ю, дарров қовоқни илади. У чол-кампир томонга яна бир қараб, ошиб-тошиб кетаётган кўнглини хотиржам қилиб олгач, худди шундай қилган ҳам эди, қовоқ гумбурлаб узилиб кетди. Ўрикнинг эгилиб турган шохлари қирсиллаб силкинди. Дадавой улгуролмай қолди. Қовоқ ўлгур бошига тушиб, елкасигача қовоқнинг тешигига кириб кетди. Дод деган эди, овози чиқмади, довдираб ўтириб қолди.

— Э, нима гап, ҳаммаёқ гумбурлаб кетди, ўрик қуладими, — дея Нусрат бобо кавушини пойма-пой судраб, ўрикнинг тагига югуриб келди, келди-ю, ўрикнинг шохига қараб ҳайратда қолди: ё товба, қовоқ қани?

— Ҳой, кампир, буёққа кел, — деди Нусрат бобо. Кампир ҳам сарпойчанг югуриб келди. Нусрат бобо ҳамон ўрикнинг шохидан кўз олмай:

— Қани, — деб гўлдирарди.

Кампир ҳовлиқиб, даг-даг титраётган Нусрат бобонинг елкасидан жонҳолатда силкий бошлади:

— Ҳой, чол, сизга нима бўлди, эркаксиз-а, ўзингизни қўлга олинг, нима бўлди?

Нусрат бобо:

— Қани? — деди бўшашиб.

— Ҳой, чол, нима деяпсиз, нима қани?

— Э, қовоқ қани деяпман, қовоқ?

Кампир ҳам ўриikka бўзрайди.

— Вой ўлмасам, ҳой, чол, қовоқ қани?

Нусрат бобо ёқасини ушлаб:

— Ё товба, бу қовоқда бир сир бор демабмидим, осмонга учдими, ё ерга... — дея оёгининг остига қараган эди, ўриқдан икки қадам нарида ётган қовоқни кўриб қувониб кетди.

— Ана, кампир, узилиб тушибди-ку. Мен бўлсам боядан бери довдираб оёғимнинг тагидагини кўрмай осмонга аланглайман.

— Ҳайрият-е, — деди кампир ва қовоқни силаб-сийпай бошлади, бир ери заҳа бўлмабди-я, чол, худди биров авайлаб олиб қўйгандай-а.

— Рост айтасан, — Нусрат бобо ҳам шошиб қовоқни ушлаб кўрди. — Қани, кўтаришиб юбор буни, тезроқ ошхонага олиб кириб қўяйлик.

Чол бир томондан, кампир иккинчи томондан, қо-

воқни кўтараман, деб турганда қовоқ силкигандай бўлди-ю, чол билан кампир ўтириб қолди.

— Ҳой, кампир, — деди анчадан сўнг Нусрат бобо ҳушига келиб, — қовоқни сен кўтардингми?

— Йўғ-е, сиз кўтардингизми?

Шу пайт қовоқ яна бир қимирлаб қўйган эди, чол-кампир нима гаплигига тушунолмаб бир-бирларига қараб қолишди.

— Кампир, анови сакрагандай бўлдимиз? — деди Нусрат бобо кўзларини ишқалаб. Кампир эса оғзи очилиб, тили гапга келмай қолди, шу алфозда талайгина ўтиришгач:

— Туф-туф, — деди кампир кўкрагига, — ҳеч жаҳонда қовоқ ҳам сакрайдими?

Кампирнинг овоз берганидан Нустрат бобонинг юраги дадиллашиб:

— Тўғри айтасан, кампир, — деди, — ҳеч жаҳонда қовоқ ҳам сакрайдими, тур кўтар.

Чол-кампир ўринларидан турдилар. Икковлари қовоқнинг икки томонидан кўтармоқчи бўлиб, яна қўл чўзишган эди, қовоқ аста эмаклаб юра бошлади. Кампир билан чол ваҳима билан орқаларига думалаб тушишди. Кампир бир амаллаб ўрнидан туриб олди-ю, жон аччиғида қоча бошлади.

— Дод, бу қовоқ эмас, алвасти экан, дод!

Ўрнидан тургани ҳам мадори қолмаган Нусрат бобо қалт-қалт титраб, қовоқдан кўз ололмаб қолди. Қовоқ эса анча ергача эмаклаб бориб, қаттиқ бир силкинди-ю, рўйирост ўрнидан туриб кетди. Нусрат бобо ўтирган ерида тиззаси қалтираб, ёқасини ушлади.

— Ё товба, тушимми, ё кампир айтганидек алвастими бу, ҳеч жаҳонда қовоқнинг ҳам оёғи бўладими?

Шу пайт қовоқ турган ерида гир-гир айлана бошлади. Нусрат бобо.

— Ўнгга, ўнгга! — деди ошхонани кўрсатиб.

Қовоқ ўнги билан чапини ажратолмай тўппа-тўғри овоз чиққан томонга кела бошлаган эди, чолнинг ўтақаси ёрилиб тўрт оёқлаб қоча бошлади.

— Э, э, менга яқинлашма, палакат, орқангга қайт!

Қовоқ орқага тисарила-тисарила ошхонага кирди. Чол дик этиб ўрнидан туриб, ошхонанинг эшигини маҳкам беркитиб олди.

— Ҳой, кампир, қаёқдасан?

Огилхонага яшириниб олган кампир туйнукдан мў-  
ралади.

— Ҳа, нима дейсиз?

— Бери кел, — деди Нусрат бобо.

Кампир юрагини ҳовучлаб огилхонанинг эшигидан  
бош чиқарди.

— Эсон-омонмисиз, чол, — деди йиғламсираб, — қо-  
воқ ўлгур икки ямлаб бир ютдимикин деб, ўтакам ёрил-  
ган эди.

— Э-э, кўп гапирма, — деди Нусрат бобо, — яқин-  
роқ кел.

Кампир битта-битта қадам ташлаб, яқинлашди-ю,  
шунда ҳам қовоқ ошхонадан чиққудек бўлса, яна огил-  
хонага қочишни мўлжаллаб қўйди. Энди бўш сандиқ-  
нинг ичига тушиб олади-ю, ўлса ҳам чиқмайди, йўқ, хай-  
рият, қовоқ ичкарига кириб кетганча гумдон бўлди!

— Менга қара, кампир, — деди Нусрат бобо пичир-  
лаб, — қовогимизнинг одамникига ўхшаш оёғи бор экан.

Бу гапдан кампир яна шайтонлаб қочиш пайига туш-  
ган эди, Нусрат бобо қўлидан маҳкам ушлаб олди.

— Ҳа, нима дейсиз?

— Арқон топиб кел, — деди наст товуш билан Нус-  
рат бобо ва бу гапни қовоқ эшитиб қолмадимикин, деб  
эшикка қулоқ тутди, йўқ, ичкаридан тиқ этган садо, би-  
роқ шарпа сезмади.

— Арқонни нима қиласиз?

— Яхшилаб оёғидан боглаб қўямиз.

Кампир огилхонадан бир ўрам арқон олиб чиқиб,  
ошхонага яқинлашмай узокдан улоқтирди, Нусрат бобо,  
бери кел, деб имлади ва кампир яқинлашиши билан:

— Ичкарига кир, — деди.

— А?!

— Кир-у, маҳкам ушла, мен дарров оёғига арқон со-  
ламан.

— Нима, нима?

— Бўл тез, вақт ўтмасин!

— Э, боринг-е, — деди кампир, — чол, сиз эркаксиз,  
аввал сиз киринг, маҳкам ушланг, оёғига мен арқон со-  
лай.

— Гапни чўзма, — деди Нусрат бобо, — бўл тез!

— Йўқ, ўзингиз киринг.

— Йўқ, сен кир!

— Ҳо, сиз киринг, чол, сиз киринг!

Чол-кампир тортиша-тортиша бир қарорга келиша олмагач:

— Менга қаранг чол, — деди кампир, — юринг, яхшиси кўни-кўнинини чақирайлик, кўпчиликдан қуён қочиб қутулмас, юринг.

Нусрат бобо иккиланиб:

— Майли, — деди ва кампирни эшикка тургазиб кўйди, — мен кўчага чиқиб олгунча сен шу ерда тур.

— Ҳо-ҳо, сиз шу ерда тура туринг, аввал мен кўчага чиқиб олай!

— Бекор айтибсан, — деди Нусрат бобо, — бекор айтибсан.

— Ҳо-ҳо, — деди кампир ҳам бўш келмай, — бекоргинани каттасини сиз айтибсиз, чол.

Кампирнинг шангиллашидан Нусрат бобо ваҳимага тушиб, яна ошхонанинг эшигига қараб:

— Э-э, жим, кампир, — деди, — кел, яхшиси, иккаламиз бараварига юрамиз.

— Ҳа, бунингиз бўлак гап, чол, — деди-ю, кампир чолдан аввал қочиб қолди. Чол-кампир орқаларига қарамай югуришди. Аммо икковлари баб-баравар чиқаман деб, кўча эшикка тиқилиб қолишди.

— Хой, чол, йўл беринг!

— Э-э, сен йўл бер, — деди Нусрат бобо худди қовоқ келиб елкасига чанг солаётгандек, — мен чиқиб олай.

— Йўқ, аввал сиз йўл беринг, — деди кампир бўш келмай ва бир силтанди-ю, ўқдек отилиб кўчага чиқиб кетди. Нусрат бобо ҳам унинг кетидан югурди.

Дадавой ҳам ҳадеганда эс-хушини йиғолмай ўтирди. Минг додласин, минг бақириб-чақирсин, энди овозини ўзидан бўлак ҳеч ким эшитмайди, бошини суғуриб олай деса, ҳазилакам қовоқми, тагин ҳам полвон экан, индамай кўтариб ўтирибди. Қовоқ ўлгурни эт-бетига уриб, ёрай деса, ичида ўзининг боши бор. Аттанг, шу топда оғзига битта конфет соллмади-да, битта конфет солганда борми, мияси бирам тез ишлаб кетардики, бу мушкулдан дарров қутулган бўларди. У беихтиёр тамшаниб, лабларидоги қолган-қутган ширани ялаб-юлқиётган эди, тилига алланарса илинди, сўриб кўрган эди, қовоқнинг уруғи экан. Бай-бай, қовоқ бувижонининг таърифича бор экан: уруғи ҳам конфетдек асал бўлиб кетган экан. Шундан сўнг денг, қовоқнинг уруғини яхшилаб шимиб, ўйлаб кўрса, эҳ-ҳе, бу ишларнинг бўлгани қайтага яхши экан. Энди ҳеч ким гинг деёлмайди. Уйимдан алвасти

чиқди, деб кўчада тиззаси қалтираб ўтирган анови Нусрат бобо билан хотини қовоқдан қутулганига суюнади. Бўлди! Қовоқни кўтариб, тўппа-тўғри мактабга бораверади, бўлди! Аммо бир нарса халақит беряпти-да. Йўл кўролмаса, чўнтагидаги ширин-ширин конфетлардан бир донагинасини оғзига сололмаса. Дадавой дарров тўрт дона қовоқнинг уругидан шимиб, калласини ишлатиб кўрган эди, бунинг ҳам иложи бор экан. Мўлжаллаб оғзининг рўпарасидан, кўзининг олдидан тирноқлари билан тимдалаб тешикча очди. Бу қилмишидан шунақа хурсанд бўлиб кетдики, дарров чўнтагидан олган конфетни қоғоз-поғози билан оғзига солиб юборди. Энди ошхонадан чиқиб бемалол кўчага йўл олмоқчи эди, шунча тер тўкиб, меҳнат қилгандан кейин бувижони узаётган сомсадан бир донани тандирнинг олдидаги косадаги сувга солиб, егиси келиб кетди-ю, кўчадан айланиб юраманми, деб турган жойидан бир сакраган эди, ошхонанинг мўри-пўрисини ағдариб, томга чиқиб олди. Қараса, бувижони бир палён ўтиннинг устига ўтириб олиб, иссиқ сомсанинг юзига ёғ суртаётган экан. Битта-битта нарвондан туша бошлаган эди, кўча эшиги тарақа-турук очилиб кетди-ю, яна ичкарига баб-баравар кирмоқчи бўлган Нусрат бобо билан хотини эшикка тиқилиб қолди.

Дадавойнинг бувиси бу шовқин-сурондан ҳовлиқиб, югуриб келди ва жон аччиғида кампирнинг қўлидан ичкарига торта бошлади.

— Ҳой, қўшни, сизга нима бўлди, эгачимни қўйиб юборинг!

Дадавой мундоқ қараса, иш чатоқ, гала-говурдан фойдаланиб, лип этиб хонасига ўтиб олди-ю, ҳаммаёқ тинчигандан кейин чиқарман, деб кўрпанинг тагига кириб кетди. Ҳовлига аранг кириб олган чол-кампир бир-бирларига гал бермай ҳовлиқа-ҳовлиқа бўлган воқеани Дадавойнинг бувисига гапириб бера бошладди. Бувиси бу миш-мишлардан хайратда қолиб:

— Вой, товба-ей, — деб юборди, — ҳой, айланайлар, шу гаплар ростми-а?

Нусрат бобо куйиб-пишиб:

— Э, қўшни, — деди, — оппоқ соқолим билан ёлғон гашираманми?

Буви ҳамон қулоқларига ишонмай ўтирарди.

— Ҳой, оёғи ҳам борми-а, — деб сўраган эди, кам-

пир яна алвасти қовоқни кўз олдига келтирди-ю, этлари жимирлашиб:

— Қўли ҳам бор, овсин, қўли ҳам! — деди.

— Ё товба!

— Тирноқлари ўлгур денг қошиқдай-қошиқдай, юзимга чанг солишига сал қолди-я!

— Худо бир асрабди.

— Секинроқ айтасизми, яхшики, палакатим ариб қочиб қолдим, бўлмаса кўзларимни ўйиб оларди. Эсла-сам этларим жимир-жимир қилади-я!

— Косов билан қуриб кетгурнинг бошига бир ту-ширмадингизми?

— О-о! Косов дейсиз-а, — деди кампир бош чай-қаб, — қочиб қолганимга минг-минг шукур.

Дадавойнинг бувиси Нусрат бобога юзланди:

— Сизга ҳам чанг солдими, айланай?

Нусрат бобо бояги палакатни устига тўпна-тўғри бостириб келганини эслаб, тиззалари яна қалтираб кет-ди.

— Бўлмаса-чи!

Оғилхонага яшириниб олган эди-ку, ҳамма воқеани теңасида тургандек:

— Бир маҳал бундоқ қарасам, айланай овсин, — деб гапириб кетди кампир, — алвасти ўлгур чолнинг со-қолларига қўлларини чўзиб келяпти денг! Ҳар қўллари, ҳар қўллари, ажойибхонадаги маймуннинг оёғи дейсиз!

— Вақтида ўзимни четга олдим, — деди Нусрат бобо гўлдираб.

— Ҳа, вақтида ўзингизни четга олдингиз, — деди кампир ҳам Нусрат бобонинг гапларини тасдиқлаб, — худонинг обрўйи денг, хотин киши бўлсам ҳам унча-мунчага чўчимайман, ўз вақтида қочинг демасамми, ма-на шу серкиллаб турган соқолларидан битта ҳам қолмас эди.

— Ие, қачон қоч дединг? — деди Нусрат бобо кам-пирнинг гапини бўлиб, — оғилхонанинг ичида ўтирган эдинг-ку!

— Айтдим, айланай чол, айтдим, — деди кампир ҳам бўш келмай, — оғилхонанинг ичида бўлсам ҳам мў-ридан бош чиқариб айтдим. Ўзингиз эшитмадингиз, қу-логингиз оғирроқ, чол!

Чол-кампир бир-бирлари билан баҳслашар экан, Да-давойнинг бувиси ҳали ҳам ҳайратда эди.

— Вой, товба, — дерди ўзига-ўзи, — шу гаплар ростмикин-а?

У зимдан чол-кампирга қаради, киши қариса бамисоли боладек бўлиб қолади, деб шуни айтади-да, тавба, ҳеч жаҳонда қовоқ ҳам юрадимми?

Чол-кампир ниҳоят баҳсдан тўхтаб, бирдан бу ерга нимага киришганини эслаб қолишди.

— Қуриб кетгурни бир амаллаб аранг ошхонага қамадиг-у, қўни-қўшнига хабар берайлик, деб югуриб чиқдик, — деди кампир, — юринг!

Дадавойнинг бувиси чўчиб тушди.

— А! Вой, мен нима қилиб берардим.

— Майли, айланай, ҳеч нарса қилиб бермасангиз ҳам бир чеккада алвастини қарғашиб турсангиз, булар кўпчилик экан деб, зора чўчиса!

— Ҳа-ҳа, қўшни, юринг, — деди Нусрат бобо ҳам.

— Йўқ, айланай, чиқолмайман.

— Нега?

Дадавойнинг бувиси уйга ишора қилди.

— Неварам ухлаб ётибди, ёлғиз ташлаб кетолмайман.

Нусрат бобо қувониб кетди.

— Ие, Дадавойми!

— Ҳа.

— Уни ҳам уйготинг, — деди Нусрат бобо шошиб, — бизникига чиқсин, бир чеккада туриб ха-ҳалашиб турса, юракка анча далда бўлади.

Кампир ҳам:

— Алвасти ўлгур Дадавойни кўриб, тирракдек қотади, айланай, овсин, — деди, — Дадавой паҳлавондай йигитча бўлган, уйготинг!

Бувиси иккиланиб қолди.

— Ўзим ҳам неварамга сомсани едириб, қовогингизни бир кўрсатайми, деб турган эдим.

— Э-э, уйготинг! — деди Нусрат бобо.

Бувиси уйготмоқчи бўлиб ўрнидан турган эди, чол-кампирнинг сабри чидамай Дадавой ётган уйга қараб югуришди. Баб-баравар кираман, деб яна эшикка тикилиб қолишди.

— Йўл беринг, — деди кампир.

— Йўқ, сен йўл бер, — деди чол.

Бу гал ҳам кампир зўр чиқиб, ичкарига кирди ва йигламсираб деди:

— Ҳой, Дадавой, туринг, турмасангиз ҳолимиз вой.



Нусрат бобо бўлса каравотга худди савол аломатидай энгашиб:

— Тур, болам, — деди, — тур, бизни бало-қазодан қутқар!

Дадавой миқ этмади. Кампир сабри чидамай кўрпанинг бир четини кўтарди-ю, бўзрайди-қолди. Кейин хушига келиб, дик этиб турди, орқага қарамай қочди. Нусрат бобо эшик қаёқдалигини унутиб, деразадан сакрабди.

— Войдод, — деб чинқириб юборди кампир, — алвасти ўлгур шу ерда экан!

Дадавойнинг бувиси энди зинадан чиқиб келаётган эди. Кампирнинг гапларига ҳайрон қолиб:

— Ҳой, ҳой, бу нима деганингиз, нега менинг неварам алвасти бўлар экан, оғзингизга қараб гаширинг, — деди ва ичкари кирди, — оппогим, тойчогим... — дея кўрпани бир четини очди-ю, хуши учиб ўтириб қолди.

Қовоқ бош кўтарди. Каравотдан тушди. Шошилмай ҳовлига чиқди. Тандирнинг олдига борди, иссиқ-иссиқ сомсадан чўнтакларини тўлатди. Биттани косадаги сувга солиб, ютиб юборди ва Нусрат бобо, кампир, бувисини ҳайратда қолдириб, кўчага чиқиб кетди.

Анчагача ҳеч кимдан садо чиқмай қолди. Бувиси тушимми, ўнгимми деб, киприк қоқмасди. Нусрат бобо эса оғзини очиб ҳадеб энтикарди. Кампир Дадавойларни оғилхонасига кириб, тешигидан бош чиқариб, алангларди. Бирдан Нусрат бобо эсини йиғиб:

— Мени қовогим, — деди пичирлаб.

Кампир ҳам хушига келиб:

— Чол, қовоқ қочди, — деб қичқирди.

— Вой-вой, сизларга бир нарса бўлганми-а! — деди Дадавойнинг бувиси, — мен неварамни оқини-оқ, қизилини-қизил қилиб ширмон юзларини қовоғингизга ўхшатиб семиртиргунимча адоин тамом бўлганман!

Нусрат бобо сабри чидамай:

— Э, бўлди, қўшни, — деди, — мен шунча қилган меҳнатимдан айрилиб қолдим, сиз бўлсангиз...

Бувисини бирдан ваҳима босди.

— Войдод, қовоқ неварамни еб қўйибди, оёғи неварамникига ўхшайди.

Нусрат бобо кўчага қараб чопаркан:

— Тўхта! — деб қичқирди.

Бувиси ҳам эшикка югурди.

— Тўхта, ҳой, Дадавой!

Нусрат бобо орқасига бир қараб, шунда ҳам йўлидан қолмай:

— Э, нега Дадавой бўларкан, мени қовоғим-ку! — деб қичқирди, — хой, қовоқ, тўхта!

Бу гал чол, кампир, бувиси баб-баравар кўчага чиқаман; деб эшикка тиқилиб қолишди-ю, тоза баҳслаша кетишди. Дадавой бўлса оғзига битта конфет, битта иссиқ сомса солиб, тўппа-тўғри мактабга йўл олди. Қаранг, иссиқ сомса билан конфетни қўшиб еса, одамнинг калласи шунақа ишларканки, ке, папка кўтармаган одам қозондек қовоқни кўтариб юраманми деди-ю, елкаси билан бир туртиб, тешикни катта қилди, дарров қовоқни ичига тушиб олди ва қовоқни юмалатиб кетди. Мактабнинг олдидаги кўчага келганда тўхтади. Чанқовимни босай деб, эски одатича қовоқдан чиқмай қичқирди: — Ойша, тўртта шафтоли узат!

Аммо овози қовоқни ичида шунақа шангиллаб кетдики, биров уни қулогига миҳ қоққандай бўлди. Модомики, қовоққа тушган одамнинг овози шунақа ширин, шунақа жарангдор бўларкан, нега энди битта қулинг ўргилсин ашула айтиб кўрмасин, бора-бора унинг овози оламга машҳур бўлиб, у ҳам катта ашулачилардан бўлиб кетса-я! Ушанда концерт залига гурра-гурра одам келаверса, одам келаверса-ю, ҳеч қаёққа сигмай кетиб, ярми кўчада қўл қовуштириб турса. Дадавой қора шим, қора костюм, оқ кўйлак, бурни олақарганинг тумшугига ўхшаган чўзинчоқ қора амиркон туфли кийиб чиқса-ю, қийқириқ, гулдурос олқишларга парво қилмай, биринчи қаторда бир сават шафтоли олиб ўтирган Ойшанинг ял-ял ёнишини кўриб, дарров қовоқнинг ичига бошини тиқиб, ашулани бошлаб юборса. Залда ўтирган анови баджаҳл домла:

— Шундоқ булбулга «икки» қўймай мен ўлай! — деб қўлидаги йўқлама билан бошига бир урса. Дадавойнинг ашуласидан сел бўлиб ўтирганларнинг орасида бувиси билан уйидан «алвасти» чиққан Нусрат бобо ҳам бўлса. Дадавой, Ойша пўстини арчиб узатган шафтолидан биттани тили билан танглайининг ўртасига қўйиб, сувини қулт-қулт ютса-ю, яна қовоққа бош суқиб, «Яллама ёрим»ни бошлаб юборса. Шунда боядан бери юм-юм йиғлайвериб қовоқлари шишиб кетган баджаҳл домла Дадавойнинг овозига маҳлиё бўлиб, ўйинга тушиб кетганини ҳам билмай қолса. Ана чапагу ана қийқириқ.

залдагиларнинг овози худди мактабдаги «ёш шофёрлар» тўғарагида турган эски машинанинг моторига ўхшаб гувиллаб кетса-я!

Аmmo шу пайт қовоқ чархпалак бўлиб кетди-ю, Дадавoйнинг хаёли бўлинди. Қовоқ ўлгур ҳам келиб-келиб кўчанинг ўртасида туриб қолган экан-да, йўловчи машинанинг шамолига думалаб, ариқнинг бўйида тўхтаб қолди. Э, машина бўлмай ўл, бу қовоқнинг ичида ким ўтирганини биласанми, дея Дадавoй қовоқдан чиқди. Сомса тоза чўллатган экан, энгашиб ариқдан сув ича бошлади.

— Оҳ-оҳ, сув эмас, сут-а!

Дадавoй чанқовини босди-ю, ариқ бўйига олачалпоқ соя ташлаб турган толнинг танасига суянди. Оббо,чолкампир-эй, «палакат қовоқ»дан қутулганига шукр қилиб, тинчгина уйда ўтиравермайдими, зап қочиб қолдими! Энди қовоқни бир думалатса мактабга етди деган гап, қизиқ, бугун мактабда ким бор экан, албатта директор бўлади, уни шахсий календаридида отдих деган кун йўқ. Ойша, анови синфдошлари нима қилишаётганикин, тажриба участкасидан қайтганмикин, яна бир масала Дадавoйни ўйлатиб қўйди. Қовоқни бошига қўйиб боргани маъқулми, ё ичига тушиб думалатиб мактабга киргани яхшими? Дадавoй оғзига конфет солиб, ўйлаб кўрса, униси ҳам маъқул эмас, буниси ҳам. Қани битта кўлинг ўргилсин эшак арава бўлганда-ку, соз бўларди-я, ҳар қалай мактабга тантана билан кирса, ие-ие, анови келаётган нима, вой, эй, ҳозиргина хаёл қилган эшак араванинг худди ўзгинаси-ку! Дадавoй лип этиб қовоқнинг ичига кириб кетди-ю, қовоқни «оғзи»дан йўлга қаради. Қани яқинроқ келсин-чи, қўлга тушириш ҳеч гапмас.

Бошига қийиқ тангиб, икки қулогига райҳон қисгириб олган шопмўйлов аравакаш қирчанги эшакни жиловидан судраб келарди. Арава яқин қолганда Дадавoй жўрттага томоқ қириб йўталиб қўйди. Қовоқнинг ичидан жаранглаб чиққан бу йўтал момақалдироқнинг гулдуррашидек ҳаммаёқни тутиб кетди-ю, аравакаш аланглаб осмонга, ён-атрофга қараган эди, Дадавoйнинг кулгиси қистади. Ўзини тутолмай қаҳ-қаҳ уриб юборди. Бу кулги қовоқнинг ичидан шунақа даҳшат билан эшитилдики, аравакаш қўлидан жиловини тушириб юбориб, ҳовлиққанча эшакка миниб

олди. Маст кишидек оёғи чалишиб зўрга аравани судраб келаётган эшак мункиб кетди. Аравакаш эгарнинг устидан учиб кетиб, шалоплаб ариққа тушди, ярим белигача лой бўлди, аранг қиргоқдан чиқди, эшакнинг жиловига яна ёпишди.

— Тўхта! — деди қовоқнинг ичидан Дадавой.

— А?! — аравакаш тўхтаб, ён-берига, араванинг тагига қаради, тиззаси қалтираб ўтириб қолди.

— Отинг нима? — деди Дадавой қовоқнинг «оғзи»дан қараб.

Аравакаш кўзи косасидан чиққудай бўлиб гўлдиряди:

— А?!

— Бекор айтибсань «А» деган ном йўқ, — деди Дадавой, — отинг нима?

Аравакаш шошиб қолди.

— А?! Отим йўқ, эшагим бор, — деди.

Аравакаш биров қулоғидан чўзиб тортгандай сакраб туриб кетди-ю, ҳаммаёққа бир-бир қараб чиқди. Аммо ҳеч нарсани, ҳеч кимни кўрмай, турган ерида гир-гир айлана бошлади. Чўпчакларда эшитган девларнинг баҳайбат кулгисига ўхшаган даҳшатли овоздан баттар довдираб, тўрт оёқлаб араванинг тагига кириб кетди.

Дадавой яна қовоқнинг ичидан туриб:

— Нега жавоб бермайсан? — деган эди, аравакаш гилдиракнинг орасидан бош чиқариб йигламсиради:

— Э, ўзингиз кимсиз, э, шунақа қўрқитасизми одамни, отимни ҳам унутиб қўйдим.

Бу гал Дадавой озгина инсофга келиб:

— Майли, буёққа чиқ, — деди.

— Хўп, тақсир, хўп!

Аравакаш биров бўйнига арқон солиб судрагандай араванинг тагидан зўрга чиқди.

— Хўш, — деди Дадавой, — отингни эсладингми?

— Ҳа-ҳа, эсимга тушди, — деди аравакаш, — Мардонқул, отим Мардонқул!

Дадавой унинг гапларини эшитар-эшитмас:

— Отинг Мардонбой бўлсин, — деди, — «қул»ни олиб ташла, ҳозир қуллар йўқ.

Аравакаш икки қўлини кўксига қўйиб, гир-гир айланди.

— Хўп, тақсир, хўп!

— Қани берироқ ке.

Аравакаш қаерга боришини билмай, яна осмонга қараб олайди.

— Э, тақсир, қаердан гапиряпсиз, мен сизни кўрол-маянман!

Дадавой қовоқнинг тешигидан мўралаб:

— Э, тентак, пастга қара, пастга,— деди.

Дадавой кишига яқинлашди. Буни кўриб Мардонбой қотиб қолди. Қиприк қоқмай қовоққа қаради-ю. шайтонлаб қоча бошлади.

— Қаёққа?

Аравакаш анча ерга бориб тўхтади. Бироқ, орқага қарагани юраги дов бермай тураверди. Дадавой яна қовоқни думалатиб, шундоқ аравакашнинг оёғи тагида тўхтади.

— Буёққа қара, буёққа!

— Хўп, тақсир, хўп,— деди аравакаш зўрга ўгирилиб,— гапиряётган... сизмисиз?

— Мен!

Қовоқни одамга ўхшаб овоз берганидан кўзи гилай бўлиб кетган аравакаш:

— Э-э-э!— дея орқага сапчиб тушди.

Қовоқ бир силкиниб:

— Хўш,— деди гумбурлаган товуш билан,— мен кимман?!

— Сиз, сиз,— деди аравакаш довдираб. Унинг олақарганинг думидек узун мўйловлари тўхтовсиз силкинарди,— ойимқовоққа ўхшаркансиз, тақсир!

Қовоқ яна момақалди роқнинг гумбурлашига ўхшаб кулди.

— Худди ўзиман, Мардонбой!

Мардонбой сездирмай орқага битта қадам ташлаши билан.

— Хўш, Мардонбой,— деди қовоқ,— Дадавойни танийсанми?

— Йўқ, тақсир, йўқ.

— Шундоқ одамни-я!

— Э-э, эшитганман, тақсир, танийман.

— Хўш, эшитган бўлсанг, Дадавой қанақа одам?

— У киши,— деди гўлдираб аравакаш нима дейишини билмай,— у киши жаҳонга машҳур одам, меҳнаткаш, хўш, яна нима деса микин.

— Балли,— деди қовоқ,— мен ўша кишининг қовогиман.

Мардонбой ёқасини ушлаб:

— Ростдан-а?— деди.

Унинг кўзлари худди ёнғокдек юм-юмалоқ бўлиб кетганини кўрган Дадавой аччиғланди.

— Ё ишонмаяпсанми?

Мардонбой шошиб қолди.

— Йўқ, тақсир, нега ишонмас эканман, у кишининг қўллари гул, у киши деҳқончиликни сув қилиб юборганлар, дейишади.

— Худди шундоқ!— деди Дадавой ва қовоқни «оғзи»дан қўлини чиқариб имлади:

— Бери кел.

Мардонбойнинг ўтакаси ёрилди.

— Э-э-э!

Қовоқ аччиғланиб бир силкинган эди, Мардонбой чўчиб озгина яқинлашган бўлди. Аравакаш қовоқнинг оғзидан чиққан ошпоқ пахтадек нарсадан кўз узмасди, вожаб, во қудратингдан, бу нима, бу қандай мўъжиза?! Қовоқнинг тили худди одамзоднинг қўлига ўхшаркан-а!

— Нега бақраясан, Мардонбой?

— А?! Э-э, тақсир тилингизга ҳайрон бўляпман!

Қовоқ бу гапдан яна гумбураб кулди.

— Шунақами?

— Ҳа.

— Ке, бўлмаса бир кўришиб қўяйлик.

Бу сўздан Мардонбойнинг бошига биров тўқмоқ билан ургандек гандираклаб кетди-ю, йиғламсираб:

— Э-э, тақсир,— деди,— қўйинг-е, ҳазиллашманг, одам чўчир экан.

Қовоқ бир думалаб, яқинлашди, газаб билан «қўлингни бер» деган эди, аравакаш юзини тескари буриб, аранг қўлини чўзди. Дадавой унинг тошдек қаттиқ қўлларини силтаб, торта бошлаши билан аравакашнинг назарида қовоқни «тили» қўлини елкасидан узиб олгандек бўлди, жон аччиғида қичқириб юборди.

— Э, тақсир, раҳмингиз келсин, қўлимни қайтариб беринг, жўжабирдай одамман, ҳеч бўлмаса жўжаларимга раҳм қилинг!

Дадавой Мардонбойнинг қўлини бўшатди.

— Айтганимни қиласанми?

Мардонбой эса омон-эсон қолган бир қўли билан кўкрагига уриб.

— Сувга десангиз сувга, акажон, ўтга десангиз ўтга

кирай, — деди юм-юм йиглаб, — буюринг, хизматингизга тайёрман.

Дадавой Мардонбойнинг қўлини қўйиб юборди. Аравакашнинг дарров гапга кўна қолганидан хурсанд бўлиб, қовоқнинг тешигидан аравага қаради.

— Ановилар нима?

— Э, тақсир, — деди Мардонбой, — мактаб болалари томорқага помилдори, тарвуз, қовоқ экишган экан, шуларни йигиштириб беришди. Мактабга олиб келяпман, кўргазма қилишармиш.

Дадавойга жон кириб:

— Ҳа-ҳа, — деб юборди, — кўргазмага олиб бораётган нарсаларинг шуми?

— Ҳа, тақсир.

Қовоқ бир думалаб:

— Аравангни бўшат, — деди газаб билан. Мардонбой шошиб аравага чиқди. Қовун-тарвузларни пастга иргита бошлади. Унинг бу имиллашида арава қачон бўшайди-ю, Дадавой қачон тантана билан мактабга кириб боради, унгача директор кетиб қолса-я!

— Ҳой, Мардонбой!

— Лаббай!

— Пастга туш!

Аравакаш пастга сакраб тушди, қўлини кўксига қўйиб, қовоққа эгилди.

— Эшитаман, тақсир?

— Аравани ағдар, шошиб турибман.

— Хўп бўлади!

Мардонбой эшакнинг тагига кириб, эшакни даст кўтарди, аравани лайлак қилиб, ичидагиларни ағдариб юборди. Дадавой ерга тушиб, пақ-пақ ёрилаётган қовун-тарвузларни кўриб, ҳузур қилиб қулди. Вой, тентак Ойша-е, йил бўйи тер тўкиб етказган нарсаларинг шуми? Ҳали шуни уялмай-нетмай кўргазмага қўймоқчимисан? Шу санчаларга шундоқ эшак аравани овора қилиб юрибсанми? Ҳозир акажонинг Дадавой олиб борган қовоқни кўриб, оғзинг ланг очилиб қолади-ю. Қилмишларингдан минг-минг пушаймон еб, энди ҳар куни эрталаб Дадавой уйқудан тургунча тўртта шафтолининг пўстини арчиб, тепасида савол аломатидек эгилиб турасан!

— Бўлди, тақсир, — деди Мардонбой қора терга тушиб. Умрида бировнинг елкасига миниб ўрганмаган

эшак, тўрт оёғини типирчилатиб, жони халқумига келиб ханграшдан тўхтади.

— Баракалла, — деди қовоқ ва бир юмалаб аравага чиққан эди, араваининг гупчаги синай деди.

— Мардонбой!

— Лаббай?

— Анови нарсалар увол бўлмасин, қайтишда эшагинга бер!

— Хўп, тақсир, хўп!

Дадавой иккита конфет чиқариб, биттасини оғзига солди, иккинчисини Мардонбойга узатишдан аввал унинг саломатлиги билан қизиқиб қолди.

— Мардонбой?

— Лаббай!

— Уйқинг қалай?

— А?! Лаббай?

— Кечаси яхши ухлайсанми, яхши-яхши тушлар кўрасанми?

— Э, тақсир, — деб Мардонбой зорланиб кетди. Дадавой билса, бечора аравакаш кўп йиллардан бери ширин-ширин тушлар кўрсам, деб орзу қилиб юраркан-у, аммо орзуси ҳеч ушалмас экан.

— Бўлмаса мана буни ол, — деди қовоқ, одамзодни қўлларига ўхшаш «тили» билан қоғози кир бўлиб кетган конфетдан битта узатиб:

— Конфет яхши наrsa, Мардонбой, кечаси ётганингда оғзингга солиб ёт!

Мардонбой қуллуқ қила-қила ноёб конфетни дарров салласининг четига қистириб қўйди. Дадавой кўзларини ярим юмиб, оғзидагини бир хузур қилиб сўрган эди, мияси чунонан ишлаб кетдики:

— Мардонбой! — деди ҳовлиқиб.

— Лаббай, тақсир?

— Анови эзилиб ётган помидорларни кўрдингми?

— Кўрдим, тақсир, кўрдим.

— Саллани еч, помидорнинг суви билан «Дадавойнинг қовоғи», деб катта қилиб ёз-у, қийиқчани эшакнинг бошига танғиб қўй, ҳамма кўрсин!

— Хўп, тақсир, — дея Мардонбой қовоқнинг айтганларини бирнасада бажариб ташлаб эшакка минди, оёғи узун, бесўнақай бўлганидан ерга тегиб қолган эди. Дадавойнинг маслаҳати билан дарров йиғиштириб эгарга чордона қуриб олди, энди қамчинни қўлига олган эди:

— Тўхта, — деди қовоқ, — ашула айтганмисан?



— А?! Ашула? Ҳа-ҳа, унча-мунча хиргойи қилиб ту-  
раман.

— Бўпти,— деди қовоқ,— то мактабга боргунча  
ашула айтиб бор.

— Хўп, тақсир!

— Қани, бир хиргойи қил-чи, овозингни эшитай.  
Аравакаш яна қалт-қалт титраб, оғзини очган эди,  
оғзидаги гапи ичига тушиб кетди.

— Бошла!

Мардонбой аранг гўлдираб хиргойи қила бошлади.

Дадавой қовоқнинг тешигидан:

— Э, қандоқ бетамизсан,— деди.— Дадавойнинг  
қовоғи, деб айт!

— Хўп, тақсир, хўп!

Аравакаш яна ашула айтишга тушди.

— Яхши,— деди Дадавой хурсанд бўлиб,— хўп де-  
санг мактабда ашула тўғараги бор, ўшанга ёздириб  
қўяман.

Қовоқнинг бу меҳрибончилигидан аравакашнинг  
мўйловлари силкиниб, кўзларига юм-юм ёш келди-ю,  
орқасига қарашдан қўрқиб:

— Раҳмат, тақсир,— деди,— яхшилигингизни ҳеч  
унутмайман.

— Энди, Мардонбой,— деди Дадавой,— овозингни  
борича чинқириб ашулани бошла-ю, йўлга туш.

Аравакаш «қовоқ айтгандек» овозининг борича чин-  
қириб ашула бошлади-ю, йўлга тушди.

— Ие, овозингдан аканг айлансин! Бормисан,— деб  
қўйди Дадавой, қовоқнинг ичида ял-ял ёниб. Бу гапдан  
аравакаш ийиб кетиб, томоғининг пардаси йиртилгудек  
қичқира кетди.

Унинг «Дадавойнинг қовоғи бу», деганини олис-  
дан эшитиб, чол, кампир, бувиси шу томонга югуриб  
келишарди. Нусрат бобо узоқдан:

— Қовоқ қани?— деб қичқирди.

— Дадавой қани?

Дадавой бош чиқариб Нусрат бобо, бувиси, кампир-  
ни кўрди-ю, дарров қовоқнинг ичига кириб кетди.

— Жим, Мардонбой!

Аравакаш қулогини тешиб, бошини чархпалак қи-  
либ юборган бу даҳшатли қичқирикдан ўзини йўқотиб  
қўйиб, яна қаттиқроқ айта бошлади.

— Ҳой, ҳой, Дадавойнинг қовоғи бу!

— Э, овозингни ўчир,— деди Дадавой, қовоқни «оғ-

зи»дан қўлини чиқариб, аравакашнинг елкасига бир мушт туширган эди, аравакаш яна мункиб, эгардан учиб кетди ва яна жонҳолатда ўрнидан туриб қовоққа таъзим қилди.

— Нима дейсиз, тақсир!

— Яхтакни еч,— деди қовоқ,— устимга ёп.

— А?! Хўп, хўп,— деди аравакаш дарров яктагини ечиб, қовоқни ўрай бошлаши билан Нусрат бобо, бувиси, кампир етиб келди.

— Қани қовоқ?— деди Нусрат бобо энтикиб.

— Қани Дадавой?— деди бувиси.

Аравакаш нима қилишини, нима дейишини билмай нукул оғзини катта очиб, киприк қоқарди. Нусрат бобо унинг қўлига ёпишди.

— Қани олдимга туш.

Бувиси аравакашнинг иккинчи қўлидан судради.

— Йўқ, менинг олдимга туш!

Аравакаш олақарғанинг думидек узун мўйловини силкитиб:

— Э, бас қилинглар,— деди, қўрқа-писа аравага қараб,— мана шундай қовоқ етказганларидан сўнг ўртоқ Дадавой ҳориб-чарчаб, шу топда мириқиб дам олянтилар.

— Қани Дадавой? — деди яна бувиси йигламсираб.

— Қани қоғоғим?— деди Нусрат бобо энтикиб.

— Ана!

Кампир билан Нусрат бобо бирдан аравага ташла-нишди.

— Менинг қоғоғим, — деди Нусрат бобо.

— Ҳой, нега сизники бўларкан,— деди бувиси буш келмай. Яна қовоққа кўзи тушди-ю, бирдан додлаб юборди,— войдод, қовоқ ўлгур болагинамни еб қўйган экан, ота-онасига нима деб жавоб бераман!

— Э, буви,— деди қовоқнинг ичидан Дадавой,— э, буви, мен шу ердаман!

Бувиси жонҳолатда қовоқнинг «оғзи»га қўл тиқиб Дадавойнинг сочидан чангаллаб олди.

—Менинг набирам!

— Менинг қоғоғим!— деди Нусрат бобо.

Бувиси Дадавойнинг сочидан, Нусрат бобо «оёғи чиқиб» уйдан қочган бебош қовоқнинг думидан торта бошлади...

Бугунги кунни жуда ажойиб ўтказиб, хушчақчақ уйга қайтиб келган Ойша ҳовлида ҳеч ким йўқлигини кўриб ажабланди.

— Тавба, бувим қани, Дадавой қани?

Шу пайт ичкари уйдан бувиси билан Дадавойнинг овози эшитилди. Ойша шошиб ичкари кирди. Бувиси каравотнинг четида бошини чангаллаб ўтирар, Дадавой бўлса овозининг борича қичқирарди.

— Қовоғим, ҳой Мардонбой, қовоғим қани?

— Болагинам касал бўлиб қопти, Ойша!— деди бувиси йигламсираб.

Дадавой бўлса бақиришдан тўхтамасди.

— Ҳой, Мардонбой, қаердасан?

Бувиси уни жонҳолатда силкита бошлади.

— Ҳой, болам, менга қара, сенга нима бўлди?

— Қани?!

— Нима «қани?»

— Қовоқ!

— Нималар деяпсан, болам?

— Э-э, жинни-пинни бўлганмисан,— деди Ойша Дадавойнинг елкасига туртиб,— қанақа қовоқ?

Дадавой яна дод солди.

— Қовоғим қани?

Ойша Дадавойнинг бошига ниқтаб:

— Мана!— деди.

Дадавойни яна тантиқлиги тутиб, лаблари бурилиб кетди-ю:

— Буви, кўрдингизми, ана,— деб бувисининг раҳмини келтирмоқчи бўлган эди, бу гал бувиси унинг ёнини олмади.

Шу пайт ошхонанинг томида Нусрат бобо кўринди. У деразадан Дадавойга бирпас қараб турди-да, Ойшанинг гапларини маъқуллади, бошини огир чайқаб:

— Э, аттанг,— деб юборди.

— Айтинг, не қилмоқ даркор?— деб бувиси Нусрат бобога ўгирилган эди, Нусрат бобо:

— Меҳр қўйсин меҳнатга,— деб қўйди.

Шу ерга нуқта қўйдим-у, оғзимга битта конфет солиб, ўйлаб кўрсам, буюгини давом эттириш учун мулла Дадавойнинг ўзи билан жиндаккина гаплашиб олишим керак экан. Ёзганларимни қўлтигимга қистириб, мактабга борсам, Ойша панкангни кўтарадиган аҳмоқ йўқ, ўзининг кўтар, деган экан, Дадавой аразлаб ўқишга келмабди. Яна бирор ҳафта оралатиб ўтган эдим, қўлти-

фига папка қистириб бир кампир мактабдан чиқиб қолди, хойнаҳой Дадавойнинг бувиси бўлса керак, дедим-у. секин орқамга қайта қолдим. Шу орада ўзимнинг ҳам ишларим кўнайиб кетиб, ёз келиб ўқишлар тугаб қолди. Бир кун мактабнинг олдида қаторлашиб турган автобусларни кўриб, болалар лагерга жўнапти шекилли, зора шуларнинг орасида қадрдоним мулла Дадавой бўлса деб, тўхтаб аланглаб қарасам, Дадавой! Кўзимга бирам иссиқ кўриниб кетдики, то ҳаллослаб олдига етиб боргунимча, уч-тўртта энчилроқ бола Дадавойнинг қўлидан судраб, автобуснинг ичига олиб кириб кетди!

Ойша-е, акасининг ёнини олиш ўрнига бир чеккада турган қизларга қўшилиб қиқир-қиқир куларди. Шу шу орадан бир-икки йил ўтиб, яна бир Дадавойни эслаб мактабга кирдим. Қай кўз билан кўрайки, худди ўша ўзимнинг қадрдоним Дадавой майдонга тушиб олиб, болалар билан баб-баравар копток тепишарди. Ҳаяжонланиб кетиб, оғзимга бирдан иккита конфет солиб юбордим. Ўйин тугаши билан ҳол-аҳвол сўрашиб, энди қўлтиғимдан дафтарни олган эдим, папкасини силкитиб, Ойша келиб қолди.

— Бувимга айтиб қўй, — деди Ойша, — Манзура касал экан, қизлар билан кўриб келмоқчимиз, хавотир олмасинлар, кечроқ қайтаман.

— Майли, — деди Дадавой ва Ойшанинг папкасига қўл чўзди, — бер, олиб кета қолай, кўтариб юрасанми?

Кўзларимга ишонмай қолдим: вой-ей, шу ўша Дадавойми-а?

Дадавой дафтаримни варақлаб:

— Амаки, янглишибсиз, мен бошқа Дадавойман, — деса бўладими, — сиз ёзган Дадавойни ўша «алвасти қовоқ» аллақачон «еб» қўйган.

Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, мактабдан чиқдим-у, оғзимга конфет солиб, мундоқ ўйлаб кўрсам, бекор хафа бўлибман. Ялқовларнинг уруғи қуриб қонтими. Дадавой бўлмаса Соливой, Соливой бўлмаса Болтавой, дедим-у, анча-мунча мактабга бориб, буни қаранг, яхши иш қилган эканман, баҳона билан дангаса-ялқовлардан уч-тўртта ошна орттирдим. Ёзганларимни секин биттасига бериб ўқитиб кўрган эдим:

— Э-э, амаки, — деди ялқов ошнам, — бирон мактабда шунақа бола топилса, дарров тутиб музейга қўйиш керак!

Ўша ялқов ошнам ҳақ бўлиб, ростдан ҳам, буни ўқиганларнинг биронтаси мактабимизда шунақа бола бор, демаса-я?!  
Кошки эди!

## ЧИНОР

Анҳор ёқасида бир туп чинор бор. Ёши уч юздан ошган. Шохлари ён-атрофга тарвақайлаб кетганидан узокдан худди баҳайбат зонтикка ўхшайди. Тагидан қараган одамнинг дўпписи тушиб кетади, шунақа катта. Бироқ ичи ковак. Ичида илон бор дейишади. Ёлғон. Ўтган йили Салим бобонинг йўқлигидан фойдаланиб, Шокир билан бирга ичига тушиб кўрганмиз, илон тугул чувалчанг ҳам йўқ. Салим бобо ким дейсизми? Қўшнимиз. Эрталабдан кечгача олдига бир чойнак чой қўйиб олиб, чинорнинг тагидаги супачада ўтиргани-ўтирган. Қоронги тушганда ҳам супани кўзи қиймагандек уйига зўрға кириб кетади. Тунов куни Шокир галати гап топиб келди. Салим бобо кечқурун чинорнинг тагида овқатланибди-ю, дарахтга суяниб, ухлаб қолибди. Шокир азонда чиқиб қараса, яна ўша ерда ўтирганмиш.

— Бунда сир бор,— деди Шокир шубҳаланиб.— Бўлмаса чинорни пойлаб нима қилади? Хўш?

— Қизиқмисан? Нима «хўш»? Ўзи, шундай. Биласан-ку, ҳеч кими йўқ, ёлғиз бўлгандан кейин зерикадида. Супачада ўтириб, ўтган-кетгани кўриб овунади.

— Биларкансан. Дадам доим: «Бу чинорнинг тагида катта тарих ётибди», дейдилар.

— Ётса нима қилибди.

— Ҳамма гап шунда-да!

— Хўш?

— Бир нарса айтсам, ҳеч кимга айтмайсанми?

— Йўқ.

Шокир ён-верига аланглаб, қулогимга пичирлади:

— Ўша... Дадам айтган тарих супачанинг тагида!

— Нима, нима?

— Ҳа, ишонавер. Нега бўлмаса супачани суваб берайлик, деганимизда қўл тегиздирмади?! Ахир ўша тарихни тополмай қанчадан-қанча олимлар овора бўлиб юришгандир. У бўлса тагига босиб ўтирибди.

Шокир қўлини силтаб қўйди, хаёлга толди. Анчадан кейин худди ўзига-ўзи гапираётгандек деди:

— Менга қара, Вали... Ке, шу тарихни биргалашиб очайлик-а? Қўрасан. Имтиҳондан ҳам беш олардик. Тарих ўқитувчиси сўрамай қўйиб берарди. Ҳамма катта олимлар-чи, ернинг тагидан бирон нарса топиб олим бўлишган. Китобда ўқиганман. Балки биз ҳам ўшанақалардан бўлиб кетармидик-а?

— Қани энди,— деб юбордим гапидан таъсирланиб,— бироқ... қийин.

— Нега қийин бўларкан?

— Кундуз кунни доим Салим бобо ўтиради. Супачанинг олдига боролмаймиз-да. Кечқурун сени ҳам, мени ҳам уйдан чиқаришмайди.

— Э... буёғини қўявер. Хўп десанг, бас. Буёғини ўйлаб қўйганман.

Иккилашиб қолдим. «Хўп» десам, кўнглим чопмай турибди. «Йўқ» десам, ҳақиқатан ҳам супанинг тагида кутилмаган бир нарса бордек. Ке, нима бўлса-бўлар, деб рози бўлдим. Шокир ўйлаб қўйган фикр қулай ҳам осон экан. Чинор боғимизнинг орқасида. Деворнинг тагидан уч метрча тешилса, шундоқ Салим бобо ўтирган супачанинг тагидан чиқиши мумкин. Яхши томони шуки, буни ҳеч ким, ҳатто Салим бобонинг ўзи ҳам сезмайди.

— Борди-ю, ҳеч нарса топилмаса, яна ўзидек қилиб кўмиб қўя қоламиз, вассалом,— деди Шокир.

Шокир уйдан сопи калта бел олиб чиқди. Ишга киришдик. Икки кунга мўлжалланган ишимиз беш кунга чўзилиб кетди. Ниҳоят, бешинчи кунни супанинг тагига етганимизда бир нарса ўйлатиб қўйди: бел урганимиз эшитилиб қолмасмикин? Яхшиси, Салим бобонинг овқатлангани кириб кетишини кутиб туриш керак. Шокир деворнинг тагида энгашиб турди. Устига чиқиб, кўчага мўраладим. Кўчада ҳеч ким йўқ. Фақат Салим бобо одатдагидек супачада кўзига ойнак тутиб, арабча ёзилган аллақандай китобни ўқиб ўтирибди. Ҳар варақлаганда олдидаги чойдан бир ҳўплаб қўяди. Пастга тушдим. Унинг ҳали-бери туриб кетмаслигига ишониб, чой ичиб келгани кетдик. Анчадан кейин келиб девордан қарасак, Салим бобо йўқ. Форга кириб қазий бошладик. Шокир тупроқни чиқариб, бериб турди. Мен ташқарида уни шоша-пиша тита бошладим. Бироқ, ҳеч бало кўринмасди. Битта чириган ошиқ чиқди. Шу. Бир маҳал кўча томондан «гуп» этган товуш эшитилди. Шокир

гордан югуриб чиқди. Боши, юз-кўзи тупроқ, ранги ўчиб кетибди.

— Суна ўпирилиб кетди, зўрға қочиб қолдим,— деди у энтикиб. Мен деворга чиқиб қарадим. Суна йўқ. Ўрни каттакон ўра бўлиб ётибди. Яхшики, Салим бобо хали уйдан чиқмаган экан.

— Нима қилиб анқайиб турибсан,— деди Шокир бўғилиб.— Биров кўриб қолмасдан кўмиб қўямиз!

— Кўча-чи?

— Кўча? Э, кўчани қўявер! Сел ўпирган дейди-қўяди.

Шоша-пища горни кўмдик. Сув сепдик. Шиббаладик. Ўрикнинг тагида ётган каттакон тўнкани думалатиб келиб устига босиб қўйдик. Шокир тўнкага чиқиб, кўчага қаради. Оғзи қулоғига етиб, мени имлаб чақирди. Ёнига чиқдим. Салим бобо уйдан келаётган экан.

— Эй, ҳозир довдираб ўрага тушиб кетса-я,— деди Шокир ҳиринг-ҳиринг кулиб. Юрагим шув этиб кетди. Бироқ Салим бобо чинордан ўн-ўн беш қадам нарида, анҳор бўйида ўрани кўриб қолди, тўхтади, энгашди, ҳассасига таяниб худди сурат олдираётгандек қимир этмай туриб қолди. Анчадан кейин бошини кўтариб, кўз олди жимирлашиб кетди, ойнагини олиб артмоқчи бўлганди, қалқиб кетиб, анҳорга тулириб юборди. Қалтираб анҳор ёқасига чўккалади. Ёнгини шимариб, ойнагини қидира бошлади. Бироқ, чуқур эканми, қўлини тортиб олиб, ҳассасини сувга тикиб кўрди. У ҳам етмади. Ойнак аллақачон оқиб кетган эди. Салим бобо сувга қараб, анча ўтирди. Кейин секин ўрнидан турди. Чинорнинг тагига бир қараб, қоқила-қоқила уйига кириб кетди. Шокир ҳам, мен ҳам шалвираб тўнкадан тушдик. Боғнинг бир четига бориб, бир-биримизга қараб сўзсиз ўтириб қолдик. Шокир тиззасини қучоқлади. Бошини қўлларининг устига қўйиб хаёл суриб кетди.

Салим бобонинг сувга мўлтираб ўтиргани, бутун воқеа кўз олдимдан ўтди-ю, томоғимга бир нарса тиқилгандек бўлди. Энтикиб кетдим.

— Нима қилиб қўйдик-а, Шокир?

— Кўзойнаги тушиб кетса биров айбдорми?!

— Бечорага қийин бўлди. Мен аҳмоқ ҳам сенинг ганиннга лақиллаб ўтирибман.

— Биров сени мажбур қилганмиди?!

— Бадтар қилдинг-ку!

— Нима қипман?

— Тағин нима қипман дейди-я! Ким бошлади шу ишни, қани айт!

— Нега ўзинг кўндинг? А? Кўнмаганинда, мен ҳам... балки шу иш бўлмас эди. Ундан кўра ҳеч ким билмаганига суюн!

— Сен суюн! Нега мен суюнар эканман!

— Бўлмаса Шокир қилди, деб бориб айт!

— Керак бўлса айтаман!

— Бор-бор, кўчага чиқиб бақир! Овозинг борича бақир, тушундингми!

Шокир тўсатдан хўнграб юборди, бўшашиб кетдим. Ёнига ўтиб, секин елкасига қўлимни қўйдим.

— Қўй, Шокир... нима қиласан йиғлаб? Ахир, яхши иш қилмадик-да.

— Ўзим ҳам... биламан буни,— деди у энги билан ёшларини артиб.— Нима, мен шунақа бўлсин дебманми?

— Менга қара... Шокир, ке, бир қараб кўрайлик.

— Нимани?

— Ойнакни-да. Зора илдиз-пилдизга илиниб қолган бўлса. Жуда суюнарди-да, нима дейсан?

— Юр!— деди Шокир ўрнидан дик этиб туриб.

Ойнак қидириб кечгача анҳордан чиқмадик. Бироқ, топилмади. Дийдираб кетганимиздан кейин ноилож уй-уйимизга кетдик. Уйга кириб хаёлимни чалғитиш учун ўқий бошладим. Бўлмади. Бари бир мияга ҳеч нарса кирмади. Ҳар куни эшикдан кулиб, ҳазиллашиб келадиган дадам ҳам бугун негадир хомуш кириб келдилар-у, наридан-бери овқатланиб, яна чиқиб кетдилар.

— Валижон, ўғлим, овқатингни еб тургин,— дедилар оғим.— Салим бобонг йиқилиб тушибди. Ётганмиш. Бечора. Дадаг доктор чақиргани кетди. Шу ош совиб қолмасдан бир кўриб чиқай.

Ойимнинг гапи ҳушимни учуриб юборган экан, кўча эшикнинг «тақ» этиб ёпилишидан чўчиб ўзимга келдим. Ойимнинг кетидан югурдим. Бироқ кўчага чиқмасдан орқамга қайтдим.

Эрталаб Шокир чиқди. Рангини кўриб кўрқиб кетдим. Сап-сарик. Кўзлари ич-ичига тушиб кетибди.

— Қасалмисан?

— Йўқ. Кечаси билан битта ухлаганим йўқ,— деди у,— тушимда Салим бобо, ойнагимни тўла, деб бизни-кига чиққанмиш.



— Салим бобо... ойнаксиз қоқилиб тушибди, эшитдингми?

— Ҳа.

— Дадам кечаси билан ўша ерда қолдилар.

— Ойим тунги навбатчиликдан ҳозир келувдилар. Эшитишлари билан қараб тургани чиқиб кетдилар.

— Ухламай-а?

— Ҳа.

— Даданг индамадиларми?

— Йўқ. Қайтага: «Сенинг шу одатингни яхши кўраман», деб мақтаб қўйдилар.

— Шокир... шу дейман, кўзойнаксиз роса диққина-фас бўлиб кетгандир-а? Биз ҳам кўриб чиқсак бўларди. Ўтган йили мен касал бўлганимда бир шода тешиккулча олиб чиққан эди.

— Агар... дурбинимнинг бир кўзи синиб қолмаганида, ўлай агар, олиб чиқиб берардим. Деразадан кўчага қараб ётарди.

— Бари бир олмас эди. Чол одамга дурбиндан ойнак яхшироқ.

— Рост. Ойнак яхшироқ,— деб гапимга қўшилди Шокир.— Хўп десанг, қуён оламинг, деб йиғиб юрган пулимизга ойнак олсак.

— Бўшти!

Шокирнинг гапи кўнглимни ёритиб юборди. Апил-тапил кийиндим. Аптекага бордик. Ҳеч ким йўқ экан. Оқ халат кийиб олган сотувчи аёлдан: «Чолларнинг кўзойнагини шу ерда сотадими, хола?» деб сўраган эдик, аёл индамай қўл чўзди. Шокир шошиб-пишиб ёнидан пул чиқариб узатди.

— Қоғозларинг қани?

— Қанақа қоғоз?

— Ие, ойнакни кимга оляпсизлар, қанақа номери керак, доктор ёзиб бермадими?

— Йўқ.

— Бўлмаса бориб олиб келинглар,— деди у пулни қайтариб бериб.

— Жон хола, бобом юролмайдилар. Касаллар, бера қолинг,— Шокир ялина бошлади.— Юраклари сиқил-яшти.

— Ойнакнинг номерини билиб олмасаларинг тушмайди, ахир!

— Чоллар тақадиганидан бераверинг. Тушади.—

Шокир яна гап бошлаган эди, аёл уни бўлди:

— Жуда қизиқ бола экансан-ку, қани, бошимни айлантирмай жўнаб қолинглар.

Йигламоқдан бери бўлиб ташқарига чиқдик.

— Ёнимда миқ этмай турибсан-а,— Шокир аёл қувиб чиқарганининг аламини мендан ола бошлади.— Сен ҳам ялинганинга раҳми келиб берармиди!..

Шу пайт олдимиздан ҳассасини тўқиллатиб бир чол ўтиб қолди.

— Юр, Вали, шу чолга ялиниб кўрамиз,— деб қолди тўсатдан Шокир,— балки олиб берар, ўзиям Салим бобога ўхшар экан.

Чолга етиб олиб баб-баравар салом бердик. Чол тўхтаб алик олди. Олдинма-кейин гапира бошладик. Шокир тез-тез воқеани гапириб бериб турди. Мен гап орасида ялиниб турдим. Чол ўсиқ қошларини чимириб бошдан-оёғимгача қараб, бирчас соқолини тутамлаб ўйла-ниб турди-да, орқасига қайтди. Қувонганимиздан икки ёнидан қўлтиқлаб, ойнак сотувчи хотиннинг олдига олиб кирдик. Ўзимиз орқасига ўтиб, яшириниб турдик. Хотин бир даста ойнакни ушлаб, «танлаб ола қолинг», деб чолнинг олдига қўйди-да, ўзи пештахтанинг ёнига ўтувди, бирдан бизларга кўзи тушиб қолса бўладими! Қошларини ғалати чимириб қўйди-да, кейин кулимсираб, чолнинг олдига келди.

— Отахон, ойнакни ўзингизга оляпсизми?

— Ҳа, йўғ-э, мана бу болаларга. Олиб беринг, деб ялинишувди. Болаларнинг ҳам мен тенги бобоси бор экан. Бетоб эмиш. Олиб берсам, бечора суюнар.

— Отахон, сизни бекорга овора қилишибди-да, бу тирмизаклар,— деди аёл юмшаб,— майли, сиз йўлингиздан қолманг, буларга ўзим танлаб бераман.

— Барака топинг, болам. Болалар хафа бўлмасин. Шуларни хурсанд қилинг, қизим.

— Хўп, отахон, хўп.

Чол чиқиб кетди. Аёл ўйлаб турди-турди-да, кейин бешта ойнакни қоғозга ўраб.

— Мана буни олиб бориб кўринглар, зора бирортаси тушса. Қолганини эҳтиёт қилиб қайтариб олиб келинглар. Пулини ўшанда тўлайсизлар,— деди.

Аввал ишонмадик. Кўчага чиққанимиздан кейин орқамизга қарамай югурдик. Ҳаллослаб етиб келдик ҳам. Оёқ учида секин Салим бобоникига кирдик. Кирсақ, кўзларини шипга тикиб, хомуш ётибди. Бизни кўриб қу-

вониб кетди у. Олдига ўтқизиб биттадан олма берди. Кўзойнак олиб келганимиздан шунақа ҳам суюндики, унинг ҳаяжонланганини кўриб, ҳатто кўзимизга ёш келди. Тақиб кўрган эди, биттаси тушди. Тушганда ҳам қандоқ денг. Ёстигининг остидан ўша куни мен кўрган китобни олиб, бир бетини шариллатиб ўқиб берди. Бу китобни ўгли ёзган экан. Ўгли қаерда, бу китобни қачон ёзган, сўрамоқчи эдим, Шокир туртиб кўйди. Кетаётганимизда, тузалиб қолдим, бирор ҳафталарда кўчага чиқиб қолсам керак, тез-тез кириб туринглар, деб ойнак учун яна миннатдорчилик билдирди. Иккаламиз ҳам қувончдан оғзимиз қулогимизга етиб ташқарига чиқдик. Аптекага бордик. Битта ойнакка пул тўлаб, қолганини қайтариб бердик. Қайтиб келаётганимизда, дадам билан Шокирнинг дадаси машинада гишт олиб келишаётган экан. Бизни кўриб машинани тўхтатишди. Машинага тушдик.

— Нима қилиб кўчада тентираб юрибсизлар, — деб роса қойишди. Тутила-тутила Салим бобога кўзойнак олиб берганимизни айтдик.

— Ундай бўлса майли, — Шокирнинг адаси дадамга қараб чала қолган гапини давом эттирди. — Қиш кезлари эди. Манави Шокиржон ойисининг қўлида эди, анҳор бўйлаб аллақаердан қайтиб келаётган экан. Чинорнинг олдига келганда тийганиб, анҳорга йиқилибди-ю, бола қўлидан учиб кетиб, қирғоқда қопти. Шу маҳал бобойнинг ўгли — шоир ўтиб қолибди. Ўзини анҳорга ташлаб ҳушидан кетаётган хотинимни қутқарибди-ю, бироқ, ўзи нимжон йигит эди... сувдан чиқолмай... шу... чинорнинг тагида ҳалок бўлган.

— Бе.

— Ҳа... Шу-шу бобой бечора ёлғиз. Эр-хотин қараб турамиз. Бизникига кўчиб чиқинг, отам ўрнида отамсиз, деб кўп ялиндик. Унамади. Ўгли ҳам ўша пайтларда анча таниқли шоир эди. Уч-тўртта китоби ҳам чиққан. Бир нусхаси ҳали бобонинг ўзида ҳам бор.

— Ким, дада? — қизиқиб сўради Шокир.

— Салим бобонинг ўгли-да! Шу-шу бечора чол кунларини чинор тагига қурилган супада ўтказади.

— Дада! — деб юборди Шокир титраб. Бироқ машина қаттиқ силкинди-ю, гишларнинг бир-бирига урилган овози Шокирнинг товушини босиб кетди. Шокирга қарадим. У дадасига бақрайиб турибди.

Машина тўхтади. Гишларни тушириб, анҳор четига

тахлаб қўйдик. Билсак, дадам билан Шокирнинг дадаси гиштарни чинор тагидаги ўпирилиб кетган супачани тиклаш учун олиб келишган экан. Қарашамиз, деб шунча ялинсак ҳам, «кеч бўлди, дарсларингни тайёрланглар», деб уйга киргизиб юборишди.

Боятдан бери ниманидир ўйлаб келаётган Шокир ҳам йўлда тўхтаб, менга қаради.

— Юр... Салим бобоникига кирамиз!

— Ҳозир-а?

— Ҳа, хўп десанг, иккаламиз ундан узр сўраймиз. Уйимизга юринг, дея ялинаман. Мана кўрасан.

— Кўнармикин?

— Кўнади!

## ЧАҒАЛАЙЛАР

Қирғоқдаги ясси, катта тошнинг устида тиззамни қучоқлаб ўтириб, сира бу ердан кетгим келмайди, губори йўқ мовий осмонда чарақлаган офтобда оҳиста мавжланиб турган поёнсиз денгиздан сира кўз узмасам. Одатда денгиз сокин пайтлари қирғоқ гавжум бўлиб кетади. баъзилар шунчаки, олис-олисларда писта пўчоғидек қалқиб юрган елканли қайиқларни томоша қилишади. баъзилар кичкина халтачаларга дон-дун, қотган-қутган понларни солиб келиб чағалайларни боқишади. Аммо қизиғи шундаки, бунақа пайтларда чағалайлар қирғоққа камдан-кам яқинлашади. Олис-олисларда сув сатҳида ошпоқ кўпикка ўхшаб чайқалишади-ю, одамлар келтириб ташлаган нарсаларга парво ҳам қилишмайди. Битта-яримта сезиб қолганлари ҳам эринчоқлик билан ҳавога кўтарилади-ю, қирғоққа қўнгани ҳафсаласи келмай яна орқага, шерикларининг олдига қайтиб кетади. Афтидан ҳаво очиқ кунлари одамларнинг хайр-эҳсонига унча муҳтож бўлмай, денгиздан тошган-тутганлари билан қаноатланишса керак. Уларнинг ғалати табиатлари ни ўтган йили Қора денгизга биринчи бор келганимда, шунда ҳам ҳув ўша, оламни бошига кўтаргудек чуғурлашиб гала-гала учиб юрган чағалайларнинг бири туфайли билиб олганман. Қизиқ, мен билган ўша қадрдон чағалай ҳозир шуларнинг орасидамикин! Денгиз қутуриб, ҳаво айниганда сел-у, довулларга қарамай ўша табаррук одамни бирдан кўринмай қолганига бирон марта бўлса ҳам ташвишланиб, уни қўмсашганмикин?

Ким билсин.

Мазай бобо таърифи йўқ ошпаз эди. У пиширган таомларни маза қилиб иштаҳа билан ер эдиг-у, аммо бирор кун ўзимиз ошхонада навбатчилик қилгудек бўлсак, диққинафас бўлиб кетардик. Йўқ, йўқ, сиз бундан Мазай бобо сержаҳл, бемаза одам экан, деб ўйламанг асло, қани шунақа одам бўлса-ку, биз ҳам қирғоқдаги сайр-томошадан қолиб навбатчи бўлганимизнинг аламини олиб, қошиқни-қошиққа, товоқни-товоққа уриб ҳаммаёқни бирпасда юмалоқ ёстиқ қилиб ташлардик-а! Мазай бобо камсуқум, мўмин-қобил, ширинсўз киши эди. Бирор юмуш буюрганда ҳам худди ўтиниб сўраётгандек майин товуш билан, бунинг устига ўзига жуда яраниб турадиган мулоим жилмайиш билан мурожаат қилардик, биз унинг гапларини сира қайтаролмасдик. У ҳамма нарсани, ҳамма ишни саранжом-саришта бўлишини яхши кўрарди. Ҳатто қолган-қутган овқатларни ҳам эринмай алоҳида-алоҳида идишларга тўқдирарди; картошкани — картошкага, макаронни — макаронга, борди-ю, эринчоқлик билан аралаш-қуралаш қилиб юборсак, индамай идишларни кўлимиздан оларди-ю, бирортамизга ҳам қаттиқ-қурум гапирмай, ҳаммасини қайтадан ўзи ажратишга тушарди.

— Уф-ф! — деб юбордим бир куни, — нима зарил-а?

— Э, бунда гап бор, — деди шеригим, қирғизистонлик Мусо деган бола, — чол қолган-қутган нарсаларни уйига ташиб мол боқса керак.

— Балки... — дедим мен ҳам шубҳаланиб.

Биласиз, «Артек» шунақа жойки, бу ерда ҳаммани учратиш мумкин. Қозоқ ҳам, қирғиз ҳам, чуваш ҳам, поляк ҳам, болгар ҳам — ҳамма жойдан келган бола бор. Орамизда болгариялик Яник деган бола бўлғувчи эди. Қўккўз, малла соч, юзларини сепкил босган бу боланинг ошпаз чол билан ўта тотувлиги, яна бунинг устига челак-челак қолди-қуттиларни кўтаришиб совуққа ҳам, ёмғирга ҳам қарамай аллақарларга бориб келиши гашимизни келтириб юрарди. Мусонинг гапи тегиб кетди шекилли:

— Қўй, Мусо, — деди Яник кўзлари алланечук жавдираб, — билмасанг унақа дема.

Бу чол туғинган бувасими-а, Яникнинг, шу қадар куйиниб ошпазнинг ёнини олиши Мусодан кўра менга алам қилиб кетди. Кечки пайт бобо иккови челак кўтариб настга тушиб кетиши билан, денгиздан келаётган совуқ шамолга ҳам қарамай қорама-қора бордим. Қай

кўз билан кўрайки, иккови пастга тушиб, қолди-қуттиларни қоғозга тўкиши билан қирғоқда гужанак бўлиб ўтирган чағалайлар хаш-паш дегунча талаб кетди.

— Билдим, — дедим эртасига Мусога чиганоқ тергани қирғоққа тушганимизда.

— Хўш?

— Анавиларга экан! — дедим-да, кичкина қирра тош олиб қирғоққа яқинроқ жойда учиб юрган бир гала қушларга отдим. Шу пайт чағалайлардан биттаси сув бетиде бирон егулик нарса сезиб қолдими, очонатлик билан ўзини таппа сувга ташлади-ю, қайта учмай қўнган ерида қола қолди. Мен ўлжасини ҳазм қилолмай бўкиб қолди, деб Мусо билан чиганоқ қидира кетдим. Кечқурун ўз кашфимдан кайфим чоғ бўлиб ҳавонинг айнигани-ю, шатир-шутур ёмғир ёғиб, денгизнинг даҳшатли пишқиришига ҳам парво қилмай ўтирганимда, аллаким ёнимда секин хўрсингандек бўлди. Бундоқ қарасам, боядан бери ёнбошлаб китоб варақлаётган Яник! Вой тавба, у юзларини ёстиққа ишқаб, овозсиз йиғларди.

— Ян! — дедим энгашиб, — сенга нима бўлди?

У индамади, анчадан сўнг бўғиқ товуш билан:

— Ўзим, — деди-ю, орқа ўғирмай, миқ этмай ётаверди. Ҳамма қувончларимни бирдан аллақандай совуқ шамол совуриб юборгандек бўлди. Юрагимнинг бир чеккаси увушди. Яникнинг жон-ҳолига қўймай нима бўлгани-ю, нега хомушлигини суриштира бошлаган эдим, у шундай нарсаларни айтиб бердики, гуноҳимни пайқаб товонимгача музлаб кетди. Беихтиёр ўзимнинг ҳам кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Чағалайлар, мовий денгизга тўш уриб, кўзларни қувонтириб учиб юрган беозор чағалайлар Мазай бобонинг бирдан бир овунчоғи экан!.. Баъзан ишдан эрта қайтган кезлари яккаю ягона фарзанди — кичкина қизчасини етаклаб денгиз бўйида сайр қиларкан, мовий осмонда кўз қамаштириб рақс тушаётган чағалайлар қизчани ҳайратга солар, қизча кўзларини катта-катта очганча, уларга узоқ термилиб, қувончдан энтикиб юборарди, мавжланиб турган зангори денгизга чағалайлар эмас, гўё ўзи тўш уриб, осмону фалакда ўзи қапот силкиб юргандек у талшинар, қийқирарди. Бора-бора қизча шу қадар ўрганиб қолдики, бир кун денгиз бўйига бормаса, хархаша қиладиган бўлиб қолди. Ота-она бундан аччиқланмас, аксинча «беозор қушларга меҳр қўйиш ҳаммага ҳам насиб қилган эмас», деб

қизчани қувонтириш ниятида қолган-қутган овқат, нон ушоғларни қоғозга ўраб, уйлари денгиздан хийла узоқ бўлишига қарамай ҳар куни қирғоққа келишни канда қилинмасди. Олисдан гала-гала учиб юрган чағалайларни кўрар-кўрмас қизчанинг хомушлиги тарқаб, кайфияти буткул ўзгариб кетарди.

Бир кун қизиқ бўлди.

Ота-бола денгиз бўйига келишганда, қушлар алла-нарсадан чўчигандек қирғоққа чиқиб ҳаммаси гужанак бўлиб олган, бесаранжом чуғурлашарди. Дам-бадам тўдадан икки-учтаси ажраб шитоб билан осмонга кўтариларди-ю, юз, юз эллик метрча учиб бориб, пишқирган тўлқинларнинг тепасида гир-гир айланар ва яна чигиллаб орқага қайтишар, тўдага қўшилишарди. Афтидан биронтасининг ё оёғи, ё қаноти шикастланиб сувда қолиб кетгандек, қирғоқдаги шериклари эса шунга безовта бўлишаётгандек эди. Қушларда вафо йўқ, деб ким айта олади. Бўлмаса денгизнинг нотинчлигини аввалдан сезиб қирғоққа чиққан бирорта чағалай бунақа пайтда ўрнидан қўзғалишга сира журъат қилолмайди.

— Дада, — деди қизча қайтишаётганда, — анави... сувда қолиб кетган чағалай нима бўлади?

— Билмадим, балки тўлқин суриб қирғоққа чиқариб қўяр, қизим.

Аттанг, бирор сабаб билан сувда қолиб кетган чағалайни нега қизчасига кўрсатди-ю, шериклари фарёд чекиб безовта бўлаётганини нега айтиб берди. Ушанда қизчаси уйқусираб «дада, сувда қолган чағалайни олиб чиқинг», деб йиғлаб юборгани мана орадан шунча йил ўтибди ҳам, кечагидек қулоғининг остида эшитилиб тургандек-а. Бирон кемачига айтиб қизчанинг кўз олдида ўша паррандани қутқариб қолмагани кўнглида бир умр армон бўлиб қолди. Кейин... кейин урушдан қайтиб келса на хотини-ю, на қизи бор. Хотинини душманга хизмат қилишдан бош тортгани учун отиб ташлашибди. Қизалоғи эса... жулдур кийимга ўралиб олган қизалоқни эса одамлар ҳар куни қирғоқда кўришаркан. Ўзи оч-наҳор юрса ҳам, топган-тутганини қизча чағалайларга олиб келар, ўша ёруғ ва осуда кунларни, дам онажони, дам дадажони билан беғам, беташвиш ўтган яхши дамларнинг гувоҳи бўлган чағалайлардан кўз узмай соатлаб ўтираркан. Кунларнинг бирида бир гала маст-аласт душман солдатлари «кўнгил очиш» ниятида чағалайларга қарата ўқ уза бошлаган, бирпасда ҳам-

масини тутдай тўккан. Инсон қиёфасидаги бағритош бу махлуқларнинг қилмишидан қизча даҳшатга тушган. Кичкина, маъсума қалби бу оламга дош беролмай... бор-бўйи билан сувга йиқилган-у, тўлқинлар қизчани суриб, денгиз қаърига олиб кетган.

— Ҳали, — деди Яник маъюс, — овқат олиб борсак, ҳаво айнийди шекилли, чағалайлар қирғоқда юришган экан, фақат биттаси чиқолмай сув бетида қалқиб юрибди... Мазаё бобо жуда ғалати бўлиб кетди.

Мени титроқ босди.

— Юр, — деди Яник, — бари бир ухлай олмайман.

Апил-тапил кийиндим-у, ўртоғимга эргашдим. Ҳаво айниб денгиз томондан совуқ шамол турган эди. Дар ҳақиқат, қирғоқда ҳамма қушлар ғужанак бўлиб олган-у, фақат икки-учтаси сал нарироқда сув тепасида безовта бўлиб гир-гир айланарди. Ҳа, ана, қирғоққа чиқолмаган чағалайни ҳам тўлқин хийла берига келтириб қўйибди. Мен умримда сувга шўнғиган бола эмасман. Аммо ҳозир қутуриб турган мана шу денгизнинг истаган ерига боришдан тоймасдим. То эс-ҳушимни йиғиб олгунимча, Яник ечиниб сувга шўнғиди-ю, бир амаллаб чағалайни олиб чиқди. Биз совуқдан тишларимиз тишимизга тегмай, қушчани авайлаб ушлаганча, Мазаё бобо ёнига югурдик. Мазаё бобонинг ёш боладай қувонганини, нурсиз кўзларидан икки томчи ёш оқиб тушганини кўрганимда эрталабки қилигимни эсладим-у, қадрдон дўстим Яник мени бир умр виждон азобидан сақлаб қолганини тушундим.

...Мана бу йил ҳам, Қора денгизга келган кунимок қирғоқдаги ясси, катта тошнинг устида тиззаларимни қучоқлаганимча чағалайлардан кўз узолмай ўтирибман. Ўша мўмин-қобил, ширинсўз, доим мулойим жилмайиб турадиган Мазаё бобо энди йўқ, мен келишдан бир оз аввал дунёдан ўтган экан. Аммо у меҳр қўйган ўша чағалайлар мовий денгиз устида ҳамон чарх уриб, одамларнинг кўзларини қувонтириб, бамайлихотир учиб юрибди. Чағалайлар, мен уларни севаман, қаерда бўлмай уларни сира-сира унутолмайман, чунки улар менга дили ва кўнгли ўзларига ўхшаш оқ-у, ўзларига ўхшаш беғубор ўша ажойиб дўстим Яникни эслатиб туради.



— , , ?

», . « , - ,

· , ·

— , ?

! - , — , — -

— , — -

, — · ,

· · ,

— ! — 1 · , — -

- - , — · - -

— , — · ·

, ? · , -

— ·

· ,

· · ,

, · -

, · « , -

», - , ·

· -

· · -

», · « , -

· · -

, · « » · - , -

, · , ·

— ! — . , —  
— . ,  
— . , —  
— , ! —  
— ! , , —  
— ! , , —  
— ! ! , —  
— ! —  
— ! —  
— ! —

— Ҳали олиб келган эдим, — деди Жамила қизариб, — вой, латта ҳам йўқ.

— Сен ўқийдиган мактабда доскага қўл билан ёзиб, қўл билан ўчиришаркан-да, — пичинг қилди Мурод ҳиринг-хиринг кулиб. — Бироқ ўқитувчи бу нима қилиқ, дегандай Муродга қараб қўйди. Муроднинг дами ичига тушиб кетди. Жамила ташқарига чиқиб, бўр билан латта топиб келди. Танафусда Мурод уни роса майна қилди. Ёнига Турди қўшилди. Бир Мурод олади, бир Турди. Жамила йиғлагудек бўлиб, бошини қўлларининг орасига олганча миқ этмай ўтирарди. Болалар «бас, шунга ҳам кулгим» деса, Мурод билан Турди баттар авжига чиқарди. Ниҳоят, Мурод чарчади шекилли, ёнидан рўмолча олиб, кулгидан ёшланган кўзларини артмоқчи бўлган жойида қотиб қолди. Жамила бир Муродга, бир болаларга қаради-да:

— Ҳар қалай мен ўқийдиган мактабда рўмолча ўрнига доска латта тутмасди, — деди. Синфда гур этиб кулги кўтарилди. Турди Муродга олайиб «аҳмоқ», деди ва ўзини тутолмай синфдан югуриб чиқиб кетди.

— Ўзинг аҳмоқ, — кетидан қичқириб қолди Мурод, — мен қаёқдан билай, рўмолча бу чўнтагимда экан.

Болалар афсуслангандай Муродга қараб тарқала бошлашди. Мурод уйига яқин қолганда аранг Турдига этиб олди.

— Тўхта, мунча югурасан, бўлди, айб менда, билмай қобман.

— Деворий газетани кўрдингми? — деди Турди бирдан тўхтаб.

— Йўқ, — Муроднинг юраги орқасига тортиб кетди, — нима бўпти?

— Сен билан мени роса уришибди.

— Бу ўшанинг иши, — Муроднинг жаҳлдан кўзлари қисилиб, қўллари мушт бўлиб тугилди, — ўшаники. Писмиқ! Тўхтаб турсин.

— Нима қилардинг?

— Ўзим биламан, — деди Мурод газабдан қалтираб, — уриб пачақ-пачақ қилиб ташлайман.

— Уролмайсан, — деди Турди қўл силтаб. — Уриш бўлса, ҳали мен урардим. Кўзимга шундоқ қарадики, оёгим қалтираб кетди.

Турдининг авзойини кўриб Муроднинг шашти қайтди. Анча йўлгача индамай кетишди.

— Нима деб уришибди? — сўради ниҳоят Мурод, — расмимиз ҳам борми?

— Бўлмаса-чи! — Турди папкасини у қўлтигидан бу қўлтигига олди. — Иккаламиз партанинг устида осмонга қараб ётибмиз. Тагида эълон... «Кимнинг пенсияга чиққан бувиси ё бобоси бўлса, хабар берсин, Турди билан Мурод ёрдамга муҳтож, шатакка олишади», — Турди Муроддан ўпқаланди. — Асли тунов куни хўп деганинда шу нарса бўлмасди.

Мурод индамай хўрсиниб қўйди. Тўғри. Ушанда Турдининг гапига кирмай чатоқ қилган экан.

— Шу келди-ю, ҳамманинг тинчи бузилди. Тунов куни сен йўқ эдинг. Солидарникига тўп ўйнайсанми, деб чиқсам: «Вақтим йўқ, Жамила тошшириқ берган», деб унамади.

— Шу ўзимизнинг Соли пучуг-а?!

— Ҳа.

— У киши темурчи бўлмасалар кимнинг кўнгли қолибди.

— Шуни айт, — деди Мурод кулиб, — Жамила ҳаммасини лақиллатиб юрибди! Тунов кунги гапи эсингдами? Анави мактабдалигида битта ўзи тўқсон олти ёшли Рузвон хола деган кампирга ўқишни ўргатган эмиш. Шунга ишонасанми, йўқми?

— Йўқ, — деди Турди атрофига қараб олиб, — ўзи жўрттага тўқиб чиқарган. Темурчилар командаси тузиб ўзим бошлиқ бўламан деган-да. Шундай бўлди ҳам. Мен: «Темур қиз бола бўлган эмас, ўғил бола бўлган», десам, сендан бошқа ҳеч ким қулоқ солмади. Лекин ўша куни чакки гапирдинг. «Бекорчи вақтимиз йўқ, керак бўлса пенсионерлар бизга ёрдам берсин», демаганинда газетага ҳам тушмасдик.

— Сенинг гапингга ҳеч қулоқ солмагандан кейин, алам қилгандан айтдим, — деди Турди гапнинг ростига кўчиб, — бари бир қиз бола бошлиқ бўлган командага кирмас эдик, кирмадик ҳам.

— Ўзлари ҳам бунақа ишга сенларнинг уқувинг йўқ, деб олишмасди, — деди Турди хўрсиниб, — лекин нима бўлса ҳам қўлимиздан қандай иш келишини уларга бир кўрсатиб қўйишимиз керак!

— Тўғри, — деди Мурод, — ўзимиз команда тузамиз. Мен бошлиқ бўламан.

— Сен-а?! — Турди тўхтаб қолди. — Йўқ, бўлмайди. Бунақа ишга сенинг уқувинг йўқ. Бошлиқ деган ҳамма

нарсани ўзи қила олиши керак. Сенинг қўлингдин нима келади.

— Бекор айтибсан!

— Бақирма! Нега бақирасан! Умрингда бир марта овқат қилганмисан? Тугма қадаганмисан ё айтайлик, савзи тўғраганмисан?

— Ўзинг-чи, ўзинг.

— Нима, мен? — Турди бетоқатланиб папкасини бир қўлидан иккинчи қўлига олаётган эди, папка тушиб кетди. У ерга энгашганча бирпас туриб қолди-да, кейин бошини оҳиста кўтараркан:

— Тўғри, сен ҳам билмайсан, мен ҳам, — деди. — Дадам айтганларидек нокнинг бир палласи сен-у, бир палласи мен. Шунинг учун бир кун сен бошлиқ бўласан, бир кун мен.

— Ха, энди ўзингга келдинг. Бундоқ қиламиз. Ўзимизга мос одам топамиз. Масалан...кампир бўлса, хўш. кампирлар нимани қила олади-ю, нимани қила олмайди. Овқат пишириш, тугма қадаш, айтайлик. уларнинг қўлидан келсин. Хўш, ўтин ёриш, тўнка қовлаш-чи, нима дединг-а?

— Қойилман мияннга, — Турди қувончдан папкасини осмонга иргитиб илиб олди. Шу бугундан киришамиз.

— Қўлингни бер!

Икки ўртоқ қўл олишиб бундоқ ўйлаб кўришса, маҳалла-кўйда уларга мос биронта ҳам кампир йўқ экан. Борлари ҳам ҳали хийла тетик, бақувват. Тетикмасларининг қизлари-ю, невара-чеваралари бор. Ҳаммани кўйиб улар бувиларига иш қилдириб кўйишармиди. Албатта йўқ.

...Кўмир ортган самосвал машина тўғридаги кўк эшикка келиб тўхташи билан боядан бери кўчага қараб ўтирган Муроднинг хаёли бўлинди. Кабинанинг бир томонидан шапқасини қошигача бостириб кийган шофёр, иккинчи томондан Турдининг ойиси тушди. Мурод кўчага чиққанда самосвал кўмирни ағдариб бўлган, Турдининг ойиси жиғибийрони чиқиб, мушти билан эшикни гурсиллатарди. Мурод калитни бериши билан кўчанинг бошида Турди кўринди. Ойиси қошларини чимириб унга бирпас қараб турди-да, кейин индамай эшикни очиб кириб кетди. Турди роса чоған бўлса керак, ҳадеганда ўпкасини босолмасди.

— Ойим ҳозир келдими? Яхши, — Турди қия очик

эшикдан ичкарига қараб олди. — Топдим, Мурод! Мен оймдан мактабга бораман, деб сўраб чиқай. Сен шу ерда тур.

Турди кириб кетди. Кўп ўтмай ичкаридан оёйсининг товуши эшитилди:

— Ишдан чарчаб келдим, болам. Шуни ташишиб юбора қолсанг нима қилади, — Турди бир нарса деди шекилли, оёиси уришиб берди, — мунча қовоқ-тумшугинг осилиб кетмаса. Бор, бора қол, ҳеч фойданг тегмади-тегмади-да.

Турди чопқиллаб кўчага чиқди.

— Юр!

— Бу-чи? — деб Мурод иккиланиб кўмирга қараган эди, Турди қўл силтади.

— Ҳе, қизиқмисан, юравер, кўмир қочиб кетармиди, ҳали ташийман.

Бозорга яқин қолганда Турди тўхтади.

— Ке, шу ерда кутамиз, — деди-да, Муродни йўл ёқасидаги ярми тушиб қетган супачага бошлади. — Худди сен билан менинг кўнглимдагидек. Бунақасини топиш қийин. Ўзим ҳам роса бозор айландим. Ҳали у кампирга, ҳали бу кампирга қарайман, қани биттасининг қўлида ҳасса учратсам, биз бопи йўқ экан-да, деб ҳафсалам пир бўлиб чиқиб келаётган эдим, троллейбусдан битта кампир тушиб қолди. Қўлида ҳасса, кўзида ойнак. Қарасам, оёғини зўрға судраб келяпти. Қани энди шу топда сен бўлсанг, дейман. Дарров бориб кўчанинг у юзидан бу юзига ўтказиб қўйдим. Кампир миннатдорчилик билдириб, бозор қилгани кириб кетди. Мен сенинг олдингга югурдим, қалай?

Мурод Турди ошириб гапираётган бўлса керак, деб ўйлаган эди, йўқ, ҳамма гапи рост экан. Роса бир соат деганда Турди тасвирлагандан ҳам кўра мункиллаган, кўзига бир эмас, қўш кўзойнак таққан ҳассали кампир кўринди. У супачага яқин қолганда нафасини ростлагани тўхтаган эди, Турдига кўзи тушиб қолиб, жилмайди. Турди терисига сигмай югуриб бориб кампирнинг қўлтиғига кириб, супачага бошлаб келди.

— Ўтиринг, буви, бирпас дамингизни олинг.

— Рост айтасан, болам. Шошиб нима ҳам қилдим. — Кампир ҳассасига суяниб супачага ўтирди. — Бу бола ким, ўртоғингми? Ўзингга ўхшаркан. Умрларинг узоқ бўлсин. Битта-яримтани кутяңсизларми?

— Ҳа, сизни кутиб ўтирган эдик, буви, — деди Турди.

— Мени-я? Вой бўйларингдан бувинг қоқиндиқ. Турди сен гапир, дегандай Муродга кўз қисиб қўйди. Мурод гапни қандай давом эттиришни билмай:

— Ёрадиган ўтинингиз борми? — деб сўради томдан тараша тушгандай. — Том сувоқ ҳам қўлимиздан келади.

— Ўтиним ҳам йўқ, лой томим ҳам йўқ, қоқиндиқлар, — кампир бир Турдига, бир Муродга қараб жилмайди. — Ҳукумат уй бергандан бери том сувоқданам, ўтин-кўмирданам қутилганман. Ҳаммаси ичида. Ҳукуматнинг уйи бунақа ҳам яхши бўларкан. Қўни-қўшниларни айтмайсизми, одамнинг устида ўлиб бўлишади. «Сиз, дейишади, ёлғизман деб ўкинманг, шу домдаги барча аёллар қизингиз, барча эркаклар ўглингиз», дейишади, барака топгурлар.

Кампирнинг гапи ҳали-вери адо бўладиганга ўхшамасди. Муроднинг юраги сиқилиб кетди. Оғзини очиб кулоқ солиб ўтирган Турдига қараб гижиниб қўйди. Топган одамини қара-ю. Олдин кўр, бил, ёрдамга муҳтож бўлса гапир. Нима қиласан бекорга вақт кетказиб. Мурод Турдини секин туртиб қўйди.

— Буви, — деди Турди ниҳоят кампирнинг бир оз гапдан тўхтаганидан фойдаланиб, — бизга битта кампир керак эди.

— Бо, болам, кампирдан кўпи борми?

— Сиз айтаётган кампирлардан эмас, — деди Мурод дардини очиб. — Ҳеч кими йўқ, ёлғиз, ёрдамга муҳтож бўлса.

— Вой, ўлмасам, бунақа нафасингни совуқ қилма, болам, бунақа кампирлар менинг болалигимда бўларди.

— Биз темурчилармиз, буви. Биласизми, — деди Мурод йиғламоқдан бери бўлиб. — Бизга ўшанақаси керак.

— Вой, қоқиндиқлар-е, шуни нега боя айтмадинглар? — Кампир томирлари бўртиб чиққан ориқ қўллари билан Муроднинг елкасига қоқиб қўйди. — Ойим раҳматликдан қолган битта мисқобдаста бор эди. Қўлимдан тушиб кетганидан бери жўмрагидан сув оқади. Уйга олиб борсам, тузатиб бераркансизлар.

— Буви, биз темирчи эмас, темурчимиз! — Турди хуноб бўлиб кетди. — Мурод, сен тушунтир.

Мурод мулойимлик билан роса ярим соат гапиргандан кейин кампир тушунди шекилли:

— Ҳа, ҳа, ҳалиги қўшнимизнинг қизига ўхшаган экансизлар-да, қоқиндиқлар, у ҳам ҳалиги...

— Темирчи! — деди Турди қовоғини солиб.

— Ҳа-ҳа. Темирчи эди. Ҳар куни ўқишдин келиб, югуриб олдимга чиқарди, бояқини. Уч йилгача қўлимни совуқ сувга урдирмади. Бир куни саҳарлаб уйга чиқибди. Ҳа, тинчликми болам, десам, китоб ўқишни ўргатаман, деб қўярда-қўймай туриб олди. Вой, болам, қариганда мени масҳара қилиб, бу нимаси дейман. Ўзи ҳам айтганини қилдирадиган ўжар қиз эди. Йўқ, ахир ўргатди-ю, кўнгли тинчиди. Бошқа ёққа кўчиб кетган бўлса ҳам қизи тушмагур менга ўрганиб қолган эканми, тез-тез келиб туради. Ҳар келганда...

— Юр, — деди Мурод Турдининг қулогига пичирлаб. — Аниқ, бу Жамиланинг Рузвон холасига ўхшайди. Гапни чўзма. Фойдаси йўқ. Жамилага айтса, роса шарманда бўламыз.

Болалар кампирни бир амаллаб троллейбусга чиқариб қўйишди-ю, орқаларига қарамай қочишди.

— Бугунги кун бекор кетди, — деди Мурод афсусланиб, — яхшиси, кўмир ташиганимиз маъқул эди.

— Рост айтасан, — Турдига жон кирди. — Ойимларни хурсанд қилмаймизми-а?

— Бўпти!

Бироқ эшик олдида уюлиб ётган кўмир аллақачон ташиб бўлинган эди. Турди Муродга қаради, Мурод Турдига. Иккалови бўшашиб ичкарига кирганларида Жамила билан Соли водопровод тагида ювинишаётган эди.

## «ОТАЛИҚҚА ОЛГАНМАН»

Даре тугаши билан:

— Сен қол, — деди Аббос.

— Нега?

— Гаплашиб оламыз.

Оббо, дедим ансам қотиб, топган вақтини қара-ю, бир, бор-е, деб чиқиб кетмоқчи ҳам эдим. Бироқ, ўқитувчининг гапи эсимга тушиб, индамай яна жойимга бориб ўтирдим. Аббос бўлса оёғини чалиштирди-да, ўқитувчининг стулига гердайиб ўтириб олди.



— Гап шу, — деди, — биринчидан, бугундан бошлаб маслаҳатимдан чиқмайсан. Иккинчидан, айтганимни гинг демай қиласан, учинчидан...

— Учинчидан, бекор айтибсан, — дедим ўрнимдан туриб, — нима, мен сенга қулманми?

Аббоснинг кўзлари олайиб:

— Қаёққа? — деди.

— Уйга, — дедим. Аббос ирғиб ўрнимдан турди.

— Гапимни эшитмай, ҳеч қаёққа кетмайсан, — деди эшикни тўсиб, — мен сени оталиққа олганман!

Қарасам, хиралик қилиб ҳали-вери синфдан чиқармайдиган.

— Яхшиликча қўйиб юбор, — дедим, — шошиб турибман. Бугун синглимнинг туғилган куни. Совға олишим керак.

Аббос дарров ўзгариб:

— Юр, — деди ва папкасини қўлтиқлади, — нега шуни дарров айта қолмадинг? Мени маслаҳатим шунақада керак бўлади-да. Кетдик.

Хубобим ошиб тўхтадим. Аммо бундоқ ўйлаб кўрган эдим, қайтага яхши экан. Бир ўзим зерикиб қоламан. Қолаверса, оладиган нарсани ким биландир маслаҳатлашганим ҳам яхши. Уни зўрлаб олиб кетаётганим йўқ, борса ўз оёғи билан боради, менга нима, дедим-у, индамай кетавердим. Аббос ҳам орқамдан пилдираб келаверди.

— Синглинг нечага кирган?

— Учга.

— Жуда соз, — деди қошларини галати чимириб у, — уч яшар қиз болага совға олиш бу осон иш эмас, ошна.

Болалар магазинга кириб қўғирчоқ олмоқчи эдик, пулим етмади. Арзонгина шиқилдоқ бор экан. Шуни олайлик десам, қани Аббос гапга кирса: «Мен сени оталиққа олганман, айтганимни қилмай кўр-чи», деб туриб олди. Шундан сўнг у магазинга кирдик, бу магазинга кирдик, ҳеч бало тополмай ҳориб-чарчаб қайтиб келаётган эдик:

— Тўхта! — деди ярим йўлда Аббос ҳовлиқиб, — тондим!

Гастрономга кириб бир дона пирожний олиб чиқдик.

— Мана буни совға деса бўлади, — деди Аббос пирожнийнинг қоғозини очиб, — биринчидан, бунинг устида гуллари бор экан. Ўртасида битта, икки четида ик-

кита. Демак, уч дона атиргул деган сўз. Бу гулларни ҳидласа ҳам бўлади, еса ҳам бўлади. Иккинчидан, қиз болага нима керак, ширин нарса. Айни муддао. Учинчидан, бай-бай, ҳидини бир қара.

Аббос бошини чайқади. Кўзларини сузиб лабларини ялаб қўйди. Менинг ҳам димоғимга аллақандай тотли бир ҳид урилиб, беихтиёр қулт этиб ютиниб қўйдим. Қорним пиёзнинг пўсти бўлиб кетганини энди сезган эдим.

— Лекин бир чеккаси хиёл қийшиқроқ эканми, — деди Аббос пирожнийдан кўз олмай. Қарасам, дарҳақиқат менга ҳам шундай туюлди.

— Бу ахволда олиб бориб бўлмас, — деди Аббос юзини буриштириб, — қиз боланинг кўнгли нозик. Келиб-келиб туғилган куни қийшиқ пирожний олиб борсанг... ким билади.

Унинг гапи кўнглимни хира қилди:

— Алмаштириб олсак-чи, — дедим.

— Бе, нима деясан, — деди Аббос, — пирожний ботинка эмас-ку!

— Энди нима қиламан?

— Ўйлаб кўриш керак, — деди Аббос пешонасини тириштириб.

Анча ергача жим кетдик.

— Топдим, — деди Аббос бирдан ва пирожнийни қўлимга тутди, — манавини сен ушлаб тур, мен қийшиқ жойини тишим билан секин тўғрилаб қўяман.

— Нега? — дедим. — Сен ушла. Ўзим тўғрилайман.

— Бекор айтибсан, — деди Аббос, — ўлгидек очга ўхшайсан. Тишинг тегиши билан лиқ этиб ютиб юборасан.

Аббос пирожнийни уёғига қараб, буёғига қараб роса мўлжаллади-да, оғзини катта очиб бир тишлаган эди, худди четидаги гулини қоқ ўртасидан узиб олди. Кўзимдан олов чиқиб кетди.

— Тўхта! — дедим жон ҳолатда ёқасидан бўғиб, — юта кўрма!

Бироқ у шундоқ кўз олдимда лиқ этиб ютди-қўйди.

— Нима қилдинг? — дедим ёқасидан силтаб. — Айт, нима қилиб қўйдинг?

— Нега ўзинг оғзимга итариб юбординг, — деди у ёқасини қўллари билан бўшатиб, — нотўғри тишлаганимни ўзим ҳам билдим.

— Билсанг нега ютиб юбординг-а?

— Бекор айтибсан, — деди Аббос ўзини оқлаб, — бекоргинани каттасини айтибсан. Ютганим йўқ. Оғзимдан олиб ёништириб қўймоқчи эдим. Қўрқитиб юборганингдан кейин ўзи ичимга тушиб кетди.

Кўчанинг ўртасида туриб олиб роса олишдик.

Аммо бундан нима фойда эди.

— Буни қандоқ олиб бораман, — дедим йиғламоқдан бери бўлиб.

— Ўйлаш керак, — деди Аббос қовогини солиб, — ўйлаш керак. Албатта, бу аҳволда олиб бориб бўлмайди-да. Яхшиси, уёгиниям худди шундоқ қилиш керак.

— Нима? — дедим қалтираб. — Нима дединг?

— Бошқа йўл йўқ, — деди Аббос кўзларини лўқ қилиб, — синглинг ёш бола. Ўзи қолини шунақа экан деса ишонади-қўяди.

Ростдан ҳам бошқа илож қолмаган эди.

— Майли, — дедим, — аммо буёғини энди ўзим тишлайман.

— Ихтиёринг, — деди Аббос елкасини қисиб, — аммо буёғида менинг тишимнинг ўрни бор, ким билади, сен тишласанг икки хил бўлиб қолмасмикин, дейман-да.

— Майли, — дедим тутақиб. — Майли. Бу гал ҳам сен тишла, майли. Аммо иккала кўзинг менда бўлади!

— Хўп, — деди Аббос ва кўзини мендан узмай оғзини очди. Мен пирожнийнинг иккинчи четига гулнинг қоқ ўртасини мўлжаллаб оғзига олиб бордим. Аббос бу гал жуда эҳтиётлик билан тишлаётган эди, лаби тегиб кетиб, гулни таг-туғи билан юлиб олди. Аламимдан кўчанинг ўртасида додлаб юбормай деб, пирожнийни қолган-қутганини жонҳолатда оғзимга солиб юбордим.

— Яхши бўлмади-да, — деди Аббос ух тортиб ва яна кетимдан кела бошлади, — бироқ мундоқ ўйлаб кўрилса: биринчидан, ширин нарса, бари бир, бир кун эмас, бир кун тиш оғритади. Турган гап. Синглингнинг бахти бор экан. Тиш оғригидан қутулиб қолди. Иккинчидан, яхшими-ёмонми, ҳарҳолда бу сен билан менинг биринчи иш тажрибамиз. Учинчидан...

— Учинчидан энди оталигингни ўзинг пишириб е, — дедим ва орқамга қарамай қочдим.


## ИККИ ДАНГАСАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

— Ҳой, нима шовқин?

Ҳар куни аҳвол шу: кўзойнак таққан, оппоқ чўқ-қисоқолли киши деразадан қарайди-ю, дарров ўқитувчилар хонасидан чиқади. Ҳовли этагида эски дўппини осмонга отиб қий-чув қилаётган болаларга қараб юриб, куйиб-пишиб гапиради. Сезиб қолганлар «қоч, Алижон Валиевич» деб тумтарақай бўлади. Аммо битта-яримта лапашанг қўлга тушса бас, қўнгироқ чалингунча бош кўтармай қизариб-бўзариб насиҳат эшитади. Бечора иккинчи бундай қилмайман, деб сўз ҳам беради. Бордию ўша лапашанг бирор ойдан сўнг яна илинса, Алижон Валиевич:

— Хўш, ваъда қани? — деб тоза уялтиради.

Эсида турганини-чи! Ёзиб юрса керак. Бўлмаса кеча еган овқати одамнинг хаёлидан чиқиб кетади-ку, ўн-ўн беш боланинг кунига берган ваъдаси ёдида қандоқ қолсин?! Шу одамга хайронман. Қачон қарасанг, болаларни пойлаб юргани-юрган. Ўқитувчилар хонасига-ку, онда сонда киради, ўшанда ҳам биров қувлагандай дарров югуриб чиқади-да, хўш, нима гап, деб ҳаммага қарайди; кейин эса танафбус тамом бўлгунча тутнинг тагидаги скамейкада ҳовлидан кўз узмай ўтиради. Мен сизга айтсам, мана шу адабиёт ўқитувчимиз Алижон Валиевич мактабга янги келганда бунақа эмас эди, йўқ, тамоман бошқача, жуда раҳмдил эди, баъзи ўқитувчиларга ўхшаб уйга бир талай дарс бермасди. Бола бечоралар ўйнаб-кулсин дер эди. Унинг дарси бор куни ҳамма маза қиларди, биров берилиб эшитса, биров расм чизар, бошқаси ёнидаги шериги билан пичир-пичир гаплашар, хуллас, қирқ беш минут қандай ўтганини билмасдик. Шу ўқув йили Алижон Валиевич синф раҳбари бўлиб таъинландию айнади-қолди. Шундай олтин одам-а! Илгари дарсини тугатиб мактабдан тезда жўнаб қоларди. Энди эса қиладиган иши йўқдай бошқа дарсларга ҳам кириб, то қўнгироқ чалингунча миқ этмай орқада ўтиради. Ендафтарига нималарнидир ёзади. Катта танафбусдаку, албатта синфга мўралаб ўтади. Бунинг устига ҳар жума синф мажлиси. Илгари деворий газетани ўқув йили бошида бир амаллаб чиқариб олсак бас эди. Ёзгача турарди. Обрўсини қаранг! Энди-чи? Бирини ўқиб улгурмай, иккинчисини кўрасиз. Ичи тўла мактов гаплар бўлганигами аввалги газетани ҳар кўр-



ганда одам ўзидан-ўзи илжайверар эди. Энди-чи? Янгисига кўзингиз тушини билан юрагингизни ари чаққандай бўлади; у бола ёмон, буниси яхши, ундан ўрнак ол, бунга кўшилма, тавба! Бунга фақат Алижон Валиевич эмас, Мунира билан Аҳмадга ўхшаган болалар ҳам айбдор. Қизиғи шуки, газетанинг янги сони чиқса, синфга ҳамма юрагини ҳовучлаб киради. Ҳеч гап йўқми, деб газетани поша-пиша ўқишга тушади. Баттар бўлларинг, дейман. Албатта, бунақа гапларни ошкора айтиб бўлмайди. Нега десангиз, Мирвали бир марта шундай деб тоза расво бўлган. Эртасига газетага тушди. Мирвали аламига чидамай дарсдан кейин деворий газета редактори Аҳмадга ёпишди. Илгариги пайтлар бўлса-ку, Мирвалининг қўлига тушган одам соғ чиқмас эди. Чунки унинг қиёфаси ҳар қандай болани даҳшатга солар эди. Пакана, оёқлари калта-калта бўлгани билан елкаси кенг, кўкракдор, калласи катта, кўришганда баъзи нимжон болаларнинг кўзидан олов чиқиб кетарди. Энди-чи? Аҳмад, ўша пуф деса учиб кетадиган нозикниҳол бола, Мирвалининг дўқ-пўшисасига нарво қилмай:

— Қўлингизни торт, — деди чийиллаб, — ҳозир Алижон Валиевичга айтаман!

Шунда Мирвалига бир қарасангиз: ранги оқарди, кўзлари пирпиради, қўллари эса икки ёнига шилқ этиб тушди-ю, синфдан чиқиб кетди. Сиз бундан Алижон Валиевич жуда баджаҳл одам экан, деб ўйламанг. Алижон Валиевич бировга қаттиқ гапирмайди, уришмайди, қовоғини ҳам солмайди. Ҳатто айбингизни ҳам айтмайди. Гуноҳингиз оғир бўлса икки эллик хат ёзиб конвертга солади, яхшилаб елимлайди, сизнинг оппоқ оқариб кетаётганингиздан завқланиб бепарволик билан кўлингизга тутди...

— Шунни дадангизга бериб қўйинг.

Ўз қўлингиз билан бўйнингизга сиртмоқ солади. Дунёда шундан оғир, шундан ёмони бўлмаса керак. Конверт олган бола то дадасига хатни етказиб бергунча не хаёлларга бормайди дейсиз, ҳамма қилмишини бирмабир эслайди, куйиб-пишиб ўз гуноҳини қидиради.

Мана, мен ҳам боядан бери қўйнимга типратикон солиб олгандай чўнтагимдаги конвертни ўйлаб бош қотириб ўтирибман. Дарс аллақачон тугаб, ҳамма кетиб қолган. Синф бўш, фақат кадрдон дўстим Мирвали одамгарчилик қилиб олдимда турибди. У дам бу ёнимга, дам у ёнимга ўтади, куйиб-пишиб нимадир дейди. Аммо қулогимга ҳеч нарса кирмайди. Бурнимнинг тагида худди ари гингиллаётгандай бўлади.

Мирвалининг тоқати тоқ бўлиб:

— Тур, — деди ниҳоят, — тур, бунақада одам дево-на бўлиб қолади, ошна.

Аранг эс-ҳушимни йиғдим. Бошимни кўтариб Мирвалига қарадим. Башарам жуда ўзгариб кетган бўлса керак, Мирвали галати бўлиб секин ёнимга ўтирди:

— Нима қила қолувдинг?

— Қим билади?!

— Одамга алам қиладигани ҳам шу-да, — деди у қизишиб, — гуноҳингни айтмай мана шунақа қийнаб қўяди. Бугун сендан сўрагани йўқмиди, ошна?

Мен хўрсиниб бош чайқадим.

— Бошқалар-чи?

— Арифметикадан доскага чиққан эдим.

— Ҳа, айтгандай, уч олувдинг, — деди Мирвали, — аслини олганда уч баҳо эмас: ё икки ол, ё беш! Бошқа баҳоларни тан олмайман. Ҳа, майли, қани, эрталаб уйдан чиққандан бошлаб нима қилдинг-у, кимлар билан гаплашдинг, ҳаммасини эсла, эҳтимол бирор гуноҳ қилиб қўйиб, ўзинг сезмагандирсан.

— Ке, қўй, — дедим бўғилиб, — эслаганим билан нима фойда?

Мирвали эса қўлларимни маҳкам ушлаб:

— Хомкалла! — деди ҳовлиқиб, — хатда нима дейилган, биласанми?

— Йўқ.

— Бўпти-да, — деди аллақандай сирли товуш билан, — менинг куним келмасин дейман, ошна!

Мирвали арзимаган бир гуноҳ билан қўлга тушган эди. Ўшанда Алижон Валиевич берган хатни тўппа-тўғ-

ри дадасига элтиб берганда, дадаси эрта билан мактабга югуриб келган эди. Ана шу эсимга тушиб бўшашиб кетдим.

— Сен... Қаёқдан биласан?

— Билмайман-у, ammo юрагим сезяпти. Шундай бўлгандан кейин нима қилганингни эсла?

Мирвалининг гаплари ҳақиқатга ўхшар эди. Нима дейишимни билмай кўзларимни пирпиратиб қулт этиб ютипдим.

— Нима қил дейсан?

— Дадангни бошлаб келишингни бўйнингга олавер, — деди Мирвали, — битта-яримтани дўппослаган бўлсанг, бор, узр сўра, иложи бўлса ўша калтак еган бечорани ҳам бошлаб кел, даъвойим йўқ десин ё икки эллик хат ёздириб ол!

— Бас! — дедим юрагим тарс ёрилиб ва жонхолатда Мирвалининг ёқасига ёпишдим, — овозингни ўчир, нима деяпсан, нега мен бировни бекордан-бекорга дўппослар эканман-а?

Мирвали важоҳатимдан ҳазилакам чўчимаган экан. Аранг ёқасини бўшатиб, ҳар эҳтимолга қарши эшикка яқин борди. Мени юпата бошлади:

— Э, девона, гуноҳ-пуноҳинг бўлса эсингга солай деб мисол учун айтяпман. Ҳозирги қилигинг учун даданг билан бирга ойингни ҳам қўшиб чақиртириш керак экан!

Ғазабдан қалтираб кетдим. Олдимдаги папкани улоқтирдимми ё ўзи учиб кетдими, эслай олмайман. Бир маҳал ўзимга келиб қарасам, Мирвали қўрқиб кетганидан ҳадеб қўлимни силаяпти. Бир нима деб гўлдирайди. Папкамдаги китоб, дафтар, қалам, ручка, бувим солиб қўйган бир ҳовуч бодом синф билан битта бўлиб ётибди. Хаёлимда ўзим ҳам мана шу бир ҳовуч бодомдек ҳар қаёққа тўзғиб кетдим. Оёқ-қўлим қалтираб жойимга ўтирдим ва ҳўнграб юбордим.

— Қўй, — деди Мирвали ва бошимни тез-тез силай бошлади, — қўй, нега сен бировни ураркансан. Ҳамма дўппослаганда ҳам сен гинг демай туриб берадиган боласан! Биламан, сенга ҳозир жуда қийин, қийин бўлганда ҳам, эҳ-хе, бунақа ғам ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Бошинг ғовлаб кетган. Ҳозир бошинг бош эмас, қовоқ! Шунинг учун қилган ишингнинг қай бири яхши-ю, қай бири ёмон, ўзинг ҳам билмайсан, ошна, сен айтиб тур. мен гуноҳингни ажратиб берай, нима дединг?

Бечора қадрдон дўстим Мирвали, мен учун жон куй-дирияшти-ю, мен тентак бўлсам...

— Гапир, — деди Мирвали.

— Эрталаб уйдан кеч чиқдим, — дедим хиқиллаб, — ҳар куни мактабга яёв келардим. Бугун қарасам кечикадиганман. Трамвайга ўтирдим. Одам кўп экан. Ке, ким билиб ўтирибди, деб индамай келавардим.

— Демак, билет олмадинг, шундайми?

Мен Мирвалига қарагани ботинолмай...

— Ҳа, — дедим.

— Мана! — деди Мирвали хурсанд бўлиб, — мана, кўрдингми, битта гуноҳинг аниқ бўлди, ошна, гапир!

— Биласан, — дедим ўзимни оқлаб, — мактаб икки остановканинг ўртасида, орқага қайтиб юраманми, деб трамвайдан сакрадим. Олдимдан машина чиқиб қолди. Шофёр қўрқиб машинани бурган эди, машина симёгочга урилишига сал қолди. Дарров одам тўпланди. Мен қочдим. Шофёр, машинадан туша солиб қувди ва ҳаллослаб кўчанинг бошида қўлимдан тутиб олди.

— Кечиринг, амаки, — дедим бор кучим билан қутулишга уриниб, — бошқа қилмайман, жон амаки!

— Э, тўхта, — деди у жеркиб, — ҳеч еринг майиб бўлгани йўқми?

Шу пайт қўққисдан хуштак чуриллатиб милиционер пайдо бўлди-ю, шофёр милиционерга қараши билан бир силтаниб қўлидан чиқиб кетдим ва мактабгача орқамга қарамай югурдим. Кейин нима бўлди, билмайман.

— Эҳ-хе! — деди Мирвали, — бу жиноят-ку!

Юрагим шув этиб:

— Йўғ-е? — дедим.

— Ҳа, сен бунинг оқибати нима бўлишини биласанми? — деди Мирвали, бирдан дўққа ўтиб. Аммо яна авзоимни кўриб, раҳми келиб озгина шаштидан тушди, — лекин сен буни жўрттага қилган эмассан, шундайми?

— Албатта! — дедим шошиб, — албатта. Бундай номаъқулчилик қилмасликка эрталаб қасам ичганман.

— Бўнти, — деди Мирвали, — шуни ҳисобга олиб, буни ҳам гуноҳингнинг қаторига қўшиб қўя қолайлик, демак гуноҳинг иккита бўлди, гапир!

Мен Мирвалининг одамгарчилигига қойил қолиб, ичимда миннатдор бўлиб қўйдим-да, давом этдим:

— Йўлда сени учратдим.

— Бу гуноҳ эмас, — деди Мирвали керилиб, — қани, қолганини айт.



— Буёги сенга маълум, — дедим хўрсиниб, — яхши иш қилган бўлсам ҳам, ёмон иш қилган бўлсам ҳам буёғига сен шериксан.

Бу гап Мирвалига шу қадар қаттиқ таъсир қилдики, гўё менинг чўнтагимдаги типратикон унинг қўйнига кириб қолгандек сапчиб туриб кетди. Кўзлари ола-кула бўлди. Қўллари ўз-ўзидан мушт бўлиб тугилди. Қалин лаблари титраб жонҳолатда қичқирди.

— Нима, яна битта қайтар, нима дединг?

— Ҳа? — дедим мен ҳам бўш келмай, — бояги-чи, чойхонанинг олдидан индамай ўтиб кетганимиз-чи, хўш?

Мирвали бўшашиб сал жаҳлидан тушди. Аммо сирбой бермасликка тиришиб, кўзимга қанча бепарво қарашга уринмасин қулоқларигача қизариб кетди-ю. нешонасини ишқалади.

— Чолларга салом бермай ўтганимиз яхши эмас, — деди, — бунга сен ҳам, мен ҳам айбдор эмасмиз. Иккаламиз гапга тушиб кетиб сезмай қолибмиз. Аммо-лекин...

У ерга қараганча жим қолди. Сепкилли юзига яна билинар-билинмас қизиллик югурди, анчадан сўнг секин бошини кўтарди.

— Хўш? — дедим.

— Синфда ҳеч ким йўқ. Айта қолай. Ўзимиз ҳам бақатеракка ўхшаб гўдаиб кетган эканмиз, ошна, ҳа!

Шундан сўнг қизишмай ақл-идрок билан ўйлаб кўрсак, арзимаган уч-тўрт соат ичида талайгина иш қилиб қўйган эканмиз. Катта танаффусда Мирвали аллақадан папирос топиб келди. Кўчага чиқиб чакдик. Она тилидан уйга берилган машқни бажармаган эдик. Охирги соат Алижон Валиевичнинг дарси. Дафтарни тўғрилаб қўймасак бўлмайди. Ўйлаб-ўйлаб Мунирадан кўчиришга аҳд қилдик. Сал кўрқоқроқ, камгап, доим бир нарсадан ҳадиксираб кўзлари ола-кула бўлиб юрадиган бу қиз, аввало кўшним, ҳовлимизни битта девор ажратиб туради, демак гинг демаслиги керак. Оғзидан гуллайдиган бўлса, кўчага чиқиш уёқда турсин, ҳовлида ҳам юролмайди, қолаверса, икки-уч дафтаридан кўчирганимизда ҳеч кимга айтган эмас. Ана шу мулоҳазалардан сўнг бир танаффусда ҳамма чиқиб кетиши билан мен Муниранинг қўлидан маҳкам ушлаб турдим. Мирвали папкасини очди. Она тили дафтаридан кўчириб олдик. Сансариқ олмаси бор экан. Ўртадан

бўлди. Мунира дафтарни олганимизга жаҳли чиқди-ю, аммо олмага индамади. Қарс-курс қилиб еяётганимизда оғзининг сўлаги келиб қулт этиб ютди. «Ош бўлсин» деди секингина.

Дафтарларни папкага жойлаб, хотиржам синфдан чиқдик. Қилган ишимизга завқимиз келиб қиқир-қиқир куламиз. Мирвали дам елкамга туртиб, дам қулоғимга шанғиллаб бораётган эди, биринчи синф болалари ўқийдиган хонадан йиғига ўхшаган товуш эшитилди. Мирвали ичкарига қаради ва мени имлаб:

— Юр! — деди.

Олдинма-кейин кирсак, охирги партада кичкинагина қизча папкасига бошини қўйиб ўтирибди. Аҳён-аҳён пиқ-пиқ йиғлаб қўяди. Тепасига бордик. Мен томоқ қириб йўталдим. Қизча бошини кўтармади. Шунда Мирвали қулоғининг тагида сичқоннинг думидек диккайиб турган сочидан тортди. Қизча бошини кўтарди. Унинг кўзлари йиғидан қизариб кетганди. Мен ёнига ўтириб:

— Отинг нима? — дедим.

Қизча бир менга, бир Мирвалига қараб:

— Умида, — деди ва яна лаблари осилиб кетаётган эди, аранг тўхтатдим.

— Қўй, оппоқ қиз, — дедим, — нима бўлди?

Хуллас билсак, бечора арифметикадан бир олибди-ю, уйдагиларга қандай кўрсатаман, деб юраги ёрилиб ўтирган экан.

— Хўн бераҳм ўқитувчилар бор-да, — деди Мирвали ачиниб.

— Қизил қаламинг борми, Умида?

— Ҳа.

— Ол, — дедим.

Мен бирни тўртга шундай айлантирдимки, ўқитувчининг ўзи кўрса ҳам, ҳа, бу баҳони мен қўйганман, дейишдан бўлак гап айтолмасди. Янги танишимиз Умидахонни хурсанд қилиб ҳовлига чиқдик. Ундан кейин... эҳ-ҳе, ўйлайверсак турган-битганимиз гуноҳ экан!

\* \* \*

— Қани, — дедим, — айт, Алижон Валиевич қайси гуноҳимиз учун дадамни чақиртирди экан?

— Эй! — деди кўзлари олайиб Мирвали, — нима деяпсан?

— Ҳа?!

Гуноҳим де!

Менга энди бари бир эди.

— Майли, сен айтгандай бўла қолсин, хўш?

— Ҳа, яша, — қўлларини бир-бирига ишқалаб уёқдан-буёққа юра бошлади у, — бу савол ўринли. Мана энди ўзинг айт. Сенингча қай бирини Алижон Валиевич кўриб қолган ё айтишлик, битта-яримтадан эшитган?

Мен яна йигламоқдан бери бўлиб:

— Менимча ҳаммасини кўрган, — дедим қўл силтаб, — ҳаммасидан хабари бор! Нега десанг мана шу Алижон Валиевич назаримда кўчада юрсам елкамдан, уйда китоб ўқиб ётсам шипдан қараб турганга ўхшайди.

Мирвали ёқасини ушлаб қолди.

— Йўғ-е!

— Ўлай агар, шундоқ!

— Бўлди, тур! — деди Мирвали ва шоша-пиша китоб-дафтарларни папкага сола бошлади. — Эшикнинг тирқишидан қулоқ солиб, ҳаммасини эшитиб турганга ўхшайди, тур, кетдик.

Иккаламиз ҳовлиқиб кўчага чиқдик.

\* \* \*

— Ҳали уйингга келаман, ошна.

— Майли.

— Ўша ерда бемалол гаплашамиз.

— Хўп.

— Унгача шу ҳафта қилган ҳамма гуноҳингни эсла. Эринмасанг битта дафтарга ёз! Даданг келгунча ҳар бири устида жиддий бош қотириш керак, эшитдингми?

— Ҳа.

— Даданг ишдан нечада қайтади?

— Билмадим! — дедим ва юрагимни ваҳима босди.

Мирвали ажабланиб тўхтади.

— Нега?!

— Боя эрта билан «машина бўлса совхозга кетаман» деяётган эдилар. Кетган бўлсалар ўн беш кунсиз келмайдилар.

— Қойил бўларди-я, ошна, — деди Мирвали қувониб, — қани шундоқ бўлса!

Мен ҳам ичимда қани шундоқ бўлса, деб боряпман. Бироқ бу ҳали аниқ эмас. Машина бўлганми, йўқми, номаълум. Негаки, дадам кўпинча шундай деб қўйиб, қайтиб келган кунлари кўп бўлар эди. Ўйлаб кўрсам, дадамнинг кетишига бекор умид боғлаётган эканман. Ойим-чи?

— Нега? — деди Мирвали эътироз билдириб, —

дадангга аталган хатни нега ойнингга бераркансан? Аввал Алижон Валиевичдан сўраш керак, ошна.

— Нима?

— Қайтага суюн, — деди у, — то Алижон Валиевичдан сўраб хатни ойнингга бергунча икки-уч кун ўтади, ошна, вақтдан ютасан!

Бу фикр менга маъқул тушди-да, юрагимга далда бўяди. Аммо-лекин яна кўп ўтмай хатни ўйлаб кўнглим гашлана бошлади. Ичимни аллақандай титроқ босди. Қаллам бозорнинг ғала-ғовуридан чиққан одамникига ўхшаб гувиллайди; ичи тўла айқаш-чайқаш, бир-биридан кўнгилсиз, даҳшатли хаёллар. Яхши ҳам ёнимда Мирвали бор, деб қувонаман ва унга миннатдор бўлиб қарайман. У эса бутунлай менинг ташвишим билан банд!

Мана, шахримизнинг янги кўчаларидан бирига бурилдик. Шу кўчадан чапга, тор кўчага чиқилса, бизнинг ҳовли! Янги кўча асфальт, тош. Унда-бунда шағал уюмлари. Одамлар ҳовлини тозалаш билан овора. Шовқин-сурон. Бўш турган одам йўқ. Қаердадир мотор гувиллайди. Олисда кранларнинг ҳавога санчилган хартуми дам эгилиб, дам кўкка пишқиради. Уч-тўртта киши йўл ёқасига эгат тортяпти.

Мен-ку, буларга ҳар куни махлиё бўлиб борардим. Аммо бугун юрагимга қил сиғмайди... Кўчанинг ярмига етиб қолганимизда:

— Қара, — деди Мирвали кўлимдан ушлаб, — бизни чақиряпти.

Эғнида оқ яхтак, бошини қийиқ билан танғиган, увоққина чол кўчанинг у бетида бизга илжайиб турарди. Ёнида каттакон қоп. Мен Мирвалининг таниши шекилли деб, унга қарадим, у эса бир нима демоқчи бўлиб менга ўгирилган эди, чол яна имлаб қолди.

Олдинма-кейин югуриб бордик.

— Бўтам, — деди чол, — шуни кўтартириб юборинглар.

— Хўп бўлади, — деди Мирвали, — қани, ошна!

Ичига тош солганми, нима бало, роса оғир экан. Инқиллаб-синқиллаб икки киши қопни аранг ердан узишимиз билан Мирвали қўйиб юборди. Қоп тап этиб ерга тушди.

Чол чўчиб ёнига ўгирилди.

— Ҳа, бўтам?

— Ота, — деди Мирвали, — уйингиз олисми?

— Йўқ, жилла узоқ эмас.  
— Йўл бошланг, — Мирвали папкани чолга тутди, — ўзимиз олиб борамиз.

Чол оппоқ соқолини тутамлаб бир менга, бир Мирвалига қаради-да:

— Шундоқми, майли, — деб папкани қўлига олди, — умрингдан барака топ.

Чол йўл бошлади.

Энсам қотди. Бу чол бувангми, таниш-билишингми, яхши кўрининг келса, белингни қайиштириб ўзинг кўтариб кетавер, менинг номимдан керилиб нима қиласан? Ўзимнинг ташвишим каммиди! Мирвали эса қовоғидан қор ёғилиб:

— Ҳа, нега қараб турибсан, бир бошидан ушла, — деди.

Ана холос! Шунча қилгиликни қилиб, зардаси нима-си-а? Вой сурбет-ей! Шунақа одамларни кўрсам-чи, тавба, гап топиб беролмай довдираб қоламан. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Безрайиб турган башарасига қараб бир нима демоқчи бўламан, қани тилим айланса!

Жаҳл билан қопнинг бир томонидан кўтардим.

Йўлда Мирвали қоқилиб кетиб тиззасини қириб олди.

Худди аламини мендан олмоқчи бўлгандай қопни бир силкиган эди, оёғимга тушиб бошмалдоғимни эзиб юборди. Хуллас, бир-биримизни еб қўйгудек бўлиб, зўрға манзилга етиб келдигу чолнинг дуосини ҳам эшитмай қочиб қолдик.

Мирвали йўлда тўхтаб тиззасини ишқалади.

— Қойилман! — дедим бошмалдоғимни ушлаб...

— Ҳа?!

— Оёғимни единг-а. Яхшиликка ёмонлик деб шуни айтадилар-да.

Мирвали юзимга галати тикилди.

— Нима? Яна битта қайтар. нима дединг?

Мен унинг бақрайиб турганини кўриб, яна гап топиб беролмай бўзрайиб қолдим.

— Э, бор-эй, — дедим ўзимни тутолмай, — танишингнинг қопини кўтариб айбдор бўлдимми?

Мирвали оғир-оғир киприк қоқди.

— Ўйлаб гапир, нега меники бўлар экан. Ўзингни-ки-ку!

— Яшавор, — деб юбордим, — сени имлаб чақирди-ку.

— Ҳеч-да. Нега мени бўларкан. Сени!

Бундоқ аниқласак, чол унинг ҳам таниши эмас, менинг ҳам. Мирвали нима дейишини билмай тиззасини уқалади. Мен эса довдираб:

— Чолни кўриб бувам деб юрган эканмиз, — дедим бошмалдогимни ушлаб.

Анча йўлгача жим кетдик.

— Менга қара, — деди Мирвали юмшаб, — сенинг бувангми, меникими, бари бир эмасми-а? Ахир кимнингдир буваси, кимнингдир таниши-ку, нима дединг?

— Рост, — дедим енгил тортиб. Негадир ҳозир юрагимда қайнаб турган газаб бирдан сўнди-ю, ҳатто бошмалдогимнинг оғриғини ҳам сезмай қолдим. Мирвали эса айтган гапи ўзига ёқиб кетиб илжайди.

— Юр, — деди елкамга қўлини ташлаб, — кетдик.

Иккаламиз йўлдаги кўнгилсизликни унутдик. Орқага қайтарқанмиз юрагимнинг бир чеккаси ёришгандек эди. Нега? Ўзим ҳам билмас эдим. Тор кўчага келганимизда эса бояги ваҳимали хаёлларга ҳам парво қилмай, тавба, дангал уйга бурилдим!

\* \* \*

Бувим айвонда кўрпа қавиётган экан. Ойим ишдан эрта келганга ўхшайди, ичкари уйдан машинанинг тақир-туқур овози эшитилар эди. Мени кўрар-кўрмас:

— Ҳой, бебош! — деб койиб кетди бувим, — қаёқларда юрибсан-а. Даданг шўрлик, ўғлим билан хайрлашай деб кута-кута яқинда кетди.

— Қаёққа?!

Бувим менга кўзойнак устидан синовчан қараб қўйди.

— Қаёққа бўларди, совхозга. — Бувим ҳар гал дадам кетганда куюниб айтадиган гапларини такрорлай бошлади, — ўн куни уйда ўтса, ўн куни далада! Тинчроқ иш топ. Ниманга етказолмайсан. Ойингнинг индамагани-чи!

Ичкарида ойим қотиб-қотиб кулар эди.

— Бор, — деди бувим аламини мендан олиб, — қозонда ошинг турибди. Совимасдан олиб е!

— Ойи, нима деяпсиз, — ойим деразадан қаради, — ўглингиз атайлаб кетганлари йўқ-ку. Завод чиқарган

машина аввал ўша совхозда синаб кўрилади. Тенасида ўзларни турмасалар бўладими.

Ойим билан бувимнинг баҳсига қулоқ солиб ўтирмадим. Улар билан ҳозир мутлақо ишим йўқ эди. Қувончим чексиз, ҳовлини бошимга кўтариб қичқиргим келарди. Ўзимни тутолмай бувимни кучоқлаб олдим. У юзидан, бу юзидан чўли-чўли ўндим, сўнг ҳовлининг ўртасига бориб ирғишлай бошладим. Юрагим тошиб кетди. Гулзор пайкалидан кесак кўчириб, Мунираларнинг тутига қараб отдим. Бир гала чумчуқ чуғурлашиб ҳавога кўтарилди-ю, ҳаммаёқ тинчиб негадир хувиллаб қолди. Бувим ишини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, зимдан менга қараб ўтирган экан.

— Товба, — деди ёқасини ушлаб, — дадаси кетганига суюнган болани энди кўришим!

\* \* \*

Қўрқа-писа эшикдан Мирвали қараганда мен дафтарнинг сагалкам бир бетини тўлгазаётган эдим. У дадам кетганини эшитиб хотиржам айвонга чиқиб ўтирдида, дафтарни қўлига олди.

— Эҳ-ҳе! — деб юборди бирдан, — Алижон Валиевич тагин ҳам инсофли одам экан. Бу ердаги йигирма битта гуноҳнинг учун ҳар куни дадангни мактабга чақирса бўларкан, қара!

Яна юрагимни даҳшатли ваҳималар чулғаб олди. Мирвалига қараган эдим, бироқ у негадир кўзимга иккита бўлиб кўриниб кетди.

— Аммо, — Мирвали юшади, — бугун савоб иш ҳам қилдинг, ярми меники-я!

— Албатта, — дедим шошиб.

— Шуни ҳисобга олиб, — дафтарга кўз ташлади, — қолаверса, ўн саккизтаси майда-чуйда гаплар экан, бор ана, ўн тўққизта гуноҳингни ўчириб ташлай қолайлигу қолганлари устида жиддий ўйлайлик, ошна, нима дединг? Шулардан биттасига дадангни чақирган, ҳа!

Шулардан биттасига! Айтишга осон. Ҳали ҳаммасига жавоб беришим керак. Тагин дадамнинг олдида-я! Яна бўшашиб юрагим дук-дук ўйнаб кетди. Ҳозир бутун умидим Мирвалида эди.

— Хўш?

— Бўлди, — деди Мирвали, — бўлди, шу гуноҳларнинг олдини ол, вассалом, Алижон Валиевич билан даданг нега бундай қилдинг деса, хатоимни вақтида

тузатганман, деб тураверасан. Ўзи тушуниб, хатосини тўғрилаган одамни жазолаш мумкин эмас. Қарбсанки, хатдаги ган бекор! Хўш, қалай?

— Қойил! — дедим илжайиб. Назаримда Мирвали қўйнимдаги типратиконни чаңгаллаб сугуриб олди-ю, узокқа улоқтириб юборгандай бўлди!

— Хўш, — ҳовлиқиб қолдим, — нима қил дейсан, хўш?

— Қулоқ сол, — деди Мирвали, — мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим, шунини қилсанг ойна-осон қутуласан-қўясан.

— Йўғ-е?

— Аммо битта шартим бор, — гашида давом этди у, — қаерга олиб борма, нима қилмай, мендан ҳеч нарса сўрамайсан, айтганимни гинг демай бажарасан! Шунга сўз берсанг...

— Шуми?

— Ҳа.

Мен дунёдаги бор қасамларнинг ҳаммасини бира-тўла ичиб юбордим. Ҳар бир минут ғанимат, ишни бошлайверамиз, эрта билан барвақт келаман деб, Мирвали жўнади.

\* \* \*

— Ботир!

Битта кўзимни аранг очиб бошимни кўтардим. Офтоб кўтарилиб қолган эди: ўрикда мусича кукулайди, ҳовлининг ўртасида узала тушиб олган бароқ мушук дам-бадам ўрикка қараб эринчоқлик билан кўз юмади. Майин шабада ялғиз исини димоққа уради. Бувим ҳамирли қўлларини бир-бирига ишқалаб ошхонанинг деразасидан қараб турар эди.

— Нима?

— Вой, кун алламаҳал бўлди-я, тур, болам.

Жаҳл билан кўрпага буркандим. Эрталабки уйқудан ширин нарса борми дунёда! Дам олиш кунини бўлса, ётгани қўядими, йўқми. Тавба, дадам будильник олиб келганда: «Болани ўтақасини ёрма, мен турганда будильникка бало борми», деб қўйдирмаган эдилар. Энди бувим будильник бўлгандан бери азобдаман. Дам қулогимдан чўзиб, дам бурнимни чимчилаб, хуллас ҳар кунини қаллаини саҳарлаб уйғотадилар: барвақт турса одамнинг умри узаярмиш!



— Хой, Ботир!

— Ха?!

— Кўчага чик, биров «Ботир, Ботир» деб чакаги тушди.

Сапчиб турдим. Йўл-йўлакай кийиндим. Шоша-пиша водопроводнинг тагида ювина бошладим. Буни қаранг, кечаги гап битта эсимда йўқ. Кутиб хуноб бўляпти десагиз-чи? Бечора Мирвали, дейман пичирлаб, яхшиликларингни унутсам кўр бўлай. Менинг ташвишим билан каллаий саҳарлаб эшигимнинг тагида ўтирасан-у. э, бувимнинг айтганича бор. Уйқучиман, биров индамаса тўпгача бўкиб ётавераман.

Енгим билан юзимни арта-арта кўчага чиқсам, Мирвали жигибийрон бўлиб эшикнинг тирқишидан қараётган экан. Менинг ялиниб-ёлвориб уэр сўрашимга қулоқ солмай:

— Бўл тез! — деди.

— Қаёққа?

— Кейин биласан, ойна.

Унинг оёгида кирза этик, эгнида ёқаси бўғиқ, чўнтакли жигарранг кўйлак. Енги резинка билан боғланган, аммо икки елкаси осилиб турибди. Ўзиники эмаслигини дарров лайқаш мумкин. Бунинг устига дадасининг темир йўлчилар рамзи қадалган эски шапкасини қошигача бостириб олганидан қиёфаси шу топда ҳам салобатли, ҳам аллақандай кулгили эди. Кулги қургур галати нарса экан. Бўлмаса ҳозир ҳеч ўрни эмас, юрагим мушук тимдалагандай бўлиб турибди-ю, ўзимни тутаолмайман. Ошхонага ўтиб бувимдан сўраб чикдим.

Йўлга тушдик.

— Дўстинг учун захар ют экан, — деди Мирвали. — Сени деб жиннига ўхшаб юрсам-у...

Мен хижолат чекиб:

— Кечир, — дедим ва меҳр билан елкасидан маҳкам қучдим. У аста қўлларимни олиб:

— Бир қараганда, — деди юмшаб, — ҳозир сендан хафа бўлиш аҳмоқлик!

Унинг меҳрибонлик билан айтган илиқ гапларидан негадир ўнкам тўлиб кетди.

— Рост, — деб энтикдим. Мирвали қадамини секинлатиб мени қўлтиқлаб олди.

— Қани, айт. — деди маъюс, — қани, айт, менга осонми-а?

— Йўқ, албатта.

— Каллам ишдан чиқай деяпти. — деди у куйиб-нишиб, — каллам-а! Ҳозир бечора бу калла сен учун ҳам, ўзим учун ҳам баб-баравар хизмат қиляпти! Шундай бўлгач, нима десам сўзсиз хўп дейишинг керак, ошна.

— Албатта! — дедим шошиб.

Мирвали тўхтаб:

— Пулга қалайсан? — деди.

— Бор.

— Ол ҳаммасини!

Мен тангаларимни қоқиштириб унга топширдим. У битта-битта санаб кўкрак чўптакка солди.

Бекатга келдик.

Чошгоҳ пайт. Йўловчилар оз. Булар ҳам куннинг иссиғига нарво қилмай, ивирсиб бозор қилишни яхши кўрадиган қари-қартаглар эди. Қўлларидаги тўрва кўкпиез, турли хил хушбўй кўкатлар, сап-сарик олтиндай узумлар, қиш-қизил олмалар, қўйинг-чи, файзли куз бозорининг нозу неъматлари билан тўла. Болалик хотинлар сал наридаги садақайрағоч тагида жон сақлайди, энгларини шимариб олган сувчи хотин қўли-қўлига тегмайди. Ҳаммаёққа сачратиб, сув қуяди. Мирвали икки марта ширин сув ичди, менга битта чистий олиб берди. Аммо бари бир томогим қақрай бошлади. Қани ҳозир муздек айрон бўлса! Кўзларингни юмиб, култ-култ шимирсанг!.. Похол шляпали, қориндор, бақалоқ йўловчи қучоққа сигмайдиган олачипор қўзивоё тарвузни дам у қўлига, дам бу қўлига ола-ола ҳарсиллаб келиб қолди. Аранг энгашиб тарвузни ерга қўйгунча, икки лунжи осилиб, гўштдор юзи, йўгон калта бўйни қизариб кетди. Лананглаб бориб кетма-кет тўрт стакан сув ичди, терлади, бўшашиди, рўмоли билан тепакал бошини, юз-кўзини артди. Ариқ бўйига чўккалаб, шляпа билан елниди. Мирвали секин туртиб қулоғимга шивирлади:

— Мунча аграясан?

— Ҳа?!

— Бери кел, гап бор.

Четга ўтдик.

— Шу дақиқадан бошлаб сен мени танимайсан, мен сени, тушундингми?

Мен тушунмасам ҳам бошимни қимирлатиб:

— Ҳа, — дедим.

Трамвай кўринди.

— Ваъдани эсингда тут, — деди яна шошиб у, — гинг демайсан-а!

Мен оғзимни очиб улгурмай трамвай келиб қолди-ю. Мирвали у эшигидан, мен бу эшигидан чиқдик. Одам кўп эмас эди. Шундай бўлса ҳам бақалоқ киши чиққунча бўш жой қолмади. Мана, у тарвузни қорнига тираб қучоқлаб олганча кўзлари билан жой қидирарди. Аммо ўтирганларнинг кўпчилиги кекса одамлар ё бўлмаса қўли тўла нарса. Икки-уч ёш-ялангнинг эса, бири атайлаб юзини китоб билан тўсган, қолганлари гап билан овора. Сочи елкага тушган, ориқ, рангпар олифта йигит чиройли мўйловини ўйнатиб қаршисида ўтирган атлас кўйлакли қизга нимадир дейди. Қиз овозининг борича хахолаб кулади ва худди майнага ўхшаб pista чақади. Қизнинг кўзлари, худди Умидахонникига ўхшаркан.

— Опа, секинроқ кулинг.

— Сенга нима? — деди йигит елкаси оша қараб.

— Сиз... Сиз гапга аралашмай, патта кўрсатинг!

— Нима?! — йигитнинг кўзлари олайди ва бирдан хахолаб кулиб юборди. — Бор, тошингни тер, тирранча, сенга ким қўйишти патта текширишни!

Хамма овоз чиққан томонга қаради. Менинг-ку, кўзларим юм-юмалоқ бўлиб кетди. Нега десангиз, олифта йигит билан айтишаётган Мирвали эди. Билагиде қизил боғич. Дарров қаёқдан топиб боғлаб олди, билмайман. Қўлларини белига тираб аллақандай гердайиш билан қизнинг тепасида турибди. Қиз ўсма қўйган қошларини ғалати кериб қаради-да, юзини четга бурди.

— Башаранг қурсин бола бўлмай.

— Ҳой зумраша, ҳа! — Йигит кўзлари қинидан чиққудай бўлиб ингичка бўйнини чўзди. Чиройли мўйлови тез-тез силкина бошлади. Мирвали ҳам бўш келмай овозининг борича:

— Туринг, — деди.

— Нима?

— Уят! — Мирвали қизишиб кетди, — кан-катта одам тарвуз қучоқлаб тепангизда турса-ю, сиз кўриб кўрмаганга оласиз-а, жой беринг.

Бақалоқ киши оғир-оғир нафас олар, нишиллаб йигитга бақрайиб турар эди. Ҳозир жой бермасанг, мана шу тарвуз билан бошингга тушираман, деган важоҳатда эди. Одамлар ҳар ер-ҳар ердан йигитни изза қилиб гап ота бошлади. «Эндиги ёшларга хайрон»

ман», деб бир кампир пичинг қилди. Бақалоқ киши ҳарсиллаб йигитга бир қадам ташлаган эди, йигит сапчиб туриб кетди. Орага ноқулай жимлик чўкди. Мирвали бир лаҳза довдираб қолди-ю, ўзини ўнглаб олди. У қошларини ғалати чимириб, жиддий бир қиёфада одамларга қараб турарди. Баъзилар қизиқиш билан, баъзилар аллақандай шубҳа билан чўнтақларини ковлаштира бошлади.

— Қани, паттангизни кўрсатинг! — деди Мирвали одамларга юзланиб. Мен қизиқ аҳволда эдим. Олифта йигитни бошлади. Қойилман, аммо патта билан нима иши бор, деб юрагимни ҳовучлайман. Биров билиб қолса-я, борди-ю, ҳайдовчи кўрса ё ҳақиқий контролёр чиқиб қолса, расво деяверинг, тавба, бу тентак нима қиляпти ўзи-а?! Юр деганда нега аммамнинг бузоғидек эргашиб келавердим. Қаёққа, нимага, деб сўрасам бўлмасмиди? Менга қараса имо-ишора билан «бас қил» дердим. Қараш қаёқда, парвойифалак. Оёғини чалиштириб деразадан кўчага қараб бораётган қора кўзойнакли киши Мирвалига бир нарса деди. Мен олисда бўлганим учун эшита олмадим. Яқин атрофдаги йўловчилар Мирвалига ўгирилиб пичир-пичир қила бошлашди. Мирвали эса кўзлари олазарак бўлиб қолди. Қўлга тушди, дедим. Юрагим шувиллаб эшикка яқин бориб турдим. Аммо шу пайт менга орқа ўгириб ўтирган оқ яхтакли чол гапга аралашди.

— Бу болани мен танийман, — деди ва Мирвалига қараб жилмайди. Бу кеча йўлда учраган ўша эзма чол эди!

Шу тобда Мирвалини кўрсангиз. Қувончидан жинни бўлаёзди. Югуриб келиб чол билан кўришга кетди.

— Қопингиз борми, ота? — деди ҳовлиқиб.

— Йўқ, болам, йўқ, — чол кулди ва ёнидан патта олиб Мирвалига узатди, — мана, болам.

Мирвали эса чолнинг паттасини қўлига олар экан, гердайиб одамларга қараб қўйди.

Энди ҳеч кимда шубҳа қолмаган эди. Олифта мўйловли йигит патта олишни унутган экан, қизариб-бўзариб ёнидаги йўловчига секин пул узатган эди, Мирвали пулини олди-да, жаҳл билан кассага ташлаб иккита билет йиртди. Осиглиқ турган «Тошкент ошқоми»ни қўшиб, атайлаб атлас кўйлакли қизга узатди.

— Мана, опажон, писта чаққандан кўра, газета ўқинг.

— Вой опаси айлансин, — деди қиз қошларини кериб, — шунинг ўрнига пастдан бир дона морожний олиб чиқиб берсангиз савобга қолар эдингиз. Томоғим бирам қақраб кетяптики.

Қиз бопладимми, дегандек чиройли кўзлари билан ҳаммага бир-бир қараб қўйди. Олифта йигит мўйловини силкитиб кулди. Аммо Мирвали гапни бошқа ёққа буриб кетди.

— Сабр қилинг, опажон, сабр қилинг, — деди атайлаб овозини баландроқ қилиб, — келажакда шундай трамвайлар чиқадики, юшоқ креслоларда ўтириб хоҳланг газета ўқинг, хоҳланг журнал варақланг. Бир бошида морожний, бир бошида муздек сув. Морожнийни ўшанда ейсиз.

Одамлар илжайишди.

Бақалоқ киши лабларини ялаб шу қадар ҳузур қилиб кулдики, тиззасидаги тарвуз коптокдек сакрай бошлади. Қиз яна юзини тескари буриб мингиллади.

— Тили мунча заҳар.

Мирвали эса парво қилмай бир даста газетани олиб ҳаммага улашиб чиқди.

— Бекор ўтирмай ўқинглар. Бунинг ичи тўла янгилик. Олмалиқда гигант комбинат қуриляпти. Жон Кеннедининг хотини 68 яшар грек миллионерига тегибди!

Одамлар чўнтак ковлаб майда қидира бошлашди.

Умримда бунақа завқланмаганман. Ўзимни тутолмай хиринг-хиринг кулаётган эдим, бирдан Мирвали рўпарамда тўхтаб:

— Ҳа, йигитча, — деди, — нега ишшайяпсиз, маймун ўйнатяпманми?

Биров бошимга тўқмоқ билан ургандай оёқ-қўлим бўшашиб, кўз олдим қоронғилашди-ю, жонҳолатда:

— Оғзингни юм! — дедим, — эсингни едингми?

Кўзларини катта-катта очиб Мирвали ажабланган бўлди.

— Ия?!

— Ҳа?

— Товба! — деди Мирвали овозининг борича, — патта олмаганингиз-олмаган, тагин дўқ қиласиз-а! Уят!

Қайси мактабда ўқийсиз, ошна? Хўш?

Аввалига, Мирвали ҳазиллашяпти, деб тургандим, қўлини белига тираб безрайиб туравергач, дод деб юборишимга сал қолди. Одамларнинг олдида шарман-

дасини чиқармоқчи бўлдим-у, бироқ нукул гўддирайман!

— Мана буни узатиб юборинг, — деди Мирвали бир йўловчига пул узатиб, — битта патта, қолгани штраф хақи! Бу бола илгари куни ҳам патта олган эмас. Бундан кейин трамвайга тушсангиз биқиниб кетмай, патта олинг!

— Офарин! — деди чол жилмайиб.

Одамлар аллақачон менга ўгирилишган эди; кимдир пичинг қилар, аллаким ўкраярди. Жаҳл билан бир нечта паттани қўлимга тутиб, Мирвали нари кетди. Агар безориликка кирмаса, шу тобда Мирвалининг оғзи-бурнини қоп-қора қон қилган бўлардим. Баҳтимга бақалоқ киши билан олифта мўйловли йигит айтишиб қолди, одамлар чалғиб мени унутишди. Бақалоқ киши қизариб-бўзариб шанғиллар, рангпар йигит чийиллаб. титраб-қақшаб, ўзини оқлар эди. «Уят бўлади, ҳой, тинчланинглар», деб чол ҳам бир-икки лўкма ташлади. Трамвай бекатларнинг бирида тўхташи билан «нима гап» деб ҳайдовчи чиқди. Бу катак кўйлакли, озгин, сочига оқ оралаган ўрта яшар киши эди. У гердайиб туриб олган Мирвалига, қўлидаги қизил боғичига кўзи тушиб:

— Ия, жиян, — деди ажабланиб, — кимсан?

Мирвалининг ранги ўчди. Секин орқага тисарилди. Ҳайдовчи унга томон бир қадам ташлаган эди, Мирвали чаққонлик билан трамвайдан сакради-да, орқасига қарамай қочиб қолди. Одамлар бақалоқ киши ва олифта йигитнинг жанжали билан овора эди. Оёғини чалиштириб ўтирган қора кўзойнакли киши чолга истехзоли кулиб:

— Ота, — деди пичинг билан, — танишингиз номард экан!

Чол бошини қуйи солганча миқ этмай қолди. Мен лип этиб қочай дедим-у, одамларнинг эътиборини яна жалб қилишдан чўчиб, биқиниб туравердим. Бақалоқ киши билан олифта йигитнинг жанжали босилди. Ҳайдовчи шошиб кириб кетди. Бояги гап чолга жуда алам қилган экан, кўзойнакли кишига энгашиб:

— Бу боланинг нега қалбаки контролёр бўлганига ҳали ҳам тушунолмайман. Ҳар қалай бирор сабаби бордир, аммо-лекин бояги гапини чакки айтдингиз. иним, — деди, — танишимнинг гуноҳи нима, хўш? Бировни урдими, сўкдими ё ноҳақ дилини огритдими.

Вақтингиз қуруқ хаёл билан ўтмасин деб қўлингизга газета тутди. Одобсиз йигитнинг кўзини очиб қўйди. Текин кетаётган баъзиларга патта олишни эслатди, ҳатто, қани анави бола? — чол кўзи билан мени кўрсатиб давом этди, — ўртоғи! Ҳа, биламан, паттаси йўқ экан, юз-хотир қилмай уялтирди. Бу ҳам етмагандек, паттага ҳам, штрафга ҳам ёнидан тўлаб юборди. Қани, айтинг, номард бўлиб нима қилди, хўш?

Кўзойнакли кишининг юзидан кулги қочди. Нима дейишини билмай қолди. Чолга қарагани ботинолмай афтини четга буриб шоша-пиша газета ўқишга тутинди. Ортиқча биқиниб ўтиришининг ҳожати қолмаган эди. Бекатларнинг бирида тушдим-да, бадбахт Мирвалини қидириб кетдим.

\* \* \*

Хиёбонга яқинлаб қолганимда:

— Тўхта! — деди Мирвали садақайрағоч панасидан чиқиб, — битта гуноҳингдан қутулдинг, тўхта, ошна!

Овозини эшитишим билан қўлларим мушт бўлиб тугилди. Юрагим газабга тўлиб оғир-оғир нафас олдим. Ҳозир тўхтасам бўғаман, бу аниқ. Нега десангиз, бояги шармандалиқдан сўнг ўзимга ҳеч келолмасдим. Аммо кўчада одам бор эди. Хиёбондан четроққа, холироқ жойга етиб олай дедим-у, қадамимни тезлатдим. У югурди. Мен жўрттага унинг хой-хойлашига қулоқ солмай боряпман. Қараб турсин, шундай дўшослай, шундай дўшослай, эслаганда тушида шайтонлаб чиқсин. Ўзим ҳам ўлгудай гўл, лақмаман. Ким нима деса ишонавераман. Бўлмаса шу тентакнинг гапига кириб, ярим кунимни бекорга ўтказаманми-а? Бу ҳам майли. Одамларнинг орасида расво бўлганим-чи.

Одам йўқ, овлоқ ерга келишим билан тўхтаб шартта ўгирилган эдим, Мирвали ҳаллослаб келиб зарб билан менга урилди.

— Хўш? — дедим ёқасидан ушлаб, — ўртоқ сохта контролёр, энди нима дейсиз, хўш?

Аввалига Мирвали ҳам бояги менинг аҳволимга тушди. Ҳазил деб ўйлади. Кўзларини пир-пир учирди. Тишининг оқини кўрсатиб тиржайди: унинг нешонасидан, чаккасидан маржондек тер қуяр эди. Мен силтаб ўзимга тортдим:

— «Нега тиржаясиз», — дедим жаҳл билан,  
«хўш, маймун ўйнаганиманми?»

У кулишдан тўхтади.

— Эй, — деди у атрофга қараб олиб, — жинни бўлма!

— Ҳа?

— Қўйиб юбор.

— Бекор айтибсан, — дедим ва жон-жаҳдим билан сайҳонга судрадим. У эса кўзлари ола-кула:

— Қаёққа? — деб хирилларди. Мирвали менга қараганда бақувват бўлганга учун ўзим ҳам салда ҳал-дослаб қолдим. Аммо одам жаҳли чиққанда куч қуйилиб келавераркан. Мана, Мирвалининг ёқасидан омбурдек сиқиб, судраб боряпман. Қараб турсин, бекордан-бекорга шарманда қилиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! Бироқ у катта тўнкага оёгини тираб олди. Бор кучим билан силтадим, ўзим ҳам мувозанатни йўқотиб устига йиқилдим.

— Эй, ошна, сенга нима қилдим-а?

— Ҳо, билмайсизми ҳали.

— Йўқ.

— Шунақами, — дедим-у, хиппа бўга бошладим. Мирвалининг ранги девордай оқарди. Кўзлари аллақандай ваҳима билан термилар, қўллари билан ёқасини бўшатишга уринар, бироқ кучи етмасди.

— Ҳали менинг устимдан куладиган бўлдингми, а?

— Ҳой, ошна, гапимга қулоқ сол, — деб ялинди у.

— Э, сенга қулоқ сола-сола бўлганман!

Мен қулай вазиятдан фойдаланиб устига миниб олдим. Энди у куч билан ҳам, ялиниш билан ҳам мендан қутула олмас эди. Кўриниши кулгили ва аянчли эди. Бирпас бақрайганча ётди. Сўнг бирдан бўшашди. Қўлларини ёнларига ташлади. Кўзлари ола-кула бўлиб бир типирчилади-ю, қимир этмай жим бўлиб қолди. Анчадан сўнг галати товуш билан:

— Майли, — деди йиғламсираб, — майли, ошна. Яна битта гуноҳ орттирдинг. Ўлиб қолсам... Ўлигим кўчада қолмасин. Жасадимни елкангда уйимга элтиб қўй, васиятим шу.

У кўзларини юмиб бошини шилқ этиб ташлади-ю, нафас ҳам олмай қўйди. Ранги ошноқ оқарди. Сенкиллари яна ҳам аниқроқ кўрина бошлади. Мен кўрқиб ўрнимдан туриб кетдим.

— Эй, — дедим секин оёгимнинг учи билан туртиб. Аммо Мирвали миқ этмади. Анчагача тикилиб ўтир-



дим. Унда жон асари йўқдек. Пешонасини ушладим. муз, юрагим орқага тортиб:

— Нега индамайсан! — дедим ёқасидан ушлаб ва жонхолатда силкита бошладим. Аммо унинг калласи уёқдан-буёққа шилқиллаб тушарди. Мен товонимгача қалтираб кетдим-у, ёқасини қўйиб юбордим. Боши тўп этиб майсага тушди. Нима қилишимни билмай қолдим. Тенасида туриб даг-даг титрайман. Бир маҳал телбага ўхшаб қоча бошладим. Ярим йўлда тўхтаб кўрқа-писа орқага қарадим. У ўша алпозда ётарди. Юрагим гуп-гуп урар, томогимга парса тиқилиб, нафас олай десам ҳаво етишмасди. Яна секин тенасига келиб энгашдим. Юзида қон қолмаган, бир кўзи хиёл очилиб, қорачиғи қийшайиб қолибди. Чўкка тушиб қўйлагини ечдим. Кўкрагига қулоқ тутдим. Ўзимнинг юрагим гурсиллар, икки чаккам худди биров муштлагандек лўқиллаб оғрирди. Кўкраги иссиқ бўлгани билан юраги уряптими, йўқми. билолмадим. Хўнграб ўзимни унинг устига ташладим.

— Азизим, — деб юзларидан, кўзларидан ўпа бошладим, — мен аҳмоқ нима қилиб қўйдим!

Шу пайт Мирвалининг васиятини эсладим-у, даст кўтариб елкамга қўйдим. Икки оёғидан маҳкам ушлаб олганман. Боши орқамда, худди тўрвадаги коптокдек уёқдан-буёққа чайқалиб борарди. Ўпкамни босолмайман, пиқ-пиқ йиғлайман. Кўзларимдан селдек ёш оқади. Ярим йўлга бориб қолган эдим, хаёлимга бирдан касалхонага олиб бормаи қаёққа кетяпман, деган фикр келди-ю, орқага қайтдим. Дармоним қолмаган эди. Йиғидан кўзларим хиралашган, оёқларим қалтираб, букилиб кетарди.

— Тўхта, — деди галати таниш товуш. — шапкам тушиб кетди!

Юрагим муз бўлиб, ваҳима билан Мирвалининг оёғига қарадим. Боши орқамда осилиб бораётганини эслаб жонхолатда қочдим. Елкамда лананглаб бораётган Мирвали лайлак бўлиб кетди. Аммо икки-уч қадам юрмай ўзим ҳам гуп этиб йиқилдим.

Ўрнимдан турганимда Мирвали қайрағочнинг тўнкасига чиқиб, чордона қуриб ўтирганди. У оппоқ тишларини кўрсатиб тиржайрди. Қулишимни ҳам билмайман, додлашимни ҳам. Турай десам оёқ-қўлим жонсиз, кесакдек қотиб қолган эдим. У пастга сакраб тушди-да, бирдан кўзларига ёш олиб:

— Мени шунчалик яхши кўришингни билмас экан-

ман! — деди ва маҳкам қучоқлаб олди. Мен ҳали ҳам кўзларимга ишонмас эдим. Унинг қўли тегиши билан этларим жимираб кетиб, хушимни йўқотаёдим.

Сўзсиз, узоқ бир-биримизга қараб ўтирдик.

— Қойилман, — дедим, ниҳоят ўзимга келиб, — тиржайгандан кўра ўлганинг яхши эди. — Ўрнимдан турдим-да, оёғимни қўлимга олиб уйга югуриб қолдим.

— Тўхта! — деди у яна кетимдан эргашиб, — энг катта гуноҳингдан қутулдинг, ошна, тўхта!

\* \* \*

Алижон Валиевич баъзи ўқитувчиларга ўхшаб дарсни чўзиб ўтирмайди. Шу одати яхши. Лўнда-лўнда тушунтиради. Сўрасангиз қисқа ва аниқ жавоб беради. Уй вазифани тўғри кўчирдими, деб ҳамманинг дафтари-га эринмай кўз ташлаб чиқади. Сўнг қўлларини иш-қалаб:

— Хўш, — дейди жилмайиб, — хўш? Савол-жавобга ўтамузми?

Бу ҳаммага маъқул тушади. Менга ҳам, анави Мир-валига ҳам. Негаки, бунда қатнашиш мажбурий эмас. Хоҳланг савол беринг, хоҳланг йўқ. Муҳими, йўқламага баҳо тушмайди, кўнгилни хотиржам қилиб ўтираверасиз. Мен сизга айтсам, мана, шу дақиқани Алижон Валиевичнинг ўзи ҳам жуда орзиқиб кутса керак. Бир гапириб, бир кулади. Ҳазилкаш, меҳрибон, хушчақчақ ўша аввалги Алижон Валиевичга айланади-қолади. Бу савол-жавоб ўқув йилининг бошида ташкил топган бўлиб, ҳафтада бир — шанба куни ўтарди. «Бунинг фойдаси катта, — дерди Алижон Валиевич, — ким нимага қизиқишини мана шу савол-жавобдан билиб олса бўлади!..» Бунда дарсга оид бўлмаган қандай саволингиз бўлса, марҳамат, бераверинг, ё болалардан биронтаси жавоб қайтаради, ё ўқитувчининг ўзи. Дўстлик нима, ёввойи одам борми, нега мушукни томдан ташласа боши билан эмас, оёғи билан тушади, қиз бола билан ўғил бола дўст бўла оладими, Марсга қачон училади, эҳ-ҳа, бунақа саволларнинг қанчасини ҳал қилиб ташладик. Гап футбол устида борса, баҳс қизишиб, кўпинча жанжал билан тугар эди. Шундай пайтлари Алижон Валиевич синфни зўрга тинчитар ва ўз фикрини айтиб ҳар иккала томонни ҳам яраштириб қўйишга ҳаракат қиларди. Қизларнинг саволи жуда ғалати бўлар эди.

Бир марта Мунира «болаликда ҳам севиш мумкинми?» деганда, Мирвали пиқиллаб кулиб юборди. Мен эса оғзимнинг таноби қочиб хохоламоқчи бўлиб турган эдим, Алижон Валиевич:

— Нимаси кулги, — деди жиддий, — хўш?!

Мирвали қизариб партага энгашди. Мен шоша-пиша қўлим билан оғзимни ушладим. Шу-шу Мирвали гапга аралашмай юрарди. Мана бугун негадир ҳаммадан олдин қўл кўтариб қолди.

— Менда учта савол бор, — деди туриб, — гуноҳ хақида.

Алижон Валиевич бундай жиддий савол кутмаган бўлса керак, ҳафсала билан кўзойнагини артаётган эди, шошиб бурнига илди. Кўпчилик қизиқиш билан Мирвалига ўгирилди. Мунира эса, Мирвалининг бошида худди эртақдаги Искандарникига ўхшаш шох ўсиб чиққанини кўриб қолган сартарошдек, оғзини очиб ағрайди. Мени... юрагим uriшдан тўхтади.

Алижон Валиевич кафтини қулоғига қўйиб:

— Қани, — деди, — қани, хўш?

У эса қандоқ гап бошлашини билмай:

— Масалан, — деди довдираб, — масалан, бир одам гуноҳ қилди. Шуни яшириб кета оладими?

— Асло! — Шошиб жавоб берди Алижон Валиевич, — асло! Бу ҳақда ажойиб халқ мақоли ҳам бор. Қасални яширсанг, иситмаси ошкор қилур!

— Ўша одам, — давом этди Мирвали, — қилмишини дарров бўйнига олсинми ё гуноҳини ювиб сўнг узр сўрасинми?

Алижон Валиевич боягидек шошиб:

— Албатта, кейингиси маъқул, — деди, — албатта гуноҳини ювиб, узр сўрагани яхши.

Мирвали яна гап бошлагандан аввал менга кўз қирини ташлади. Бусиз ҳам тамом бўлиб ўтирган эдим. Назаримда, чўнтагимдаги типратикон ғимирлаб чиқди-ю, қўйнимда ўрмалай бошлади. Баданимга игнаси санчилган сари дод деб юборишимга оз қолади.

У эса парвойифалак.

— Гуноҳи бор одам жазоланади, — деди яна ганга тушиб, — шундайми?

— Албатта!

— Борди-ю, гуноҳини ювган бўлса-чи?

Алижон Валиевич ўйлаб қолди.

— Бу нозик масала, — деди у, — дунёдаги нозик ма-

салалардан бири шу. Гуноҳи унчалик оғир бўлмаса, вақтида тушуниб тузатса, узр сўраса, менимча, кечса бўлади!

Мирвали мамнун бўлиб жойига ўтирди. Мен эса ўзимни тутолмай секин уф тортиб қўйдим. Типратикон ўлгур яна чўнтагимга кириб дим бўлди. Алижон Валиевич Мирвалининг саволларини қайта таҳлил қилди ва узундан-узоқ гапирди. Нима деяётгани қулоғимга кирмайди. Баданимнинг безгакка ўхшаб титраши ҳали тўхтагани йўқ. Анавининг тиржайишини кўриб ичимда «ўл» дейман, тунов куни тилини суғуриб олмаганимга кўп афсусланаман. Савол-жавоб қизийди. Кимдир бахт ҳақида мулоҳаза юритади. Алижон Валиевич саволни ўртага ташлади. Бир чеккадан болалар туриб гапира бошлади. Ҳар ким ҳар хил фикр айтади-ю, тортишув авжига чиқади.

Ўқитувчи қўл кўтариб тартибга чақирди.

— Тўхтанглар, — деди у, — маъноси кенг, чуқур масала бу. Вақт тугай деб қолди. Шунинг учун келар шанбагача бахтни ким қандай тушунади, яхшилаб ўйлаб, ҳар ким ўзича ёзиб келсин-а! Кўрамиз, кимнинг фикри чуқур маънога эга бўлар экан.

\* \* \*

Мирвали олдимдан ўта туриб:

— Эшитдингми, — деди жаҳл билан, — раҳмат дейиш ўрнига қовоқ-тумшуқ қилиб юрибсан, ошна.

Ўша воқеадан кейин мен у билан гаплашмай қўйган эдим. Аммо кўп афсусландим. Нега деганда, гаплашадиган, кўнгил очадиган одамнинг бўлмаса жуда-жуда қийин бўлар экан. Бошингга ташвиш тушганда бу, айниқса билинар экан. Шундай диққинафас бўлган кунларим юрагим тарс ёрилай деб икки-уч Мирвалиларнинг ҳовлисига йўл олдим. Аммо ҳар гал эшикдан киргани гурурим қўймай, қайтиб келардим. Мана, ҳозир Мирвалининг олдимга келганидан қувониб пилдираб кетидан чиқаётган эдим, йўқламага ниманидир эринмай ёзиб ўтирган Алижон Валиевич бош кўтариб имлади.

Юрагим гуп-гуп уриб унга яқинлашдим. Эшикдан Мирвали бош тикиб қаради.

— Хўш?! — деди ўқитувчи.

Дадам йўқлигини айтиб, қўйнимдаги типратиконни секин унинг олдига қўйишим билан, тавба, танамга

ёпишган аллақандай шилимшиқ қуртдан қутулгандай вужудим бирдан яйраб кетса-я. Аммо Алижон Валиевич хатни олиб ўйлаб қолди.

— Ойисига берса-чи? — деди Мирвали.

Алижон Валиевич унга бир қараб қўйди-ю, индамади. Ичимда, ўл, гапга араллашиб нима қиласан, дедим ва еворгудек бўлиб ўкрайдим. У эса қизариб-бўзариб бошини эшикдан тортиб олди.

— Ойингга берма. Фойдаси йўқ, — деди ўқитувчи анчадан сўнг, — яхшиси, даданг келганда ўзига бер, ма, сенда турсин!

Қўлларим қалтираб яна хатни олдим.

Эшикка чиқдим.

Ховли қий-чув, ўйин-кулги қилиб юрган болаларга тўла. Хавас билан уларга қарардим. Қандай бахтли!

На гами бор, на ташвиши. Анави Мирвали ҳам ўшалар билан бирга-я, тавба. Жонажон дўстинг ҳам арзимаган нарсага юз ўгириб кетар экан. Бўлмаса синфдан чиқишимни кутиб туриши лозим эди! Тўғри, менда ҳам айб бор. Ўша куни уйга киритмадим. Эшикни гурсиллата-гурсиллата кетди. Эртасига синфда кўришмоқчи бўлиб қўл узатган эди, индамай ўтиб кетдим. Танаффусда гаплашмадим. Аммо ўзи бир марта «сендан хафа бўлган — аҳмоқ, нима яхши-ю, нима ёмон, ўзинг ҳам билмайсан, ҳозир сенинг бошинг бош эмас, қовоқ» демаганмиди?! Аҳволимни тушунса-ю... Биров астагина енгимдан тортқилаб хаёлимни бўлди. Ўгирилсам, ёнимда Умидахон чиройли кўзлари билан қараб турган экан.

— Ҳа?

— Юринг, — пичирлади у ва мендан олдин пилдираб синфга кириб кетди. Истар-истамас орқасидан борсам, тентак қиз арифметикадан яна бир олган экан!

\* \* \*

Юрагим гаш бўлиб мактабдан келдим. Айвонда чой ичиб ўтирган бувим оғзи қулоғида, хурсанд, бир нарсани эслаб нуқул жилмаяр эди. Менга кўзи тушиб:

— Суюнчи бер, болам, — деди, — даданг қўнгироқ қилди. Бир ҳафтада қайтармиш.

Наридан-бери чой ичдим-у, дарс тайёрлагани ўтирдим. Ваҳимали хаёлларни унутиш керак. Ўзимни чалгитмасам бўлмайди. Қўлимга қалам, қоғоз олдим. Ди-

ванга ёнбошлаб, хўш, бахт деганингиз нима экан, Алижон Валиевич, дея ўйлай кетдим. Дарвоқе, тугилганимдан бери шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Қалламга яхшироқ фикр келавермади. Унча-мунча гапни қоғозга туширишни ўзимга эп кўрмадим. Бунақа нозик, шоирона фикр одам гамсиз, беташвиш, руҳи тетик бўлганда келар экан: дарё бўйида қумда думалаб ётсанг, арчазор тоғларда кезсанг, ҳеч бўлмаса қовун полизда тунасанг — осмонга сон-саноксиз юлдузлар сочилган ойдин кеча, ҳаммаёқ ананас, босволди, шакарпалакларнинг исига тўлган...

— Ох, овозингдан ўргилай, — деди бувим. Жилмайиб бошини тебратиб қўйди, — одамни сел қиласан-а!

Девор орқасида Мунира ашула айтар эди. Ох, ҳозиргина қовун полизинг гаштини суриб турган эдим-а, эй, ашула айтмай ўл!

— Буви! — дедим овозимни борича, — радиони ўчиринг!

— Вой, болам, нима деяпсан? Ашулани Мунираҳон айтяпти-ку, айтаверсин, болам, қўй, ашулага не етсин.

Мунира девордан қараб илжайиб қўйди. Афтинг курсин, дедиму тескари ўгирилиб яна бахт ҳақида мулоҳаза юрита кетдим, қани, Алижон Валиевич, айтинг-чи, бахт нима ё кимни бахтли одам деса бўлади. Мана шу қиз бахтлими ё анави кўм-кўк осмону фалакда рақс тушиб парвоз қилаётган оқ кабутарми, ё бувимнинг оёғи тагида ўрикка муғамбирона қараб ётган бароқ мушукми — қай бири бахтли? Мушук эмас, албатта. У ҳам ўзимга ўхшайди; менга ҳар минут ёнимдаги типратикон игнасини санчса, мушук бечора чумчуқ уяга чиқаман деб ўрикка тирмашди бошига бувимнинг таёғи тушади.

Шу жиҳатдан мушук иккимиз бир хилмиз. Мунира билан анави кабутар эса, эҳ, тамом бошқача. Беташвиш, беғам, нимасидир бир-бирига ўхшайди, рост, жуда ўхшайди.

Ўйлайвериб каллам шишиб кетди-ю, ўрнимдан туриб бувимнинг олдига бориб чўккаладим.

— Буви.

— Ҳа, болам.

— Сиз... сизнингча... хўш, умуман бахт нима?

Бувим ойнак остидан менга галати қараб, ишдан тўхтади, қўлидаги бир қатим ишга тикилганча анчагина ўйлаб турди-да, секин хўрсинди.

— Менга... болам, менга, дадагинангнинг уйга тезроқ кириб келиши бахт...

— Нима?!

Бир•ёқда — хат, дадамнинг келиши, қалашиб ётган гуноҳларим, бир ёқда — Алижон Валиевичнинг топшириги, фикрларим аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Қаллам бутунлай қовоқ бўлиб қолган эди. Бунга энди ишондим. Ўзимдан-ўзим сакраб туриб кетдим. Бувимнинг қаёққа деб жаврашига қарамай Мирвалиникига югурдим. Энди Мирвали нима деса шуни қиламан, бўлди, гап битта, бўлмаса ўйлайвериб ваҳима касалига учрашим турган гап. Қолаверса, Алижон Валиевич бутун синф олдида: «Гуноҳини ювса, кечиб юбориш мумкин», деди-ку!

\* \* \*

Келишимни мутлақо кутмаган экан. Эшикдан киришим билан Мирвали уйдан югуриб чиқди.

— Ке!

Мен гапни нимадан бошлашни билмай:

— Боя бекор қилдинг, — дедим, — ўша гапни айтмаганингда, шунча азоб тортганинг етар, деб хатни йиртиб ташлармиди?

Мирвали кулди.

— Ўша одам-а! Хомхаёл бўлма. Ҳали нима деди? Мен айтдим.

— Бўпти-да! Гапнинг маъносига тушундингми?

— Хўш?

— Демак, гуноҳинг шу қадар оғир, шу қадар оғирки, ойинг билан гаплашишининг фойдаси йўқ, дегани, билдингми?

Дарҳақиқат, Алижон Валиевичнинг гапидан бундан бўлак хулоса чиқариш мумкин эмас эди! Шу тобда аламимдан йиглашга ҳам тайёр эдим. Қўзларим ўз-ўзидан ёшланди-ю, бўшашиб зинага ўтириб қолдим. Мирвали мени бирдан бағрига босиб:

— Қўй, — деди, — қўй, мана кўрасан, даданг келгунча ҳамма гуноҳингни ювиб оппоққина бўласан-қоласан.

— Оҳ, қани эди, — дедим шилқ-шилқ бурнимни тортиб.

— Бу ўзингга боғлиқ, ошна.

— Майли, — шолиб қўл чўзим, — бўлди! Шу дақиқадан бошлаб сенинг ихтиёрингдаман!

Уларнинг ҳовлиси тинч ва холи эди. Дадаси провонник, поездда юради, бир кетса уч-тўрт кун йўқ бўлиб кетар эди. Ойиси боғчада ишлайди, бутун ҳовлида кечгача Мирвалининг ўзи! Шотутнинг тагига шолча ташлаб иккаламиз чўзилдигу қиладиган ишларимизнинг режасини туза бошладик.

— Энг муҳими, — деди Мирвали, — ўқишни бўшаштирма!

— Хўп.

— Мунира билан қалайсан? — сўраб қолди у. Мен нега қизиқиб қолганини тушунолмай:

— Биласан-ку... — деб гап бошлашим билан Мирвали сўзимнинг охиригача эшитмай:

— Алоқани яхшила! — деди.

— Хўп.

Шундан кейин Мирвали билан ўйлаб кўрсак, дадамнинг бунчалик тез келиши хавfli эмас экан. Ҳали олдимизда ронпа-роса олти кун бор. Демак, ҳар кунни биттадан гуноҳ ювишга бағишлаганда ҳам Мирвалининг гапига қараганда мен уч кунда мусаффо бўлар эканман.

— Ке, энди пича дарс қилайлик, — у ровондан панкасини қўлтиқлаб келди. — яхши баҳо олиб Алижон Валиевични бир хайрон қолдирайлик, хат ёзганига пушаймон бўлиб юрсин!

Китоб-дафтарларни олдимизга ёзиб дарсга жиддий киришиб кетдик. Аммо ўтган темалар эсимиздан чиққанми ё бунақа мукка тушиб дарс тайёрлаш биринчи марта бўлаётганигами, иш унмади. Шунча вақт бекор кетди, эсиз.

— Бошим сенинг ташвишинг билан банд, — деди Мирвали ўзини оқлаб. — Бундоқ қилсак: сен хаёлингни фақат дарс тайёрлашга сарфла. Қолган ишлар билан мен шугулланай. Уйга бор, дам олу эрталабгача она тили машқини тайёрлаб, чоракам саккизда синфда бўл!

— Хўп.

Шундан кейин бирнас копток тешишдигу мен кетадиган бўлдим.

— Яхши келдинг, — деди Мирвали мени кўчагача кузатиб, — ўйлаб кўрсам, менда ҳам майда-чуйда гуноҳлар бор экан. Алижон Валиевич дадамни чақириб



қолмасдан сенинг баҳонанг билан шуларни ювиб қўйсам ёмон бўлмас.

\* \* \*

Деразадан кўчага қарайман. Хеч ким кўринмайди. Нега мени эрталаб чақириб қўйди-ю, ўзидан дарак йўқ? Синфда уёқдан-буёққа юриб шу ҳақда ўйлар эдим. Қалламдаги бор фикрлар тутқич бермай айқаш-чайқаш бўлади-да, яна кўзим тўрт бўлиб кўчага тикиламан.

Кута-кута ҳафсалам пир бўлди. Энди ҳовлига чиқмоқчи эдим, эшик зарб билан очилди.

— Хўш, — Мирвали ҳаллослаб ичкари кирди, — хеч ким келдими?

— Йўқ, — дедим.

У мамнун жилмайди.

— Қойил! Она тили нима бўлди?

— Тайёр.

У қўлимдан дафтарни олиб варақлади-да, деразадан кўчага қараб:

— Ма, — деди ва шоша-пиша охириги партанинг орқасига яширинди, — мен мутлақо йўқман. Тушундингми!

Шу пайт синф эшиги очилди, остонада Мунира пайдо бўлди. У бугун негадир бошқача эди. Сочига ошпоқ лента таққан, оёғида янги қизил шиппак, хар куни кийиб юрган формаси ҳам бугун ўзига жуда ярашиб тургандай эди. У мени кўриши билан лентадек ошпоқ тишларини кўрсатиб жилмайди-да:

— Мана келдим, — деди хурсанд. Кўзлари эса жуда галати эди. Мен нима дейишимни билмайман, ютинаман, нуқул кўз қиримни охириги партага ташлаб, Мунира тикилган сари қулоғимгача қизараман. У менга жуда яқин келиб пичирлади:

— Келмайди... деб қўрққанмидинг?

— Йўғ-э.

Мунира қошларини кўтариб бир қараб қўйди. Бу қарашда ажабланишми, ўнкаланишми, қандайдир маъно бор эди. Сўнг бирдан хахолаб кула бошлади. Мен — беихтиёр орқага қалқиб кетдим.

— Қўй, — деди жиддийлашиб куюнган оҳангда, — қўй, бунақа нарса ёзма, билдингми, ҳали сен ҳам, мен ҳам бунақа нарса ўйламаслигимиз керак, билдингми.

ке... яхшиси шундай дўст бўла қолайлик-а? Нега, айт, нега қиз бола билан ўгил бола дўст бўлиши мумкин эмас.

Мен суратга тушаётган одамдай қотиб қолганман. Тушимми, ўнгимми, билмайман. Хадеб маъносиз кинрик қоқаман.

— Мумкин! — деди Мирвали бош кўтариб. Мунира деразага суянди. У оғир аҳволда қолган эди. Юзидан илиқ ифода қочди. Кўзлари эса олазарак бўлиб қолди. Деразанинг бир қанотини маҳкам ушлаганича, мен билан Мирвалига қараб яна қизариб кетди-ю, бошини қуйи солди.

— Сен билан шуни маслаҳат қилмоқчи эдик, — деди Мирвали яқин келиб ва чўнтагидан битта олма олиб. Мунирага тутди.

— Ма!

Мунира ерга қараганча бош чайқади.

— Ол! — Мирвали олмани зўрлаб чўнтагига солиб қўйди, шошиб менинг она тили дафтаримни олди-да, партанинг устига ташлади, — дўст бўлиш учун орани очик қилиб қўяйлик!

Мунира ажабланиб бошини кўтарди.

— Ушла! — деди Мирвали менга ўгирилиб. Мен тушунолмаётган турсан эдим, у яна ўшқириб берди.

— Ҳой, мунча ағраясан!

— Ҳа?!

— Қўлимдан ушла!

Мен унинг қўлини орқага қайирдим. Шундагина Мирвалининг мақсадига тушуниб, ҳовлиққанча...

— Кўчир! — дедим Мунирага.

Мунира эса ҳамон ҳайрон эди.

— Мунира, — деди Мирвали, — яхшиликча она тилини кўчириб ол. Бўлмаса...

Унинг вазоҳати ҳозир жуда даҳшатли эди. Мунира бир сўзли бу боладан яхшиликча қутулмаслигини билдим ё Мирвалининг дўқ-пўписасидан чўчидими, хушсиз одамдек секин партага ўтирди ва қўрқа-писа папкасидан дафтарини олди-ю, ниманидир эслаб хахолаб кула бошлади.

...Катта танаффусда ҳамма чиқиб кетгач, Мунира қаламтарош билан олмани учга бўлди, бир бўлагини оғзига солди, гижимланган қоғозга ўраб менга тутди, қолганини эса Мирвалининг олдига қўйиб югурганча

синфдан чиқиб кетди. Мен қоғозга қўл чўзишим билан Мирвали сапчиб юлиб олди.

— Ҳа?!

— Э, қўй, — деди у қоғозни бурда-бурда қилиб йиртар экан, — буни сенинг номингдан ёзган эдим. Бўлмаса келармиди!

\* \* \*

Ёмон баҳо олган куни Умидахон синфимизга мўралайдиган бўлиб қолганди. Уни тоза хурсанд қилиб юрган эдик. Орадан кўп ўтмай йшимизнинг пачаваси чиқай деб қолди.

Катта танаффус эди. Алижон Валиевичнинг бугун дарси йўқ. Мактабга келмаган. Бунинг устига бош пионервожатий ишларимизни мақтагани Мунира билан Аҳмадни эргаштириб радиого чиқиб кетган. Ҳовлини бошимизга кўтариб, роса футбол ўйнаётгандик. Мен дарвозабонман. Икки кўзим коптоқда. Агар шу гал ютсак, марра бизники. Аммо рақиблар — олтинчи «А» синф ўқувчилари ҳам бўш келади эмас. Эҳ, Мирвали мунча аграяди. Оёғининг тагидаги коптоқни илдириб юборди-я, қаёққа қараяпти бу, деб бошимни кўтарсам, бир чеккада Умидахон бошмалдоғини оғзига солиб турган экан. Шу пайт тўп тўсатдан Мирвалининг оёғига яна илиниб қолди. У шошди. Рақибига чап бераман, деб кўзини юмиб тепган эди, коптоқ ўлгур шундоқ бошимдан ўтиб, тўппа-тўғри ўзимизнинг дарвозага урилса бўладими!

Ўйиқриқ кулги босиб кетди ҳаммаёқни. Иккаламиз шалвираб майдондан чиқиб кетдик. Эси паст қиз Умидахон эса хафа бўлиш ўрнига чапак чалиб кулар эди.

— Ҳа! — деди Мирвали жеркиб.

Умидахон уёқ-буёққа аланглаб:

— Мана! — деб чўнтагидан тўрт буклоқ қоғоз олди, — мана, дадам берди.

— Бу нима?

— Хат.

— Қимга?

— Салима опага.

— Э, олиб бор ўша Салима опанга, — деди Мирвали, — нега бизга кўрсатасан?

Умидахон кўрқув аралаш:

— Йўқ, — деб бош чайқади ва чиройли кўзларини катта-катта очиб пичирлади, — ўқинг, ичида ёмон нарса бор.

Иккаламиз ажабланиб бир-биримизга қараб олдик. Хатни қўлимга ушлаб:

— Қалай бўларкин? — дедим иккиланиб, — ўзим ҳалигидек бўлиб турганимда бировнинг хатини ўқиш гуноҳга кирмасмикин?

— Буёққа ол, — деди Мирвали ва хатни очди.

— «Хурматли Салимахон, аввало салом ва ихтиромимни қабул қилгайсиз, — ўқий бошлади у, — ҳо, гапни қара. «Хурмат ва ихтиромимни».

— Ўқи!

— Қани эди, ҳа, ҳа, мана. «Олдингизга кириб қизимиз Умидахоннинг ўқиш, хулқ-атворидан хабардор бўлолмаганимиз учун кечиргайсиз».

— Биз хабар олиб турибмиз! — дедим керилиб. Умидахон эса оғзини катта очиб илжайди.

— «Вақт топиб яқин орада албатта кираман, — давом этди Мирвали, — ҳозирча хат орқали мени ташвишга солган бир нарсани сўрамоқчиман. Ҳар куни Умидахоннинг дафтарини кўриб таажжубланаман. Ичи тўла имло хато, чалқаш, сўзлар нотўғри ёзилган. Ҳисоб дафтарининг қалам билан тузатилмаган ери йўқ. Қизим, дарс тайёрла, машқ қил, десам, «ада, бундан ортиқ баҳо олиб бўлмайди», — дейди.

— Тентак! — дедим Умидага дўқ қилиб, — одам адага ҳам шунақа дейдими?

Умидахон кулишдан тўхтади.

— Буёғини эшит, — деди Мирвали ҳовлиқиб. — «Дарҳақиқат, оладиган баҳоси нуқул яхши! Болага нисбатан бир оз талабчанлик лозим эмасмикин. Биз ўқиган пайтда (уруш йиллари эди) арзимаган битта хато учун ўқитувчи зўрға ўрта қўярди. Эҳтимол, ҳозирги педагогика илғор назарияларга таянган ҳолда мен айтган масалага бошқача қарар...»

Бу совуқ хат аъзойи-баданимни жунжитиб юборди. Мирвали бўлса, бақрайиб қолган эди. Қутилмаган ташвиш иккаламизни ҳам эсанкиратиб қўйди. Умидахон эса бошмалдоғини оғзидан олмай, биздан кўз узмасди. Орага жимлик тушди. Бу жимлик кўнглимга аллақандай ғашлик солар, азоблар, тоқатимни тоқ қилиб юборар, аммо гапиришга ботинолмас эдим. Мирвали эса

кўзларига ишонмай хатга қайта-қайта қарар эди. Ниҳоят сабрим чидамай:

— Бу қанақаси бўлди? — дедим.

У хатдан бош кўтарганда юзида кўрқувга ҳам, кинояга ҳам ўхшаш ғалати ифода бор эди.

— Сендан сўраш керак.

— Ҳа?!

— Уша куни манавининг баҳосини тузатиб бермаганинда шу ғалва йўқ эди.

— Қойиле, ўзимни тутолмадим, — шу гапни ўйлаб гапиряпсанми? Синфга ким бошлаб кирди, ким?

— Э, бақирма, — деди Мирвали уёқ-буёққа қараб, — бўлди! Қаллам шишиб энди қайси гуноҳ сеники-ю, қайси бири меники, ажратолмай қолдим. Сенинг бутун қилмишинг бунинг олдида бир пул. Бу гуноҳларнинг гуноҳи, бу нима, биласанми, бу жиноят!

...Айбни бир-биримизга тўнкаб тоза олишдик. Ниҳоят жаҳлдан тушиб ўйлаб кўрсак, дарҳақиқат тушунмай расво иш қилиб қўйган эканмиз. Яхшилик қиламиз деб, Умидахонни дангасаликка, ёлгончиликка ўргатиб қўйибмиз. Бу аҳволда юраверса синфда қолиши ҳеч гап эмас. Умидахонга хатни қайтариб, қатъий қарорга келгунимизча ўқитувчига кўрсатмай туришни тайинладик.

Дарсдан сўнг синфда қолдик.

— Эртага дадаси келса-я, — дедим юрагим шувиллаб.

— Ваҳима қилмай, қутулишни ўйла.

— Хўш?

— Битта йўл бор, — деди Мирвали, — Умидахонни аълочилар сафига ўтказамиз! Унгача шундай қилиш керакки, дадаси мактабга келмай турсин.

— Ана холос!

— Ҳа?!

— Бўлмаса дадасига бориб айт!

— Сен билан бирга борамиз, — деди Мирвали сўзимни бўлиб. Мен ҳазиллашяпти, деб Мирвалига қарасам, йўқ, жиддий гапирётган эди.

— Нима?! — дедим бўшашиб.

\* \* \*

Дангиллама кўк дарвозадан ичкари кирдик. Каттагина ҳовли. Тўрда устунлари ўйма гуллар билан ишлан-

ган айвон, деразаларига тўр пардалар тортилган оппоқ уйлар. Ҳовлининг тўрт чеккаси айланма йўл. Чиройли қилиб гишт терилган. Ўртаси катта гулзор эди. Оқ, сариқ, қизил атиргуллар офтобда минг бир хил товланади, кўз қамаштиради. Ҳаммаёқ ёқимли, одамнинг кўнглини яйратиб юборадиган аллақандай исларга тўла. Дадаси роса гулга ишқивоз экан. Нега Умидахондан доим атир ҳиди гуркираб туришини энди тушундим.

Гулзор ўртасида темиркаравот. Деворга ёпишиб ўсган азим туп нок сўрига олачалпақ соя ташлайди, хонтахта устидаги оппоқ дастурхонга галати, хаёлий гуллар чизади. Қаердадир шилдираб сув оқади. Кўннинг иссиғига қарамай, нокнинг устида қушлар тинимсиз чуғурлайди. Мен ажабланиб Мирвалига қарайман, у эса уёқ-буёққа аланглаб узун-узун томоқ қиради. Аммо ҳовлида ҳеч ким кўринмайди. Қанча турганимизни билмайман, бир маҳал нокнинг тагидаги беланчак чайқалиб, Умидахоннинг боши кўриниб қолди.

— Ҳой! — дедим. Бизни пойлаб ўтириш ўрнига тен-так қиз беланчакда маза қилиб ухлаб ётган экан, — ойинг қани?

— Уйда, — деди Умидахон кўзларини укалаб.

— Чақир! — деди Мирвали ва Умидахон пилдираб уйга кириб кетиши билан қулоғимга пичирлади:

— Ўзингни тутат бил, ошна.

— Хўп.

— Ўша хатдаги болалар сен билан мен-а!

— Биламан.

...Ўйлаб-ўйлаб Салима опанинг номидан Умидахоннинг дадасига хат ёздигу ўша куни бериб юборган эдик. Унда Умидахон яхши қизлигини, аммо ўқишга бир оз қунти йўқлигини айтиб, ўқитувчи Салима опа: «Ҳурматли Асқаржон ака, мактабга бирор ойлардан сўнг келсангиз, — деб илтимос қилар эди. — Мен Умидахонни жуда яхши кўриб қолганим учун талабчанликни бўшаштириб юборган эканман! (Мирвали отасини эриттириб юборадиган гапларни аямайлик, деганига роса мақтаган эдик.) Қизингиз шундай мулойим, шундай яхшики, у шубҳасиз, келажақда аълочи бўлади. Мен олдингизга мактабимизнинг фахри, энг илғор икки ўқувчини жўнатдим. Кўринг, суҳбатлашинг. Яхши, ахлоқли, илм-маърифат бобида (бу сўзларни не-не машаққатлар билан луғатдан қидира-қидира мен қўшган

эдим) тенги йўқ болалар! (Айниқса, биттаси жуда зўр, боши ғиж-ғиж ақл, кўриб одам ҳайрон қолади, деган сўзларни Мирвали хиралик қилиб ёздирган эди, мен ўчириб ташладим.) Шуларга розилик берсангиз-у, ҳар куни Умидахонни ярим соат синфда олиб қолиб ўргатса....»

— Ҳушёр бўл! — деди Мирвали яна пичирлаб, — ана!

Уйдан атлас кўйлакли, сочини бошига чамбарак қилиб олган ўрта бўйли, лўппигина, кўзлари Умидахонни кига ўхшаган ёқимли аёл чиқди. У худди аммаваччаларини кутиб олгандек кучоқлаб кўришди ва кўярда кўймай сўрига бошлади. Умидахон эса биздан кўз узмай муғамбирона илжайар эди. Мен негадир қулоқларимга ча ловиллаб қизараман. Мирвали бўлса гап тополмай Умидахоннинг кўзи очилиб юмиладиган қўғирчоғини бағрига босиб нуқул уни мақтайди. Қўғирчоқ эса ўлгудай ирkit эди. Бир кўзи йўқ, сочи юлинган, юзлари тимдаланган, башараси маймуннинг ўзи, бошининг бир чеккаси ёриқ, қараб, менинг негадир кўнглим айниди.

Умидахоннинг ойиси жуда меҳмондўст эканми ё Салима опанинг «хати»даги икки «илғор» ўқувчини кўнгилдагидек кутаман деб аввалдан ҳозирлик кўриб қўйганми, бирпасда хонтахтани қанд-қурс, ҳар хил печенье, торт, юмшоқ патир ва аллама балолар билан тўлғизиб ташлади-ю, мис чойнак кўтариб чой қўйгани ошхонага кетди. Қорнимиз роса очган экан. Енг шимариб овқатга тушиб кетдик.

— Умидахонни бугундан оталиққа олдик, — деди Мирвали оғзини торт билан тўлдириб, — баъзи-баъзида мана шунақа келиб турсак.

— Ёмон бўлмайди, — дейман, аммо хаёлим бошқа ёқда. Мураббога қўл узатсаммикин ё сариеғ билан асални аралаштириб есаммикин.

Ойиси чой олиб келди.

— Ҳуш келибсизлар, — деди чой узатиб, — синглингизга ёрдам бермоқчи бўлганингизни эшитиб бирам қувондим. Дадасининг хурсанд бўлганини айтмайсизми.

Бу гапдан анави Мирвали талтайиб ёстикқа суяниб олди. Мен яна кўзларимни қаерга яширишни билмай ҳовлига кўз югуртирдим. Ойиси миннатдорчилигини айтиб адо қилолмас эди. У қизига:

— Акаларингнинг сўзидан чиқма, — деб бир неча бор тайинлади. Меҳмондорчиликдан роса бўкиб, энди

турмоқчи эдик, кўча эшиқдан бир сетка нарса кўтариб Умидахоннинг дадаси кириб қолди.

У чаккаларига оқ тушган, пакаёна, кенг елкали киши эди. Эгнида ёқаси гулдор кўйлак, енглари тирсагигача шимарилган, каламенка шимининг чўнтаги дўппайиб турибди. Ичида бир нарса бор. Тиш чўткага ўхшаш қалин қошлари бир оз чимирилган бўлса ҳам, кўзалари кулиб турибди. Мен уни қаердадир кўрганман, қошлари билан кўзлари таниш, бироқ қайта-қайта қарасам ҳам ҳеч эслай олмасдим. У қўлидаги сеткани хотинига тутди. Бўйнига осилиб олган Умидахонга чўнтагидан бир ҳовуч қурт олиб берди. Хотини кулимсираб нимадир деди. У бизга бир қараб қўйди-да, Умидахоннинг қўлидан ушлаб сўри томон кела бошлади. Биз аллақачон пастга тушиб қўл қошуштириб турар эдик.

— Оббо азаматлар-ей, — у илиққина кўришиб, қизиқиш билан ҳар биримизга алоҳида-алоҳида қараб чиқди-да, менга ғалати тикилиб қолди.

— Кўзимга иссиқ кўриняпсиз, ука, қаердадир кўрганман.

— Мен ҳам, — дедим-у, бирдан кўзларим гилай бўлиб кетди. Овозимнинг борича чинқириб юборишимга оз қолди. Агар Мирвали ёнимда бўлмаса гандираклар кетишим аниқ эди. Аҳволимни кўриб бечора Мирвали ўзини қўйгани жой тополмай типирчилар ва Асқар акага қараб маъносиз ишшайрди. Яхшики Асқар ака «қани, бемалол чиқиб ўтиринглар», деб ювингани водопроводга қараб кетди.

— Ҳа?! — деди Мирвали менга қараб.

— Ўша!

Мен липпа қочай деб эшикка қараган эдим, Мирвали кўлимдан маҳкам ушлади:

— Ким «ўша?»

— Шофёр, — дедим ҳовлиқиб, — шофёр! Трамвайдан сакраганимда довдираб, машинани симёгочга уриб олай деган шофёр.

Бу тасодиф Мирвалини ҳам эсанкиратиб қўйди. Қўллари шалвираб ёнига тушди, майкачанг бўйин-юзларига совун суртиб водопроводнинг тагида ювинаётган Асқар акага қараб анграйиб турди-да, бирдан ёқамга чанг солди:

— Бахтинг бор экан!

Мен жоним ҳалқумимга тикилиб:



— Ҳа! — дедим.

— Ҳозир гуноҳингни ювасан!

— Қўй, — ёкамни бўшата бошладим, — қўй, дўстим, ўтиниб сўрайман, қўй, ўша одамнинг кўзига кўринмай, майли, гуноҳи бўйнимда кетсин! Ахир қизини аълочи қилмоқчимиз-у, шунча яхшилик етмасмикин?

— Бекор айтибсан, — деди Мирвали ўжарлик билан, — бу бошқа!

Мен яна ялинишга тушдим. Қўйиб юбормасанг бир туртиб йиқитаман-у, қўлингдан бари бир чиқиб кетаман. Унда иккаламиз шарманда бўламиз, деб кўрқитдим. Ҳеч қандай гапга кўнмаслигимни кўриб Мирвали бир оз бўшашиди.

— Бўлмаса... узр сўра! — деди шошиб, — эсинг бўлса ҳозир шу ерда узр сўраб қол.

— Қўй, сўраганман, — дедим йиғламсираб, — қўй!

— Э, ҳозиргиси бошқа. — Пичирлади у ва водопроект томон қараб овозининг борича:

— Асқаржон ака! — деди.

Асқаржон ака қайрилди. Унинг кўзлари, юзлари ошпоқ совун эди.

— Бўл! — деди Мирвали. Мен тилим ёпишиб қолгандай ҳадеганда гапиролмас эдим. У биқинимга бир туртган эди:

— Мени... кечиринг! — дедим зўрға. Асқаржон ака эса ҳеч нарсага тушунмай бошини қимирлатиб:

— Ҳа, майли, — деди гўлдираб ва шалоплатиб юзини юва бошлади-ю, бирдан орқасига ўгирилиб бизга қараб қолди. Вақтдан фойдаланиб иккаламиз кўчага чиқиб олдик.

— Қутулдинг! — деди Мирвали мамнун бўлиб, — муҳими нега узр сўраганингни мен билдим. Энди гуноҳинг бор. Қўрқмасанг ҳам бўлади.

\* \* \*

Дунёда ўқитувчиларга маза бўлса керак. Ҳамма оёққа туриб тантана билан кутиб олади. Оҳ, мендан сўрамасин, деб болаларнинг юраги така-пука, кўзлари жавдираб туради. У синфга киргач, истаганини қилиши мумкин. Хоҳласа сўрайди, хоҳласа баҳо қўяди. Энг муҳими, ҳеч ким тепасида уни қил-буни қил, деб

турмайди. Ҳамма қийинчилик, ҳамма ташвиш бечора ўқувчиларнинг бошида!

Шунинг учун Мирвали «ке, Умидахонга галма-галдан ўқитувчи бўламиз», деганда бир маза қилиб қоларканмиз-да! — деб аввал қувонган эдим. Ургатишни асли ўтган кундан бошлаганмиз. Биринчи кунёқ қийинчиликка дуч келдик. Нега десангиз, Умидахон тантиққина, ўқишдан кўра ўйинни яхши кўрадиган, ишёқмас деб юрсақ, турган-битгани одобсиз, ёлғончи қиз экан. Бўлмаса кечаси билан ухламадик. Биринчи синф дарсликларини ўргандик. Она тили, арифметика, ўқиш китоблари ёд бўлиб кетди, десам лоп эмас. «Ўқитувчи биринчи кунёқ, ўқувчини қойил қолдириши керак», — деди Мирвали ва менга сенинг хатинг чиройли деб, дарс планини туздириб олди!

Шундай қилиб, Мирвали дарс ўтадиган-у, мен Умидахонни кузатадиган бўлдим. Бундан мақсад: «Умидахон дарсни қандай қабул қилади, кўзи китобда бўлгани билан хаёли бошқа жойдами, сабр-тоқати, қунти, чидами қай даражада. Хуллас, Умидахоннинг бутун борлигини ўрганиш менинг зиммамда эди.

— Ёнимда ўтирасан, — деди Мирвали остонада тўхтаб, — мен пақиллатиб дарс ўтавераман. Сен ундан кўз узма.

— Хўп, — дедим. Ўзим ҳам Мирвалидан баттар ҳаяжонланардим.

— Қани, — деди Мирвали, — кирдик!

Биринчи бўлиб остонадан у ҳатлади. Мен ҳам орқасидан кирдим. Умидахон бошини партага қўйиб олган, мингиллаб ашула айтарди. Мирвали секин йўталди. Оёгим билан полни тақиллатиб қўйдим. Умидахон эса парвойифалак, ашуласи авжидан тушмасди. «Одобсиз», — деди Мирвали тишларини гижирлатиб ва эшикни тарақлатиб ёпиб юборди. Умидахон чўчиб кетди-ю, ўрнидан туриб қаршилаш ўрнига оппоқ тишларини кўрсатиб илжайди. Чўнтагидан қурт олиб ея бошлади. Шу кун дарс қолиб кетиб, ярим соат вақт насихат қилиш билан ўтди. Бир Мирвали гапиради, бир мен. Умидахон эса қайбиримизни эшитишни билмай аграяди. Оғзида қурт, кўзлари бизда. Аммо хаёли бошқа ёқдалигини сезиб турибман! Шундай бўлса ҳам айтилган гапнинг ўндан бири қулогига қолар-ку, деб жаврашдан тўхтамаймиз. Дунёда насихат қилишдан гаптли, мароқли иш йўқ экан. Мен Алижон Валиевичнинг нега

болаларни тутиб олиб бунақа эзмачилик қилишини энди тушундим.

— Шуҗча гапдан сўнг, — деди Мирвали ниҳоят чарчаб, — эртага ахлоқдан аъло ол!

Умидахон чиройли кўзларини пирпиратиб:

— Хўп, — деди ва папка кўтариб қолди.

— Ха?!

— Уйга.

— Дарс-чи?

Умидахоннинг лаблари осилиб кетди, юзи буришди. Назаримда сал қаттиқ гапирсак йиғлаб юборгудек эди.

— Бошим оғриб кетди.

Унга раҳмимиз келди. Қолаверса ўзимиз ҳам кўп гапириб юборган эканмиз. Жағимиз оғриб кетган эди. Майли, бора қол деб жавоб бердик. Аммо бир маҳал бундоқ деразадан қарасак, айёр қиз кўчада ҳиринг-ҳиринг кулиб кетяпти. Бизни тоза лақиллатган экан!

— Яша! — Пичинг қилди Мирвали, — нима деган эдим?

— Мана кўрасан, эртага бунақа бўлмайди, — дедим қизариб. — Сен дарс ўтгунча юрагининг ич-ичига мўралаб миридан-сиригача билиб оламан.

...Дунёда ажабланадиган нарсалар кўп экан. Тавба, икки аҳмоқ сени аълочи қилай деб ўлиб-қутулса, раҳмат, акажонлар, раҳмат, демайсанми, тентак қиз! Қилиғини қаранг. Шу инсофданми. Нима, биз бекорчимизми ё қиладиган ишимиз йўқми. Буёқда дадамнинг келишига ҳам оз қолди. Уйда тайёргарлик зўр. Бувим бел оғриғини ҳам унутдилар-у, эрталабдан туриб хамир қордилар. Қўни-қўшни сўрагани чиқса, олдига тўрттагина ёпган нон қўймаса уят бўлармиш! Ойим дунёнинг кирини ювган эдилар. Бувим:

«Ҳой, келин, ҳамманинг олдида ёйилиб ётмасин», деб танбеҳ берди. Ойим кирларга кечаси билан дазмол уриб, жавонга тахлай бошлади, мен, фақат мен бечора хурсанд эмасман. Юрагимга қил сиғмайди. Аламимдан кечаси билан тиканга ағанагандек бўлиб чиқдим!

Эртасига дарсдан сўнг шу муштумдай қизнинг «миридан-сиригача» билолмайманми, деб қатъий аҳд қилдим-у, Умидахоннинг қаршисига бақрайиб ўтириб олдим. Анави Мирвали эса, Салима онанинг курсисида гердайиб китоб варақлаш билан овора. Умидахон биздан

осонликча қутулмаслигини пайқаган эди. Кўнглим ўл-гудай бўшлигини билиб, менга мўлтираб қаради. Қиё-фамни жиддий қилиб кўрсатишга уриниб дам ўнг қо-шимни, дам чап қошимни зўр бериб чимираман. Умида-хон эса менга бирнас қараб турди-да, у ҳам қошини учирди.

— Ҳой, қиз, — деди Мирвали китобдан бош кўта-риб, — нега қош қоқасан!

— Ана, — Умидахон мени кўрсатди, — ўзлари шу-нақа қияптилар-ку.

— Яша, — Мирвали ўрнидан туриб кетди, — мен уёқда жигибийрон бўляпман-ку, сен бўлсанг...

Аламимдан қизариб-бўзариб:

— Эй! — дедим, — оғзингга қара!

— Ҳа?

— Нима деясан!

Бошланди. Жанжал ўлгур тоза авжига чиқди. Ўзи-миз ҳам ит-мушук бўлиб олишдик. Ниҳоят ҳолдан тойдик. Бўшашиб жой-жойимизга ўтирдик.

Умидахоннинг киприклари негадир яна пир-пир уча бошлади.

— Нима бўлди? — дедим.

— Яна, — Умидахон лабини бурди, — яна... бошим.

— Кечагига ўхшаб оғриб қолдимиз?

Умидахон бир антикиб:

— Ҳа, — деди.

— Бекор айтибсан, — Мирвали жеркиб берди, — китобни оч. Дарс ўтамиз. Эртага арифметикадан бўлма-ганда тўрт олмагин, мен сенга бош оғриги қанақа бўлишини кўрсатиб қўяй! Ойинг нима деган-а!

Умидахон кўрқа-писа китобни очди. Мирвали ми-солни доскага ёзди-да, Умидахонга ўгирилди.

— Қани, чиқар-чи.

Умидахон доскага чиқди-ю, индамай тураверди.

— Менга қара, — деди Мирвали, — бешдан иккини олса, неча қолади, хўш?

Умидахон эса оғзига бошмалдоғини солиб миқ этмас-ди.

— Ҳой, — Мирвали тоқати тоқ бўлиб кетди, — қў-лингни ол!

Умидахон икки қўлини ёнига тушириб қотиб туриб қолди. Кўзлари эса олазарақ, секин менга қараб анти-киб-антикиб қўярди. Мен Мирвалининг қулогига пи-чирладим:

— Сен ўқитувчисан-а, нега дўқ қиласан?

— Ҳа.

— Илжайиброқ гапир, — дедим.

Мирвали зўрма-зўракай кулди.

— Қани, оппоқ қиз, хўш, неча бўлади?

Умидахон эса йиғламсираб:

— Нима? — деди ва яна бошмалдоғини оғзига солди. Қарасам, Мирвалининг юзлари қизариб, кўзлари олайиб кетяпти. Бир тарсаки туширишдан ҳам тоймайдиган. Мен бориб Умидахоннинг оғзидан секин қўлини олиб қўйдим-да, «беш минут танаффус», деб Мирвалини ҳовлига олиб чиқдим.

— Нима дейсан?

— Бу аҳволда бўлмайди.

— Нега?

— Дарсни кўргазмали қурол асосида, Алижон Валиевич айтгандай, жонли мисоллар билан ўтиш керак, — дедим, — айниқса арифметикани, арифметика нозик фан-а!

— Хўш?

Мен фикримни айтдим. Маъқул тушиб кетди-ю, Мирвали дарров синфга кирди. Умидахон ҳам анойи қизлардан эмас. Вақт бекор ўтмасин деб оғзини тўлдириб сомса еяётган экан.

— Папкада яна нима бор?

Мирвали қўл чўзган эди, Умидахон кўрқиб кетиб, папкани қучоқлаб олди. Кўзларига гилт этиб ёш келди. Мен алдаб-сулдаб зўрга юпатдим. Мирвали кўрқитиб юборганидан хижолат чекиб, шоша-пиша илжайди. Кўнглини кўтармоқчи бўлиб ҳар хил қилиқлар кўрсата бошлади. Умидахон ўзига келди. Қиқир-қиқир кула бошлади. Шундан сўнг хотиржамлик билан дарсни янгитдан бошладик. Умидахоннинг папкаси биз муҳтож бўлган кўргазмали қуролларга тўла экан. Нега папкаси дўнпайиб юради десам, эҳ-ҳе, унинг ичидагини кўриб оғзим очилиб қолди: қурт, ёнғоқ, қовурилган данаг-у, коғозга ўралган пирожнийгача бор!

— Папканг буфет экан, — дедим.

Мирвали кўзлари ўйнаб култ этиб ютиниб қўйди.

Умидахонга бу мақтов ёқиб кетиб бир ҳовуч данакни ўртага қўйди. Мазаси қанақа экан, деб бирпасда ярмини еб қўйдик. Қолгани билан дарс ўта бошладик. Қатор бешта данакни тиздик. Умидахонга кўрсатиб қай-

та-қайта санаб чикдик. Кейин Умидахон орқасини ўғириб турди, иккита данакни яшириб қўйдик.

— Хўш, оппоқ қиз, — деди Мирвали, — энди нечта қолди?

Умидахон партанинг устига қараб, қиқирлаб кула бошлади.

— Ҳа? — деди Мирвали, — нега куласан?

— Билмайди дейсизми?

— Нимани?

— Йўқолганини.

— Хўш.

— Чўнтагингизда! — деди у. — Топдимми?

— Топдинг, оппоқ қиз, — дедим шоша-ниша, — хўш, Мирвали аканг нечтасини ўғирлаган экан, хўш?

Мирвали эса кўзлари олайиб:

— Нима деяпсан! — деб қичқирди.

— Жим, — мен уни зўрға босдим, — тентак, мисол учун айтяпман. Болага жонли тил билан гапириш керак.

Умидахон эса бирдан чапак чалиб овозининг борича чинқира бошлади.

— Мирвали ака ўғри экан! Иккитасини ўғирлапти.

— Яша! — Қувончдан Умидахоннинг елкасига бир туширдим. — Демак партада нечта данак қолипти.

— Учта!

— Аъло! — деб юборди Мирвали ҳам хурсанд бўлиб, — оппоқ қиз, мана бугун битта аъло олдинг!

...Шундай қилиб, Умидахонга арифметикадан уйга берилган вазифани ишлатдик. Иккаламиз ҳам чарчадик. Гапиргани ҳолимиз қолмади. «Бундан кўра ҳам-молчилик қилган яхши экан», деди Мирвали. Мен эса дунёда ўқувчига маза-ку, ҳамма қийинчилик, ҳамма ташвиш бечора ўқитувчининг бошида экан, деб қўйдим.

...Қўнғироқ жиринглади.

Биз яна Умидахоннинг синфига йўл олдик. Энди қандай қийинчиликларга дуч келсак ҳам Умидахонни аълочилар сафига қўшмай қўймаймиз!

\* \* \*

Дадам келди! Ўзим ҳам билмай қолдим. Маза қилиб ухлаб ётган эдим. Биров тонг саҳарда аста қулогимдан тортди. Бувим деб кўрпага бурканиб олдим. Оёғимни қитиқлади. Кейин у юзимдан-бу юзимдан ўпа бошла-

ди-ю, сесканиб қарасам... тедамда соқоллари ўсиб кетган дадам кулиб турибдилар.

\* \* \*

— Бердингми?!

Мирвали ҳовлиқиб қўлларимдан маҳкам ушлаб, юзимга тикилиб қолди. У мендан баттар оқариб кетган, лаблари, кўзлари пир-пир учарди. Мен бўшашиб партага ўтирдим.

— Йўқ.

— Яхши қилибсан, — Мирвали ёнимга чўккалади, — мендан бемаслаҳат бера кўрма.

— Хўп.

— Энг муҳими, ўзингни йўқотма, — деб тайинлади у, — гуноҳларингни ювдинг ҳисоб. Бунга мен гувоҳман. Қўрқмасанг бўлади. Хатни топшираётганда, албатта, ёнингда мен туришим керак.

— Яхши бўларди, — чўнтакдаги хатни ушлаб юргим яна шувиллади, — сен бўлмасанг, ўлай агар, ўзимни тутолмайман, хўп де, кечқурун топшира қолай. Қачонгача бунақа қийналиб юраман-а?

— Майли, — деди Мирвали шошиб, — майли, кечқурун мени кут.

\* \* \*

Мирвали иккаламиз, кемага тушганинг жони бир, деб дадамни кутдик. Дадам ишдан келиб ювинди. Овқатга ўтирди. Овқатдан сўнг газета тита бошлади. Дадам буни атайлаб бизни қийнаш учун қилаётганга ўхшарди. Ниҳоят, газетадан бош кўтаришлари биланок, хатни секин олдиларига қўйдим. Дадам ажаблангандек бир менга, бир хатга қараб, қўлига олди. Ох, тезроқ оча қолсалар дейман ва бу фикрдан чўчиб тушаман. Йўқ, яхшиси, тўхтаб турсинлар, йўқ. Унга қандай қарайман! Дадам буни сезгандай конвертни очишга шошилмасди. Ўрнидан турди. Жавоннинг тортмасидан қайчи олиб, конвертнинг бир чеккасини секин қирқа бошлади. Бўлди, дедим. Анави Мирвали эса лип этиб кўчага чиқиб кетди. Мен тентак нега хатни топшира қолдим. Аввал йиғлаб-сиқтаб узр сўрасам бўлмасмиди?

Мен кўзларимни чирт юмиб, тескари қараб олдим. Бирпас кутдим. Ҳаммаёқ жим. Дадамдан садо чиқ-

мади. Яна ҳовлиқа бошладим. Дадам миқ этмади. Бир маҳал битта кўзимни очсам, дадам жилмайиб туришти! Иккинчи кўзим ҳам очилиб кетди-ю:

— Ҳа? — дедим қўрқа-писа.

— Хўп ўқитувчинг бор-да, — дадам негадир жуда хурсанд эди, — олтин одам! Заводингизга экскурсия уқуштирмоқчимиз, пахта териш машинаси ҳақида болаларга гапириб берсангиз, қачон борсак, деб сўрабди. Бориб айт, ўғлим, қачон келсангизлар, бажону дил кутиб оламиз.

Кўзларимга ҳам, қулоқларимга ҳам ишонмасдим!

\* \* \*

Ҳеч маҳал дарсда шу бугунгидек хурсанд, бемалол ўтирган эмасман. Ўзимни қушдай енгил ҳис қилардим. Ҳаммага қараб илжайгим келарди. Танаффусни мендан қувноқ ўтказган бола бўлмаса керак!.. Мактабга келган заҳотим дадамнинг жавобини Алижон Валиевичга етказдим. У мамнун бўлди. Мен эса бениҳоя бахтиёр эдим. Бошлаган ишни бўшаштириб юбормайлик, деб Мирвали иккаламиз катта танаффусда Умидахондан хабар олдик. Арифметикадан уч олган экан. Қувончимиз чексиз эди. Ҳамманинг олдида Умидахонни эркалаб сочидан тортиб қўйдим. Дарсга кирганда эса мен ҳам бахт ҳақида ёзганимни Алижон Валиевичга таптана билан тошширдим.

— Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунаркан, — деди Алижон Валиевич қоғозларни тез-тез кўздан кечириб, — аммо бир ўқувчи жуда яхши гап айтибди. Менга ёқди.

Алижон Валиевич жим бўлиб қолди, хаёлга толди. У бола ким экан? Ҳамма сабрсизлик билан Алижон Валиевичнинг оғзига қарар эди!

— Мана, эшитинглар, — Алижон Валиевич ўқий бошлади. — «Дунёда бегуноҳ яшаш бахт экан!» Яхши гап-а, хўш, нима дейсизлар?

Бу, бу... менинг дафтарим эди!



## ЮЛДУЗ УЧДИ

Акбар билан ботинкани қўлтиқлаб тупроқ йўлдан куйиб-пишиб тоғамникига боряпман. Акбар дастрўмининг учларини тугиб, бошига дўппи қилиб олган. Дам-бадам тўхтайди. Дўпписини ариқдаги сувга хўллаб кияди ва орқасига аланглайди. Йўлда машина тугул эшак-арава ҳам кўринмайди-ю, ноилож яна орқамдан судралади. Боя станцияда садақайрағочнинг остига кўлонлаб сув сенаётган чойхоначи:

— Кун қизиқда юрмай, сабр қилинлар, машина ўтса ўзим тушириб юбораман, — деганда ҳам Акбар кўнмай ўжарлик қилган эди. Мана энди, юргани мадоримиз йўқ. Акбар ҳам ҳолдан тойди, мен ҳам. Ариқ ёқа сидаги толнинг олачалпак соясида туриб манзилни мўлжаллаб кўрдим. Ҳа, ҳали талай йўл. Уша, элас-элас кўриниб турган қўшқайрағочга етиб олишимиз керак. Хўш, энди нима қилдик, деб Акбарга ўгирилдим. У шимини тиззагача қайириб олган, оёғини сувга солиб мудрарди.

— Шу ерда кутайлик энди, — дедим.

Акбар рози бўлди. Мен ҳам унинг ёнига келиб чўк каладим.

Орадан қанча вақт ўтгани эсимда йўқ. Бир маҳал олисада чанг кўтарилди.

— Машина! — дедим.

Акбар кўзларини катта-катта очиб йўлга қаради ва дик этиб ўрнидан турди. Иккаламиз ҳовлиқиб машинага югурдик. Бироқ, машина келиб тўхташи билан қувончимиз бир пул бўлди. Шофёр баджаҳл одам экан. Кабинанинг эшигини зарда билан очиб, настга тушди-ю, бизларга ғалати қараб туриб қолди. Унинг важоҳатини кўриб, нима қилишимизни билмай қолдик, анчадан сўнг қошларини чимириб:

— Бери кел, — деди.

Олдига бордим.

— Нега чойхоначининг гапига қулоқ солмадинлар. Шу офтобда йўл юриб бўладими-а?

Мен нима деб жавоб беришимни билмай:

— Уртоғим... ўжарлик қилиб қўймади, — дедим.

— Э, ёш болалигингга бъраркансанларде, — деди ва кабинага ўтирди, — сенларни деб, яқин йўлни қўйиб, буёқдан айланиб юрибман, чиқларинг.

Акбар иккимиз қўрқа-писа шофёрнинг ёнига ўтири-

шимиз билан машина қаттиқ бир силкиниб ўрнидан жилди. Мана, кабинада ўтириб кетяпмиз. Шапкани қошларигача бостириб олган шофёр оғзидаги папиросни буруқситиб тортгани-тортган. Ҳали қовоғи очилгани йўқ. Миқ этмайди. Папирмагани ҳам яхши, деб кетаётган эдим, йўқ, қишлоқнинг паст-баланд лой томлари, лайлак уя, илондек буралиб оқаётган сой олисда кўзга ташланиши билан:

— Қаёққа кетяпсизлар? — деди бир оз юмшаб.

— Тоғамникига.

— Ўртоғимни бир ўйнатиб келай, депсан-да.

— Ҳа.

— Ўзи ёмон болага ўхшамайди-ю...

— Бир оз шўхроқ, — дедим.

— Ҳа, шундай экан!

Акбар юзини тескари буриб олди.

Қишлоққа етгач, машинадан тушиб қолдик. Машина чапга бурилиб, сой ёқалаб кетди.

Ўзимиз ҳам офтобда йўл юриб, бўладиганимиз бўлган экан. Тоғамникига аранг етиб бордик. Кечгача шийпонда дам олдик. Сойга бориб икки марта чўмилдик. Тоғам овқатланиб бўлиб чайлага боринглар, деб тайинлаб кетди. Салқин тушиши билан қовун полизга жўнадик. Акбар қовоғи солиқ, камгап эди. Қовун полизни ёқалаб бораётганимизда пайкалларда думалаб ётган апанас, босволди, шакарпалакларни кўриб:

— Тоғанга маза экан, — деб қўйди.

Тоғам чайланинг олдида чўққайиб қумгонга ўт қалаётган экан. Бизни кўриб хурсанд бўлди. Ичкарига олиб кирди. Белидан қийиқчасини олиб, олдимишга ёзди-да, топган-тутганини тўкиб ташлади. Полиздан қовун олиб чиқди. Энди чой дамлагани чайладан чиққан эди:

— Тоғайиз ҳам болаликларида балодай шўх бўлган эканлар, — деб қолди Акбар.

— Қаердан била қолдинг?

— Пешонасидаги тиртигини қара!

Мен унинг нега индамай юрганини энди билдим. Боя шофёрга айтган ганимдан хафа бўлибди. Тавба, арзимаган нарсага қовоқ-тумшуқ қилиб юрибди-я.

— Ия, жиян, нега қараб ўтирибсизлар, — деди қумгон кўтариб кирган тоғам.

Тоғам қумгонни оҳиста ерга қўйиб, ёнимга чордана курди. Нон ушатди. Мен Акбар билан орамизда бўлган

гапни эшитиб қолдимикан, деб зимдан тоғамга разм солдим. Тоғам эса, одатдаги жилмайишини қўймай, ёнидан пичоқ олиб, қовунни тилимларкан:

— Бай, бай, бай, — деди бош чайқаб, — қани олинглар.

Қовунни туширдик. Устидан кўк чой ичдик. Мен қумгонда қайнаган чойнинг бунақа ширин бўлишини энди билдим. Чойдан сўнг, Акбар билан полизни айла-ниб томоша қилиб келдик. Чайлага қайтиб келганимизда кеч кириб қолган эди. Акбарнинг ҳам кайфи энди яхши, менинг ҳам алланечук руҳим тетик эди. Тоғам чайла олдидаги супачага жой солиб, ёнбошлаб ётган экан.

Ойдин кеча, гир-гир шабада ананаснинг ҳидини димоққа уради, полиздаги чигиртка ва яна аллақандай жониворларнинг сирли товуши қулоққа чалинади. Сойнинг шовуллашига қўшилиб, қаердадир мотор гувиллайди. Олис-олисда, симёғочларда йилтираган чироқларга қараб хаёл суриб ўтирган эдим, шундоқ тенамизда кўз қамаштириб юлдуз учди.

— Тавба, — деди тоғам юлдуз қолдирган опшоқ изга қараб, — болалигимда ҳар кимни ўз юлдузи бор, юлдуз учса одам ўлади, деган чўпчакка ишонар эдим. Ҳатто жиян, мен сенга айтсам, ўз юлдузим учганини кўрганман. Аммо мана, кўриб турибсан, ўлганим йўқ.

Акбар ҳайратдан энтикиб:

— Қизиқ-ку! — деди.

Мен тоғамга яқинроқ сурилиб ўтирдим.

— Қачон, тоға?

Тоғам жим бўлиб қолди. Сой бўйлаб ўрмалаб келаётган машинанинг қора зулматни тешиб, кўз қамаштираётган чироқларига тикилганча хаёлга толди. Акбар сабри чидамай тиззасини маҳкам кучоқлаб олди.

Машина жуда яқинлаб қайрилди-ю, қўшқайрағоч кўланкасини бутун полиздан судраб ўтди.

— Шунақа, жиян, — деди тоғам, икки қошининг ўртасидаги бошмалдоқдек тиртигини ушлаб, — бу, ўша чўпчакка ишонмаган куним бўлган. Аммо баъзилар ўйлагандек шўхликнинг оқибати эмас.

Баданимдан чумоли ўрмалагандай бўлди-ю, ер тагидан Акбарга қарадим. У эса кўзларини яширди. Тоғам бизнинг хижолат чекаётганимизни сизди шекилли, гапни улаб кетди.

— Бир воқеадан кейин «одам ўлса юлдуз учад», деган гапга ишонмай қўйдим.

— Қанақа воқеа, тоға? — деб сўрадим.

Тоғам одатдагидай мулойим жилмайди:

— Ухлаб қолмайсизларми?

Акбар ердан кўзини олиб:

— Йўғ-е! — деди.

— Майли, айтиб бера қолай, — тоғам уюшиб қолган тиззасини уқалаб, чордана қуриб ўтирди. — Мана шу полизнинг ўрни катта яйлов эди. Сойнинг ёқасида одам кириб бўлмайдиган тўқай бўлиб, баҳор келди дегунча гавжум бўлиб кетарди. Шаҳардан одамлар бу ерга овга чиқарди. Бу ерларда ёввойи ўрдак, каклик кўн бўлар эди.

Колхоз янги тузилган йиллар эди. Мен у пайтда ёш эдим. Мактабда ўқир, таътил бошланиши билан дадамга кўмаклашар эдим. Дадам колхознинг молини боқарди. Бир куни у зарур юмуш билан шаҳарга тушиб кетди-ю, бутун иш ўзимга қолди. Белимга нон тугиб олардим-да, қўйларни ҳайдаб сойнинг нариги бетига ўтиб кетардим. Негаки, у томонлар қалин ўтлоқ бўлиб, қўл тегмаган эди. Шу кезлари қишлоқ нотинч эди. Ер-сувдан айрилган аламзада бойлар ё уларга сотилган ишончсиз кишилар ҳар хил йўллар билан колхозга киришга уринар ва колхозга пугур етказар эди. Колхоз активлари ҳақида бўлмағур гап тарқатар, омборни талаб ё бўлмаса пичан гарамига ўт қўйиб кетар эди. Бундай воқеа бизнинг колхозда ҳам бўлган. Бир куни сой бўйида молларни боқиб юрсам, олисда отлиқ кўринди. У мени кўриб имлади. Олдига бордим.

— Отинг нима, ука? — деб сўради мулойимлик билан отлиқ.

Айтдим. У ниманидир ўйлаб қолди-да, сўнг отдан тушиб:

— Қани, мен билан юр-чи, иним, — деди.

Номаълум киши отни қўйиб юбориб, қирғоқдаги жийданинг тагига бошлади. Ўртага қийигини ёзиб, хуржундан суви қочиб қолган иккита зоғора нон, бир ҳовуч майиз, қанд олиб қўйди. Мен қумғонда чой қайнатдим. Гап орасида қишлоқ янгиликлари, молларнинг кимга қарашлигини сўради.

— Идоранинг олдида чойхона бор-а?

— Ҳа.

— Чойхоначини танийсанми? — сўраб қолди у.

Мен танир эдим. Мулойим, ширинсўз, икки қўли доим кўксиди бу киши колхозга яқинда келган, саломатлигининг мазаси йўқ эди. Икки гапнинг бирида бошқалар қатори далага чиқиб кетмон чонолмаслигига ачиниб қўяр эди. Бизга доим қанд-курс бериб турарди. Шунинг учун болалар уни яхши кўрардилар. Эр-хотин идоранинг орқасидаги ички-ташқили катта ҳовлида туришарди. Бир қўй, бир сигири бор эди. Мен уларни ҳар куни подага қўшиб олиб кетар эдим.

— Иним, — деди, — бир юмуш бор сенга.

— Майли, айтинг, — дедим.

У негадир узоқ ўйланиб турди-да, сўнг менга синчиклаб қараб:

— Ўтган ҳафта қўшни колхоз омборига ўт қўйиб кетишибди, — деди, — эшитгандирсан?

— Ҳа, — дедим.

— Улар уч-тўрт киши экан. Омбор қоровули ҳам улар билан бирга экан, қочиб қопти. Унинг узоққа кетолмаслиги аниқ. Негаки, оёғидан ўқ еган. Қаердадир яшириниб юрибди, тушундингми? Эшитишимча, у ана ўша чойхоначи Ҳожи аканинг узоқ қариндоши экан.

У нима мақсад билан бу ерга келганини айтди. Кетаяётганда эса «кўз-қулоқ бўлиб юр, мен яна келаман», деб тайинлади. Шу куни кечаги номаълум кишининг гаплари билан бошим гангиб юрди-ю, кечкурун молларни ҳайдаб келганимда, бир нарса эсимга тушиб, юрагимда шубҳа уйғонди. Илгари қўй-сигирни Ҳожи аканинг отхонасига ўзим ҳайдаб олиб кириб қўярдим. Ҳожи ака «рахмат, ўғлим», деб миннатдор бўларди. Яқиндан бери хотини эшикда пойлаб турадиган бўлди. Бу ҳам майли. Илгари ташқари ҳовлида Али деган бола ётиб юрарди. Етим эди. У сув ташиб, ўтин ёриб чойхоначига қарашиб турарди. Яқиндан бери қишлоқ нотинч, биров майда-чуйдани кўтариб кетмасин, деган баҳона билан Алини чойхонада қолдирадиган бўлди.

— Тавба, — деди бир куни Али қулогимга шипшиб, — Ҳожи ака ҳам қизиқ-а! Ўтган ҳафта от сотиб олган эди. Қачон қарасанг отхонада туради, эгарланган, ҳатто кечкурун ҳам эгарини олмайди.

Мана шу гаплар хаёлимдан ўтди-ю, уч кундан кейин келган янги танишимга айтдим. У яна кўп нарсаларни сўради. Хуллас шу куни менга қизиқ бир топшириқ бериб, жўнади. Топшириқ шундан иборат эдики, мен ни-

ма бўлса ҳам бугун тунда Ҳожи аканинг ташқари ҳовлисида ётишим керак. Ярим кечадан кейин дарвозани оҳиста очиб қўяман. Шу куни кечгача ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келдим.

Молларни вақтлироқ, хотини кўчага чиқиб пойлаб турмасдан ҳайдаб келаман-у, ана шу ғарамга яширинаман. Шундай қилдим ҳам!

Тун. Ҳаммаёқ жимжит. Фақат отхонадаги отнинг беда чайнаши-ю, ичкари ҳовлидан аҳён-аҳён Ҳожи аканинг овози эшитилади, холос. Мен ғарамнинг тепасида осмонга қараб чалқанча ётибман. Устимга икки бог бедани ташлаб қўйганман. Бир маҳал шундоқ ёнгинамда шивир-шивир гап эшитилди.

— Юракдан берган экан, — деб ҳиринглаб кулди Ҳожи ака.

— Эҳтимол яхши-да, — деди бегона бир товуш. Пичаннинг орасидан қарадим. Кеча ойдин бўлгани учун улар яққол кўринарди. Бегона киши тескари қараб тургани учун юзини кўролмадим. У дарвозани кўздан кечирди. Отхонага кириб чиқди. Ўнг оёғини аранг судраб юришини кўриб, кўрқувдан қалтирай бошладим. Чойхоначи қўлидаги лампани пуфлаб ўчирди-да:

— Қани, юринг энди, — деди.

— Тавба, — деди номаълум киши ғарамга яқин келиб, — негадир юрагим гаш. Негалигини ўзим ҳам билмайман. Бу сабил, — у сонига уриб қўйди-да, давом этди, — тезроқ тузала қолса эди, жўнаб кетардим.

Ғарам шитирлай бошлади.

— Нима қилиясиз? — деди Ҳожи ака норози оҳангда, — хой, сизга нима бўлди. Ҳар куни шу аҳвол-а!

Бегона киши қўлидаги хаскаш билан ғарамнинг уёқ-буёғини титкилаб:

— Кўнгил хотиржамликка не етсин! — деди.

Чойхоначи овозсиз кулди.

— Балли-е, — деди у, — шу юрак билан ҳали...

Шу найт биров бошимга мих қоққандай бўлди. Алланарса икки қошимнинг ўртасини тилиб кетди. Қўлим билан чангаллаб олдим. Уёғи эсимда йўқ. Алламаҳалда ҳушимга келиб, кўзимни очаман дейман, очолмайман. Кипригимда қон қотиб қошти. Бир амаллаб кўзимни аранг очдим-у, похолни титиб, бошимни кўтармоқчи бўлдим. Кўнгилим нари бориб, бери келарди. Осмондаги ғуж-ғуж юлдузлар назаримда сакраб ўйнарди. Биттаси ошпоқ из қолдириб, кўз қамаштириб учди! Тамом, де-

дим. Анчагача кўзларимни юмиб, қимир этмай ётдим. Бир маҳал уёқ-буёгимни ушлаб кўрсам, йўқ, тирикман, шундан кейин бояги чўпчакка ишонмадим-қўйдим.

...Тоғам ниманидир эслаб жимгина кулди. Кейин ўзича негадир бош чайқаб қўйди. Акбар эса бутун вужуди билан берилиб эшитаётган экан, қаттиқ энтикди. Мен тоғамнинг қўлидан ушладим.

— Хўш, ундан кейин-чи, — дедим сабрсизлик билан, — ундан кейин нима бўлди?

— Бир амаллаб судралиб настга тушдим, — деди тоғам, — бир қўлим билан пешонамни маҳкам ушлаб дарвозага етиб олдим-у, очаман дейман, қани очолсам. Танбани кўтараман, деб икки марта ўтириб қолдим. Ташқарида уч-тўрт одамнинг шивир-шивири эшитилди. Бор кучимни йигиб танбани четга суриб илгакни туширдим. Дарвозанинг бир қанотини оҳиста очишим билан қуролланган уч-тўрт киши оёқ учида шипиллаб ичқари ҳовлига кириб кетишди.

Кўп ўтмай Ҳожи ака билан қариндошини олдиларига солиб чиқишди. Мени эса ўша заҳоти касалхонага олиб кетишди...

Акбар билан ўринга ётиб ҳам, анчагача уйқумиз келмади. Тоғам: «Ухланглар, барвақт уйғотаман», деб фонис кўтариб сувдан хабар олгани кетди. Акбар тоғамнинг ҳикоясидан қаттиқ таъсирланибми ё бояги ноўрин айтган гапидан хижолат чекибми, ишқилиб бир-икки чақирсам индамай бошини қўлига қўйганча хаёлга чўмиб ётарди. Мен ҳам осмондаги сон-саноксиз юлдузлардан кўз узмай ёта-ёта энди мудраганимда кўз қамаштириб юлдуз учди.

## ҲАВАСИМ КЕЛДИ

Остонада ўтирсам Қўчқор чиқиб қолди, у хурсанд кўринади. Нима гап десам, қўлимга ёпишиб, юр, дейди. Ке, қўй, офтобда исиниб ўтирганим маъқул, десам ҳам юрасан, деб оёғини тираб олди. Эриниб зўрга ўрнимдан турдим. Орқама-орқа ҳовлига кирдим. Қўчқор югуриб отхонага ўтиб кетди. Нима гап, деб турсам, бир маҳал инқиллаб-синқиллаб нарвон кўтариб чиқди.

— Юр, тезроқ, томошадан қоласан!

Қанақа томоша?

— Эй, юрсанг-чи, кейин биласан, — деди у нарвоннинг бир учидан судраб. Ҳайрон бўлиб орқасидан бордим. У нарвонни қўйиб чиқди-да, деворга миниб олди.

— Ҳой, яхши қиз, отингиз нима? — деб гап отди Қўчқор аллакимга, — битта қаранг, ойимнинг ўсмаларидан олиб чиқиб бераман.

У қошларини галати қилиб қоқиб ҳам қўйди. Оёғимни нарвоннинг почасига қўйганимча, кўзларимга ишонмай туриб қолдим. Шу ўзимизнинг Қўчқорми, а? Тавба, қиз бола билан гаплашиш уёқда турсин, қорасини кўрса кўчанинг у бетига ўтиб кетадиган Қўчқордан шунақа гаплар чиқиши хаёлимга ҳам келмаган эди. У яна қиқирлаб кула бошлади. Девордан кесак кўчириб отди. Қўшниникидан садо чиқмади. Биров: «Ҳой, нима қил-япсан», ҳам демади. Қўчқор жўрттага мени лақиллатяпти, деб девордан қарасам, бир бола ҳафсала билан ҳовли супуриб юрибди. Шу. Бошқа ҳеч ким йўқ.

— Қимга гапиряпсан, Қўчқор?

— Қимга бўларди, анавига-да, — деди у болага яна кесак отиб. — Ҳо, чаққон-чаққон супуришларини!

Қўчқор дам кўзларини сузиб, дам жилпанглаб боланинг жигига тега бошлади. Бироқ бола унинг калакаларига миқ этмас, ҳовлининг ҳар ер-ҳар еридан тўпланган ахлатни челаққа солиш билан банд эди. Мен Қўчқорнинг қилиқларига кула бошлаган эдим, бола чидаб туролмади, деворга яқин келди. У ориқ бўлганидан жуда новча кўринди менга. Сепкилли бурнининг учига илиниб турган кўзойнак орқасидаги дардли кўзларига қараб, негадир галати бўлиб кетдим. Мен шундай бўлдиммикин десам, йўқ, Қўчқор ҳам довдираб қолди. У:

— Ҳа, нега ўқраясан, — деди бурнини тортиб.

Бола индамай бир Қўчқорга, бир менга тикилиб турди-да, кейин:

— Қиладиган ишинг йўқми? — деди.

— Ие, вой, нега бўлмас экан.

— Бор, — деди бола кўзойнагини тўғрилаб, — бор, бўлмаса ўша ишингдан қолма. Нима қиласан одамнинг жигига тегавериб. Душман одам қўшнисининг деворидан мўралайди.

Қўчқорнинг кўзлари олайиб кетди.

— Қим душман?

— Сен!

Э, оғзингга қараб гапир! — жаҳлим чиққанидан





айтишга айтиб қўйиб, тилимни тишлаб қолдим. Биламан, Қўчқорнинг одати ёмон, сагал ёнини олсанг, лов этиб ёнади-кетеди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Вужуди қалтираб, кўзлари чакнаб кетди. Индамасам девордан ошиб тушиб ҳалиги болани урмоқчи. Қўлидан маҳкам ушлаб, аранг настга судрадим.

— Ке, қўй, ўша билан тенг келасанми?

— Кўрмайсанми! — деди Қўчқор жаҳлидан тушмай, — қараб турсин!

— Ўзи ким?

— Ким билади. Шу ҳовлида бир ҳафтадан бери пайдо бўлиб қолди. — Қўчқор тишларининг орасидан чирт этиб тупурди. — Ҳали беҳи тераётиб қарасам, картошка артиб ўтирган экан. Қиз бола!

Қарасам Қўчқорнинг яна кўзлари олайиб, қўли титраяпти.

— Шу қиз боладан хафа бўласанми? Юр, яхшиси, остонага чиқиб исиниб ўтирамиз. Куз офтоби фойдали бўлармиш. Балки даданг ҳам келиб қолар.

— Рост айтасан, ҳозир сўрай-чи, — деди Қўчқор, — ойи!

Ровонда кўрпа қавиб ўтирган онаси ойнадан бошини чиқариб, Қўчқорни уришиб берди

— Мунча шангилламасанг. Нима дейсан?

— Дадам келадиларми?

— Ҳовлининг бир бошидан бақирмай, шуни келиб сўрай қолсанг бўлмайдими. Келади. Ишхонада ётиб. қолмайди-ку, келади.

-- Қачон?

— Билмадим. Вақтим бўлса, тушда овқатлангани кираман, дегандилар.

Қўчқор икковимиз бошлашиб кўчага чиқдик.

Қўчқорнинг дадаси машина ҳайдайди. Шофёр. Баъзи-баъзида овқатлангани уйига келиб туради. Машинанинг калитини чўнтагига солиб, кириб кетди дегунча. Қўчқор иккаламиз кабинага чиқиб олиб, роса ўйнаймиз.

Ширин хаёллар билан Қўчқорнинг дадасини пойлаб остонада анча ўтирдик. Кун чарақлаб турибди-ю, исмайди одам. Олма-ўрикларнинг уч-учида оловланаётган барглар чирт-чирт узилиб дам бошингга, дам оёгинг остига қўнади. Катта йўлдан тилларанг баргларни икки томонга сачратиб гиз-гиз машина ўтиб турибди. Сарик, оч-сарик, қизил баргчалар машиналар кетидан елиб-югуриб ҳолдан тойгач, яна аста ерга бош қўяди. Дарахтда қарга қагиллади. У оғзидаги ёнғоқни тушириб юборган эди, симёғочда ўтирган олгирроғи илиб қочди. Қўшни бола олдимиздан шипиллаб ўтиб кетди. Қўчқор яна гап отади, деб турган эдим, йўқ, хайрият, юзини тескари ўгириб, тўнғиллаб қўя қолди.

Кўп ўтмай қўшни эшикдан қордек опшоқ дока рўмол ўраган бир кампир чиқди. У кўчанинг уёқ-буёғига бир-бир қаради-да, ҳассасига таяниб, қалтирай-қалтирай остонага ўтирди.

— Бувиси шекилли, — дедим Қўчқорга.

— Узига ўхшаб кўзойнак тақаркан, — деди Қўчқор, — тагин битта эмас, иккита-я.

Кампир юзини офтобга тутиб, кўзларини юмиб олди.

— Ухляпти, — деди Қўчқор пиқ этиб кулиб.

— Қўйсанг-чи, кап-катта одам кўчага чиқиб ухлайдими?

— Ишонмайсанми?

— Бўлмаган гап.

— Ия, вой, сен қизиқ экансан-ку. Мен сенга бир-икки марта ёлғон гапирганманми, а? Тўхта, мана ҳозир кўрасан!

Қўчқор кампир ўтирган эшикдан икки метр берироқни мўлжаллаб кесак отган эди, кампир кўзини очиб осмонга қаради. Шу пайт тепадан бир тўда олақарга қагиллаб ўтиб кетди.

— Ҳой, қоқиндиқлар, — деди кампир бизга қараб.

Қўчқор қай аҳволга тушганини билмадим-у, аммо лекин кампирнинг ингичка товушини эшитиб, ўтирган

жойимда қотиб қолдим. Сезде. Аниқ. Қари одам, кўнгли огриди-да. Бўлмаса бекордан-бекорга чақирармиди?

— Яхши бўлмади, Қўчқор, — дедим секин.

Бекор гапирибман, бечора Қўчқор бусиз ҳам мендан бешбадтар бўлиб ўтирган экан. Бир нима демоқчи эди, тили гапга келмай, бурнини тортиб қўя қолди. У ҳам, мен ҳам ёнимизга қарагани ботинолмай турганимизда кампир яна чақирди. Бу гал унинг товуши кишига далда берадиган, юмшоқ, майин эди.

— Тур ўрнингдан, — дедим, — қилғиликни қилиб қўйиб, бормасак хафа бўлади.

Кампир бизни кулиб қаршилади.

— Бўйларингдан қоқиндиқлар, ҳали анави ерга бир нарса тап этиб тушгандай бўлдимиз? Қаранглар-чи, қарга ёнғоқ ташлади шекилли.

Қўчқор менга қаради, мен унга. Қани биттамыздан садо чиқса. У бизнинг қимир этмаганимизни кўриб, ҳассага суяниб ўзи ўрnidан турди. Ҳасса билан хазонни титиб кўрди. Ҳеч нима тополмай келиб жойига ўтирди.

— Бекорга овора қилдим сизларни, гиргиттонлар, — деди. — Қаричилик-да, бўлмаса оёғим тагига тушган нарсанинг нималигини ажратолмай ўтираманми. Бу йилдан мазам йўқ, кўзим ҳам бурунгидек эмас, хиралашиб қолган десам, неварам, янги ойнак тақсангиз, кўзингиз бояги-бояги бўлади, деб енгади. Ҳали шу топда ойнак қидириб кетди. Бола-да! Уғил бола бўлса ҳам жуда ювош. Ота-онаси мени шунга ишониб командиропда юрибди. Бола бечора бир хилларга ўхшаб ўйнай-кулай демайди. Уқишдан келади-ю, иш билан куйманишиб кетади. Қозон-товоқдан қутулиб, ярим кечагача дарс қилади. Бир қошиқ овқатга қарашиб юбора қолай десам, кўзим ўлгурдан қўрқаман.

Кампир кўзларини юмиб олган, бизга гапирянтими ё ўзичами ажратиб бўлмасди. Кампирнинг борган сари ёйилиб гапириши кўнглимнинг бир чеккасини хира қилиб турган бояги гашликни ҳам тарқатиб юборгандай бўлди. У ҳамон гапирарди. Биламан. Қари одам бир гапга тушдими, тўхтатиб бўлмайди. Бироқ мен ҳозир унинг сергашлигидан хурсанд бўлиб кетдим.

— Шунақа, — деди кампир, — одам қариганидан кейин бамисоли боладек бўлиб қоларкан. Вой, ўлмасам, ўзимнинг ҳам эсим қолмапти. Кастрилдаги сут хонтахтанинг устида очиқ қолаверибди. Мушук тегдими?

Кампир инқиллаб-синқиллаб ўрnidан турди-да. Ҳасасини дўқиллатиб ичкарига кириб кетди.

— Ұх! — деди Қўчқор. — Яхшиям сут эсига тушди, бўлмаса тарс ёрилиб ўлардим. Сенга ҳам қойилман-е.

— Ҳа?

— Огзингни очиб, эшитиб ўтирибсан-а! Тавба, гапни қисқа қил, деб шунча туртаман, миқ этмайсан-а. Эсиз, шунча вақт бекор кетди.

— Остонада ҳам ўтирардик-да, — дедим, — қайтага кампирнинг хурсанд бўлгани қолди, бечора юрагини бўшатиб олди.

Қўчқор билан қайтиб келиб яна остонага ўтирдик. Иккаламизнинг кўзимиз катта кўчада. Бироқ самосвалдан дарак йўқ. Куз кунлари қисқа, бир тутам бўлади, дейишар эди. Тўғри экан. Ҳалигина тепамизда чарақлаб турган офтоб бирпасда кўчанинг бошидаги қўшқайрағоч орқасига ўтиб қолибди.

— Даданг келмайди, — дедим ҳафсалам пир бўлиб, — келадиган бўлса шу пайтгача келарди.

— Тўғри, — деди Қўчқор ҳам, — энди биратўла кечки овқатни мўлжаллаб келади.

Шундайлиги аниқ бўлса ҳам, негадир умид узолмай яна анчагача кутдик.

— Ке, мундоқ қиламиз, — деди Қўчқор бирдан, — дадам дорихонанинг олдидан ўтади, шундайми?

— Хўш?

— Бориб кутамиз. Ишчилар ўша ерда катта зовур қазишяпти. Уни ҳам кўрамиз. Машина ўтиб қолса тўхтатиб, маза қилиб ўтириб келамиз, қалай?

— Қойил! — дедим, — юр.

Дорихонага қараб кетдик. Қўчқор худди билгандай гапирган экан: олисданоқ дорихонанинг ёнгинасида турган таниш самосвал машинага кўзимиз тушди. Машинанинг олдида эса беш-олтита майда-чуйда болалар ўралашиб юришар эди. Қўчқорнинг дадаси муюлишда, тамаки дўконининг олдида орқасини ўгириб, сотувчи билан ниманидир гаплашиб турибди. Шу пайт Қўчқор ҳам, мен ҳам аграйиб қолдик. Машина тўсатдан бир силкинди-ю, қийшайиб пастга юриб кетди. Уч-тўртта бола ўзини кабинадан пастга ташлаб қочди. Кўчани кесиб ўтаётган йўловчи овозининг борича қичқириб аранг ўзини четга олиб қолди. Қўчқорнинг дадаси машинага югурди. Сотувчи дўконнинг ойнасидан бошини чиқариб қаради. Қўчқор эса кўзларини катта-катта очиб, дагдаг титрарди. Мен қичқирай дейман-у, бироқ овозим

чиқмайди. Бирдан ҳушимизни йиғиб машинага қараб чопдик. Югурянмиз-у, қўл-оёғимиз титрайди. Яна икки-уч метр юрса тамом, зовурга — ишчиларнинг устига ағдарилади. Худди шу пайт дорихонадан бир бола чиқиб қолиб ўзини машинага отди-ю, машина зовурнинг оғзида тўхтаб қолди. Шов-шувга зовурдаги ишчилар бошларини кўтариб қарашди. Биз етиб келганда, Қўчқорнинг дадаси ранги ўчиб ниманидир милиционерга тунтирмакда эди. Олдига боришимизни ҳам, бормасимизни ҳам билолмай берироқда туриб қолдик. Милиционер дадасининг гапига бош чайқай-чайқай йиғилган одамларни тарқата бошлади.

Ҳар куни: «Қани, азаматлар, машинага чиқиб олинглар», дейдиган одам бугун бизларни кўрса ҳам бир оғиз гапирмади. Унинг қовоғи солиқ эди. Дадаси кабинага ўтирди-да, машинани хиёл орқага буриб, шундоқ ёнимиздан ўтиб кетди. Бизга ҳатто қайрилиб ҳам қарамади.

Қайтиб келганимизда машина Қўчқорларнинг уйи олдида турар эди. Кабинанинг эшигини тортиб кўрсак, берк. Ичкарига кирдик. Дадаси водопроводнинг тагида юз-қўлини юваётган экан.

— Бир палакатингиз арипти, — деди онаси бир коса овқатни хонтахтанинг устига қўйиб, — машина одамларнинг устига ағдарилса нима бўларди! Эҳтиёт бўлсангиз бўлмайми. Нега машинадан туша қолувдиз?

— Боя айтдим-ку, папирос олмоқчи эдим, — деди дадаси ух тортиб. Сўнг косага нон тўғрай бошлади, — дорихона олдида «Беломор» йўқ экан. Ярим остановка нарироқдаги будкада бор, деди сотувчи. Машинани орқага қайтаргани эриниб пиёда бора қолувдим. Шошиб машинанинг калитини олмабман. Бахтимга ўша бола бўлмаса...

— Хайрият-ей, — Қўчқорнинг онаси кўкрагига туфтуфлаб қўйди, — ким экан, қанақа бола, нега уйга бошлаб келмадингиз?

— Кимлигини билолмадим, — деди, — отинг нима, кимнинг ўғлисан, айт, ота-онангнинг олдида бориб миннатдорчилик билдирай, десам ҳам айтмай кетиб қолди. Қўрққанимдан юзи ҳам эсимда қолмапти. Фақат кўзойнаги борлигини биламан.

Қўчқор иккаламиз шолғомдек қизариб, индамай бошимизни эгиб турардик. Чунки биз уни дарров танигандик. У янги қўшнимиз, кўзойнакли бола эди. Қўшни бо-

ланинг деворга яқин келгандаги жавдираган дардли кўзлари, бизга ёнгоқ топиб бераман, деб хазон титган кампир кўзимга кўриниб кетди.

Дадаси кетиши билан Қўчқор икковимиз деворга нарвон қўйиб, секин қўшниникига қарадик.

Кампир ҳовлининг ўртасида турибди. Жилмайиб дам-бадам уёқ-буёққа қарайди, аланглайди, афтидан, невараси олиб келган кўзойнакдан хурсанд эди. Бола эса, бувисининг дам уёнига, дам буёнига ўтиб, қувончини яширолмасди.

Хуллас, боланинг ҳам, ёруғ дунёни яна ёруғроқ кўра бошлаган кампирнинг ҳам юзидан кулги аримасди.

Назаримда, чарақлаб турган офтоб ҳам бор-йўқ нурини шу ҳовлига тўкиб, шу ҳовлини яна кўпроқ иситиб тургандек эди. Қўчқорга қарадим, Қўчқор юзини тескари ўгириб олган, тез-тез бурнини тортиб қўярди. Умримда бировга ҳавасим келган бола эмасдим. Ростини айтсам, шу топда кўзойнакли боланинг ўрнида бўлишни жуда-жуда хоҳлардим.

## ЎРИК

Мирқобил яқин орада бунақа зериккан, ёлғиз қолиб бунақа диққинафас бўлган эмас. Негаки, кадрдон ошнаси доимо орқасидан соядек эргашиб юргувчи эди. Буни қарангки, кунни кеча ўша ошнаси дадаси билан Бўстонлиққа кетган эди, ҳалигача дараги йўқ. Мирқобилни ҳам таклиф қилишдан эди. Дадамнинг ўртоғи ҳам кетяпти, қизи лагерда экан, тайёр машина, юр, сен ҳам ўйнаб келасан, деб Асқар ҳовлиқиб чиқди. Аммо Мирқобил бегона одамнинг олдида иймандими, ё ҳафсаласи келмадими, кўнмади. Аттанг, чакки қилган экан. Мирқобил кўчага чиқди, уйга кирди, ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Ойиси: «Бекор лақиллаб юрмай у-бу иш қилсанг-чи», деган эди, коптокни қўлтигига уриб нариги маҳаллага борди. У ерда ўзига ўхшаб зерикиб ўтирган уч-тўрт болани тўплаб ўйинни бошлаган эди, биттаси расво қилди. У тўп ўлгур дарвозага эмас, бировнинг кўчага қараган деразасига қараб учиши билан Мирқобил коптокдан ҳам воз кечиб «иссигида» қочиб қолди. Уйда тоза хуноби чиқиб ўтирган эди, кўча эшик «ғийқ» этиб очилди.



— Мирқобил!

— Бормисан! — қийқириб юборди Мирқобил ўртоғини кўриб. — Қаёқларда қолиб кетдинг, Асқар?

Асқар, э, кўявер, дегандек қўл силтаб, Мирқобилнинг ёнига чўккалади, чуқур «уф» тортди, кейин ошнасига қараб:

— Маза қилдинг! — деди.

— Мен-а?

— Ҳа.

— Ол-ла! — деб юборди Мирқобил ва эси жойидами дегандай ошнасининг елкасидан ушлаб кўзларига қаради. Асқарнинг кўзлари жуда-жуда маъюс, худди йиғлайвериб нурсизланиб қолган одамнинг кўзларига ўхшар эди.

— Ҳа, нима гап?

— Э, сўрама, — деди Асқар — тоққа кетаётганимда ёмон бўлмади. Атрофда бодринг, қовун полизлар. Озроқ юргач қир-адирлар бошланиб, олис-олислардаги подаларни кўриб кўзларим жавдираб қолди. Қани энди Мирқобил билан биз ҳам уч ой шаҳарда юрмай, мана шунақа қир-адирларда маза қилиб дам олсак, деб ўйладим. Иккаламиз бир подачилик қилиб, оёгини зўрға судраб юрган илатоз-илатоз қўйларни ҳам уч ойда пуф-факдек семиртириб, бўрдоқига айлантириб юборардик-а! — деди Асқар. — Мен тулпор отга миниб яхши-яхши, сер ўт яйловларни тошиб келиб сенга айтардим. Сен кўй-кўзиларни ўша яйловларга ҳайдаб кетиб, кечгача тўйдириб келардинг!

Мирқобилнинг энциклики қотди.

— Нима-нима? Сен тулпор отга миниб яхши ўтлоқларни топиб келасан-у, мен пода боқаманми? Қани, айт-чи, умрингда ҳеч от минганмисан?

— Ўзинг-чи, ўзинг?!

Икки ошна тулпор отни ким минади-ю, подани ким боқади, деб тоза талашиб бир оз ҳовурларидан тушиб, ўйлаб қарашса, икковлари умрларида от тугул эшак ҳам минишмаган экан. Эшак магазинда турган велосипед эмаски, дадаларига олдириб мактабга миниб боришса. Қолаверса, тоғда яшайдиган на бирон қариндошлари бор, на чўпонлардан бирон ошна-оғайнилари-ю, на таниш-билишлари бор!

— Э, аттанг, — деди Мирқобил.

— Мен ҳам шунга тоза афсусланаман-да, — Асқарга бир оз жон кириб, ораларига тушай деган ўнгайсизлик совун кўпигидек дарров йўқолди-ю, бояги гапнинг давомига ўта қолди, — энди эшит: лагерга етиб келдиг-у, азоб-уқубатларим бошланди.

— Нима-нима?

— Азоб-уқубатларим, деяшман!

— Бу нима деганинг?

— Буми? — деди Асқар куйиб-нишиб. — Қани дейман, шу топда ёнгинамда сен бўлсанг-у, иккаламиз баб-баравар тортсак, одамга бир оз енгилроқ бўлармикин, дейман!

— Нима дединг? — деди Мирқобил ранги ўчиб. — Янги битта қайтар!

— Э, қўлингни ол, — деди Асқар чўчиб Мирқобилнинг чангалидан аранг қўлини бўшатаркан, — нега бўгасан?

— Ҳа? — деди Мирқобил, — бўлмаса бошингни силайми? Хўш, қилгиликни сен қил-у, азоб-уқубатни баравар тортайликми?

— Э, тентак, мунча ҳовлиқасан, аввал гапни эшитсанг-чи! Мен азоб-уқубат деб дадамнинг аччиқ-аччиқ пичинглари айтяпман, чунки унинг гаплари битта менга эмас, сенга ҳам тегишли!

— Менга-я?!

— Ҳа, — деди Асқар, — чунки дадамнинг гапига қараганда, гирт дангаса эмишмиз! Лагердаги болаларнинг колхоз даласига чиқиб бодринг, помидор теришганини эшитгандан кейин дадам ҳар гапнинг бирида «ана» деб менга маънодор қараб қўйди. Бунинг устига, борган



қуниimiz ўртоқларининг қизи болалар билан совхоз ўригини қоқиб бергани кетган экан. Буни эшитиб дадам «кўрдингми» деди, яна: «Сенга анави ўртогинг билан кўчада копток тепиш бўлса бас!» деб қўшиб қўйди. Хуллас, борганим сира татимади.

Мирқобилнинг қовоғидан қор ёғиб кетди. Тавба, дадаси жуда ғалати одам экан. Хўш, бодринг териш, помидор узиш ҳам иш бўлтимми? Ўрик қоқиш нима деган ган, устига чиқиб бир силкитса бас, дув тўкилади-қўяди. Аттанг, Асқарларнинг ҳовлисида бир тупгина ўрик йўқ-да. Шу топда Мирқобил ўрик қоқиш мана бунақа бўлади дерди-ю, ҳеч кимдан сўрамай шартта тепасига чиқиб, бор кучи билан бир силкитарди, ҳовли билан битта ўрик бўларди!

— Менга қара! — деди Мирқобил. — анови кўчанинг бошидаги Жаннат хола сенга ким бўлади?

— Аммам, — деди Асқар ва орада ўтган шунча машамшаларга Жаннат холанинг нима алоқаси бор экан, деб ҳайрон бўлди.

— Ундай бўлса, тур!

Мирқобил ортиқча гапирмай Жаннат холаникига жўнади. Асқар ҳеч балога тушунмай, унга эргашди. Фақат Жаннат холанинг уйига яқин қолишгандагина тарвақайлаган шохлари кўчага эгилиб турган ўрикка кўзи тушар-тушмас Мирқобилнинг ниятини фаҳмлади. Дарров эшикни очиб ичкари кирди. Богнинг этагида Жаннат хола оёғини офтобга тоблаб ўтирган экан. Кампирлар бор ҳовли ҳам файзли, ҳам покиза бўлади. Албатта ариқ бўйида беш-олти туп садарайҳон гуркираб ҳаммаёққа муаттар ис таратиб туриши аниқ. Бу ерда ҳам худди шундай эди. Жаннат хола ўриқнинг остига шолча ташлаб, кўрпача ёзди, дарров чой қўйиб, райҳон солинган ярим коса-ярим коса мастава сузиб келди.

— Менга қара. — деди Мирқобил овқатдан кейин, — амманг қари одам, бунинг устига ёлғиз, ҳеч кими йўғ-а?

— Ҳа! — деди Асқар ва кекса аммасининг ёлғизлигига негадир ачиниб ҳам қўйди. У минг айланиб, минг ўргиладиган аммасиникига бот-бот келиб, оғирини енгил қилишни дилига тугиб қўярди-ю, яна ўйинқароқлик билан ҳаммасини унутиб юборарди.

— Бундоқ қилсак, — деди Мирқобил, — қари одамга ёрдам бериш, дадам айтмоқчи, ҳам қарз, ҳам фарз. Шунинг учун бугун ўриқни қоқиб берсак:

— Қойил бўларди-я!— деди Асқар ва тепага қаради,— ўрик ҳам тоза мева қипти, шохлари эгилиб синай-синай деб турибди.

— Мана кўрасан,— деди Мирқобил,— даданг келганда, ўригимни қоқиб беришди деб, сен билан мени тоза мақтайди, кейин даданг, ўша, лагерда гапирган гапига минг-минг пушаймон бўлади.

— Э, қойил-е!— деди Асқар ва енги билан шимининг почасини қайириб, ўриқка чиқишга шайланди. Мирқобил уни аранг тўхтатди ва Жаннат хола бир товоқ ўрикни чайиб келганда:

— Хола,— деди.

— Ҳа, болам?

— Ўрик хўп яхши нарса-да!— Мирқобил бир дона ўрикни оғзига солди, кўзларини юмиб бошини чайқатди.— Бай-бай, одам худди новвот шимганга ўхшайди-я!

Бу мақтов Жаннат холага мойдек ёқиб кетиб:

— Ҳали шира киргани йўқ,— деди.— Ҳали яна бир ҳафта турсин, мазасини ана унда кўр!

— Э, э, хола,— деди шошиб Мирқобил,— бир ҳафта турғизиб нима қиласиз, ҳозир чуғурчуқлар тоза очонат бўлиб кетган, бир ҳафтагача ўрикни қўядими?

Жаннат хола ҳам ўриқнинг осилиб турган каттакон шохидан кўз олмай:

— Ҳа-я, болам, чуғурчуқ ўлгур бунақа нарсага ўч бўлади,— деди ва ҳар куни ярим пақирча ўрик бекорга нес-нобуд бўлаётганидан шикоят қила кетди.

— Сен,— деди бирдан Асқардан ўпкалаб,— келиб укаларингга олиб кетсанг бўлмайдами?

Вақтни бой бермай Мирқобил дарров мақсадга ўта қолди.

— Э, хўлини нима қилади?

— Ҳа?

— Э, қизик экансиз!— деди Мирқобил.— Берсангиз қуритиб туршагидан беринг, қиши билан мактабда маза қилиб туршак шимиб юради.

Бу гап холага маъқул бўлди, ё «очонат» чуғурчуқларнинг ҳужумидан ташвишга тушди, ҳар қалай, ўриқни қоқишга рози бўлгандек, «аввал билайчи, Баҳрихон уйдамикин, уйда бўлса, боқишиб юборади, дунё жаҳон ўрикни бир ўзим қандоқ бўйрага ёйман», дея ўрнидан туриб қўшниникига чиқиб кетди.

Мирқобил хурсанд эди.

— Қалай?

— Қойил!— деди Асқар.— Мен чиқиб силкитавераман.

— Майли.

— Сен пақирга йиғаверасан.

— Ие-ие, йиғамиз ҳамми?

— Бўлмаса-чи!

Хуллас, икки ошна шиппакларини ечишди-ю, ҳафсала билан шимларининг почаларини қайириб, чиқишдан аввал яна ўриқка яхшилаб бир разм солишди. Бай-байбай, кичкинагина бир шохининг ўзида беш-олти юз дона ўрик бор-а!

— Демак,— деди Мирқобил,— мана шу кичкина шохдаги ўрик ерга тушса, фақат шунинг ўзини йиғиб олиш учун беш-олти юз марта ерга энгашиш керак бўларкан!

— Йўғ-е!

— Ҳа.

Асқарни ҳазилакам ваҳима босмади.

— Бунақа шохдан ўриқда камида икки юз элликта бордир, демак...

Икки ошна ҳушлари учиб бундоқ қарашса, ўриқни силкитиб ердан териб олиш ҳам жилла осон иш эмас экан. Жаннат холага берадиган ёрдамни ўриқлар пишиб, тамом бўлгандан сўнг бошлашни дилларига қатъий тугиб қўйишди-ю, шиппакларини қўлтиқларига қистириб иссиғида жуфтакни уриб қолишди. Жаннат хола қайтиб чиқиб, болаларнинг нега кетиб қолганига ақли етмай кечгача тоза боши қотди!

## УМИДАНИНГ НАЙРАНГИ

Ўша, кўчаниннг бошидаги нокли ҳовли Мирқобилларники. Азим туп нок бутун ҳовлини эгаллаб олганига ҳовлига тангадек офтоб тушмайди, нокнинг остидаги катта ариқнинг бўйига ўтган йили Мирқобилнинг бобоси сўри қурган, сўрида ўтирган одамга сувнинг салқини уриб турганигами, саратонда ҳам киши иссиқни сезмайди. Шунақа, гаштли жой! Иккаламиз ҳам кўчада терлаб-пишиб ўйнаб келиб, сўрида дам оламиз. Чалқанча чўзиламиз-у, нокнинг тарвақайлаган шохларидан кўз узмай ётамиз. Нок эса гуж-гуж, шунақа кўп ҳосил қилганки, камида уч-тўрт арава чиқар, дейман ўзимча чамалаб. Мирқобил бўлса парвосизгина:

— Э, ярмидан кўпи тўкилиб соб бўлди,— дейди.

— Эсиз!— дейман ачиниб,— сўтилса-ку...

— Бир қоп пул бўларди-я!— дейди Мирқобил.— Аммо бувам, биласан-ку!

Бобоси бир сўзли, ўжар одам. Биламан, шунга қарамай маҳаллада уни ҳамма яхши кўради, нега, ҳеч сабабини тушунмайман. Аммо мени ёқтирмайди, нега дейсизми, ўзим ҳам билмайман. Ўтган йили нокнинг ярмини тердириб, кўчанинг бошидаги болалар боғчасига олиб бориб тонширди. Ия, нега бундай қиялсиз, десам, соқолини тутамлаб худди мени энди кўраётгандек бошимдан-оёғимгача бир қараб олди:

— Шу нокни экканда ярми кўчаники, деб ният қилганман.

Шу-шу бобоси мени унча хуш кўрмай юради. Нега бунақа қилади деб Мирқобилдан сўрасам, Мирқобил кизариб-бўзариб:

— Ўша гапинг ёқмаган экан,— деди бир куни, индамим. Рост, бировнинг ноки билан нима ишим бор эди. Жим юравермайманми-а. Шу йил лагерда Мирқобил иккаламиз бирга дам олдиғу, ўйлаб қарасак, унга ҳам, менга ҳам битта яхшигина фотоаппарат керак экан. Дадамга айтсам, аввал мактабда тўгаракка қатнашиб ўрган, деди. Мирқобил ҳам шунга ўхшаш жавоб олган экан-у, дардини ичига ютиб юрган экан. Қалламга ажойиб бир фикр келди-ю, лагердан қайтиб келган кунимиз Мирқобилга айтдим. Аввалига Мирқобил ҳайрат билан менга тикилди, сўнг елкамдан маҳкам қучоқлаб олди.

— Қойил!— деди бирдан.— Нега шу нарса менинг қалламга келмаган экан-а!



— Хайронман,— дедим,— аммо буни зинҳор буванг билмаслиги керак, тушундингми?

— Бўлмаса-чи!— деди Мирқобил,— бувам йўғида қиламиз.

— Ҳа, бу бўлак гап,— дедим мен ҳам кўнглим жойига тушиб. Тунов куни кечкурун қаттиқ шамол бўлди. Мирқобилларникига борсам, нок тоза тўкилибди, ер ҳам нок, кўк ҳам нок. Буvasи йўқ. Далага, катта ўғлининг олдига кетган экан. Иккаламиз айни мавриди дедигу, нокларни саралаб иккита пақирга йиғдик. Энди кўчага чиқиб кетаётган эдик, уйдан Мирқобилнинг синглиси Умида чиқиб қолди.

— Қаёққа?

Мирқобил довдиради.

— Ишинг нима?

— Ия,— деди Умида,— мен билан бормайсанми?

— Қаёққа?

— Ана холос!— деди Умида,— кечаги гап-чи?

— Э-э, керак бўлса ўзинг бор,— деди Мирқобил ва шипиллаб кўчага юрди, мен ҳам унга эргашидим, анча йўлга борганимизда челақни ерга қўйиб, дам олгани ўтирдик. Мирқобилнинг қовогидан қор ёғарди, ўқтин-ўқтин уйи томонга қараб:

— Тавба!— деб қўйди.

— Ҳа?

— Кўрмайсанми, кеча вожатий «аканг ҳам келсин, қарашиб юборади», деб айттириб юборган экан. Бугун ҳамма болалар мактабга бориб, мактаб ҳовлисини тозалармиш, чала-пулча қолган ремонт ишларига қарашармиш, тавба, қиладиган бошқа ишим йўқ эканми!

— Шунга айт!— дедим-у, худди назаримда шу яқин атрофдан Умида чиқиб келаётгандек ҳовлиқиб ўрнимдан туриб кетдим,— тур, ошна, бозор ўтиб кетмасин.

— Ҳа-я,— деди Мирқобил ва шоша-пиша ўрнидан турди.

Иккаламиз айланма кўчалар билан бозорга боряпмиз. Бозор унча олис эмас, Мирқобилларнинг кўчасидан тўппа-тўғри кесиб ўтса ҳам бўлади, аммо битта-яримта кўриб қолмасин деб атайлаб боғчанинг олдидан айландик. Мирқобилнинг, ё менинг бирор таниш-билишимиз кўриб қолса, «боғча болаларига нок олиб келяпмиз», деймиз-қўямиз. Бозорга етиб олсак бас, одам кўп, галаговур, юз-икки юз одамнинг ичида ким кўриб ўтирибди

дейсиз! Бирнаса пуллаймиз-у, бу галгисига Мирқобил-га фотоаппарат оламиз. Келаси сафар...

— Тўхта!

— Ҳа?

— Қара!

Қўчанинг нариги бетида, шохлари эгилиб тушган мажнунтолнинг остида кичкина қизча чўққайиб олиб, кичкина қўллари билан юзини тўсиб секин-секин йиғларди. Раҳмимиз келди. Қўлига битта нок бериб, жўнаб қола қолайлик, деган эдим, Мирқобилнинг қўзлари олайиб кетди!

— Тентак,— деди у бирдан,— одамгарчилик борми сенда, билайлик, нега йиғляпти?

— Ҳой!— деди Мирқобил ва чўккалаб қизга энгашди.— Ҳой, опоқ қиз, қани бошингни кўтар-чи!

«Опоқ қиз» бошини кўтарди, вой тавба, нам бўлма-са ҳам кўзлари қизарган-а, ё йиғлайвери-б-йиғлайвериб бечоранинг кўз ёшлари ҳам қуриб кетганмикин, ким билади, ҳар қалай энтикишидан шунақага ўхшаб кўринди-ю, раҳмим келиб:

— Ҳа, нима бўлди?— дедим.

Қизча кўзларини пирпиратиб:

— Адашиб... қолдим,— деди.

Қизчанинг узук-юлуқ гапларидан билсак, морожнийга чиққан экан. Орқага қайтаётганда адашиб қолибди, у кўчага кирибди, бу кўчага кирибди, сира ўзининг кўчасига ўхшамабди, ниҳоят ҳолдан тойиб, энди нима қиламан деб юраги ёрилиб ўтирганда бахтига, биз йўлиқибмиз.

— Оббо!— дедим,— хаёлинг қаёқда эди, тентак!

— Морожнийда!— деди қизча қўрқа-писа, биз эса ўзимизни тутолмай хахолаб қулиб юбордик. Қизча кўзлари олайиб, шубҳали назар ташлаб қўйди-ю, яна қўллари билан юзини тўсиб йиғлашга тушган эди, аранг тўхтатдик. Ўнгдан келганми, чапдан келганми, суриштира бошладик. Бироқ қизча қай томондан келганини мутлақо билмасди. Қўлига битта нок тутқазиб, бир чеккага ўтирдигу, маслаҳатлаша бошладик. Мирқобил оғзи қулоғига етиб, қулоғимга пичирлади, бирдан ҳиринг-ҳиринг кула бошлади. Мен ҳам ўзимни тутолмай қолдим. Дарҳақиқат, бу қиз шу топда биз учун жуда-жуда зарур эди. Ўйлаб қарасам, Мирқобил ҳақ, ким кўп, таниш-билиш кўп, битта-яримга кўриб қолса-я? Яхшиси, кўрайлик, билайлик, маъқул бўлса қизчани алдаб-сул-

даб ўзимиз билан бозорга олиб борайлик, икки челақ нокнинг тепасига турғизиб қўйиб, соттирайлик, кейин...

— Кейин нима бўларди!— деди Мирқобил шоша-пиша,— уйини топиб олиб бориб берамиз.

— Қойил!— дедим хурсанд бўлиб.

Хўш, бу қизчанинг уйини топиб, кейин бозорга олиб борайликми, ё нокимизни соттириб, сўнг уйини қидирайликми? Кейингиси маъқулдек туюлган эди, қизча нокни еб бўлиб, бирдан уввос солиб йиғлай бошлади. Яхши гапирдик, ёмон гапирдик, эсиз, яна бир дона сап-сарик нок бердик, қани кўнса!

— Аввал уйини топайлик,— деди Мирқобил,— ҳеч бўлмаса кўчасини кўриб кўнгли тинчисин, нима дединг?

— Майли.

Хуллас, суриштира-суриштира бир нарсани аниқлагандек бўлдик. Қизча чапдаги катта кўчадан келган, нега десангиз, ўша томонда морожнийхона бор, бир эмас, иккита, дарҳақиқат, пича юрган эдик, қизчанинг чиройи очилиб, кўзлари жавдирай бошлади. Буни сезиб, Мирқобил мени туртиб қўйди, аммо иккита пақирни кўтариб юравериш жуда толиқтириб юборган эди.

— Менга қара,— дедим,— мен шу ерда турай.

— Нега?

— Қўлим узилиб кетди, сен кўчасини кўрсатиб кела қол.

— Нима деяпсан,— деди Мирқобил, дарров битта пақирни қўлимдан олиб,— қаерга борсак ҳам бирга борамиз. Хўш, опоқ қиз, келай дедикми!

Олдимизда пилдираб бораётган «опоқ қиз» тўхтади, бирпас у кўчага, бирпас бу кўчага аграйиб турди-да, бирдан хўрсиниб бош чайқади. Унинг авзойини кўриб қўлимдаги пақирни тушириб юборай дедим.

— Ха?!

Мирқобил ҳазилакам бақирмаган эди, қизча кўрқиб, жонсарақ бўлиб қолди, афт-башараси яна ўзгариши билан дарров челақдан битта нок олиб қизчага тутдим, шоша-пиша бошини силаб қўйдим.

— Кўчангга келай дедикми?

Қизча бош чайқади.

— Эсла,— деди Мирқобил паст тушиб,— эсла, опоқ қиз, кўчангда нима бор эди, бирорта ёнғоқми, олмами, шафтолими, хўш?

Қизча бирдан қувониб:

— Ёнғоқ!— деди.

— Ҳа, баракалла,— деди Мирқобил,— энди, ошна, ёнғоқли кўчани қидирамиз, кўчани тонамиз-у, мана бунга кўрсатиб, дарров орқага қайтамиз, хўпми опоқ қиз?

Қизча гапнинг маъносига тушундим, йўқми, ҳар қалай шоша-пиша бош иргитди-да:

— Майли,— деди.

Мен эса қизча уйини кўриши билан айнаб қолишидан чўчиб, дарров:

— Биз билан борсанг тўртта морожний олиб берамиз,— дедим, бу гапим Мирқобилга ёқмади, энциси қотиб, афтини буриштирган эди, қулогига секин пичирладим.

— Қўявер, икитаси ўзимизга.

Муюлишда тўхтаб дам олдик. Тоza чўллаган эдик. Сув ичайлик десак, яқин орада ҳеч нарса йўқ. Нок билан чанқовни босиш қийин. Қизча ҳам тоза чўллаган экан, чўккалаб олиб биз билан тоза ноқхўрлик қилди. Ҳаш-паш дегунча челақнинг устидаги сапсарик ноқларнинг анча-мунчасини еб қўйибмиз. Ниҳоят, ўрнимиздан туриб, тезроқ қизчанинг уйини топмасак бўлмайди дедиг-у, чапдаги кўчага бурьлган эдик, қизча тўхтаб қолди.

— Ҳа?

— Уёқда эмас!

— Ҳа, қаёқда бўлмаса!— деди Мирқобил.

— Кўчани бошида катта ёнғоқ бор эди,— деди ва шоша-пиша орқасига қайрилиб, кета бошлади, Мирқобил қизчанинг кетидан югурди, қўлидан ушлаб олди.

— Тўхта!

— Нима?

— Кўчангни топмагунча мендан ажрамайсан,— деди Мирқобил. Қизча жим бўлиб қолди.

— Маҳкам ушла, — дедим Мирқобилнинг қулогига пичирлаб ва иккинчи челақни ҳам қўтариб олдим: қизча олисдан кўчасини таниса, биз ҳай-ҳайлагунча қочиб қолса, бозорда бу ноқларни ким сотади?

— Вой!— деб юборди қизча бирдан қичқириб.

— Ҳа!

— Ана!— деди олисни кўрсатиб,— ана ёнғоқ!

Дарҳақиқат, олисда ёнғоқ кўринди. Мен ҳам, Мирқобил ҳам бир оз югурдиг-у, тўхтаб қолдик, нега десангиз, шундоқ ёнғоқнинг нариги ёни мактаб. Ҳамма болалар ўша ерда бўлса, кўриб қолишса нима қиламиз!



— Демак,— деди Мирқобил,— қизча мактабга яқин тураркан. Борсак...

— Менга қара,— дедим,— ке, шу қизчанинг баҳридан ўта қолайлик, бозорга борамиз-у, нархини арзонгаров сўрасак, аридай гув этиб бирпасда талаб кетишади!

— Бе, эндими?

Гапларимда мантиқ бўлса ҳам Мирқобил ўжарлигини қўймади, шунча айтганларим, ялиниб-ёлворганларим бекор кетди. Мирқобил челақни кўтариб, қизчанинг кетидан жўнади, мен ҳам юрагимни ҳовучлаб эргашдим, учаламиз жимгина мактаб томон кета бошладик:

— Эҳтиёт бўл,— дедим Мирқобилга,— кўчанинг оғзига етишимиз билан «шу» деса бас, қўлидан маҳкам ушлаб орқага қайтар.

— Хўп,— дедим-у, аммо энди мактабга бурилган эдикки, қизча овозининг борича:

— Умида опа!— деб қичқириб юборди. Хушимизни йиғиб олгунча мактаб дарвозасидан Умида билан бир гала қиз югуриб чиқди-ю, бизни ўраб олишиди. Мирқобил кўзларини катта-катта очиб менга қаради, мен Мирқобилга, муғамбир Умида эса:

— Ҳой, қизлар,— деди бирдан,— нега қараб туриб-сизлар, челақни олинглар, айтмадимми боя, Мирқобил акам ўртоғи билан икки челақ нок олиб келади, маза қилиб еймиз, деб!

Мен ҳангу манг бўлиб қолдим. Мирқобил мендан беш баттар аҳволда эди. Иккаламиз ҳам қўлимиздаги челақларни тошширганимиздагина Умиданинг айёрлигини тушундик. Умида паст синф ўқувчиларидан битта-сини авраб боя бозорга кетаётганимизда атайлаб ўша кўчага тургазиб қўйган, қизча эса бизни худди бурнимиздан ип боғлаб тортгандек алдаб-сулдаб мактабга олиб келган.

— Қойилман!— деди секин Мирқобил.

Бу гапни кимга айтди: ўзимизгами, ё Умидагами?!

## СИЗ ИШОНАСИЗМИ?

Буни қаранг, уч ой ичида Мирқобил билан Асқарнинг ўртоқлари бирам билағон, бирам гапга чечан бўлиб кетишибдики, синф раҳбари ҳаяжондан кафтларини ишқаб, «баракалла, ёз бўйи бўйингиз ҳам чўзилибди, ақлингиз ҳам ўсибди». деган сари мунозара қизиб, синф

«аҳволини яхшилаш»га қаратилган бир талай таклифлар қалаштириб ташланди. Шунақада одам оғзига толқон солгандай қовушмай ўтирса, партанинг тагига кириб кетгудек бўлар экан!

— Нега «миқ» этмайсан? — деди Асқар секин.

Мирқобил ўзини қўярга жой тополмай ўтирган эди:

— Ўзинг-чи! — деди пичирлаб, — ўзинг!

Асқарнинг ранги ўчиб, ён-атрофга қараб олди. Мирқобилнинг гапини ҳеч ким эшитмаганига ишонч ҳосил қилгач, кўнгли бир оз жойига тушди. Мунча бақиради-я, тавба. Асқарнинг қулоғи қар эмас-ку! Ўқитувчи жонажон икки ўртоқнинг аҳволини билибми, ё ораларидан жиндаккина гап қочганини сезибми, уларга ғалати бир қараб қўйган эди, Мирқобил муҳим бир нарса устида жиддий бош қотираётган одамдек қошларини чимириб олди, кўзларини пириратди, кафти билан зўр бериб тиришган пешонасини ишқалай бошлади. Асқар кўзларини қаерга яширишни билмай деразадан ҳовлига қаради.

Куз шамоли ҳаммаёқни пайҳон қилган эди; дарахтларнинг уч-учида қолган яккам-дуккам барглари шитирлатиб узар, йўлка, ҳовли юзидаги хазонларни тўзгитар, чўлтоқ супургига ўхшаш шўнпайиб қолган тутнинг шохи тунука томнинг четига урилиб қарсилларди. Дарсга эртароқ келиб қолган икки-уч қизалоқ ҳовлида ўйнаб юрган эди, шамолнинг ваҳимасидан чўчиб, ўзларини панага олишди-ю, яна ҳовли бўшаб қолди. Этакдаги ёнғоққа битта-яримта тош отдими, бир гала қарга «қағиллаб» деразанинг тепасидан учиб ўтди. Кўп ўтмай супурги, қоп кўтариб Зумрад хола кўринди. Эсин, ҳали эрта билан чинни-чироқ қилиб қўйган эди, ҳозир ҳовлининг аҳволини кўриб бирпас хомуш қараб турди-

серташвиш ишдан қутулишди. Асқар зимдан уни кузатаркан, хаёлига келган галати фикрдан:

— Қойил!— деб юборди-ю, ўзининг овозидан ўзи чўчиб, олазарак бўлиб ҳаммаёққа қараб олди. Ўқитувчи Асқарнинг кўзлари галати жавдирай бошлаганини пайқаб:

— Қани, қани?— деди икки ўртоққа ўгирилиб,— Асқар, бир нарса демоқчимисан?

— Бўлмаса-чи?— деди Асқар дангал. Шеригининг қутилмаган бу важоҳати Мирқобилни ҳазилакам чўчи-тиб юбормади: вой тентак, мана ҳозир бир балони бошлаб, Мирқобилни ҳам расво қилади, э аттанг, боя сапчиб турганда, ўпкангни бос, деб оёғи билан туртиб қўйса бўларкан. Аммо энди кечиккан эди. Асқар гердаийб (ҳозиргина партанинг тагига кириб кетай деб ўтирган бола-я) ҳаммага бир-бир қараб олди-ю, охиста томоқ кириб:

— Бўлмаса-чи!— деди яна тутилиб.— Биз ҳам Мирқобил иккаламиз ёз бўйи бекор юрганимиз йўқ. Муҳим-муҳим нарсалар устида бош қотириб юрдик.

Ўқитувчи шошиб кўзойнагини олди, рўмолча билан наридан бери артиб, яна бурнининг устига қўндираар экан:

— Хўш, хўш?— деди Асқардан кўз узмай.

Олдинги қатордаги тартадагилар икки ўртоқ томон ўгирилишди, дарҳақиқат, ҳеч нарсага аралашмай доимо шўшпайиб юрадиган бу икки ошнани «ёзи билан муҳим-муҳим нарсалар устида бош қотиргани» ҳаммани ажаблантирган эди. Мирқобил бўлса-ку, худди бир бўлак яхни ютиб юборгандек кўзлари олчанинг данагидек юм-юмалоқ бўлиб кетган эди: э аттанг, ёзда Асқарнинг тилини ари чақиб олган эди, кўз очиб-юмгунча тили оғзига сигмай осилиб қолганди, ўшанда бечора Мирқобил кечгача олдида ўтириб, Асқарнинг сапча қовоқдек шишиб кетган тилини намокопга чайқаган эди, чакки қилган экан. Мирқобилнинг товонигача зирқиратиб юборган мана шу бурро тили ўшанда ё осилиб тушса, ё танглайига ёнишиб қолса бўлмасмиди!

— Мен сизга айтсам,— деди Асқар,— яъни демоқчиманки, мўнқиллаб қолган шу уборшица Зумрад хола-ни оталиққа олсагу, эртадан бошлаб синф тозалигига ўзимиз қарасак.

Шов-шув қилиб турган синф бирдан сув қуйгандек жимиб қолди-ю, Асқар ножўя гап айтиб қўйдиммикин.

деб довдираб қолди. Аммо бу жимликнинг тагида катта маъно бор экан: икки ўртоқ бир оздан сўнг, ҳамма эҳсушини ўнглаб олгандап кейинш билишса, эҳ, синфдаги лар бунақа антиқа таклифдан ҳайратда қолишган экан. Шундагина Мирқобил бояги ножўя фикридан минг-минг пушаймон еб, партанинг тагидан ошнасининг пахтадек юмшоқ кўлларини сиқиб қўйди. Яна бирдан шовшув кўтарилиб, икки ўртоқни ҳамма, шу жумладан, ўқитувчи ҳам табриклай бошлади-ю. кимдир «шу ишни икки ошнанинг ўзи бошлаб берса», деган эди. Асқар буёқда қолиб, Мирқобил ҳовлиқиб туриб кетди.

— Бўпти!

Қўнгироқ чалиниб, ҳамма тарқаб, охири синфдан икки ажралмас ошна кайфлари чоғ бўлиб чиқишди-ю, шамол тўхтаб, куз осмонида офтоб чарақлаб турганини кўриб, диллари яна равшан тортиб кетди.

— Оҳ,— деб юборди Асқар бирдан тўхтаб,— анавини қара!

Мирқобил ҳам дўстининг завқ-шавқидан таъсирланиб, тутнинг қоқ учидаги бир дона олтин баргдан кўз узолмай қолди. Буни қаранг, шамол минг ҳамла қилса ҳам, офтоб нурида кўз қамаштириб турган ўша бир дона баргни узолмаяпти. Қойил-е! Ўзи-чи, кузнинг ҳам файзи, кўрки бўлакча бўлади. Йўлка, ҳовли юзида сочилиб ётган тилларанг барглари шитир-шитир босиб юрсанг, аммо Зумрад хола ҳаммаёқни ёг тушса ялагудек қилиб қўйган экан.

— Йигиштириб нима қиларкин-а,— деди Асқар афсусланиб,— қара, эринмай хазонни ҳам уюбди.

— Эсиз,— деди Мирқобил,— ҳаммасини ахлатга ташлайди. Ке, олиб чиқиб ташлагунча пича хазонга ёнбошлаб, бояги ширин-ширин гаплардан гаплашайлик.

— Майли,— деди Асқар ва папкани бошига қўйиб, хазонга узала ётиб олди-ю. кўзларини юмди:— Мана кўрасан, эртага бечора кампир суюнганидан юраги ёрилгудек бўлади. Ўзи ҳам ҳазилакам нарсани бўйни-мизга олганимиз йўқ: пол ювиш-а!

— Ҳа-я,— деди Мирқобил,— аммо ойнани қизларга бера қолайлик, осон иш!

— Майли,— деди Асқар,— сен айтгандай бўла қол син, пол ювиш шунчаки осондек кўринса ҳам ҳазилакам иш эмас-а!

— Бўлмаса-чи!— деди Мирқобил ва бир марта роса

икки кун белини кўтаролмай юрганини эслади. Узок йили ойисининг тоби қочиб, уч-тўрт кун касалхонада ётиб қолган эди. Шу баҳона бўлди, ё дангасалиги тутди, Мирқобил ора-чора мактабга бормайдиган қилиқ чиқарди, ўқишининг мазаси кетди, ке, ҳадеб кундалигимни бемаза баҳога тўлдиравераманми, биратўла мактабга ойим чиққанда бораман, деб ўқишга бормай қўйди. Буни эшитиб, синфидаги қизлар «бориб ёрдам берайлик, ўқишдан қолиб кетмасин» деб синглисидан айтдириб юборишган эди, Мирқобил бундоқ қараса, ҳаммаёқ ифлос, кир-чир, ювилмаган косалару чойнак-пиёлалар қалашиб ётибди. Бу ҳам майли, ошхонага олиб чиқиб, устига газета ёниб қўйса, тагида нима борлигини ким билади дейсиз. Аммо уйнинг аҳволини ҳеч қанақа газета билан яшириб бўлмасди. Мирқобил ботинка билан уйга кираверган экан, полнинг усти бир энлик лой бўлиб кетибди. Синглисини ишга солмоқчи бўлиб тоза ялинди, қани кўнса, хўп дейиш уёқда турсин, «ўзингиз қилгансиз, ўзингиз тозаланг», деб асло кўнмади. Шунда Мирқобил, ке, сен билан ади-бади айтишиб ўтираманми, деб енг шимарди-ю, водопроводдан бир челақ сувни олиб келиб, полни ювишга тушиб кетди. Буёқдан ювса, бирпасдан кейин яна боягидек-боягидек бўлаверди. Шу куни чалакам-чатти қилиб ҳаммаёқни артиб чиқди-ю, кечга бориб белини кўтаролмай қолди. Пол ювгандан кўра, ўқишга борган минг марта маъқул экан, деган хулосага келибми ё қизлар келиб қолишса шарманда бўлишдан чўчибми, эртасигаёқ папқасини қўлтиқлаб мактабга жўнаб қолди. Яхши ҳам борган экан, қизлар дарсдан кейин уйга келишмоқчи бўлиб туришган экан.

— Ҳа,— деди Асқар,— жим бўлиб қолдинг?

— Эртага бўладиган ишни ўйлаяпман,— деди Мирқобил секин «уф» тортиб,— пол ювиш-а!

— Э-э, ваҳима қилаверма,— деди Асқар,— пол ювиш ҳам ишми, латтани оласан-у, ҳаммаёқни бирпасда шипиллатиб ювиб ташлайсан!

— Нима?— деди ҳуши учиб Мирқобил,— мен-а?!

— Ҳа — сен!

— Мен пол ювманми?!

— Ҳа, пол ювсан.

— Ўзинг-чи?

— Мен сув ташиб тураман.

— Бекор айтибсан,— деди Мирқобил қалт-қалт тит-

раб,— мен сув ташийман, сен пол ювасан!

— Ана холос!— деб юборди Асқар,— ҳам сени қутқарай, ҳам пол ювайми, йўқ, ошна, бекор айтибсан!

— Мени-я?

— Ҳа,— деди Асқар бўш келмай,— боя ким парта-нинг тагига кириб кетгудек бўлиб ўтирган эди. Мен аҳмоқ бошимни шунча қотириб топган нарсани иккала-мизнинг исмимиздан таклиф қилиб юрибман-а!

— Э, таклифингни пишириб е!— деб Мирқобил жаҳл билан сапчиб ўрнидан турган эди, ҳаммаёғига ёпишган хазон шундоқ Асқарнинг устига дув тўкилди. Асқар аламига чидаёлмай бир ҳовуч хазонни чангаллаб, Мирқобилнинг юзига сочиб юборди. Хуллас, не машаққат билан бир ерга уюлган хазон шамол кўзгаб тўзгигандек ҳар томонга сочила бошлади. Ким билади дейсиз. Зумрад хола қоп кўтариб келиб қолмаганида, яна ҳаммаёғ пайхону палак бўлармиди. Икки ошна эс-хушини йиғиб олгунича Зумрад хола хазонни қайта бир ерга тўплаб, индамай қоплай бошлади. Асқар гўё ҳеч нарса бўлмагандек напқасини силкитиб, кетиш тараддудига тушди. Мирқобил эса ўртогидан кўз узмай ҳамон бақрайди: вой айёр-е, ҳаммага яхши кўриниб, полни Мирқобилга ювдирмоқчи-я? Сув ташиш ҳам иш эканми. Мирқобил ҳам бир жиддий бош қотирса, қалласига шунақа нарсалар келадики, Асқарнинг бояги гани гап эканми!

— Оббо!— деди Асқар шеригининг тумшайиб олганини кўриб. Жаҳли чиқса Мирқобил ўжарлиги тутиб, икки оёғини бир этикка тиқиб оладиган бола. На дўқ-пўписа билан, на ялиниш-ёлвориш билан бир нарсага кўндириб бўлади уни. Бор-е, деб кетиб қолса-я, тамом, эртага ўлса ҳам келмайди, ҳамма иш Асқарнинг ўзига қолади.

— Оббо,— деди Асқар бир оз ён берган бўлиб,— бўшти, ярим полни сен ювасан, ярмини мен, челақни ҳам бир ёгидан сен кўтарасан, бир ёгидан мен, бўлдимми?

— Ҳа, бу бошқа гап,— деди Мирқобил шаштидан қайтиб.

Орада рўй берган кўнгилсизлик ҳам унутилиб, икки ошнанинг кайфиятлари яна ўзгарди, юзларига кулги қалқиб, боя синфдагиларни ҳайратда қолдирганликларини қайта-қайта мамнунлик билан эслаб, бугунги кун бекор ўтмаганлигидан кўп хурсанд бўлишиб, бундай қа-

рашса, Зумрад хола аллақачон хазонларни ташиб, қолган-қутганини қоплаётган экан.

— Э, аттанг.— деди Асқар.

— Ҳа?

— Хазонни бўри ерканми, сабр қилса эртага синфни ярқиратиб чиқиб, балки ўзимиз ташиб қўярмидик.

— Рост айтасан-а,— деди Мирқобил ачиниб,— кампир бўлгани билан ғайратига чидолмайди. Эртага биз келгунча синфни чиннидек қилиб қўйса-я, ке, бояги бўлган гапларни ҳозир айтиб, бечорани бир суюнтириб қўяйлик.

— Асло! Нима қипти,— деди Асқар,— эртага тозалаб қўйса, биз индинга бошлаймиз, гап пол артишда эмас, гап бизда шундай олижаноб фикр тугилганида, тушундингми?

— Тушундим,— деди Мирқобил, шундай бўлса ҳам Зумрад холага бир нарса дегиси келиб:— Ҳорманг, хола!— деган эди, кампир бунақа боодоб, бунақа хушфеъл бола ким бўлдийкин, афт-ангорини бир кўрай, дедими ё Мирқобилнинг гани қонингизни кўтаришиб юборай деган маънода эшитилдими, қайрилиб қарайман деган эди, мункиб кетди. Орқасидан қоп тушиб кетди. Қопга ўтириб қолиб, қаричилик шу-да, дегандек галати жилмайиб:

— Саломат бўл, болам,— деган эди, Асқар ўтакаси ёрилиб оёгини қўлига олиб кўчага қочиб чиқиб кетди. Мирқобил шоша-пиша:

— Эртага хурсанд бўласиз, хола, эртага!— деганча ўртогининг кетидан югурди-ю, аранг ярим йўлда етиб олди. Икки ошна яна бояги синфдаги воқеаларни ўйлаб кетишди. Кампирнинг галати жилмайишини ўзларича олдиндан сезилган хурсандлик аломатига йўйиб, эртага ярақ-ярақ қилиб турган синфга кирган болаларнинг хайратдан тиллари гапга келмай қолишини кўз олдиларига келтириб, апоқ-чапоқ уйга қайтишди.

Шу тонда биров сунуриб-сидирган хазонларингиз яна ўз-ўзидан дарахтларнинг шоҳларига илиниб қошти деса, балки Зумрад хола ишонган бўларди-ю, аммо анави икки боланинг эртага синфни тозалаб қўймоқчи бўлганига ҳеч ҳам ақли бовар қилмасди, сиз-чи, сиз ишонасизми?

## «Э, АТТАНГ!»

Шундай қилиб, икки ошна мажлисда синф озодалигини бўйниларига олишди-ю, битталари поллатта, битталари чўлтоқ супурги қўлтиқлаб барвақт мактабга келишди. Қарашса, синф тозалаш ҳазилакам иш эмас экан. Мирқобил бошини қашиб туриб қолди. Асқар бўшашиб, партанинг устига чўққайиб ўтириб олди: бояги тоғни толқон қилгудек вазоҳатларидан асар ҳам қолмади.

— Тавба, — деди Асқар бош чайқаб. — энди пайқабман-а.

— Нимани?

— Синф ҳам шунақа катта бўладими-а?

— Э, ошна, — деди Мирқобил, — шунча деразани нима кераги бор экан-а?

— Бир эмас, олтита-я! — деди Асқар аввал кичкина бўлиб туюлган деразалар шу топда кўзига мактабнинг дарвозасидек катта кўриниб. — Ҳайронман, қоп-қоронги мадрасаларда ҳам одамлар ўқиган экан, ўшанда ҳам зўр-зўр олимлар чиққан-ку. — деди.

— Пол деган нарса ҳам бўлган эмас!

— Ҳа-я, — деди Асқар шеригининг гагини илиб, — бир парча тақир иўстакни ерга ташлаб ўтираверишган, на пол бўлгану на тарта!

Асқар ўзининг гапидан ўзи қўрқиб кетди: буни қаранг, синфда қаторлашиб турган ўн бешта партани ҳали ҳисобга олмаган экан!

— Эҳ, ҳали парталарни ҳам артамузми?

— Бўлмаса-чи!

— Ана холос!

— Камида икки кунлик иш бор экан, — деди Мирқобил синфнинг ҳаммаёғига бир-бир назар ташлаб, ўзича чамалаган бўлиб, — тавба, тунов куни Ойша қаңдоқ қилиб бирпасда тозалаб чиқди экан-а?

— Э, ўша ҳам тозалаш бўлибдими, — деди Асқар энсаси қотиб, — уёғидан кириб, буёғидан чиққандан кўра қўлига латта ушламаган маъқул.

— Тозалаганга яраша шундай тозалаш қеракки, — деди Мирқобил, — синф чўмилтирилган қўғирчоқдек ярақ-ярақ қилиб турса!

— Ҳа-я, — деди Асқар ва яна уф тортди, — мана бу дардисар бўлмаганда-ку...

— Ҳамма гап шунда-да, — деди Асқар шеригининг



гапани бўлиб,— дунёда пол ювишдек бемаза иш йўқ, челақ-челақ сув керак!

— Э, бу ҳеч гапмас, пол шунақа нарсаки, ювган саринг бир ёқдан қуриди дегунча чала артилган доскадек иккинчи ёғи оқариб қолаверади!

— Шуниси одамни эзиб юборади-да,— деди Асқар ва сакраб пастга тушди,— аммо кўз қўрқоқ, қўл ботир, деган гап бор. Қани, бошладик!

Дарҳақиқат, икки ошна ишни бошлаб юборишди. Асқар шоша-ниша енг шимарди ва синфнинг бурчагида ётган поллаттага қараб юрди. Мирқобил кафтларини бир-бирига ишқалаб қўйди. Асқар латтанинг бир учидан кўтарди, унинг ниятини фаҳмлаган Мирқобил дарров челақка ёпишган эди:

— Ҳа, қаёққа?— деди Асқар.

— Сувга!

— Ҳо,— деди Асқар,— ма, латтани ол!

— Бекор айтибсан!— Мирқобил пақирнинг бандидан маҳкам ушлаб эшикка юрган эди, Асқар латтани Мирқобилга иргитди, латта шундоқ Мирқобилнинг бошига тушди. Юз-кўзини тўсиб қўйди. Мирқобил турган ерида гир-гир айлана бошлади. Асқар вақтни бой бермай дарров пақирга ёпишди, аммо Мирқобил ҳам энчилик қилиб бошидаги латтани юлқилаб олди-да, Асқарнинг юзига улоқтирди. Энди югуриб ҳовлига кетаётган эди, Асқар аламига чидолмай Мирқобилни чалиб юборди. Мирқобил гурсиллаб йиқилди, шунда ҳам жон аччиғида пақирга ёпишиб:

— Қўйиб юбор,— деб қичқирди,— сувга мен бораман!

— Ҳо,— деди Асқар Мирқобилнинг қўлидаги пақирга чанг солиб,— бошида нима деб келишган эдик, хўш?

— Бир гал сен-у, бир гал мен!

— Бўпти-да,— деди Асқар,— нега гирромлик қиласан, хўш десанг, майли, мен кафтимга чўп яширай, ким топса, аввал ўша сувга бора қолсин.

Бу одилона таклиф бўлганига Мирқобил гинг демай кўнди. Ўрнидан туриб ҳар эҳтимолга қарши пақирни четроққа олиб бориб қўйди, кейин Асқарнинг тугилган муштларига тикилди. Чўп чан қўлидами, ўнг қўлидами, роса боши қотди. Тополмаса-я!

— Э, тўхта!— деб юборди бирдан Мирқобил ҳаяжон билан,— пақирни нима қиламиз, тентак, мана ҳозир

кўрасан!— У Асқарни ҳайратда қолдириб, югурганча ҳовлига чиқиб кетди. Кўп ўтмай қоровулхонадан сал кам қирқ метрли резинка ичакни судраб чиқди. Асқар ошнасининг фикрига тушунди-ю, қувончдан деразадан сакраб юборишига оз қолди.

— Қойил!— деди Асқар. Мирқобил резинка ичакнинг учини деразадан аста узатди, иккинчи учини водопроводга улаб, сувни очиб юборди-ю, югурганча синфга кирди. У кирганда Асқар ҳузур қилиб парталарни чўмилтираётганди. Афтидан, парталар ҳам ясалгандан бери бунақа «ювилмаган» бўлса керак. Икки ўртоқ сувни сачратиб, ўқитувчининг духоба қопланган курсисини ҳам бирпасда чиннидек қилиб қўйишди-ю, деразаларга ўтишди. Синф деворлари ўтган йили оқ мойга бўялган эди. Шуни ҳисобга олиб, ҳар иккови завқ-шавқ билан ишларини бемалол давом эттираверишди. Деразалардан, парталардан тушган анча-мунча сув полга йигилиб қолди, аммо бу нарса ошналарни асло чўчитмади: авваламбор, пол деган нарсанинг ораси бир энлик очилган бўлади. Йигилган сув ўша ердан пастга тушиб кетаверади, қолаверса, қолган-қутганларини латта билан сидириб, дарров челақка олишади-ю, ҳовлига сепишади. Латта эсларига тушиб, икки ошнанинг таъби хира бўлди, негаки, икковининг ҳам латта ушлашга сира тоқати йўқ эди. Аммо узоқдан мактабга кириб келган биринчи синф қизларини кўриб, Асқарнинг калласига галати фикр келди-ю:

— Юр,— деди ҳовлиқиб ва югуриб йўлакка чиқди. Мирқобил иккаласи шундоқ қўшни синфнинг рўнарасида тўхташди,— бу нима?

— Эшик!

— Э, эшиклигини кўриб турибман,— деди Асқар,— ана унга қара, ана унга! «Биринчи синф» деб ёзилган тунукачани чиқариб оламиз-у, ўзимизнинг эшикка шиппа ёпиштирамиз. ўзимизникини эса бу ерга!

— Хўш, ундан кейин-чи?

— «Кейин»ини кейин биласан,— деди Асқар,— бу ҳаммаси вақтинча, яна жой-жойига қўямиз, тушундингми, э бўл, вақт ўтмасин, мен ҳозир келаман, келгунимча тахт қилиб қўй!

«Нега», «нима учун»ларни Мирқобил аниқлагунча Асқар ҳовлига югурди. Зинадан тушгани ҳам сабри чидамай, пастга сакради. Ҳовлининг ўртасида боя мактабга кириб келган уч қизалоқ турарди. Асқарнинг важо-

хатидан чўчиб, танаффусда доим сочларидан тортиб, тиичлик бермайдиган бу галати болага қизалоқлар шубҳали назар ташлаб қўйишди. Аммо бирпасдан кейин билинса, бу бола бирам ширинсўз эканки, оғзидан нуқул бол томиб, ҳар гапнинг бирида «сингилжон, сингилжон» деявериб, уларни ийдириб юборди. Уларнинг исмларидан тортиб, ўқишларигача суриштириб чиқди. Билса, қизалоқлардан биттасининг математикадан мазаси йўқ экан. «Э, парво қилма, сингилжон», деди Асқар қизчанинг бошини силаб, «эртага олдимга кирсанг, шундоқ ўргатиб қўяманки, ўқитувчинг иккинчи доскага чиқармайдиган бўлади...» деди. Яна битта қизалоқ расм дарсида отнинг расмини солган экан, ўқитувчи «эшакка ўхшаб қопти», деб баҳосини пасайтириб қўйибди. «Э, парво қилма, оноқ қиз», деди Асқар дарров қизчанинг альбом билан қаламини олиб, «эшак»нинг қулогини кесиб, оёгини чўзди, ингичка, арқонга ўхшаб орқасида осилиб турган думини чиройли отнинг ёлига айлантирди-ю, қизчага тутди. Учинчи қизалоқнинг дарди оғирроқ эканми, кўзларини галати пирширатиб хўрсинди:

— Дангаса эканман,— деди секингина,— шунақа... дедилар.

— Ким?

Қизча жавоб бермади, ерга қараганча миқ этмай тураверди, анави икки шериги эса, худди сирли бир гап айтмоқчи бўлгандек ён-атрофга қараб олиб, олдинмакейин пичирлашди.

— Меҳнат дарсидан уй ишини бажармай келган эдим, ўқитувчимиз «дангаса экансан», деди!

Асқар ёқасини ушлади, ёлгондакам кўзларини каттакатта очиб:

— Йўғ-е...— деди ҳайрат билан.

— Ҳа!

— Вой-вой, шундоқ қизни-я, ҳеч ишонмайман,— Асқар ойнадан қараб турган Мирқобилга ўгирилди,— сен-чи?

— Қизиқмисан!— деди Мирқобил ҳам бош чайқаб.— Кўзларига қара, кўзларига, гайрат ёгилиб турибди-я, гайрат! Э, бунақа қизлар меҳнат деса ўзларини томдан ташлайди.

Бу мақтовлар қизалоққа ёқиб кетди, оғзининг таноби қочиб илжайди. Асқар эса ҳовлиққанича кафтларини бир-бирига ишқаб:

— Мана, ҳозир кўрамыз!— деди ва етаклаб синфга олиб кирди. Шериклари эса дугоналарининг кетидан эргашишди. Қизалоқлар ичкарига киришлари билан хангу манг бўлиб остонада туриб қолишди. Нега десангиз, парталардан, деразалардан ҳали ҳам чак-чак сув томар, халқоб бўлиб ётган сувдан полга оёқ қўйиб бўлмасди. Қизалоқлар бу синфда нима бўлганига ақллари етмай анграйиб туришаркан, Асқар вақтни ўтказмай бояги «меҳнат деса ўзини томдан ташлайдиган» қизалоққа дарров поллаттани тутди.

— Қани, опоқ қиз,— деди Асқар,— бир ўзингни кўрсат, ўқитувчинг «дангаса» деганига минг-минг пушаймон бўлиб юрсин!

Қизалоқ билмай латтани олишга олиб қўйди-ю, дангасалиги тутиб:

— Вой,— деди бирдан,— ўқитувчи кўрадиган бўлса ўзимизни синфни тозалайман-да!

Асқар мўмин-қобилгина кўринган бу қизалоқнинг айёрлик қилишини кутмаган эди. Юраги шувиллаб Мирқобилга қаради. Мирқобил эса «қўявер, ҳаммасини бошлаб қўйганман», дегандек кўз қисиб, дарров қизалоқларни етаклаб йўлакка олиб чиқди. Қизалоқлар эшикдаги «биринчи синф» деган сўзларни ўқишди-ю, ажабланиб бир-бирларига қарашди, анави «меҳнат деса ўзини томдан ташлайди» гани кўзларига ишонмай, ўзининг синфига бораётган эди. Асқар қўлидан ушлади:

— Қаёққа? Бугундан синфларинг буёққа кўчган, ана, эшикка қара!

Қизалоқлар дарҳақиқат, синфлари алмашиб қолганидан ажабланиб, қайтиб киришди. Анави латтани ушлагани худди тиши оғриётган одамдек афтини бужмай тириб, бирпас турди-да, ўлганининг кунидан зўрга парталарни артишга тушди. Буни кўриб, Асқар ял-ял ёниб кетди. Мирқобил бўлса қизчанинг дам буёғига ўтиб, дам уёғига ўтиб:

— Ишлашини қара-я, машинанинг ўзи,— деди шеригига.— Бай-бай, бу қиз ҳозирдан шунақа бўлса, катта бўлганида қанақа бўларкин-а?

— Анави иккитасини билмадим-у,— деди Асқар,— аммо бу қизча катта бўлганда сагалакам академик бўлади, ҳа!

Аммо қизалоқ парталарни артишга артиб бўлди-ю, полга келганда ҳаллослаб қолди, вақт эса тез ўтиб

борарди. Бунақа имиллашда... Э, бўлди. Асқар бир чеккада турган анави икки қизалоқни ҳам имлаб чакирди.

— Хўш, — деди, — синфингизда бир бола қийналиб қолса, нима қилиш керак?

Қизалоқлар ўйлаб ўтирмай:

— Дарров оталиққа олиш керак, — дейишган эди, Асқарнинг огзи қулоғига етиб, латтани учовига бўлиб берди. «Оталиққа» олган қизалоқлар ўзларини кўрсатмоқчи бўлиб чунонам ишлашдики, кўп ўтмай кийимларига қараб бўлмай қолди. Ҳаш-паш дегунча ҳаммаёқни тозалаб ташлашди. Икки ошна қизалоқларга жавоб бериб юборишди. Резинка ичакни жойига элтиб қўйишди, кейин папкаларини қўлтиқлаб, дарров кўчага чиқишди. Кўп мулоҳазалардан сўнг синфга бир оз кечикиб киришни маъқул топишди. Негаки, аввало синфни тозалаш қанақа бўлишини ўқитувчи ҳам, болалар ҳам бир кўриб қўйишсин, қолаверса...

— Юр, — деди Асқар қўнгироқ чалиниб, ўқитувчи синфга томон ўтиб кетиши билан.

...Синф эшигини очиб, қай кўз билан кўришсинки, ичкарида биринчи синф болалари ўтиришарди. Қаранг-а, шунча нарсага ақллари етган икки ошна боя, шошма-шошарлик билан эшикдаги тунукачани алмаштириб қўйишни унутишган экан-а, э, аттанг!

## ҚАЙСИ БОЛА САЙЛАНАРКИН?

...Синф раҳбари дарс тугагач, болаларга жавоб бераркан:

— Эртага дам олиш куни, — деди, — душанбада мажлис ўтказиб, синфком сайлаймиз. Кимни сайлашни яхшилаб ўйлаб кўринг!

Синфком сайлаш ҳар йили ҳамма ерда бўладиган гап. Шунинг учун ҳамма уйга жўнади-ю, бироқ Асқар негадир типирчилаб қолди. Уёққа қаради, буёққа қаради, ошнаси Мирқобил кўринмади. Хўрсиниб: «Э, аттанг», деди-ю, бўшашиб кўчага чиқди.

Уйига келди.

Овқатни еб дарсга ўтирган бўлди-ю, бироқ калласи говлаб, хаёлини бир жойга йиғолмади. Ўзини чалгитмоқчи бўлиб ҳовлига чиқди, уйга кирди. Юрагига гашлик солиб турган нарса бора-бора ваҳимага айланди-ю, кўчага чиқиб, Мирқобилнинг эшигини тақиллатди.



— Ким? — деди ичкаридан Мирқобил, — эшик очик.

Асқар эшикни қия очиб, Мирқобилни имлади.

— Бери кел!

Мирқобил кўзларини ишқалаб остонага яқинлашди.

— Қойилман, — деди Асқар, — боя липпа қуён бўлибсан-қолибсан-да.

Мирқобил кўзларини катта-катта очиб:

— Нима гап? — деди, — уйга келиб ухлаб қолибман.

— Шунақами? Қани, юр бизникига! — деди Асқар ва Мирқобилни бошлаб уйга олиб чиқди. Боғ этагидаги супачага ёнма-ён чўққайишгач:

— Боядан бери мана бу еримни мушук тимдалаётганга ўхшайди, — деди кўксига мушт уриб, — биласанми, нега?

— Йўқ!

— Шунақа бепарвосан-да, — деди Асқар, — хўш, бу гал ҳам синфкомликка Зухра сайланса-чи?!

Буни қаранг, шу нарса ҳеч Мирқобилни хаёлига келмаган экан, ранги ўчиб, кўзлари пирнираб, Асқарга яқинроқ силжиди.

— Бунга йўл қўймаслик керак, — деди шивирлаб. Мирқобилнинг тили калимага келмай кўз олди қоронгилашиб кетди. Зухра ўтган йили икки ўртоқни озмунча қийнадими. Тўполончи деб газетада ёздирди, ҳар иккиси ора-чора ёмон баҳо олиб тургувчи эди, ота-онасига келиб чақди, бу ҳам майли, ҳар куни эрта билан икки ўртоқ мактабга келганда «қани, дарс қилдиларингми?» деб ўқитувчидан аввал дафтарини текширадиган

бўлди. Эҳ-ҳа, гапираверса Зухранинг қилмишларининг охири йўқ. Бир амаллаб ёзги каникулга чиқиб олишди-ю, янги ўқув йилида бошқа синфком бўлса ажаб эмас, ахир синфкомликни унга бир умр боғлаб бериб қўйибдимиз, деган умидда ўзларини овунтириб юришди. Мана энди...

— Зухра уч йилдан бери синфком, — деди Асқар, — етар. энди бошқани сайлашар, ким билади, ё Салим бўлади, ё Мунира — иккови ҳам аълочи. Синфкомликка ё Равшан сайланармикин?

— Э-э, қизиқ экансан, — деди Мирқобил, — ким сайланиши билан нима ишинг бор, қаёқдаги бўлмағур нарсалар билан бош қотириб юрибсан-а!

— Э, тентак, — деб юборди Асқар, — ҳамма гап шунда-да!

— Хўш?

— Ўша сайланадиган болаларни олдиндан сезиб, кўнглини олиб қўйиш керак, — деди Асқар маънодор, — кейин анавига ўхшаб гиринг-пиринг деб юрмайди ё гапим чаккимиз?

Мирқобил бундоқ ўйлаб қараса, Асқарнинг гапида жон бор. Ҳозир дарс тайёрлашдан қўра Асқарнинг таклифи муҳимроқ туюлди-ю, икки ўртоқ режани тузиб, кўчага чиқишди. Тўппа-тўғри Салимнинг эшигини тақиллатишди. Ҳадеганда ҳеч ким жавоб беравермади, энди кетишмоқчи бўлиб туришганда, Салимнинг синглиси кўчага чиқиб қолди.

— Аканг қани? — деди Мирқобил.

Синглиси бир Асқарга, бир Мирқобилга кўзларини мўлтиратиб қараб турди-да, ичкарига кириб анчадан сўнг акасини бошлаб чиқди. Салим уларни кўрибди:

— Ўйнаганими? — деди. — Э, аттанг, ишим кўп!

— Вой тентак-е, — деди Асқар, — биз ҳам сеникига иш деб келганмиз-да, қани, бошла!

Салим ишқомдаги узумларга қоғоз ўраётган экан.

— Бисотингдаги бор эски қоғозларни йиғиштириб кел, — деди Асқар.

Салим оғзи қулогига етиб бир қучоқ эски газета кўтариб чиқди. Икки ошна уй эгасини тоза ишлатиб, ўзлари ўрикнинг тагидаги соя-салқин жойга ўтириб олиб, қоғозларни йиртиб бериб туришди.

— Товба, — деди Мирқобил кўчага чиқилгач. — Са-

лим ҳам зикнагина экан, чугурчуқ бир бошини ер, икки бошини ер, шунга шунча даҳмаза-я.

— Ҳа-ҳа, — деб қўйди Асқар. — Хўш, энди қаёққа борамиз.

Мирқобил эса биров елкасига чангал солаётгандек чўчиб ўртоғига қаради.

— Бугун етар, — деди, — иккита қўлимни кўтаролмаяпман, боргинг келса ўзинг боравер.

— Қойил-е, — деди Асқар ва ярим йўлда қолиб, Зухраларникига ўтди. Тунов куни кимдандир, Зухранинг ойиси касалхонада ётган экан, дадаси ишдан кеч қайтади, деб эшитганди. Уч-тўртта укаси бор, бир ўзи тоза қийналаётгандир, ҳозир Асқар эшикдан кириб борса, роса қувонса керак. Ана шундай ширин-ширин хаёллар билан Зухранинг ҳовлисига кирган эди, Зухра укалари билан аймақи узумнинг тагидаги супачада бамайлихотир ўтирган экан.

— Ке, — деди Зухра ўрнидан туриб, — ишинг бормиди?

— Қизиксан-а, — деди Асқар, — иши йўқ одам бировнинг ҳовлисига кирадими, укаларингга овқат қилиб бердингми ё очдан тиришиб, тишининг кирини сўриб юришингими?

Зухра кулди.

— Нечук суриштириб қолдинг? — деди. — Тўғриси айтавер, масала дафтаримни сўрагани келгансан.

— Нима? — деди Асқар кўзларини катта очиб, — масала дафтарингни пишириб е, масала ишласам ўзимнинг каллам йўқми, мен бирон ёрдамга муҳтожмисан, деб келдим.

Зухра унинг кўзларига қараб шубҳаланди-да, ҳазиллашиб:

— Яхши эслатдинг, — деди бирдан, — қўншимиз Малика холанинг катта тўнкаси бор экан, ҳеч ёролмадим, ўтини тугай деб қолган экан, дадам ёриб берай десалар, вақтлари йўқ.

— Ўзи уйдами?

— Ким?

— Э, ўша Малика холаи-да, ким бўларди!

— Йўқ, — деди Зухра, — бир қариндошининг невараси касал экан. Ўша ёққа кетган, ана, боғнинг деворидан тушсанг бўлади!

— Юр, — деди Асқар енгини шимариб, деворнинг нураган жойидан Малика холаникига ўтди-ю, қучоққа



сигмайдиган тўнкани кўриб кўзи гилай бўлиб кетди.

— Катта экан, — деди уёқ-буёғига ўтиб, — тўнка яхши нарса, бир ёрсанг қиши билан ёқиб чиқасан. Ниманинг тўнкаси бу?

— Ёнгоқники, — деди Зухра зимдан Асқардан кўз узмай, — бултур қуриб қолди, дадам кесиб бердилар, эссиэ, жуда яхши ёнгоқ эди-я.

— Даданг ҳам қизик одам экан, — деди Асқар ҳали ҳам хушини йиғолмай, — ёнгоқни кичкиналигида кесганда тўнкаси бунақа бесўнақай бўлмасди, катта болта борми?

Зухра уйидан болта олиб чиқди.

— Сен боравер, — деди Асқар, — укаларингга қара, мен буни бирпасда саржин қилиб ташлайман, шунақа бесўнақай тўнка бўлганига ўкиниб юрсин.

Зухра ҳазиллашяпти, деб укаларининг олдига кетди-ю, икки-уч девордан мўралади. Асқар енгларини шимарди, болтани қўлига олиб, тўнканинг бир уёғидан, бир буёғидан мўлжалга олиб гир-гир айлана бошладди-ю, ниҳоят худди суратга тушаётган одамдай болтани ҳавода кўтарганча туриб қолди.

— Зухра! — деди овозининг борича, — бери кел! Зухра девордан қаради.

— Ҳа?

— Шундоқ тўнкани ёриш увол, — деди. — Майли, ўтиним йўқ десанг, бирпасда самовар тараша қилиб юбораман-у, аммо шундоқ тўнкага болта ургани ҳеч кўзим қиймаяпти.

— Бўлмаса нима қилади? — сўради Зухра.

Асқар болтани бир чеккага ирғитиб:

— Шунини ҳам билмайсанми, — деди, — бунақа асл тўнкадан, эҳ-ҳе, қанақа нарсалар яшаш мумкин-а. Қийма тахта, хўш, шамшод тароқ, ҳеч эшитганмисан, бувимда бор, айтишларига қараганда, етмиш йилдан бери тутарканлар! Оштахта, эҳ-ҳе, санайверса бунинг саноғи йўқ.

— Майли, қўя қол, — деди Зухра.

— Ҳа, энди ўзингга келдинг, — деди ва эшикка қараб йўргалаб қолди, — оғир бўлса айтавер, уялма, кўмаклашиб тураман, хўпми?

— Хўп, — деди Зухра, Асқар кўчага чиқиб олди. «Хайрият-е, — деди ўзига-ўзи, — беодоб қиз, биров сени ҳурмат қилиб иш-пишинг борми, ёрдам берайми деб келса, ҳеч бўлмаса ёлгондан, йўқ, раҳмат, ҳар қанча

иш бўлса ўзимдан ортмайди, деб ширин муомала қилиш ўрнига қўшписининг хўкиздай тўнкасини рўпара қилади-я!»

Асқар Равшанларникига келди.

Равшан айвонда ёнбошлаб китоб ўқиётган экан. Секин оёғининг учида ичкари кирди-ю, Равшаннинг тенасига келди. Равшан китобга шу қадар берилиб кетган эдики, сезмади ҳам. Бир маҳал ичқ этиб кулди, кейин ўзини тутолмай хахолаб кула бошлади.

— Ҳой, нима гап, болам, — Равшаннинг ойси ошхонанинг деразасидан бош чиқарди, — тинчликми?

— Ҳа, ойи, тинчлик, — деди Равшан кулгидан ёшланган кўзларини артар экан, — жуда қизиқ китоб экан.

— Вой, шунгами? — деди ва Асқарга кўзи тушиб, — ҳой, Равшан, нега ўртоғингга қарамайсан, — деган эди, Равшан ялт этиб ўгирилди-ю, тепасида турган Асқарни кўриб, секин ўрнидан турди.

— Ке, — деди, — индамайсан-а?

Асқар маънодор илжайди. Айвоннинг чётига омонатгина ўтириб:

— Зўр китобми дейман? — деди.

— Зўр ҳам гапми, кулгули китобларни ўлгудек яхши кўраман. Шунақа китобни топиб берган одамдан жонимни ҳам аягим келмайди.

Бу гапдан Асқар ял-ял ёниб:

— Сени суюнтирай деб келдим-да, — деди керилиб, — бир китоб ўқидим, бай-бай, кулавериб ичагим узилди. Ярмигача ўқидим-у, шартта тўхтатдим, олдинга югурдим.

— Раҳмат, — деди Равшан бирдан Асқарнинг кўзларини маҳкам ушлаб, — ҳақиқий ўртоқ экансан, қани ўша китоб?

— Ўртоқ ҳам гапми, — деди Асқар, — бундан буён соянгман, оғайни, хўп десанг, эртага келтириб бераман. Бунақа китоб дунёда битта, ўқисанг бир ҳафта кулиб юрасан. Ичида шунақа гаплар борки, қай бирини айтиб беришга ҳам ҳайронман.

Бу мақтовлардан кейин Равшаннинг қизиқиши ортиб кетиб, ҳеч бўлмаса озгина айтиб бер, деб Асқарни жон-ҳолига қўймади. Аммо Асқар нима дейишини билмай доводи раб қолди. Нега десангиз, бундан икки йил илгари кутубхонадан битта китоб олиб ўқигани эсида. Аммо қанақа китоб, нима тўғрисида, ёдида йўқ. Шу-

нинг учун: «Қўй, мен айтиб берсам қизиғи қолмайди», деб шунча қилса қани Равшан кўнса.

— Ҳа, майли, — деди-ю, Асқар довдираб қолди: — Бир чолнинг икки ўғли бор экан, тўрт қизи бор экан. Ўша чолнинг тўрт қизи-ю, икки ўғли бор экан, шу деса...

Асқар уёғига гап тошолмай қорнини чангаллаганча ёлғондакамига хахолой бошлади. Равшан ҳайрон эди, нимаси кулги экан, Асқар ёлғондакам ёшланган кўзини қафти билан арта-арта:

— Йўқ, бўлди, уёғини айтиб беролмайман, — дея ўрнидан турди, — уёғи шунақа кулгилики, мана кўрасан, эртага олиб келай, кечаси билан кулиб чиқасан!

Асқар амаллаб кўчага чиқиб олди-ю, пешонасига бир урди. Ҳамма айб ўзида, ўқимаган китобини мақтаб нима кераги бор эди, энди кулгили китобни Равшанга қаердан топиб беради, топиб бермаса Равшан ҳамманинг ичида ёлғончи экансан, деб расво қилиши турган гап, борди-ю, синфкомликка сайланса-чи, ана холос, бунақа болани алдаб бўлармиди.

Асқар ярим кечагача уйқуси келмади. Синфкомликка ким сайланаркин? Буни қаранг тушига ҳам шу кирибди: ҳамма бирдан синфкомликка Равшанни таклиф қилган экан, эски синфком даст ўрнидан туриб:

— Йўқ, — дебди, — бу гап синфкомликка энг яхши болани сайлаймиз. Малика холанинг тўнқасини ёриб берган, Салимларнинг узумини қоғоз билан ўрашган, Равшанга кулгили китоб топиб берган Асқарни сайлайлик!

Бу гапдан шов-шув кўтарилди.

— Бўлмаган гап, — дебди Зухра, — Асқар тўнка ёриб бергани йўқ!

— Ёлғон, — деб гапга аралашибди Салим, — Асқар узум боғлашаман деб ўртоғи билан ярим ишком узумни еб кетди.

— Мени ҳам алдаган, — деб шов-шувга қўшилибди Равшан.

Асқар бундоқ қараса, ҳамма кўзини узмай қараб турганмиш. Секин орқасига тисарила-тисарила ойнадан ҳовлига сакраб тушиб қочмоқчи бўлган экан, қараса, иккала оёғи йўқ бўлиб қолганмиш! Асқар қора терга ботиб уйғонганда кун ёришиб қолган эди. Апил-тапил кийиниб, чойини ичди-ю, папкани силкитиб мактабга жўнади. Кўнгли кечагидан баттар ғаш эди: олтинчи «А»нинг синфкомлигига қайси болани сайлашаркин-а!

## КИНОГА ОЛЯПМАН

Равшан билан Мунира икки ошнани оталиққа олиб тоза пушаймон бўлишди. Нега десангиз, улар мулойим, мўмин-қобил кўринганлари билан, эҳ-ҳа, ўтакетган дангаса-ю, гирт ёлгончи экан, Равшан икковининг ҳам уйига борди. Вақтларинг бекор ўтмасин деб роса гапирди. На униси қулоқ солди, на буниси. Мунира икки ошнани йўлга соламан деб, ҳолдан тойди, бари бир ҳеч натижа чиқара олмади. Бу ҳам майли-я, икки ошна бирор боланинг дилини огритишса ё битта-яримтанинг кўнглига озёр беришса, ўша жабрланган одам дарров: «Анови икки дангасага айтиб қўйларинг, бу нима қилгани», деб Равшан билан Мунирага дакки берадиган бўлди. Бир куни ўқитувчи ҳам: «Баракалла, икки киши бўлатуриб, шуларни йўлга сололмадиларингми?» деб таъна қилди. Хуллас, Равшан билан Мунира бир куни нима қилишларини билмай бошлари қотиб, дангасаларни оталиққа олганликларидан минг-минг пушаймон еб дарсдан кейин мактабдан чиқиб кетишаётган эди. Малика холага дуч келишди. Малика холанинг гапидан, улар ялқов деб юрган икки ошна кўчада ҳам тинч юришмас экан. Яқинда кампир боғдаги қуриган шох-шаббаларни кертиб қўйган экан. Икки ошна ҳовлида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, шох-шаббаларни ёқиб юборишибди.

— Шу ишми-а, болам? — деди кампир, — бир домласига айтиб таъзирини берай деб кирган эдим-у, сизларни кўриб аҳдимдан қайтдим. Айтинглар, бунақа қилишмасин!

Шу куни Равшан билан Мунира қатъий бир қарорга келишди. Болаларни бир бошлаб таъзирларини бериш керак! Уларни меҳнатни қадрлашга ўргатиш керак. Ҳамма гап шунда!

— Хўш, қандай қилиб? — деди Мунира.

— Бўпти! — деди Равшан ва ўйлаб қўйган режасини Мунирага айтган эди, Мунира кулавериб кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Жуда соз! — деди Мунира. — Эртага дам олиш куни-а? Эртадан бошлаймиз!

...Равшан эртасига Мирқобил билан Асқарни Малика холаникига бошлаб келди. Мирқобил ҳам, Асқар ҳам Равшаннинг ниятига тушунолмаётган эди.

— Гап бундоқ, болалар, — деди Равшан, — тарихда қолишни истайсизларми? Ҳаммаёққа номларинг ёйили-



шини хоҳлайсизларми? Бўпти десанглар, мен нима десам, гинг демай қиласизлар.

— Майли, — деди Асқар бўшашиб ва шеригига қаради. Шериги эса унча ёқинқирамай:

— Ўзинг биласан, Равшан, — деди, — биз сенинг оталигингдаги одамлармиз. Нима десанг шуни қилаверамиз!

Равшан Малика холани ҳайратда қолдириб, боғнинг бурчагида ётган бесўнақай тўнкани думалатиб ҳовлининг ўртасига келтирди.

— Ма! — деди Асқарга болта узатиб, — сен бошла.

— Нимани?

— Манавини ёрасан, — деди Равшан, — ҳадёмай кино тўгарагидан одам келади, сенларни тоза меҳнатсевар болалар экан, деб кинога олиб кетади.

— Кинога тушамизми? — деди Асқар шеригига қараб. — Нима дейсан?

— Нима дердим? — деди Мирқобил бўшашиб. — Бошлигимиз Равшан. Равшанки бизларни кинога тушларинг деяётган экан, албатта тушамиз-да.

— Майли, — деди Асқар болтани Мирқобилга узатиб, — ма, бошла!

Болтани олишга олиб қўйди-ю, Мирқобилнинг кўзлари олайиб кетди. Энди гап қайтармоқчи бўлиб турган эди, кўча эшик қарсиллаб очилди. Остонада Мунира пайдо бўлди. Қўлида тўгаракнинг кино оладиган аппарати, кўриниши жиддий эди. Мунира болаларни кўрар-кўрмас:

— Тўхта! — деди ва аппаратни уларга тўғрилади, — ҳозир суратга оламан, қойил! «Синфимизнинг икки

азамат ўқувчиси дам олиш куни Малика холага ёрдам беряпти!» Қалай, бошланиши маъқул-а?

— Жуда соз, — деди Равшан хурсанд бўлиб, — кўрасан, Мунира, сен олган кино шаҳардаги ҳамма мактабни айланиб чиқади.

Асқар тушунмади.

— Нима-нима?

Мунира шоша-пиша гапира кетди.

— Ўқувчилар дам олиш куни кимларга ёрдам беряпти, деган кино оляпмиз, — деди, — тушундиларингми, кеча Равшан: «Асқар билан Мирқобил Малика хола-нинг тўнқасини ёриб бермоқчи», деган эди, бошлиғимиз дарров мени буёққа жўнатди.

— Мана, кўрасизлар, — деди Равшан, — ишимиз ўнгидан келса борми, эҳ-ҳе, номларинг ҳаммаёққа тарқаб, бутун ўқувчиларга намуна бўласизлар!

— Биз-а? — деди Мирқобил.

— Ҳа, сенлар-да, — деди Мунира, — ким бўларди, бўл, тўнка ёрадиган бўлсанг, ёр, бўлмаса кетаман, шошиб турибман.

Мирқобил билан Асқар бўлаётган нарсаларга ҳеч ишонмай шубҳа билан дам Равшанга, дам Мунирага қарашарди. Муниранинг эса сабри чидамай:

— Нима, бир-биримизга қараб тураверамизми? — деди. — Ё истамайсизларми, ундай бўлса мен кетдим.

Мунира кўча эшикка юрди. Икки ошна эс-хушларини йигиб, унинг кетидан югуришди-ю, йўлини тўшишди.

— Тўхта! — деди Асқар.

— Бу қанақаси? — деди Мирқобил. — Биз «намуна» бўлайлик деб, оддих куни ўлиб-қутулиб бировнинг тўнқасини ёриб юрибмиз-у, бошқа болани суратга оласанми?

— Йўқ, — деди Асқар, — олсанг бизни оласан!

— Ҳа! — деди Мирқобил.

Мунира бир унга, бир бунга қараб орқага қайтди. Равшан ҳам ялиниб-ёлвориб «икки ўртоқни кинога ол», деб қистагандан сўнг, Мунира «кўнган» бўлди.

— Майли, аммо тез бўлинглар, вақтим зиқ.

— Ҳа, бу бўлак гап, — деди Асқар, — Мирқобил тўнка ёрсин, мен тепазида кўрсатиб турай.

Мирқобилнинг кўзи олайиб кетди.

— Нима, нима?

— Э, тентак, — деди Асқар, — бир одам ёрса, иккин-

чи одам кўрсатиб туриши керак, шунда тўнка ёриш осон бўлади!

Мирқобил ўйланиб қолди. Сўнг хўрсинди-да:

— Майли, битта тўнка экан, — деди, — бахридан ўтдим. Асқар намуна бўлиб суратга туша қолсин, эсиз, яна битта бўлганда, ким тез ёришга ўйнаб, иккаламиз ҳам кинога тушган бўлардик.

Равшан бу гапдан қувониб, боғ этагидаги иккинчи тўнкани ҳам думалатиб келди. Иккала ўртоқ ҳайрат билан бир-бирларига қараб қолишди. Мунира эса сабр-сизлик билан:

— Ана, тўнка иккита бўлди, — деди, — қани, ишни бошлаларинг, икковингни барабар суратга оламан.

Икки ўртоқ ноилож икки болтани қўлларига олиб, бирин-кетин тўнкага уришди. Мунира болаларнинг дам у томонига, дам бу томонига ўтиб, аппаратни тўғрилаш билан овора эди. Асқар билан Мирқобил ҳаллослаб тўнка ёраркан, Мунирага кўз қирини ташлаб қўйишарди.

— Ҳой, — деди ниҳоят Асқар, — бўлдими?

— Э, энди аппаратимнинг фокусини тўғриладим-ку, бўлдими дейди-я!

Мирқобил ишдан тўхтаб, бош кўтарди.

— Нима, ҳали олганинг йўқми?

— Йўқ.

— Қойил-е, — деди Мирқобил ва белини ушлади. Мунира эса аппаратни Мирқобилга тўғрилаб:

— И-е, қимирлама, сени шу ҳолатда ҳам суратга олиб қўяй, керак бўлади, — деган эди, Мирқобил жонҳолатда қўлига болта олди. Асқар ишдан тўхтаб, чўққайиб дам олаётган эди, Мунира унга ўгирилиши билан Асқар сакраб туриб тўнкага ёпишди. Хуллас, Асқар дам оламан деса унга, Мирқобил белини ушлаб туриб қолса, Мирқобилга аппаратни тўғрилайвериб Мунира икковининг кўзини очирмади.

— Бўлдими? — деди Асқар.

Мирқобил эса йигламоқдан бери бўлиб:

— Э, суратга олмасанг олмай қўя қол, — деди, — фақат анави аппаратингни менга тўғриламасанг бас!

Бу гапдан шеригининг ранги ўчиб:

— Ҳа? — деди овозининг борича. — Сенга тўғриламаса менга тўғриласинми?

Охири икки тўнка тўрт бўлакка бўлинди-ю, икки ошна бирпас дам олгани тўхташди. Мунира ичида:

«Майли, иш қилиб ўрганмаган болалар, пича дам олиша қолсин», деди.

— Яхши, — деди бир оздан сўнг, — энди сизларни алоҳида-алоҳида катта планда оламан!

Бу гандан икки ўртоқ чўчиб тушди. Асқар эса:

— Нима, нима? — деди Муниранинг теңасига келиб. Мунира Равшанга ўгирилди:

— Ҳой, Равшан, буларга тушунтир.

Равшан шоша-пиша икки ўртоққа тушунтира бошлади.

— Э, кино кўрганмисизлар, қаҳрамоннинг башараси, ё кўзи, ё пешонаси бутун экранда кўринса, ўшани катта план дейди.

— Шундай демайсанми, — деди илжайиб Асқар ва Мунирага ўгирилди, — майли, пешонамни ола қол.

Мунира аппаратни тўғрилади-ю, қани бўл, дегандек Асқарга қаради. Асқар ҳеч нарсага тушунмай кўзларини катта-катта очганча ўртада ғўдайиб турарди.

— Бошла!

— Нимани?

— Э, қўлингга болтани ол, ишни бошла! — деди Мунира.

— Ҳой қиз, — деди бирдан ўдағайлаб Асқар, — пешонамни суратга олсанг, болтани нима қиламан?

— Уф-фф, — деб юборди Мунира ва Равшанга ўгирилди. — Ҳой, Равшан, буларга тушунтир.

Равшан икки ўртоқнинг тирсагидан ушлаб, мулоқимлик билан тушунтира бошлади.

— Э, қанақасизлар, қуруқ пешоналарингни бошига урадими Мунира! Мунира завқли меҳнат жараёнида, тушуняпсанми, меҳнат жараёнида пешоналарингда пайдо бўлган тер томчиларини кўрсатиш учун катта планда суратга олмоқчи. Бу кинони энг кульминацион чўққиси. Яъни, нима десам экан...

— Ке, Мунира, — деди Асқар юраги шувиллаб, — мен кичикроқ планда туша қолай.

Мирқобил ҳам бир чеккага ўтириб олди.

— Мени ҳам кичикроқ планда ола қол.

— Нега?

— Негаки... — деди гап чайнаб Мирқобил, — негаки, бу тўнкани ёраверсак, ёраверсак, гугурт чўни қилиб юборамиз-ку, ахир Малика холага жабр бўлади-ку.

— Э, нима деяпсан, — деди Мунира, — нега жабр



бўларкан, самовар тараша қилиб берасанлар. Қани, бўлларинг, вақтим йўқ.

Аммо иккала ўртоқ эшикни мўлжаллаб туришган эди. Равшан иккаловининг пешонасига тикила-тикила бош чайқади.

— Э, аттанг, аттанг, — деди Асқарга, — пешонангга энди бир томчи тер чиққан экан-а!

Асқар ҳовлиқиб ўрнидан турди ва қўли билан пешонасини ушлаб кўрмоқчи эди, Мунира тўхтатди.

— И-и, тегма, кўнайсин, кейин суратга оламан!

— Менда-чи? — деди ҳовлиқиб Мирқобил.

— Сендами? — деди Равшан Мирқобилнинг пешонасига узоқ тикилиб, — бир эмас, иккита.

— Бўл, — деди Мирқобил, — дарров суратга ол!

— Ие-ие, — деди Мунира, — тер деган ҳар бири нўхатдек-нўхатдек бўлиб пешонангдан чак-чак томиб туриши керак. Роса ўн беш томчи бўлганда суратга оламан, ке, гирромлик қилма, кинони кульминацион чўққиси ҳал бўляпти-я!

Мирқобил ўйлаб қолди-ю, секин қўлига болтани олди.

— Гапингда турасанми?

— Бўлмаса-чи! — деди Мунира хурсанд бўлиб ва аппаратни Мирқобилга тўғрилади. Асқар ҳам шеригидан орқада қолгиси келмай тўнкага ёпишди. Равшан эса бекор турмай уларнинг пешонасида пайдо бўлган тер томчиларини санаб турди. Бир маҳал Мирқобил қизариб-бўзариб бошини кўтарди.

— Қара, Равшан, нечта бўпти?

— Бир, икки, тўрт, олтита! — деди Равшан, — бўшазма, оз қолди.

— Менда-чи? — деди ҳаллослаб Асқар.

Равшан униқини санаб чиққан эди, роппа-роса тўққизта бўпти. Икки дангасанинг пешонасида ўн беш дона тер томчиси пайдо бўлиши билан Мунира уларни суратга ола бошлади. Суратга олди-ю, бирдан бўшашиб туриб қолди. Кўзларини катта-катта очиб:

— Э, аттанг, — деб юборди, — боя келаётганимда аппаратга лента солиш эсимдан чиққан экан, мен фирр этиб бориб келаман.

Мунира гизиллаб кўчага чиқиб кетди. Икки ўртоқ ҳангу манг бўлиб туриб қолишди. Кейин жанжал кўтаришган эди, Равшан уларни тинчитди.

— Хўш, нима бўпти? Қайтага яхши! Биласанларми, бу репетиция бўлди, — деди.

Икки ўртоқ репетиция нималигига тушунишди-ю, аммо ҳақиқий кинога олиш қанақа бўлишини ўйлаб юраклари шувиллаганча ўтириб қолишди. Равшан эса уларга Мунира олмоқчи бўлган кинонинг мазмунини гапириб берди. Кўп ўтмай Муниранинг ўзи останада пайдо бўлди.

Икки ўртоқ репетициядан кейин ҳақиқий кинога тушиш учун беихтиёр қўлларига болта олишди.

Мунира аппаратни уларга тўғрилади.

— Бошла! — деди. — Кинога оляпман, кинога!

### ҚОРБОБОНИНГ ТОПШИРИҒИ

Турди билан Асқар арча байрамидан қайтиб келишарди: икковлари хурсанд, кайфлари чоғ, қўлтиқларида қорбобонинг шилдироқ пакетга солиб берган совға-саломи. Таассуротлар шу қадар кўпки, бир-бирларига гал бермай гапиришгани-гапиришган. Айниқса, қорбобо зўр экан, қорқиз Турдига ҳам, Асқарга ҳам унча ёқмади. Ўзлари билан ўқийдиган ўша қақилдоқ Салима экан.

— Товба, — деди Турди, — бошқа қиз қуриб қолган эканми?

— Шуни айт, — деди Асқар, — менимча паканалиғи учун қорқизни ўйнатишган.

Аммо қорбобо эҳ-ҳе, бунақаси шаҳарда битта бўлса

— Қайси қилигимиз, қорбобо? — Турди хайрон бўлди.

Қорбобо тиш чёткага ўхшаш қошларини галати чимириб, панжалари билан узун оппоқ соқолини тараб, ҳаммага бир-бир қараб чиққач:

— Хўш! — деди чўзиб, — кеча нима қилдинглар?

Икки ўртоқ шошиб қолишди.

— Нима қилибмиз, қорбобо, нима қилибмиз?

— Э-э, сенлардан сўраяпман, — деди қорбобо қўлидаги кетмон дастасидек ҳассани полга тақиллатиб уриб, — сенлар жавоб беринглар, мени сўроқ қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, мен Қорбобоман!

— Хўп, қорбобо, хўп, қорбобо, — деди Турди, — кеча... кеча яхмалак учдик.

— Ундан кейин-чи?

— Кино кўрдик, — деди Асқар.

— Қанақа кино экан?

Бу савол икки ошнани булбулигўё қилиб юборди-ю, ҳамманинг олдида жуда билагонлик қилгилари келиб, бир-бирларига гал бермай кинони таърифлашга тушиб кетишди.

— Зўр! — деди Турди.

— Зўр ҳам гапми, — деди Асқар шеригининг гапини маъқуллаб.

— Одамгарчилиг-у, меҳрибончилик қанақа бўлишини ўша кинодан ўрганиш керак экан.

— Рост, кинони кўрган ҳар қанақа тош юрак ҳам эриб, сув бўлиб оқиб кетади.

— Баракалла, — деди қорбобо ва икки ошнани таъриф-тавсифидан кўп мамнун бўлиб, елкаларига биттадан уриб, эркалаб қўйган бўлди. — Хўш, ана шундоқ кинони кўргандан кейин сизлар кимга яхшилиг-у, кимга ёмонлик қилдинглар?

— Ие, қорбобо, — деди Турди бўш келмай, — бировга ёмонлик қилиб жинни бўпмизми?! Биз ҳам бир яхшилик қилайлик, деб кўчага югуриб чиқсак, кўчада ҳеч ким йўқ экан.

— Буни қаранг-а, — деди қорбобо соқолини серкиллатиб, ҳахолаб кулди, шунда унинг чап томондаги ўғри тиши кўриниб кетди-ю, Турдининг юрагида шубҳа уйғонди, — ҳеч ким йўқ эканми?

— Ҳа, қорбобо, — дейишди икки ошна.

— Анови боғчадан қайтиб келаётган икки қизча-чи?

Бу савол ҳам икки ошнани довдиратиб қўймади, аксинча кўпиртириб юборди.

— Уларга яхшилик қилган бўлмасак ҳам, аммо одамгарчилик нималигини ўргатдик.

— Э, баракалла, — деб юборди қорбобо, — қани, қани, залдаги болаларга айтиб беринглар-чи, қани, қани!

Бу гал Турди билан Асқар ҳазилакам эсанкираб қолишмади. Улар қорбободан бунақа таклифни сира-сира кутишмаган эди. Дарҳақиқат кеча икковлари кинодан жуда таъсирланиб кетиб, ченани судраб кўчага чиқинган эди, буни қаранг, кўчада ҳеч ким кўринмаса, товба, тоғара-тоғара нарса билан инқиллаб-синқиллаб тўй-ҳашамга борувчи кампирлар унча-мунча ўтиб турувчи эди, бугун улар ҳам йўқ.

— Э-э, бунақа ҳавода қайси кампир иссиққина уйдан чиққиси келади, — деди Турди, — чикса йўл ёмон, тойиб кетади!

— Оҳ-оҳ, — деб юборди Асқар, — оёғидан мен, қўлтигидан сен кўтарардиг-у, дарров ченага ўтқизиб касалхонага олиб борардик.

Турди олайиб қаради:

— Мен қўлтигидан-у, сен оёғиданми?

— Ҳа, сен қўлтигидан-у, мен оёғидан!

— Бекор айтибсан, яхшилик қилсак баб-баравар қилайлик.

— Ие-ие, мен айтган нарсани нимаси «баб-баравар эмас» экан, хўш?

— Қўлтигидан кўтарган тентак оёғини ҳам судраб кетаверади, — деди Турди, — кинодаги гапга тушунмапсан.

— Мен-а?!

— Ҳа, сен, фирромлик қилма, бир қўлидан сен-у, бир қўлидан мен судрайман.

— Нима-нима, — деди Асқар қизишиб, — хўш, қани айтчи, судрамоқчи бўлган одаминг ким, хўш?

Турди ўртоғининг гапига унча тушунмаган бўлса ҳам, елкасини қисиб:

— Ким бўларди, — деди ғулдираб, — бирорта чол, ё кампир-да!

— Демак бировнинг бувиси ё буваси, шундайми, — деди Асқар.

— Шундай!

— Суф сенга, — деб юборди Асқар, — тентак, бировнинг жондан азиз буважони ченамики, индамай судраб

кетасан, ошна, сенда одамга нисбатан хурмат йўқ экан. Ўжарлик қилмасанг бечоранинг қўлтигидан сен-у, оёғидан мен кўтариб, дарров ченага ўтқазиб, касалхонага элтиб қўйган бўлардик, йўқ, ошна, кинога сен тушунмапсан.

— Мен-а? — деди Турди Асқар томон бир қадам ташлаб.

Энди жанжал бошланай деганда кўчанинг бошида иккита қизалоқ кўринди. Ҳали бировга қилинмаган яхшиликни талашаётган икки ошна дарров эс-хушларини йиғиб олишди, қизалоқлар афтидан, ҳозиргина арча байрамидан чиқишган бўлса керак, икковининг қўлида шилдироқ қоғоздан тикилган халтача, халтачанинг ичи тўла ҳар хил нарса, печенье, конфет, биттадан мандарин ҳам бор эди. Турди тамшанди, Асқарнинг оғзини суви келди.

— Мандарин еганга яраша биратўла ўнта есанг.

— Ҳа-я! — деди Турди култ этиб ютиниб, — биттани единг нима-ю, емадинг нима. Эртага арчадан чиққанда ўзимни мандаринимни битта-яримтага бериб, бир яхшилик қилай?!

— Шундай қил, — Асқар унинг гапини маъқуллади, — бировга берсанг ўла-ўлгунча сени эслаб юради.

— Мана кўрасан, худди шундай қиламан, — деди Турди шу топда жуда одамгарчилиги тутиб кетиб, — лекин ановилар яхшилик нималигини билармикин!

— Ие, хой, қизиқсан-а! — деди Асқар, — билмаса ўргатиш керак, сен билан мен ўргатмасак бақа теракка ўхшаб гўдаийб ўсаверади-да, одамгарчилик нималигини ўргатиш ҳам яхшиликка киради, нима дединг?

— Қойил! — деди Турди хурсанд бўлиб ва қизалоқларни имлаб чақирди. Қизлар боядан бери битта-яримта ўтиб қолса яхшилик қилайлик деб, куннинг соғуғига қарамай кўчада ўтирган икки боланинг ниятидан беҳабар бўлишса керак, олазарақ бўлиб қолишди. Яқинлашгани чўчиб, бир-бирларига қарашди. Кичикроғи анча пишиққина экан, совғасини дарров пальтосининг ичига яширди. Каттароғи эса бир болаларга, бир қўлидаги пакетга қараб, бирдан қочмоқчи бўлиб шайланган эди, ченани кўриб ниятидан қайтди. Бу бегона бола нега имляпти, балки ченага ўтқазиб, уйига олиб бориб қўймоқчимикин!

— Яхшилик нима? — деди Турди дабдурустан. Икки қизча бу кутилмаган саволдан киприк қоқмай ту-

риб қолишди. Ҳа деганда биронтасидан садо чиқавермагач, Турди қизалоқларга яқинлашди:

— Яхшилиқни биласанларми?

Қизлар кўрқа-писа:

— Йўқ, — дейишди баб-баравар, — боғчамизда бунақа бола йўқ.

Турди қорнини, Асқар бошини чангаллаб чунонам кулди, чунонам кулди, боя совғасини пальтосига яширган пишиққинаси бу гал ҳам пишиқлик қилиб, дарров эс-хушини йигиб олди-ю, орқасига бир қадам ташлаган эди, Турди кўлидан маҳкам ушлади.

— Қаёққа?

Турди билан Асқар иккала қизалоқни турғизиб қўйиб, роса ўн беш минут гапиришди. Боя кўрган киноларидан мисоллар келтириб ташлашди, охири иккала қизалоқ бу болаларнинг мақсадини англагандай бўлишди-ю, бир оз чиройлари очилди. Уларнинг гапидан қизалоқларга шу нарса маълум бўлдики, яхшилиқ, одамгарчилик деган сўзнинг маъносига етиб, мағзини чақа олган боланинг иши доим беш экан. Ҳамма ҳурмат қилар экан. Битта эмас, бирданига иккита морозний еяр экан. Катта бўлиб мактабга борса, дарс тайёрламаса ҳам, қундалиги нуқул аъло баҳога тўлиб юраркан. Қисқаси, яхшилиқни билган кишини ҳамма бошига кўяркан, ана шуниси қизларни хайратда қолдирган эди, Иккала қизалоқ ҳам дадаларининг елкаларига миниб, байрамда қизил майдондан ўтишган, аммо бирортасини шу маҳалгача ҳеч ким бошига қўйиб юрмаган эди. Бировни бошида ўтириш қанақа бўларкин-а? Бунақа мўмин-қобил, бунақа дарров ганга кўна қоладиган қизалоқларни Турди билан Асқар биринчи кўришлари эди, яхшилиг-у, одамгарчилик тўғрисидаги ҳамма билган-топганларини айтиб бўлиб, мақсадга ўтишди.

— Мана мисол учун олайлик, — деди Турди олдидаги пишиққина қизнинг қўйнидан пакетни суғуриб, — сен шу битта мандаринни «енг» деб Асқар акангга тутқаздинг, хўш, юрагингда нима сезяпсан, хўш, ачиняпсанми, ё суюнияпсанми?

Асқар мандариннинг пўстини арчишдан аввал у ёқ-бу ёгига қараб ҳидлади, кўзларини сузиб «бай-бай» деб бош чайқаб қўйди. Қизчанинг ранги ўчди. Кўзларига гилт этиб ёш келиб:

— Беринг! — деди.

Турди елкасидан силкитиб:

— Хой, тентак, — деди, — одам берган нарсани ҳам қайтариб оладими? Юрагингдагини гапир, суюнясанми, ачинаясанми?

— Вой, ачишиб кетяпман, — деди қизча уввос солиб.

— Бекор айтибсан, — деди Турди қизчанинг эсхушини жойига келтириб қўймоқчи бўлиб елкасидан уч-тўрт силкиб, — ачинаётганинг йўқ, юрагингга яхшилаб қулоқ сол, суюниб кетяпсан!

— Шунча гапдан кейин суюнишинг керак! — деди Асқар огзини тўлатиб мандарин чайнар экан. Қизчанинг қўлидаги бир қисим пўчоқни кўриб, жим бўлиб қолди. Турди бир чеккада жавдираб турган иккинчи қизалоққа қараб:

— Сен-чи?! — деган эди ўшқириб, қизалоқ даг-даг титраб пакетидagi мандаринни олиб, Турдига бера қолди.

— Вой, бирам суюниб кетяпман-ей! — деди шошиб. Турди мандаринни олди, икки ямлаб бир ютди-ю, Асқарга ўгирилди.

— Демак, бу қиз ақллироқ экан, телевизорни кўпроқ кўрса керак, — деб қўйди. Қизалоқлар мандариндан айрилгач, бўлар иш бўлди, энди «одамларнинг бошида ўтириш» қанақа бўлишини кўрайлик, деб ўзларини бир-бирларидан «ақллироқ» кўрсатиш пайига тушиб кетишди. Турди бир йиқилиб оёғи «синган» бўлди, икки қизалоқ Турдини аранг кўтаришди, ченага ўтқизишди, кўчанинг бошига беш марта олиб бориб кедишди. Асқар ҳам қорга думалаб, «қўлини майиб» қилди ва ченага ўтирди. Хуллас, икки ошна дам қўли, дам оёғи «синиб» тоза «маза» қилишди. Қизлар ҳам чакана эмас экан, Асқар билан Турдини:

— Хўш, чарчаганларинг йўқми? — деб берган саволларига:

— Йўг-е, қайтага хурсанд бўлиб кетяпмиз, — деб жавоб қайтариб туришди.

Шу пайт кўчадан синфдошлари Мунира билан Салима ўтиб қолди. Ўлиб-қутулиб чена тортаётган қизалоқларни кўришди-ю, тўхташди.

— Сўқимдай-сўқимдай бўлатуриб, ёш болаларга чена торттиргани уялмайсанларми, — деди Мунира, — уйдан кўра мен билан юринглар!

— Қаёққа?

— Кейин биласизлар, — деди Мунира билан Салима ва шипиллаб кета бошлашди. Турди билан Асқар ажаб-

ланиб бир-бирига қараб туришди, кейин уларга эргашиди. Аммо «одаминг бошида ўтириш» қанақа бўлишини билолмай доғда қолган қизалоқлар ҳам бўш келмай дарров икковининг йўлини тўсди.

— Мандаринни қайтариб беринглар!

Турди билан Асқар шунча овутишса ҳам, қани қизлар кўнишса. Пишиқроғи ҳатто овозини баланд қилиб йиглай бошлади. Асқар минг-минг афсус билан «барибир ақлларинг йўқ экан», деб қўйди. Турди мандаринни ўзидан кўра, ҳиди яхши бўлади, деб сочилиб ётган пўчоқларни йиғиб, иккаласига бўлиб берди-ю, жуфтакни уриб қолишди. Югура-югура, ахийри Мунира билан Салимага етиб олишди. Кўчанинг бошида Сайфиддин деган синфдошлари турарди. Буни қаранг, уларнинг уйига ўтин тушган экан. Қизлар Турди билан Асқарни ана шуни ташигани бошлаб келган экан.

— Қойил-е, — деди Турди, — шу тонда ўтин ташиб зарил кептими!

— Юр, кетдик, — деди Асқар, — ўтинни ёзда олиш керак.

Икки ошна орқага қайтаркан, Мунира билан Салима озгина ёрдам беринглар деб тоза ялинишди. Аммо Турди ҳам, Асқар ҳам парво қилмай жўнаб қолишди. Жўнаганлари ҳам яхши бўлган экан, кеча кўчанинг ўртасига сув сепиб қўйинган эди, шунақа музлабдики, худди спорт саройидаги яхнинг ўзи дейсиз!..

...— Хў-ўш! — деди қорбобо жаҳл билан қўлидаги ҳассасини ерга уриб, — нега миқ этмайсизлар, ё тилларинг танглайингга ёпишиб қолганми?

Қорбобонинг дўқидан икки ошна қочгани жой тополмай довдирай-довдирай ҳаммасини айтиб беришди. Елгиз ўзлари бўлишса ҳам майли-я, залда шу қадар бола кўп эдики, ҳаммаси хахолаб кулди. Қорбобо эса яна панжалари билан узун оппоқ соқолини тараб:

— Яхши иш бўлмапти, — деди бош чайқаб, — мана тўртта совға, иккитаси сизларга бўлсин, қолган иккитасини ўша боғча қизларига элтиб беринглар-у, дарров Сайфидан хабар олинглар!

Турди шеригига қаради, шериги Турдига қаради, икковидан садо чиқмади. Бу гал қорбобо яна жаҳли чиқиб, қўлидаги ҳассани полга шунақа урдикки, икки ўртоқ сакраб тушди.

— Хўп бўлади, қорбобо, — дейишди, — хўп бўлади.

— Ҳа, бу бўлак гап! — деди қорбобо жаҳлидан ту-



шиб. Икки ошна қутулдик деб совгаларини қўлтиққа уриб, залдан чиқиб кетишаётган эди, қорбобо уларни яна тўхтатди.

— Ҳар эҳтимолга қарши ваъдаларингизни олиб қўйсам, — деди қорбобо, — ким билади, эшикдан чиқиб яна ўйинқароқлик қиласизлар-у, топшириқни унутиб қўясизларми?

— Йўғ-е, қорбобо, — деди Турди икки кўзини эшикдан узмай, — ўлибмизми, айтдикми, қиламиз!

— Чин сўзми?

— Бўлмаса-чи, — деди Асқар, тезроқ қутулиш мақсадида, — чин пионерлик сўзи!

— Баракалла, — деб юборди қорбобо хурсанд бўлиб, — энди ишондим, хой, болалар, сизлар ҳам эшитдингиз-а?

— Ҳа, эшитдик, — дейишди залдаги болалар чуғиллашиб.

Турди билан Асқар ўқдай отилиб ташқарига чиқишди-ю, бирпас бўлса ҳам залдаги ташвишни унутишди. Қўлтиқларидаги пакетни титиб биттадан мандарин олишди, ҳафсала билан пўстини артиб, пўчоғини ҳидлай-ҳидлай чўнтакка солиб қўйишди. Мана энди оғзиларини мандаринга тўлдириб мундоқ ўйлаб кўришса, сўз бериб чакки қилишган экан. Қорбобо эрта-индин кетадиган одам, уч-тўрт кун кўзига кўринмай юришса, балки икки ошнани эсидан ҳам чиқариб юборар. Аммо болалар-чи, ёлгончи экансизлар, деб кейинчалик калака қилиб юришмасмикин?!

— Расво бўлдик, — деди Турди.

— Асли боя тўхтатганда гашига қулоқ солмай чиқиб кетаверсак бўларкан, — деди Асқар, — мен чиқиб кетаётган эдим-а, сен тўхтаб қолдинг!

— Мен-а?

— Ҳа, сен.

— Бекор айтибсан; — деди Турди, — сен тўхтаб қолдинг.

— Мен-а?! — деди Асқар, — бекоргинани сен айтибсан.

Икки ўртоқ тоза олишиб, яна бундоқ ўйлаб кўришса, энди қорбобога берган ваъдани бажармай ҳеч иложи йўқ экан. Иккита совгани қўлтиқлаб, тўппа-тўғри богчага боришди.

— Ташлаб чиқ, — деди Турди.

— Бор-е, — деди Асқар, — иккови кўра солиб дод солса-я!

— Э, нега дод солади! — деди Турди, — сен ташлаб чиқ, дод солса кўча эшикни очиб тураман, липна қочасан!

Икки ўртоқ тортиша-тортиша ичкарига барабар кирадиган бўлишди. Эшикни очиб, бошларини суқишса, қаранг-а, худди кечаги иккита қизалоқ кўчага чиқиб келаётган экан. Пишиқроғи дарров эс-хушини йиғиб, орқага қочди. Шериги ҳам унинг кетидан югурмоқчи эди, Турди қўлидан маҳкам ушлади.

— Вой, суюниб кетяпман, — деди йиғламсираб, — кўйиб юборинг!

Шу пайт олисда боғча опа кўриниб қолди-ю, Турди пакетларни қизалоқнинг иккала қўлтиғига қистириб дарров ташқарига отилди. Кетма-кет Асқар ҳам чиқди.

— Қойил бўлди, нима дейсан?

— Бўлмаса-чи, — деди Турди, — аммо-лекин боядан бери ўйлаб ўйимнинг охирига етолмаяпман, ошна, юрагимда шубҳам бор. Қорбобонинг овози таниш-а. Ўзимизнинг мактаб болаларидан эмасмикин? Чамамда, анови олтинчи «а»даги найнов бола бор-ку, Соли, ўшанга ўхшайди-я!

— Э, нима деяпсан, — деди Асқар, — Солининг огзидан гапи тушиб кетади-ю, қорбобо бўла оладими?

Икки ўртоқ яна ўйлай-ўйлай бошлари қотди. Солимикин-а, борди-ю, театрдан чақирилган бирор артист бўлса, хўш, унда, артист Турди билан Асқарни кеча чена учганини, Сайфига қарашмаганини қаёқдан била қолдйкин?

— Шунга ҳам ақлинг етмайдими, — деди Асқар, — ё Салимадан эшитган, ё Мунирадан.

— Шу ўзимизнинг Салимадан-а, — деди Асқар, — шошмай турсин!

Икки ошна ҳаддидан ошган Салима билан Мунирани бошлаб таъзирини бериб қўйишга аҳд қилишди-ю, Сайфиддинларнинг эшигини тақиллатишди.

— Ким?

— Биз, — деди Турди, — Сайфи, эшикни оч!

Остонада Сайфиддин кўринди. Қўлида теша, бирор иш қилаётган бўлса керак, болаларни кўриб ажабланди, товба, кеча бирпас қарашгани бўйнилари ёр бермаган бу икки ошна нимага кепти?

— Утин қани?! — деди Турди.

— Ташиб бўлдик, — деди Сайфиддин ҳеч нарсага тушунмай, — кеча Мунира билан Салима қарашиб юборди.

— Э, аттанг! — деди Асқар, — шошмасаларинг, биз ҳам ташишиб юборардик.

Сайфиддин хахолаб кулди.

— Ҳа, нега куласан?

— Келишларингни билсак, кутиб турардик, аттанг-е!

Ичкаридан Сайфиддиннинг бувиси чақириб қолди.

— Қаёқдасан, болам?

— Нима?

— Тандирга ўтин ёриб бермайсанми, пойлаб ўтирибман.

Сайфиддин ичкарига кириб кетди. Турди билан Асқар нима қилишларини билмай бирпас остонада туришди, қорбобога берган ваъдаларидан воз кечолмай худди биров бўйниларига арқон солиб тортгандай ҳовлига киришди.

— Сайфи! — деди Турди.

Сайфиддин каттакон гўлани ёриш билан овора эди. Бош кўтармай:

— Ҳа, яна нима? — деди.

Турди Сайфиддиннинг қўлидан тешани олиб:

— Сен дам ол, — деди, — кеча чарчагансан. Ўтинни Асқар ёриб беради.

— Э, аттанг, мен ўтин ёришга нўноқроқман, — деди Асқар, — аммо ўтин ташиш бўлса, икки-уч машинасини ҳам шипиллатиб ташиб қўярдим, ўтинни сен ёр, Турди.

Турдининг кўзлари олайиб кетди.

— Сен ёр, мен кўрсатиб турай.

— Йўқ, сен ёр, — деди Асқар, — қорбобо сенга қараб гапирган.

— Бекор айтибсан, — деди Турди, — қорбобо сенга қараб гапирган.

Сайфиддин бундоқ қараса, икки ўртада ўтин ёрилмай қолиб кетадиган. Тешани олиб ишга киришиб кетди-ю, бир-бири билан тоза жиқиллашаётган ўртоқларига эътибор ҳам қилмади. Шу пайт Сайфиддиннинг бувиси ошхонадан чиқиб келди.

— Ҳой, айланайлар, нима гап?

Турди ҳам, Асқар ҳам нима дейишини билмай доддираб қолишди. Сайфиддин ёрилган ўтинларни тандир-

нинг олдига тахлаб, ҳовлининг этагидан яна битта катта гўла судраб келди.

— Э-э, буви, қўяверинг буларни, — деди, — боядан бери иккови жиқиллашгани-жиқиллашган. Турди тешани менга бер дейди, Асқар ўтинни мен ёраман, дейди.

Бувиси бунақа ажойиб, бунақа меҳнатсевар болаларни кўриб, терисига сиғмай кетди-ю, дарров Сайфиддиннинг кўлидан тешани олиб.

— Ўртоқларингни сазасини ўлдирма, болам, — деди, — бир гал Турди ёрсин, бир гал Асқар!

Шу кунни Турди билан Асқар кечгача ўтин ёришди. Сайфиддин ҳам тантилиги тутиб кетиб, ҳовлининг этагидаги ҳамма гўлани икки ўртоғининг олдига уюб ташлади. Икки ошна яқин орада бунақа қаттиқ ишлаб кўришмаган экан, кечга томон зўрға оёқларини судраб, кўчага чиқиб олишди.

— Бувиси ҳам қизиқ экан, — деди Турди, — уйда ивирсиб юрмай тоғора-поғора кўтариб уёқ-буёққа борганда маза қилган бўларди.

— Яхшилиқ қиламиз деб одам қидирганимизни билмаган-да! — деди Асқар ва Сайфиддиндан ўпкалаб кетди. — Мен тупна-тузук десам, Сайфиддин жуда бетамиз бола экан, ўн йиллик ўтинни ёрдириб олди-я! Уйда шунча ўтини бор экан, ёзда ёриб, бир чеккага саржин қилиб қўймайдими, биров ёриб беришини кутиб ўтирадими?

— Шунга айт, — деди Турди.

— Хўш, энди эртага қаёққа борамиз?

— Қаёққа бўларди, яна арча байрамига борамиз.

— Керак бўлса ўзинг бор, — деди Асқар, — кўр ҳасасини бир марта йўқотади.

Турди кўчада ҳеч зог кўринмаса ҳам, у ёқ-бу ёққа бир аланглаб:

— Э, тентак, — деди наст товуш билан, — менимча қорбобо ўша олтинчи «а»даги найнов Солининг ўзи, худди ўша, эртага бориб яна аниқлаймиз.

Асқар Турдининг тахминига унча ишонқирамай турган эди, Турди юрагидаги шубҳаларини, қалласидаги қатор далилларини кўндаланг қилиб ташлади, Асқар бўшашиди.

— Кулганда, курак тишини кўрдингми?

— Кўрдим.

— Бўпти-да, — деди Турди, — худди ўша!

— Наҳотки...

— Ўша!

— Ўша бўлмаса-чи!

— Нега ишонмайсан, — деди куйиб-пишиб Турди, — эртага бориб яна аниқлаймиз деяпман-ку, агар ўша бўлса...

— Уриб пачақ-пачақ қиламиз, — деди Асқар, — ўшани деб каникулда бировнинг ўтинини ёриб юрибмиз-а.

— Э, қизишма, гапга қулоқ сол, — деди Турди ва ўртоғига тушунтира бошлади. Унинг фикрича, қорбобо ўйин-кулгидан бўшаб коридорнинг бурчагидаги хонага кириб ечинади, ахир ёпиштирилган соқол-мўйлов билан кўчага чиқмайди-ку. Турди билан Асқар эшикнинг орқасига ўтиб пойлашади... Агар ўша, Соли найнов бўлса, икки ёқдан баравар ташланишади-ю, дод дейишига қарамай, роса дўппослашади, агар артист бўлса...

— Унда-чи, — деди Асқар.

— Унда «ўртоқ артист, кечаги тоширигингизни ба-  
жардик» деб чиқиб кетаверамиз. Сўзининг устида тура-  
диган болалар экан, деб қайтага хурсанд бўлади!

— Маъқул!

Эртасига яна мактабга келишса, буни қарангки, бахтларига директор болалар совуқда шамоллаб қолмасин деб кийим ечадиган жойни коридорнинг охиридаги ўша хонага кўчиртирган экан. Бу гал икки ошна омадлари келганидан хурсанд бўлиб, дарров пальтолари-  
нинг орқасига яширинишди-ю, кута бошлашди. Залдан қий-  
қириқ кулги, ашула, чапак овозлари эшитиларди.

— Маза қилишяпти, — деди Асқар уф тортиб, — хўп кунларга қолдик-да, сен билан мен ўғри мушукка ўхшаб пальтоларда қолган-қутган куя дорини ҳидлаб ўтирибмиз!

— Қўявер, — деди Турди, — ҳаммасини аламининг биратўла оламиз, чиқсин, залда қанча кулган бўлса. оёғимизнинг тагида шунча додлайди ҳали!

— Сен орқадан келиб маҳкам қўлини ушла!

— Хўп.

— Мен у юзига-бу юзига пакиллашиб уравераман.

— Бўнти, — деди Асқар, — аммо, соқол-мўйловининг олгандан кейин ур!

Залда қийқириқ-кулги авжига чиқди-ю, бир аламининг бўлиб ўтирган Турди яна уф тортиб қўйди.

— Э, нима деяпсан, ўша ёлғондакам соқолига қараб ўтираманми.

— Ҳовлиқма, ошна, — деди Асқар, — ўзини эмас-у, ёпиштириб олган соқоли оппоқ, шуни ҳурмат қилиш керак.

Залдан ашула эшитилди. Болалар қарсак чалди. Кимдир полни гурсиллатиб ўйинга тушиб кетди.

— Чиқсин! — деди Турди, — чиқсин, соқолини кўчириб дарров сенга бераман.

— Майли, — деди Асқар, унинг ярим хаёли залда эди, — дарров бурнимнинг таги билан даҳанимга ёпиштираман-у, қорбобо бўлиб залга кираман, сен қорқиз бўласан.

Турди пальтолар орқасидан сапчиб чиқди.

— Нима, нима?

— Қорқиз бўласан!

— Мен-а?!

— Ҳа, — деди Асқар доврираб, — илгари замонларда хотин-қиз ролини эркаклар ўйнаган экан, қайтага яхши бўлган экан, нима бўпти, Салиманинг кўйлагини кийиб, рўмолини ўрайсан, сени ўғил болалигингни ким билиб ўтирибди.

Турди Асқарнинг ёқасидан ушлади.

— Сенга соқол-мўйловни ким олиб берди, қани, айт!

— Э-э, қўйиб юбор, — деди Асқар хириллаб, — сен олиб бердинг, сен!

— Ҳа, баракалла, — Турди жон-жаҳди билан Асқарни силкитди, — мен олиб берган соқол-мўйловни сен ўзинга ёпиштиргин-у, рўмолини мен ўрайми? Йўқ, ошна, соқолни ўзимга ёпиштираман, анавунинг кўйлагини кийиб сен қорқиз бўласан, чапак чалсам олдимга тушиб, дикир-дикир ўйнайсан.

— Мен-а?!

— Ҳа, сен!

— Бекор айтибсан, ойим мени ўғил бола қилиб туққан, ёлгондакам қиз бола бўладиган аҳмоқ йўқ.

Хуллас, ораларидан «қил ўтмас» икки ошнанинг бу галги жанжаллари пальто илинган турма қозикни йиқилиши билан тугаб, ҳамма қулоқчин-у, ҳамма пальтолар ер билан битта бўлди. Икки ошна ҳушларига келиб, ҳеч ким йўғида қочиб қолишмоқчи эди, залда ўйин-кулги тугаб, қий-чув билан ҳамма хонага кириб келди.

— Баракалла! — деди қорбобо бир тўда пальтони кучоқлаб олган икки қадрдон ошнага кўзи тушиб, — одамгарчилик деган бундоқ бўпти, ҳой қизлар, чаққон-чаққон кийининглар!

Оббо, айёр қорбобо-ей, бу гапдан икки ошна лом-лим деёлмай елка тутган қизнинг кифтига пальто илиб, ташқарига чиқиб олинди. Энди шипиллаб кета бошлашган эди, кетларидан Сайфиддин чақириб қолди.

— Қойилман, — деди у ҳаяжон билан, — одамгарчиликни ҳам дүндириб ташладинглар-а!

— Кесатма! — деди Турди.

— Э, тентак, нима деясан, — деди Сайфиддин, — кетларингдан қорбобонинг оғзидан бол томиб қолди-ю, сенларга дарров топшириқ берди.

— Қанақа топшириқ? — иккови баб-баравар чўчиб тушди.

— Кейин биласанлар, — деди Сайфиддин овозини пасайтириб, — юринглар!

— Бор-е! — деди Асқар ва Сайфиддиннинг ҳай-ҳайлашига қулоқ солмай кета бошлаган эди, Турди аранг етиб олиб, ошнасини тўхтатди.

— Нима дейсан?

— Гапга қулоқ сол, — деди Турди ҳовлиқиб, — қорбобо аввал иккаламизни синади, кўрдик, иккаламиз ҳам меҳнат деса чиппа ёпишадиган болалармиз, энди уйига обортириб ишлатмоқчи, агар Сайфи Соли найновнинг уйига бошлаб борса, демак қорбобо «ўша»!

Бу гап Асқарни ўйлатиб қўйди. Турдининг гапида жон бор. Қорбобонинг кимлигини аниқлашнинг осон, тўғри йўли ҳам шу. Майли, Сайфиддин бошлаб бораверсин, «қорбобо»нинг топшириқларини гинг демай бажаришади, ҳаммаси аниқлангандан кейин тўппа-тўғри директорнинг олдига киришади-ю, ўртоқ директор, каникулда дам олиш, ўзингиз айтгандай, ҳал қилувчи учинчи чоракка куч йиғиш ўрнига Соли найновнинг уйида мардикор бўлиб ишладик, мабодо яна дарсингиздан оқсаб қолсак хафа бўлиб юрманг, деб дангал айтади.

— Мен тўппа-тўғри «Ленин учқуни»га ёзаман! — деди Турди, шундай қилиб, бири директорга, бири редакцияга маълум қиладиган бўлиб, индамай Сайфиддинга эргашишди. Оббо, Сайфиддин-е, икки ошнани тўппа-тўғри Асқарларнинг уйига бошлаб келса-я. Буни қаранг, ҳар қанча иш деса ўзининг ҳовлисида тўлиб-тошиб ётган экан-ку, Асқар кўрмаган экан. Бу гал қорбобо ҳовли юзидаги фишларни, майда-чуйда тахталарни бир чеккага йиғиштириб қўйишни топширган экан. Шу кун уч ўртоқ чунонан ишладик, Асқарнинг ойиси ўғлини таниёлмай ёқасини ушлади.

— Эртага нима қиламиз, Сайфи? — деди Турди чойга ўтиришганда синамоқчи бўлиб.

Сайфиддин маънодор кулди.

— Қорбобо яна нима топширса шуни қиламиз-да.

Қорбобонинг топшириқлари хилма-хил ва жуда кўп эди. Мактабнинг кўчасини курашди. Мунираларникида кўмирнинг майдасини элашди, боғча болаларни ченада учуришди, маҳалладаги уч-тўрт камширга челак-челак сув ташиб беришди. Икки ошна Солини қўлга тушириш мақсадида гинг демай «қорбобо»нинг айтганларини бажаришарди. Аммо «қорбобо». Турди билан Асқардан кўра айёрроқ эканми, бирон марта ўзининг уйидаги иш-ни қилдирмади-я!

Оббо, қорбобо-е, икки ошнанинг ниятини қаёқдан пайқадийкин-а?!

## ОЛТИН ҚЎЛЛАР

Ҳар куни хиёбондан ўтаман. Азим туп чинор, сада қайрағоч тағларидаги офтоб кўрмайдиган скамейкаларда бирпас дам олмай кета олмайди киши. Биров китоб ўқийди, биров ботаётган қуёшнинг олтин иплари илашиб қолган терак учларига боқиб хаёл суради, биров ўтган-кетганга шунчаки лоқайд қараб ўтиради, хуллас, қидирган одамингизни хиёбонда кўрасиз, шунақа жой бу ер. Куз келиши билан скамейкалар бўшаб, хазон супуриб юрган қоровул чол-у, йўлкаларда тилларанг барглари сачратиб қувлашмачоқ ўйнаётган болалар қолади, холос.

Кеч куз эди. Ишдан кейин хувиллаб қолган хиёбондан ўтиб қолдим. Йўлдан сал наридаги сайҳонда кичкина бола чўққайиб олган, бир тўп бола эса овозининг борича унинг тенасида шовқин солишади. Ажабланиб тўхтадим. Нима гап? Уришяптими десам, йўқ, уришаётганга ўхшамайди. Чунки ўртадаги боланинг овози чиқмаяпти. Ҳайрон бўлиб сайҳонга бурилдим. Чумчуқдек чугурлашиб турган болалар мени кўриб ҳар томонга тўзиб кетишди. Кичкина бола эса ўрнидан туриш уёқда турсин, ҳатто менга қайрилиб қарамади ҳам.

— Нима қилиб ўтирибсан? — дедим энгашиб.

Бола секин бошини кўтарди. Унинг мунчоқдек қон қора кўзлари жиққа ёш эди. Ўнкаси тўлиб ҳадеб энтикар, пучуқ бурни, қулоқлари эса худди биров чертган-



дай совукдан қип-қизариб кетган. Мен ҳам индамай ёнига чўккаладим. Бола анчагача индамади. Ниҳоят, ўзига келди шекилли, кичкина қўлларини бир-бирига ишқаб, куф-куфлаб қўйди.

— Уришдимми? — деб сўрадим секин.

Бола бош чайқади.

— Бўлмаса нега йиғладинг?

Бола гапириб берди: ўтиб кетаётса, кўчада бир туп кўчат ётган экан. Биров суғуриб ташлаганми ё битта-яримта аравадан тушиб қолганми, шуни бирор ерга экиб қўймоқчи бўлиб қараса на бел бор, на кетмон. Сайхоннинг юмшоқроқ жойини не машаққат билан қаламтарошида кавлаётган экан, хиёбонда қувлашмачоқ ўйнаб юрган болалардан бири кўчатни олиб қочибди, иккинчиси шохини синдириб от қилиб минибди. Кейин ҳаммаси болани ўртага олиб калака қилиб турганининг устига мен келиб қолибман. Ҳамма гап шу. Қуйиб-пишиб гапираётган боланинг мунчоқдек кўзларига қараб турарканман, галати бир ҳис бутун вужудимни яйратиб юборди-ю, болага жуда ёрдам бергим келиб кетди. Бу чўлтоқ супурги тутадими, йўқми, мен учун ҳозир бунинг аҳамияти йўқ эди. Кўчатни экиб бўлишимиз билан бола тезгина хайрлашди-да, кичкина қўлларини куф-куфлаганча чапдаги кўчага бурилиб кетди.

Буни қаранг, бўламан деса ҳеч гап эмас экан. Ёни-вериди дов-дарахт йўқлигигами, ўша чўлтоқ супурги икки-уч йилда авж олиб, гуркираб кетди. Утган ҳам қарайди, кетган ҳам. Бир куни сайхонга келтирилган гишт уюмларига, сада танасига тироглик уч-тўрт қобоз қоп цементга кўзим тушиб юрагим туздай ачишиб кетди.

— Э, аттанг, — деб юбордим ўзимни тутолмай, — шундай сада кесиладиган бўпти-да. Нима қилиясиз, уста?

— Морознийхона, ошна, — деди қўли-қўлига тегмай гишт тераётган уста, — хотиржам бўлинг, сада жойида қолади.

Одам қўли тегди-ю, ташландиқ бўлиб ётган сайхон ҳам гавжум бўлди-қолди. Ҳордиқ кунлари ё ишдан эрта чиққанимда олис бўлишига қарамай, қизимни етаклаб шу ерга келадиган бўлдим. Гир айланган стол-стулчалар, ўртада эса баҳайбат зонтикдек атрофга қуюқ соя ташлаб турган сада! Назаримда, шаҳарнинг ҳеч ерида бунақа гаштли жой бўлмаса керак.

— Ада, бу дарахтни ким эккан? — деб сўраб қолди бир куни қизим морожний еб ўтириб.

Айтиб бердим.

— Оти нима эди ўша болани?

— Отими? Буни қара, қизим, ўшанда сўраш эсимга келмабди.

— Мен биламан, — деди у кўзларини ўйнатиб, — ана, ёзиб қўйибди-ку!

Садага қарадим. Кимдир дарахтнинг танасига «Ҳасан» деб ўйиб ёзибди. Жиққа ёшга тўлган мунчоқдек кўзлар, қаламтарош билан не машаққатда ер ўйган ўша миришкор, кичкина қўллар кўзимга кўриниб кетди. Йўқ, бу унинг иши эмас. Унинг қўлидан келмайди бу иш. Кўчат экиб лаззатини татиб кўрмаган бирор ичи қора ўз номини ўйиб кетган! Ўша куни ҳам алам қилиб, ҳам ачиниб келдим-у, шу-шу морожнийхонага бормай қўйдим. Доим ўша ёзув эсимга тушса, кўнглим гаш бўларди.

Орадан уч-тўрт йил ўтиб кетди. Бир куни саданинг яқинидан ўтиб кета туриб тўхтаб қолдим: пакки билан ўйилган пўстлоқ аллақачон битиб, ичиқоранинг отидан ному нишон ҳам қолмаган эди.

Ҳар куни хиёбондан ўтаман. Морожнийхона олдига келганда беихтиёр тўхтаб, саданинг мовий кўкда сирли шовиллашига қулоқ соламан. Назаримда, якка туп сада ўзига ҳаёт берган ўша кичкина, олтин қўлларни улуглаб қуйлаётгандай бўлади.

## НОҚ

Бу ерга келганимизга уч-тўрт ой бўлди. Мен ҳам, ойим билан дадам ҳам янги уйга, қўни-қўшниларга аллақачон ўрганиб кетдик. Бироқ, бувим эса, худди ширин нарсасини йўқотиб қўйган одамдек, туриб-туриб эски ҳовлини қўмсаб қолади-ю, ўзини қўйгани жой тополмай:

— Ҳой, болам, — дейди ялиниб, — эски маҳаллага бир бориб келсакчи-а?

Бу гап менга ёқмайди.

— Қизиқсиз-а, буви, — дейман, — эски маҳалла қолдими.

Шунда бувим бирдан бўшашиб:

— Эшикнинг олдидаги ноқ турганмикин, а? — дейди ва нима деб жавоб беришимни олдиндан билгани учун гапимни ҳам эшитмай уйга хомуш кириб кетади. Бу-



вимга хайронман. Кўчаётганимизда бошқа нарсалар қолиб нокка ачинган. Мен-ку, нокни эсласам юрагим гаш бўлади. Кесилиб кетсин деб юраман. Бироқ, кесилганми, йўқми, кўзим билан кўрай десам, эски маҳаллага ҳеч йўлим тушмайди. Бувимнинг хомушлиги баҳона бўлди-ю, кийиндим, бувимнинг олдига кириб:

— Қани, юринг, — дедим.

Шу тонда бечора бувимнинг ёш боладек қувониб кетганини бир кўрсангиз эди.

Мана, иккаламиз автобусда эски маҳаллага кетяпмиз. Бувим ўз-ўзидан жилмаяди, ойнадан бош чиқаради, илҳақ бўлиб ниманидир қидиради. Мен эса қани энди, нок кесилиб тўнка-пўнкасини ҳам бульдозер қўпориб ташлаган бўлса, деб боряпман. Мен сизга айтсам, бундай дейишимнинг сабаби бор.

Эшигимиз олдидан бир туп нок бор эди. Шохлари девор оша ҳовлимизнинг ярмини эгаллаб, қуюқ соя ташлаб турарди. Дадам чилангарликдан атайлаб темир каравот ясатиб остига қўйиб берган эди. Доим ўша ерда овқатланардик. Мен бўлсам бутун ёз маза қилиб нокнинг тагида ётардим. Айни нок пишиги эди. Мактабимизда ёзувчи Ҳаким Назирнинг «Чиранма гоз» пьесасини саҳналаштирмоқчи эдик. Мурод ролини мен ўйнайдиган бўлдим. Ўн беш кун деганда пьесани тайёрладик. Мактабимизга ота-оналарни, ёзувчини ҳам таклиф қилдик. Эртага томоша деган куни аллавақтгача ухлаёлмай юлдузларга қараб ётдим. Тонгга яқин кўзим илинган экан, пешонамга тушган аллақандай муштдан додлаб, ўрнимдан туриб кетдим. Қарасам, ёстигимнинг устида бир дона нок думалаб ётибди.

Энг ёмони шу бўлдики, хаш-паш дегунча чап кўзим кўкариб, қовоқларим шишиб чиқди. Бунақа башара билан саҳнага эмас, кўчага ҳам чиқиб бўлмас эди. Ўша куни ҳеч қаёққа бормай, аламимдан думалаб ётдим. Виқор билан кўкка бўй чўзган нокнинг «бопладимми» дегандек шовиллашига чидаёлмай, деворга чиқдим каттакон бир шохини арралаб ташладим. Шох кесилиб қарсиллаб ерга тушганда, уйдан бувим югуриб чиқди.

— Нима қилдинг, болам,— деди титраб-қақшаб ва секин остонага ўтирди.

...Ўша куни дадамнинг койиганини ҳисобга олмаганда бутунлай аламимдан чиққан эдим-у, мана, ҳозир жуда олисда чайқалиб турган нокни кўриб, кўзимга оғриқ киргандай бўлди, бувим эса қадрдон ҳамроҳини қайта топгандай:

— Қара, болам,— деди мамнун илжайиб,— турибди-я, турибди.

Автобусдан тушдик.

Жин кўчалардан, пахса деворлардан ном-нишон қолмаган. Қатор-қатор янги уйлар, баъзилари битган, баъзилари иккинчи-учинчи қаватгача кўтарилган. Тумшуги ҳавога санчилган кўтарма кранлар тақа-тақ тўхтаган, ҳамма овқатдан сўнг нокнинг қуюқ соясида ҳордиқ чиқарар эди.

Биз ҳам бувим билан бир чеккада ўтириб дам олдик.

Ишчилардан бири ботинкасини ечиб, шимини тиззагача қайирди. Шишилаб нокнинг устига чиқиб, силкитган эди, нок дув этиб тўкилди. Қий-чув кулги билан қизлар нокни териб ўртага қўйишди. Мен ҳам олдимга тушганларини чўнтакка урдим. Нок қоққан киши пастга қараб:

— Бўлдими,— деди.

— Ҳа,— чувирлашишди қизлар.— Эртага ҳам қолсин.

У оҳиста туша бошлади ва худди мен кесиб ташлаган жойга келганда назаримда беихтиёр тўхтагандек бўлди. Мен ўзимни алланечук сездим. У эса, дарахтнинг кесилган ерига қараб, пешонасини тириштирди, нимадир деб бошини чайқади, ғала-ғовурдан эшитолмадим, сўнг сирғалиб пастга тушди. Бувимга билдирмай секин нокка қарадим. Ўзим ҳам энг чиройли шохини олиб ташлаган эканман, шу топда нок бир қаноти синган

бургутни эслатарди! Уша воқеа бувимнинг эсига тушиб қолишидан чўчиб:

— Буви, — дедим нок чайнаб, — нега шу покни яхши кўрасиз-а?

Бувим эса ҳадеганда жавоб бермади. Кўзлари ярим юмуқ, алланарсаларни эслаб илжайди, ўз-ўзидан лаблари пичирлайди.

— Буни, — дейди ниҳоят хаёл билан, — буни... раҳматлик буванг эккан. Одамларга эккан. Ана шу тагида ўтирган одамларга эккан, болам.

Мен нима дейишимни, нима қилишимни ва қаерга қочишимни билмай қолдим!

Азим туп нок эса жазирамадан одамларни бағрига чорлаб, гўё бувимнинг гапларини тасдиқлагандек, тепамизда сирли шовуллар эди!

## БИР ПУД ТОШ

Вали водопровод тагида чапиллатиб юзини юваётган эди.

— Ҳа, нечук эрта турдинг, — деди ажабланиб онаси. — Энди уйготмоқчи эдим.

— Бугун культпоход бор, — деди Вали белидан сочиқни ечиб, — чой тайёрми?

— Ҳозир, болам. Сен кийиниб чиққунча чой тайёр бўлади.

Онаси шошиб чой қўйиб юборди. Вали уйга кирди. Копток тепавериб тумшуги олатароқ бўлиб кетган ботинкасини хафсала билан мойлади. Ёқаси гулли кўйлагини, фақат байрамлардагина киядиган костюм-шимини кийиб чиққунча онаси нонушта тайёрлаб қўйган эди. У шоша-пиша чойини ичди-ю:

— Ҳани, ойи? — деди напкасини қўлтиқлаб.

Онаси дастурхон тагидан танга олиб узатди, Валининг қовоқ-тумшуги осилиб кетди.

— Шуми?

— Ҳа?!

— Бунингиз нима бўлади.

— Яна морожний еб, касал бўлиб келасан.

— Йўқ, ойи, — деди Вали, — энди морожний есам, оғзимда иситиб ейман.

Онаси бош чайқаб нимадир деди. Вали эшитмади. У аллақачон кўчага чиқиб олган эди. Ҳар куни қўнғироққа аранг етиб келадиган Вали бугун ҳаммадан ав-

вал синфда ҳозир бўлди. Бирин-кетин болалар кўри-нишди. Шу кунги тўрт соат дарс Валига тўрт йилдек узоқ туюлди. Охирги соатга келиб шунақа юраги сиқилдики, ҳатто партадоши Салима: «Мунча типирчилайсан», деб туртиб ҳам қўйди.

Дарс тугади.

Болалар кинога йўл олишди. Бироқ бир нарса Валининг эсига тушиб поилож орқага қайтди. Шошганидан ручкани партанинг устида қолдирган экан. У бўм-бўш синфга кирганда Салима ёлғиз, кўзларини бир нуқтага тикканча паришонҳол ўтирарди.

— Ҳа? — деди Вали.

— Ўзим, — деди Салима ва ўрнидан турди. У чўнтақларини кавлади. Китоб-дафтарларини олиб қўйиб, папкасини ағдариб қоқиб кўрди, сўнг яна жойига ўтирди.

— Йўқолибди, — деди аста ўзига-ўзи гапиргандай, — тушиб қолибди.

— Нима?

— Пул.

— Э, шунга хафа бўлиб ўтирибсанми, бугун бўлмаса эртага борасан-да. Ҳали бу кино бир ҳафта қўйилармиш.

— Йўқ, унга эмас, йўқ, — Салима худди томоғига бир нарса тиқилгандай қилт этиб ютинди, — оймларга дори олишим керак эди.

— Шунақами? — деди Вали ва жуда галати бўлиб беихтиёр чўнтагига қўл солди-ю, гўё қўлига танга эмас, бир пуд тош илиниб қолгандай тортиб ололмай туриб қолди. Шамол гувиллаб деразанинг бир қанотини очиб-ёнди. Ташқарида кимдир «Вали, ухлаб қолдингми», деб қичқирди. Вали бирдан ҳушёр тортиб Салимага қаради. У бошини қуйи солганича миқ этмай ўтирарди. Ким билади, борди-ю, шу пайт Салима бошини кўтариб Валига қараганда унинг қўли бояги бир пудли тошдан қутулиб, чўнтагидан енгилгина чиқа қолармиди. Аммо Салима бошини кўтармади. Вали юрагининг аллақаерига соя ташлаб турган нохушликдан қутулмоқчи бўлиб, тезроқ бу ердан чиқиб кетгиси келди. У Салиманинг қараб қолишидан кўрққандек секин ручкасини олди-да, оёқ учида юриб эшикка чиқди.

Баҳор ҳавоси жуда ажойиб-да! Эрталабки булутни шамол тўзитиб юборувди. Вали кинога кириб кетаётганда ҳаво очиқ эди. Мана энди булут босиб келиб, яна

хаммаёқни ўраб олди-ю, битта-битта томчилай бошлади.

Вали ивиб кетмай деб тезгина ўртоқлари билан хайрлашди. Муюлишда морожний будкаси бор. Худди шу ердан ўтиб кетаётиб, Вали ойисининг гаини эслаб негадир кулиб қўйди ва морожний будкасига бурилди. Битта «эскимо» олиб зарини оча бошлаган ҳам эдики, шивалаб турган ёмғир қурғур худди ўчакишгандай шатир-шутур қуйиб юборди. Вали ҳеч қаерга қочолмай кўчанинг ўртасида довдираб қолди. Бирдан кўзи қаршидаги тўрт қаватли бино эшигининг соябониға тушди ва ўшанинг панасига югурди. Яхши ҳам вақтида қочиб қолди, бўлмаса кўчанинг ўртасида бошиға газета ёпиниб келаётган анави кампирға ўхшаб, ивиб кетарди.

Соябон тагида туриб «эскимо»ни еб бўлгунча жала ҳам ўтиб кетди. Баҳор-да, баҳор. Шунақа бўлади ўзи. Ҳаво бир ёқдан ёгса, бир ёқдан очилиб кетаверади.

— Вали! — деб кимдир хаёлини бўлди.

Вали ялт этиб ёниға ўтирилди. Олдида бир қўлида зонтик, бир қўлида кичкинагина тугунча, рўмолға ўралиб олган Салима турарди. Буни қарангки, ёмғирнинг ваҳимаси билан Салиманинг шу уйда туриши Валининг хаёлиға ҳам келмабди...

— Ҳа,— деди гўлдираб Вали,— кўзингга нима қилди?

Салима ерга қараб ҳадеганда жавоб бермади.

— Ойим... юрак ўйноқлари тутиб қолувди,— деди ниҳоят энтикиб,— дадам ҳозир касалхонаға олиб кетдилар. Ушоққа кетяпман.

Вали бақрайганча индолмай қолди. Кафтида морожний эмас, лахча чўғ ушлаб тургандек, бирдан морожнийни тушириб юборди. Морожний тарновнинг сувига қўшилиб лойқаланиб оқаётган ариққа тушиб кетди. Вали ҳушини йигиб ёниға қараганда Салима зонтигини тутиб, аллақачон кўчанинг нариги бетига ўтиб олган эди.

Ёмғир тингач, сийрак булут орасида офтоб йилт этди. Ҳар ер-ҳар ерда яширинган йўловчилар ҳам бирин-кетин кўриниб қолишди. Вали битта-битта юриб уйига қараб кетди.

Эшикни онаси очди.

— Хайрият-эй,— деди Валини кўриб,— жалада қолдингми деб ич-этимни еб ўтирган эдим. Бу ҳавоға ишо-

ниб бўладими, болам. Киймасанг ҳам плашингни қўлингда ҳаммавақт олиб юр. Керакли юкнинг оғирлиги йўқ. Мен ҳам шошиб чиқиб кетиб, оз бўлмаса жалада қолувдим. Яхшиям анави... қиз, оти ҳам эсимдан чиқибди, ёзда тобинг қочиб ётганинда келувди-ку!

— Салимами? — ҳайрон бўлиб сўради Вали.

— Ҳа, ҳа, ўша. Уйининг олдида учратиб қолиб, тез зонтикни оласиз, бўлмаса бу жалада ивиб, касал бўлиб қоласиз, деб туриб олди. Қизим, ўзингга ҳам керак бўлиб қолар, десам уйда яна битта зонтик бор, деди. Барака топкур жуда ажойиб қиз экан-да!

Вали ровонга кирганда қозиққа осиб қўйилган зонтиқдан чак-чак сув томарди. Бу унга Салиманинг киприкларидан оқаётган ёш томчиларини эслатди.

## КОПТОК

Боғнинг этагида эски тўнка бор. Устига чиқиб китоб ўқиб ўтирган эдим, девордан Турди мўралади.

— Мурод, юр, тўп ўйнаймиз. — Турди деворга миниб олиб ялина бошлади. — Ке, хўп дея қол. Оббо, мунча энди ялинтирмасанг.

Турдининг галати одати бор: бир ялинишга тушди-ми, бўлди, елимдай ёпишади-олади.

Ноилож ўрнимдан турувдим, Турди:

— Сен кўчага чиқавер, мен коптокни олай! — деди ва сакраб настга тушиб кетди.

Қўшнимизнинг мен тенги Мунира деган қизи бор. У ойм билан кўчада гаплашиб турган экан. Ойимнинг ичкарига киришини кутдим. Қарасам, уларнинг гапи ҳали-вери адо бўладиган эмас. Билинтирмай, секин чи-





қиб кетишининг ҳеч иложи йўқ. Бошим қотиб турган эди, ойимнинг хўрсинганини эшитиб, эшикка яқин бордим.

— Қизим тушмагур-эй,— деди ойим Мунирани қойиб,— касал одамнинг кўнгли нозик бўлади. Ойинг мошкичири егиси келган экан, менга айта қолсанг бўлмасмиди? Ҳеч уятчанглигинг қолмади-қолмади-да.

Ойим Мунира билан бошлашиб ошхонага ўтиб кетди. Мен лип этиб кўчага чиқдим. Турди тўпни қўлтиқлаб, пойлаб турган экан. Кўп ўтмай Мунира қўлида бир нарсани қўлтиқлаганча гизиллаб ёнимиздан ўтиб кетди.

Кўчада иккаламиздан бошқа бола йўқ эди. Дарвозабонсиз ўйин ўйинми, ҳафсалам пир бўлди.

— Ке, Мунирани чақирайлик,— дедим.

Турди қўл силкиди.

— Қизиксан-а, қиз бола билан тўп ўйнаб бўлармиши?

— Волейбол секциясига қатнаб юради-ку.

— Қатнаса нима бўпти? — деб Турди гапимни бўлди.— Қатнашса қатнашаверади-да. Ҳар ким ўз ҳунарини қилиши керак. Қиз бола ош пиширади, ўгил бола тўп тепади, билдингми?

Ким тўпни баландга чиқаришга ўйнадик. Коптокни бир гал Турди, бир гал мен тепдим. Турди тепганда мен, мен тепганда Турди илиб олди. Терлаб-пишиб роса ўйнадик. Бир маҳал Турди коптокни чапақайлаб тепиб юборган эди, копток девордан ошиб, тўппа-тўғри Мунираларнинг ҳовлисига тушиб кетди.

Турди Мунираларнинг эшигини очди-ю, ҳайрон бўлиб остонада туриб қолди. Кейин худди биров маймун ўйнатаётгандек хиринг-хиринг кула бошлади. Нима гап экан, деб олдига бордим. Қия очик эшикдан ичкарига мўраласам, Мунира орқасини ўгириб ўчоқнинг олдида турибди.

Нега Турдиниинг кулгиси қистади, ҳайронман.

— Яхшилаб қарасанг-чи,— деди Турди биқинимга туртиб.— Копток тўппа-тўғри қозонга тушибди!

Энди мен ҳам Турдига қўшилиб кулдим. Ёшланиб кетган кўзларимизни арта-арта яна ичкарига қарасак, Мунира бошини қуйи солганича ҳамон ўша жойда қимир этмай турибди.

— Ҳайрон бўляпти,— деди пичирлаб Турди.

Мунира энгашиб коптокни олди. Бирпас хомуш қараб турди-да, жаҳл билан бизнинг ҳовлимизга улоқти-

риб юборди. Қозондаги нарсани челаққа ағдариб, уйга кириб кетди. Назаримда Мунира ўқиб йиғлаётгандай бўлди. Орадан қанча вақт ўтганини билмайман, бир маҳал қарасам, кўзлари қип-қизариб Мунира уйдан чиқди. Чиқди-ю, эшикка қараб кела бошлади. Турди орқасига қарамай қочиб қолди. Мен ҳам унинг кетидан югурдим.

— Қойил бўлди-а! — деди Турди эшикни ёпаётиб, — сени ҳам кўрмадим, Мурод?

— Йўқ.

— Қойил! Мана, кўрасан, кечаси билан битта ухламай ўйлаб чиқади-ю, бари бир тополмайди.

— Сизди, — дедим, — ҳа, деявер. Сизгани аниқ.

— Бекор айтибсан.

— Бўлмаса нега коптокни бизникига улоқтирди, хўш?

— Эси борми уни! — деди Турди қўлини силтаб. — Дуч келган томонга отаверди-да. Ке, шунга ҳам ташвишми, нима бўпти, копток тушиб бошини ёрибдими? Боя қозоннинг тепасида туриши эсимга тушса, кулгидан ўзимни туюлмайман.

Унга нима, Мунира мендан кўрди, бу аниқ. Турдидан шубҳаланганда коптокни уникига улоқтирган бўларди. Шунинг учун Турди пинагини бузмаяпти-да. Бўлмаса гап сотиш юрагига сиғармиди?

Жаҳлим чиқди.

— Қўлингга копток тушса бўлди. Кўрга ўхшаб уёқ-буёққа қарамай тепаверасан. Нима қилиб қўйдинг? Ойиси касалхонада, қозондаги мошкичири ўшанга эди.

— Жўрттага қипманми? — деди Турди пўнгиллаб. — Ўйинга қизиқиб кетганимдан ўнг оёғим деб чап оёғим билан тепиб юборибман. Нима, ойиси касалхонада бўлса, касалхонада овқат бермайдими?!

— Нега бермас экан?!

— Бўпти-да.

— Гап овқатда эмас, — дедим жаҳлим чиқиб, — касал одам галати бўларкан. Қишда касал бўлганимда шунақа ҳам гилос егим келганки, ҳатто оймнинг зираги ҳам кўзимга гилос бўлиб кўринаверган.

— Менга қара, — деди Турди, — бўлар иш бўлди. Бекорга ўйлайвергандан нима фойда.

— Албатта, сенга нима? — Муниранинг қизариб кетган кўзларини эслаб юрагим орқамга тортиб кетди. —

Балки ойиси қизим овқат олиб келар, деб эшикка қараб ўтиргандир.

Турди оёғининг тагида ўрмалаб юрган чумолиларга қараганча жим бўлиб қолди. Анчадан кейин:

— Мурод, ке, қўй,— деди секингина.— Бир коса мошкичири бўлса ё сен, ё мен ойимга айтсак, ниширади-беради. Олиб чиқиб берамиз, вассалом.

Бу таклиф менга маъқул тушди.

— Келишдикми? Бўпти! — деди Турди ўрнидан туриб.— Бор, коптокни олиб чиқ. Бир ўйнайлик, жуда диққинафас бўлиб кетдим.

Коптокни олиб чиқдим. Бу гал ҳафсаласизлик билан бир-икки тўп тепган бўлдик. Шу пайт Турдининг ойиси чақириб қолди. Мен ҳам уйга кириб кетдим. Узимни чалғитиш учун у-буга уриниб кўрдим. Йўқ. Юрагимнинг ғашлиги кетмади.

Ошхонага кирдим. Ойим қозонга гуруч солаётган эканлар.

— Ойи, нима овқат?

— Ош, болам.

— Ҳар куни ош экан-да.

— Ҳа?!

— Мошкичири қила қолсангиз бўлмасмиди?

Ойим койиб берди.

— Сенга нима бўлди, нима қилиб берай, деб ўн марта сўрадим-а. Шунини эртароқ айта қолсанг бўлмасмиди?!

Шалшайиб, ошхонадан чиқдим. Майли, Турдининг ўзи тўғрилайди. У менга ўхшаган эмас. Бир ялинса борми, ойисини кўндириши турган гап.

Яна боғнинг этагидаги тўнкада кўм-кўк осмонда арғимчоқ солиб ўтаётган турналарни томоша қилиб ўтирдим. Кўп ўтмай эски шиппагини судраб Турди чиқди.

— Бўлмади,— деди ёнимга ўтириб,— ойим манти тугиб қўйган экан.

«Қўлингдан келмаса, керилиб нима қилардинг», де-моқчи эдим, шусиз ҳам Турдининг хафа бўлиб чиққанини кўриб, индамадим. Турди бурнини тортиб қўйди. Биламан. Бир нарсадан хафа бўлса доим шунақа қилади.

— Ке, бундай қиламиз,— деди Турди кўзлари чарақлаб,— хўп десанг, бас!

Турди шоша-пиша таклифни ўртага ташлади. Эшит-

дим-у, Турдининг калласига қойил қолиб, тўнқадан сакраб турдим.

Турди югурганича уйга чиқиб кетди. Ойим ҳовлида самоварга тараша солаётган экан. Мен ошхонага кириб, илғакдаги гўштдан кесиб олдим. Пиёз билан ёғ олиб, ошхона тоқчасидаги эски пакетга ўраб қўлтигимга қистирдим-да, ойим ровонга ўтиши билан боққа кирдим. Кўп ҳам кутдирмай Турди гуруч билан мош олиб чиқди. У:

— Кўча эшик берк. Мунира қулфлаб кетибди,— деди.

— Девордан ошиб тушамиз,— дедим дангал.— Биз, ахир, ўғирлик қилгани тушаётганимиз йўқ-ку.

— Тўғри айтасан!

Деворга нарвон қўйиб, ҳовлига ошиб тушдик.

— Буни қара,— деб Турди югуриб бориб қозоннинг тувоғини очди,— қозонни ювиб қўйибди. Челакни қарачи, боя овқатни ўшанга ағдарган эди. Қанчалигини кўрайлик, биз ҳам ўшанча пишираамиз.

— Ҳеч нарса йўқ! — дедим челакка қараб,— икки косача сув бор. Қизиксан-а, овқатни челакка солиб кўярмиди, увол бўлмасин, деб мол-полга берган.

— Рост айтасан,— деди Турди. Кейин қаламтарошини олиб, кўзлари ачиса ҳам гинг демай пиёз тўғрай бошлади,— сен ўтин ёр!

Мен болтани олиб, ўчоқ олдида ётган каттакон гўлани ёрдим, роса ярим соат уннаб, зўрға олов ёқдик.

Овқат касал учун пиширилаётганини назарга олиб, қозонни яна бир марта тозалаб ювмоқчи бўлдик. Шунча қидирсак ҳам қозон сочиқ тополмадик.

— Тагин қиз бола-я,— деди Турди,— уят! Битта қозон сочиқ тайёрлаб қўймагандан кейин нимаси қиз бола!

— Кел, вақтни ўтказиб ўтирмай, анови пакет билан артиб кўя қолайлик.

— Ол-а! Биларкансан? — Турди бирпас қозоннинг тепасида ўйланиб турди-да, кейин шартта бошидан дўпписини олиб, менга берди.— Манави билан арта қол. Ташлаб юбормоқчи эдим.

Мен Турдининг мардлигига қойил қолдим.

Қозонга ёғ солдик.

— Сен қозонга қараб тур,— деди Турди ўчоққа ўтин қалаб,— ёгдан тутун чиқиши билан нарсаларни соласан.

Бир қўлимга гўшт, бир қўлимга пиёз олиб, қозоннинг тепасида турдим.

— Олдин нимани солай, пиёзними, гўштними?

— Шуни ҳам билмайсанми, — Турди кўзларини ишқалай-ишқалай бошини кўтарди, — уни солсанг ҳам бўлади, буни солсанг ҳам. Лекин хато қилмаслик учун иккаловини баб-баравар солганинг маъқул!

Шу пайт тўсатдан кўча эшик очилиб, бир сетка нарса билан Мунира кириб келди.

Мен ҳам, бир налён ўтин ушлаб турган Турди ҳам худди сурат олдираётган одамдек қотиб қолдик.

— Ҳа, бу ерда нима қилиб юрибсанлар?!

Мунира ҳайрон бўлиб олдимизга келди-да:

— Бу нимаси? — деб сўради қозонни кўрсатиб.

— Овқат, — деди Турди бурнини тортиб, — бояги овқатингнинг ўрнига.

— Нима? Нима деяпсан? Қанақа овқат. Мен ҳали ҳеч нарса пиширганим йўқ. Бозорга бориб келдим, энди овқат қиламан.

— Бояги чи? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Нима бояги!.. Ҳа... Боя қозон юваётган эдим. Кўзларингга қараб ўйнасаларинг бўлмайдими?

Мунира сеткани девордаги миҳга илди-да, шоша-пиша ўчоқдаги оловни торта бошлади.

— Ҳой, Мурод, нега қараб турибсан? Гўштни сол, ёғ ёниб кетади.

Мен шошиб қолиб гўштни ҳам, пиёзни ҳам баб-баравар ташлаб юбордим.

Кейин иккаламиз шоша-пиша кўчага югурдик.

— Тентак! — деди Турди пешонасига шақ этиб уриб, — вақтимиз бекор кетди.

— Шу ғалва бўлмаганда роса тўп ўйнаган бўлардик, — дедим ачиниб, — ке, ҳалиги... Мунирани ҳам чақирамиз.

— Майли, — деди Турди, — қиз бола билан тўп ўйнаб бўлмайди-ку, лекин ўйинга қиз бола аралашса, одам кўзига қараб ўйнаса керак.

## ЗАЙНАБ ХОЛА

Мақтабга келсам Солининг қовогидан қор ёғиб ўтирибди. Нима гап десам, у индамайди. Ҳадеб уҳ тортади. Кўзларини пирпиратиб, хўрсиниб-хўрсиниб қўяди.

Бир гап бўшти, шекилли, деб секин ёнига ўтирдим.

— Гапир, нима бўлди?

— Нима бўларди, — деди Соли жаҳл билан, — яна анави... Зайнаб хола билан уришиб қолдим. Боя кўзлари ола-кула бўлиб кетимдан синфга кирибди. Қўлида пол ювадиган латта. Ҳа, десам, манавини ол, йўлакни арт, дейди. Артмасанг тунов куни Шокир иккаловингнинг қилган айбингни директорга айтаман, дейди. Қўрққанымдан гинг демай артдим. Болалар роса майна қилиб кулишди. Зайнаб хола бундан кейин синфга оёгингни артиб кирасан, деб мингиллаб чиқиб кетди. Шокир дейман, шу илгариги уборшицанинг қадрига етмаган эканмиз-да. Бечоранинг бори ҳам, йўғи ҳам билинмас эди. Синфларни наридан-бери тозалаб кета қоларди.

— Рост.

— Бу бўлса... Сенга ҳам бир марта пол арттиргани эсингдами?

— Эсимда. — Ўшанда мен ҳам худди Солининг аҳволига тушган эдим. — Қўй дединг-да, бўлмаса роса таъзирини берардим.

— Бекор қилган эканман, — деди Соли афсусланиб ва муштини қисиб деразадан ташқарига қаради. Қўнғироқ чалинди. Ҳовлида ўйнаб юрган болалар синфга ёпирилиб кириб, жой-жойига ўтиришди. Дарс бошланди.

Зайнаб холанинг Солига пол арттиргани туриб-туриб менга ҳам алам қила бошлади. Тавба! Шу кампирга ҳайронман. Худди уй-жойи йўқдек эртадан-кечгача мактабда. Бўш қолса, синфма-синф юриб болаларни тергайди. Битта-яримтанинг тугмаси узилган бўлса, ҳамманинг олдида қадаб беради. Бошяланг ҳовлига чиқсанг, қалпогингни кий, деб уришади. Биров билан нима иши бор, ундан кўра бир чеккада пайпогини тўқиб ўтирса-чи. Бу ҳам майли. Майда-чуйда бўрми, болаларнинг чўнтагидан тушиб қолган михми, кўзига нима кўринса териб юради: исроф бўлармиш. Уйдан пачоқ самовар карнайини олиб келганимда, эртасига ойимга обориб берган. Металломнинг аҳамиятига тушунса, шунақа қилиб ўтирадимиз? Спортга ҳам қарши. Яхмалак учсанг, этигинг йиртилади, деб супурги олиб қувади. Дўстликни-ку, кўргани кўзи йўқ. Бир куни Герцен билан Огарев ҳақида қизик китоб ўқиб қолдим. Ўқиб чиқ, деб Солига ҳам бердим. Эртасига дарсдан кейин қолиб, ўла-ўлгунча дўст бўлишга қасам ичдик. Эсдалик деб

исмимизни партага ёзиб қўймоқчи бўлдик. Қаламтарош билан роса бир соат парта ўйдик. Бир маҳал қарасак, кўзини бақрайтириб тепамизда Зайнаб хола турибди. Соли иккаламиз ура қочиб қолдик. Эртасига кўрсак, хола ўйган еримизга қора мой суриб қўйибди. Анчагача бировга айтиб қўяди, деб қўрқиб юрдик. Йўқ, айтмади. Мана, ўшани директорга айтаман, деб Солини роса кўрқитибди. Бугун Солини лақиллатиб пол арттирган бўлса, эртага мендан ўч олиши турган гап.

— Ке, бир бопламайликми-а? — деди секин Соли.

— Хали дарсдан кейин қол, — пичирладим қулогига. Соли бошини қимирлатиб «хўп» деди.

Дарсдан кейин атайлаб синфда қолдик. Идоранинг ёнида кичкина хужрача-бор. Зайнаб холанинг супургисидан тортиб, челагигача, бутун ашқол-дашқоли ўша ерда туради.

— Хужрада ўтирибди шекилли, — деди Соли хужрадан кўз узмай, — қара, печкасининг карнайидаг<sup>а</sup> тутун чиқяпти, кўряпсанми?

— Кўряпман.

— Роса гуниллатиб ёқяпти.

— Камширларнинг ҳаммаси шунақа: иссиқни яхши кўришади.

— Анави туяга ўхшаган булутга қара. Карнайдан чиқаётган тутун қўшилиб, борган сари катталашиб кетяпти, — Соли ташвишланиб қолди, — ҳозир осмонни бутунлай қоплаб олади. Роса жала қуяди, кўрасан.

Бирдан юрагимда шубҳа уйғонди. Ялт этиб Солига қарадим. У ҳам менга қараб турган экан, кўзларимиз тўқнашди-ю, бир-биримизнинг фикримизни сўзсиз тушуна қолдик.

— Жўрттага қияпти, — деди Соли секин.

Анчагача деразадан мўралаб ўтирдик. Тутун бир пай сайиб, бир кўнаяди. Кўпайганда булутга қўшилиб кетаётгани аниқ сезиларди. Ҳадеб ҳовлига қараб ўтиравериб зерикиб кетдик. Соли оғзини катта очиб эснади. Мени мудроқ босди.

— Ке, бўл, нима қиламиз, — дедим Солини туртиб, — бунақада тонг отгунча ўтираверамиз. Қара, қоронги бўлиб қоляпти.

— Ҳаво булут бўлгани учун сенга шундай туюляпти, ҳали эрта, — деди Соли ва тўсатдан хиринглаб кула бошлади, — хужранинг эшигини беркитиб кетамиз, ичи-

да қолсин. Эрталаб битта-яримтаси келиб очар-а, нима дейсан?

Бу фикр менга ҳам маъқул бўлди. Соли билан олдинма-кейин синфдан чиқдик. Мен Солининг папкасини ушлаб турдим. Соли бориб хужранинг иллагини секин солиб келди. Кўчага чиқиб орқамизга қарамай қочдик. Ярим йўлга борганда ҳаллослаб тўхтадик.

— Секинроқ юр, бунча чопасан. — Соли орқасига қараб қўйди, — ҳеч ким йўқ-ку.

— Кўряпман, ҳеч ким йўқ. Нега ўзинг чопасан?

— Сен чопганинг учун чоңдим-да, — Соли хахолаб кулиб юборди. — Ташқарига чиқолмай хуноб бўлиб ўтиргандир-а?

— Энди эрталабгача хужрада ўтириб чиқади.

— Ўздан кўрсин, — Соли жаҳл билан қўл силтади, — илгариги уборницага ўхшаган бўлганда, ҳозир уйда маза қилиб сутга нон бўктириб еб ўтирган бўларди. Тўғрими?

— Тўғри.

— Кўрасан, энди ишини қилиб бўлиб, хужрасига ҳам кирмай дарров уйига кетадиган бўлади!

Уйга келдик. Солининг ойиси кўчада турган экан. Нега кечга қолдинг, деб уришиб берди. Мен уйга кириб кетдим. Чойимни ичиб Солиларникига ўйнагани чиқсам, у ҳам менинг олдимга чиқмоқчи бўлиб турган экан...

Овқатланиб дарсга ўтирдим. Жўнгина битта масалани деб роса бошим қотди. Ярим соат ушлаб чиқаролмадим. Диққатим ошиб кетди. Солиларникига чиқдим. У хуноб бўлиб ўтирган экан, бирга ишламоқчи бўлдик. Соли қўлига китоб олиб, масалани ўқий бошлади.

— Поезд соатига... Шоқир, одам сувсиз қанча чидаши мумкин?

— Билмадим.

— Бир билмаймизми-а?

— Майли.

Соли дадасининг олдига кириб билиб чиқди: бир неча кун экан. Кўнглимиз жойига тушгандай бўлди. Яна масалага киришдик. Бироқ масалани ўқиган сари юрагим сиқилиб кетаверди. Нимага бунақа бўляпти, ҳайронман. Соли бўлса, нима ўқиётганини ўзи тушунмайди. Ташқарида бир нарса тиқ этса, дик этиб ўрнидан туриб кетади. Масалани йиғиштириб қўйиб, анчагача жим ўтирдик. Алланарса чирсиллаб ойнага тегди.



Олистан момақалди роқ гумбуради.

- Ёмғир ёгяпти, — деди Соли жимликни бузиб.
- Утган йили походга чиққанимиз эсингдами?
- Хўп қўзиқорин терган эдик-а, — Соли эслаб кетди, — иккаламиз ўшанда қўзиқоринга роса тўйган эдик.
- Шу... Зайнаб хола қовуриб берган эди.

Ташқарида ёмғир борган сари зўрайиб, шамол дарахларнинг яланғоч шохларини бир-бирига уриб қарсиллатарди. Нариги уйнинг эшиги қия очик. Ойиси айвонда иш тикяпти. У ташқарида ёмғир қуяётганидан бе-хабардек ўзи билан ўзи банд. Соли деразага суянганича икки кўзини ташқаридан узмайди. Ахён-ахён менга қараб бурнини тортиб қўяди.

— Бунақа ёмғирга тунука том бўлса-а, Шокир, — деди Соли ниҳоят тилга кириб.

— Хужранинг томи лой том, — дедим бирдан хушимга келиб. Бироқ ўзимнинг гапимдан ўзим чўчиб юрагим ғалати бўлиб кетди, — бу йил сувалганмиди?

— Э, суваганда тепасидамидим.

— Ҳа, мунча зарда қиласан!

Назаримда бир нарса чакиллаб томаётгандай бўлди. Шипга қарадим. Йўқ, ҳеч нарса йўқ. Кўзим тишиб, қулоғим шанғиллаб кетди. Ўрнимдан турдим.

— Мен чиқай.

— Қаёққа?

— Қаёққа бўларди, уйга.

— Утира тур, дарс қиламиз, ҳали эрта-ку.

— Сен ҳам ёт, мен ҳам ётай. Ухлаганда одам ҳеч нимани сезмайди. Бирпасда тонг отади.

Уйга чиққунимча ҳаммаёғим ивиб кетибди. Дарров ечиниб, кўрпага кира қолдим. Ойим ҳам эрта ётганимга ҳайрон бўлиб, чироқни ўчира қолдилар. Анчагача кўзимни юмиб ётдим. Икки-уч у ёнимдан-бу ёнимга ағдарилдим. Кўзимни очдим. Яна юмдим. Уйқум келавермагач, туриб ўтирдим. Ташқарида ёмғир тингани йўғ-у, шамол сал пасайди. Уй жим. Фақат ойимнинг нафас олиши, алланарсанинг чиқ-чиқи қулоққа чалинди. Нима экан, деб ўйлаб кетдим. Тондим, девордаги соат экан. Қизик. Соатнинг чиқиллаши нимагадир ўхшайди. Нималигини ўйлаб, ҳеч тополмай турган эдим, бирдан Солиларнинг уйда шипга қараганим эсимга тушиб кетди. Қўрққанимдан, ойи, деб юбордим. Ойим чўчиб уйғониб, чироқни ёқдилар.

— Шокир, нима бўлди? Нега ухламай ётибсан?

— А... ҳалиги, бурга чақди шекилли.  
— Туф-туф-е, жонимни чиқариб юбординг. Чинидай ўринда бурга нима қилади, ёт.

Ойим чироқни ўчириб ётди. Мен ҳам кўзимни юмдим. Ойнанинг олдида бир нарса қитирлай бошлади. Мушук бўлса керак. Мушук қизиқ жонивор, уйга киритмасанг, одамдай эшик тақиллатади. Бу ҳам майли. Томдан орқасини ўгириб ташласанг ҳам оёғи билан тушади! Ўрнимдан туриб, мушукни олиб кирай, деб эшикка чиқсам Соли турибди. Бошига костюмини ёпиниб олган. Дир-дир титрайди. Қўрқиб кетганимдан:

— Э, сенмисан, — дебман.

— Нима бало, кармисан, боятдан бери қитирлатавериб кўлларим қонаб кетди:

— Мен... мушук деб ўйлабман. Нега тақиллатмадинг?

— Ойинг уйғониб қолишидан қўрқдим.

— Нимага чиқдинг?

— Шокир, мен... касал бўлиб қолганга ўхшайман, — деди Соли йиғламсираб, — худди ичимга мушук кириб олиб тимдалаётганга ўхшайди. Сен ухлабмидинг?

— Йўқ.

— Мен ҳам. Назаримда худди биров узоқдан «эшикни оч» деб бақираётганга ўхшайверди.

— Ҳаммасига сен сабабчисан, нима, бир марта йўлакни артганинг билан белинг синиб қолармиди? Мен ҳам артганман. Қайтага ўшандан кейин ойимга қарашадиган бўлдим.

— Ҳамма айбни менга тўнкайверма! Ўзинг-чи?

— Жим! Нега бақирасан? Бўлди, бўлди, иккаламиз айбдормиз, бўлдими?

— Ҳой, ким бу?! — ичкаридан ойимнинг товуши эшитилди.

— Мен, ойи, — дедим эшикдан бошимни тикиб, — Соли... қалам сўраб чиқибди.

— Шу пайтда қаламга бало борми, товба, ичкарига кир, шамоллаб қоласан.

— Хўп, ойи, ҳозир кирман, — Соли ойимнинг товушини эшитиб қўрққанидан бурчакда писиб турарди, — бўл, нима қиламиз?

— Нима қилардик. Борамиз! Бунақада иккаламиз ҳам жинни бўлиб қоламиз, — деди Соли. — Ҳозир ойингдан Шокир бизникига чиқсин, бирга дарс тайёрлаймиз, деб сўрайми, қалай?

— Сен-чи, сен нима қиласан?

— Сен менинг дадамдан Соли бизникига чиқсин, масала ишлаймиз, деб жавоб оласан.

— Хўш, кейин-чи?

— Ҳали ҳам тушунмадингми, — деди Соли хуноб бўлиб, — ойинг сени бизникида деб ўйлайди, дадам мени сизларникида деб ўйлайди. Бирпасда «гир» этиб мактабга бориб келамиз.

— Қойилман миянгга! — деб юбордим Солининг қўлларини маҳкам ушлаб.

Ойимдан жавоб олиш унча қийин бўлмади-ю, бироқ Солиларникига чиққанда иш чатоқ бўлишига оз қолди. Иккаламиз дадаси ётган хонага кирдик. Дадаси ширин уйқуда экан. Йўталиб кўрдим, уйғонмади. Кейин секин кўрпани тортган эдим, чўчиб тушди.

— А... Ким... бу?

— Мен... мен, Шокирман... Ассалому алайкум.

— Э, саломинг бошингда қолсин, бу нима қилиқ, уйингга чиқ!

Қочиб ҳовлига чиқиб кетдим. Кетма-кет Соли чиқди.

— Жавоб олдингми?

— Ҳа.

— Хайрият, — дедим ўзимга келиб.

— Айб ўзингда, Секинроқ уйғотмайсанми. Дадамнинг юраги ёмон. Салга чўчиб тушади. Қани, юр кетдик.

Кўчага чиқишимиз билан ёмғир тинди. Олдимиздан пальтосининг ёқасини кўтарган йўловчи шошиб ўтиб кетди.

— Бу ишимиз қойил бўлди-да, Соли?

— Бўлмаса-чи! — Соли юриб эмас, югуриб борарди.

Менинг ҳам юрагимдаги гашлик йўқолиб, борган сари ўзимни енгил ҳис қила бошладим.

— Шокир, агар хўп десанг, ҳужрадан чиққанидан кейин уйига олиб бориб қўяйлик.

— Нега йўқ дер эканман. Вой, қизиқсан-а, албатта олиб бориб қўйиш керак. Лекин, Соли-чи...

— Ҳа, гапир?

— Жаҳлинг чиқмайдими?

— Йўқ.

— Тўғриси... Зайнаб хола ёмон кампир эмас. Бечора, одамнинг устида ўлиб бўлади.

— Рост. — Солининг кўнгли бўшашиб кетди. — Тугмам узилганда доим қадаб бериб юрарди. Гапнинг очи-

ги-чи, шу, худди ўзимнинг оймни хафа қилиб қўйгандай бўляпман.

— Мен ҳам!

Қоровул сезиб қолмасин деб, мактаб ҳовлисига дераздан ошиб тушдик. Аста-секин бориб ҳужранинг эшигини тақиллатдик. Жим. Илгагини очиб, қўрқа-писа ичкарига кирдик. Чироқни ёқиб қарасак ҳеч ким йўқ. Иккаламиз ҳам ҳайрон бўлганча бир-биримизга тикилиб қолдик. Дераза берк, қаёққа кетиши мумкин? Солидан сўрасам, елкасини қисади. Юрагим тарс ёрилиб кетай деди.

— Ҳужрада ўтирганини кўрганмидинг?

— Ким билади. Қараганимда ўтиргандай бўлувди.

— Юр, уйига борамиз.

— Кўрганмисан?

— Мактаб орқасидаги жин кўчанинг бошида.

Келган йўлимиздан қайтиб яна кўчага чиқдик. Жин кўчани яримлаб қолган эдикки, олисидаги уйнинг деразасидан хирагина шуъла кўринди. Олдинма-кейин югуриб бордик. Соли тўнка бўлди, мен устига чиқиб ичкарига қарадим.

— Борми? — ҳовлиқиб сўради Соли.

— Бор! — дедим мен. Зайнаб хола бурнига кўзойнагини илиб алланарса тикиб ўтирарди. Кейин мен тўнка бўлдим, Соли елкамга чиқди.

— Буни қара, шу маҳалда эринмай бўр халта тикиб ўтирибди-я, — деди Соли пастга тушиб.

Орқага қайтдик.

— Демак, бўш ҳужрани беркитиб қўйган эканмизда, — дедим ярим йўлга етганимизда Солига қараб.

— Ҳужранинг илмоғини илиб қўйганимиз яхши бўлган экан, — деди Соли бир оз ёришиб, — негаки, бари бир ўзи ҳам кетаётганида илиб қўярди-да! Тўғрими, Шокир?

«Тўғри» демоқчи эдим деёлмадим, негадир тилим бормади.

Уйга яқинлашганимизда осмоннинг бир чеккаси очилиб яримта ой кўринди.

## БОЛАЛАР ШОДЛИГИ

Совхоз марказини тусмоллаб бораётган эдим. Канал ёқасида отлиқ кўринди. Йўл сўрай деб орқага қайтдим. Отлиқ қўл силкиганимни кўриб тўхтади. Шом қоронғилиги чўлни босиб келарди. Ҳалигина қонталаш уфқда судралиб юрган бир парча булут самони бутунлай қоп-

лаб олган. Аччиқ куз шамоли на кўз очиради, на бир кадам силжитади. Қолган-қутган чўп-хасларни, қовжираран янтоқларни юлиб-юлқиб аллақаерларга судраб кетади-ю, дам ўтмай яна йўл тўсади. Ҳар хуруж қилганда ташлаган қадамим мўлжалга тушмай қалқиб бораётган эдим, йўловчи инсофга келиб отни мен томонга бурди. Бу йигирма беш ёшлардаги зуваласи пишиқ, кўзларидан ўт чақнаган жувон эди.

— Йўлни чапга солинг, муллака, — деди, у нега бундай деганини англай олмадим, — ҳарқалай сайилга чиққан одамга ўхшайсиз-а. Ҳавони қаранг, қуяман деб турибди, қоп-моп берайми?

Жувон кийимимнинг юнунлигига ачиндим, кесатдим, англай олмадим-у, ҳар қалай сайилга чиққан одамга ўхшатгани малол келиб гапига жавоб бермадим. У қоронғи бўшлиққа тикилиб турди-да, фавқулудда бир чаққонлик билан менга энгашиб ниманидир кўрсатди. Қўл чўзган томонга қараб ҳеч нарса кўролмай турганимда жуда олисда бир нарса йилт этиб учгандай бўлди.

— Кўрдингизми? Ўша чойхона. Мўлжалга олиб бо-  
раверасиз.

Жувон келган томонига от қўйиб кетди. Костюмимнинг ёқасини кўтариб йўлга тушдим. Энди шамолга тескари юрганымдан қадамим енгиллашиб қолган эди. Битта қадам ташлаб битта тепамга қарайман. Чўндай қорайиб турган осмон назаримда борган сари пастлашиб икки елкамдан босиб тушаётгандай. Ишқилиб қуймаса бас. Асли райондагиларнинг гапига кирмай бекор қилган эканман. «Кеч бўлиб қолди, машина топишингиз қийин» дейишганда вақт ганимат деб йўлга чиқаверган эдим. Бу ҳам майли. Қайтишимда ола кетаман, деб тайёр плашни меҳмонхонага ечиб келаманми. Йўл кўрмай мулла бўлмайсан, деб шуни айтади-да. Муздек бир нарса юзимни жазиллатиб шилиб ўтди. Юрагим орқамга тортиб, ялт этиб осмонга қарадим. Ёмгир томчилай бошлади. Нима қилишимни билмай қолдим. Аллақаёқдан от туёгининг дупурлагани эшитилди. Орқамга қараб, кўнглим бир оз таскин топди. Бояги аёл орқамдан от чоптириб келаётган экан. У бир оз нарида тўхтаб алланарсани буклаб иргитди.

— Муллака, ўжарлик қилмай манавини ёпиниб олинг. Бўлмаса бўлка нондай ивиб кетасиз.

Қопни илиб олгунимча бўлмай тепамда момақалди-

роқ чунонам қарсиллади: осмон торс ёрилди, дедим. От ҳуркиб жувонни суриб кетди. Хаёлимда чўл остин-устун бўлди-ю, мени ҳам гир айлантириб ташлади. Ўнгим билан чапимни ажратолмай қолдим. Эс-ҳушимни аранг йигиб югурай дейман, шатирлаб келган ёмғир қани кўз очирса. Ёмғир эмас — сел. Икки қадам нарини кўриб бўлмайди. Шамол аралаш ўкираётган жала дам қаршимдан уриб орқамга қалқитиб юборади, дам ёнбошимга ўтиб аллақаерларга судраб кетмоқчи бўлади. Ҳар ўкирганда қулогим битиб, кўзим тиниб кетади. Бирпасда уст-бошим жиққа ҳўл бўлди. Баданимга силқиб сув ўтди. Ўзимни кучли тўлқин суриб ташлаган чўпдек ожиз сезиб серрайиб туриб қолдим.

Чамаси ярим соатлардан сўнг жала сийраклашиб алоҳи тинди. Чоки кетган булут орасидан хира юлдуз милтиради. Кийим-бошим баданимга чиша ёпишиб қолибди. Ҳаммаёғимдан чак-чак сув томади. Тишим-тишимга тегмай ён-веримга аланглаб жувон кўрсатган чироқни топиб олдим. Чироқ боягидан ёруғроқ шуъла сочгани учунми, назаримда, яқинроқ туюлса ҳам талай йўл юриб пастак чойхонанинг эшигини қоқдим. Қоронги зулматни тешиб менга йўл кўрсатиб турган чироқ эшик тепасидаги фонус экан.

Увоққина чол эшик очди.

— Ота, идорани кўрсатиб юбормайсизми?

— Хўш, болам.

Чол елкасига чопонини илиб чиққан жойда:

— Болам, — деди, — ишингиз жила тигиз эмасми?

— Йўқ, ота. Нима эди?

— Жала хийла уринтириб қўйган кўрипади сизни.

Шу ерда қола қолсангиз-у, эрта билан ўзим бошлаб борсам. Идора ҳам талай йўл.

— Майли, ота, малол келмаса.

— Бе, нима деяшсиз. Қани ичкарига кириг.

Чол эшикни зичлаб ёнди-да:

— Мановинга ўралинг, — деди чопонини ечиб, — ҳозир чой қўяман. Отамлашиб чой ичамиз. Ўзим ҳам самоварни ёпиб энди кетсаммикин деб турсам, жала қуйиб берди. Кетишимни ҳам, кетмасимни ҳам билмай диққинафас бўлиб ўтирган эдим, кўп яхши бўлди, гаплашиб ётамиз.

Чол дарров ҳокандозга тараша қалаб олов қилди. Бўш яшиқдан бирини тўнтариб:

— Қани, яқинроқ ўтириг, — деди.

Костюмимни ечиб эшик ёнидаги михга илдим. Ҳали ҳам ундан чакиллаб сув томарди. Чопонга ўралиб, бағримни одовга тутаман, қани танамга иссиқ ўтса. Роса бўладиганим бўлган экан ўзи.

— Очиқ машинада келганга ўхшайсиз, болам.

— Машина қаёқда, ота, — дедим, — шунча йўл босиб машина тугул эшак арава ҳам учратмадим.

— Ҳа, ҳа, кечга томон машина бўлмади, айтмоқчи, — деди чол ташвишланиб, — йўл берк. Сув кўприкни бузиб кетибди. Ҳамма ўша ерда. Кўприк билан овора.

Бир чойнак чойдан кейин ичим илиб, танамнинг титроғи тўхтади. Чол яна чой дамлагани тиззасини уқалаб ўрнидан турди. Мен ҳам яшикни жойига қўйиб сўрига чиқдим. Чол белидаги қийикни ечиб олдимга ёзди. Битта патнусда иккита нон, битта пиёлада асал қўйиб, чойни янгилаб пойгакка чўккалади.

— Мана шу асалдан чойга солинг, — деди пиёлани олдимга суриб, — совуқнинг захрини олади. Эрталабгача ҳеч нарса кўрмагандек бўласиз-қўясиз. Олинг. Аммолекин идорага бормаганингиз жуда яхши бўлди-да, болам. Бари бир ҳеч кимни тополмасдингиз. Директор ҳали ҳаммани оёққа тургазиб олиб чиқиб кетган. Мактаб каналнинг нариги ёғида. Эрталабгача кўприк тузалиши керак. Бўлмаса совхознинг ярим боласи ўқишга боролмай қолади.

Алланарса чирсиллаб деразага тегди. Олис-олисида момақалдироқ кучсиз гумбурлади.

— Яна бошлади, сабил, — деди чол ва деразадан ташқарига қараб қўйди, — болам, ўрнингизни солиб берай. Мен ҳали-вери ётмайман. Сиз дам олинг.

Жала ўлгур тоза ҳам жонимни олиб қўйган эканми:

— Майли, ота, — дея қолдим.

Бир уйғонганимда чол ухламаган эди. Нима бало бўлиб яна кўзим илинибди-ю, ўликдай қотибман-қолибман. Орадан қанча ўтганини билмайман. От туёғининг душур-душури, аёл кишининг жаранглаган товушидан уйғониб кетиб, бошимни кўтарган эдим, ичкарига чол кирди.

— Болам, уйғотиб юбордимми сизни?

— Йўқ, йўқ, ота, ўзим ҳам энди турмоқчи эдим.

— Директор келган экан, — деди чол, — кўприк тузалибди. Тунда бир йўловчи ўтган эди, шу олдингизга келдим, йўқми, деб хавотир олган экан, йўқ, хотиржам бўлиб кетди.

Деразадан ташқарига қарадим. Оқариб қолган чўл

этагида қорайиб бир нуқта кўринди-ю, шу заҳоти уфққа сингиб кетди. Кўп ўтмай деразанинг тагидан бир-бирини қувишиб икки қизалоқ ўтди. Уларнинг кўнғироқдек кулгиси буткул уйқумни қочириб юборди. Ўрнимдан туриб ташқарига чиқдим.

Ҳаво очиқ эди. Мовий кўкда фақат битта хирагина юлдуз ўчай-ўчай деб турибди. Жуда олисда, чўл гардишида худди гугурт қутисидек бўлиб машина ўрмалаб ўтди. Қизалоқлар ўша томонга қараб борарди. Уларнинг орқасидан беихтиёр қараб қолдим: одамлар тунни тонгга улаб чиққанидан бу қизалоқлар хабардормикан?

## АНИҚЛАШ КЕРАК

Ҳали дарс бошланишига ярим соат бўлишига қарамай, синф болалар билан лиқ тўлган эди. Улар йиртилган деворий газетани олишиб, жим туришарди. Ҳамма ҳайрон. Ким қилдийкин-а?

— Бу танқид қилинганларнинг иши!

— Рост... — деди Раҳмат.

Газетада нон кавшаб ўтирадиган Асқару синфда ланка ўйнайдиган Турғун танқид қилинган эди. Қайси бири йиртган экан? — Насиба ўйлай бошлади.

— Асқар бўлмаса керак, — деди жимликни бузиб Раҳмат. — Бўйи етмайди, пакана у.

— Балки стул қўйиб чиққандир?

— Йўғ-э.

— Қаердан биласан, ахир?..

— Тўхта-тўхта, — деди Раҳмат. — Биласанми, буни Турғун қилган. Аввало, у ҳаммадан новча. Қолаверса, кеча газетани ишлаётганимда эшикнинг орқасида хўмрайиб турган эди.

Насиба, ростми, дегандек Раҳматга қаради.

— Боплаб таъзирини бериш керак, — деди кимдир, — зўр бўлса ўзига, қачонгача чидаймиз!

— Тўғри, — унга қўшилди Жамила, Турғуннинг партасини кўрсатиб. — Манавини қаранглар, ҳаммаёққа пакки билан ёзиб ташлабди. Болалар Жамила кўрсатган партани ўраб олишди. Ҳақиқатан, партанинг икки четига қаламтарош билан ўйиб «Т», «К» деб ёзилган эди.

Насиба титраб кетди.

— Уялмайсанми, Жамила? Нега бир партада ўтириб индамайсан!



— Ҳо, керак бўлса, ўзинг гапир! Қалтак егим келатгани йўқ.

Шу маҳал тарақлаб дераза очилди. Ҳамма орқасига қаради. Ичкарига тумшуғи тор чарм ботинка кирди, кейин Турғуннинг тиржайган юзи кўринди. Жамила лип этиб Раҳматнинг орқасига ўтиб олди:

— Синфнинг эшиги йўқми? Ойнадан ошмасанг, — деди у Раҳматнинг елкасидан бошини чиқариб.

Турғун партадан бир ҳатлаб Жамилага яқинлашди.

— Нега газетани йиртдинг? — деди Насиба Турғунни тўсиб. Турғун Насибанинг сочига қўл чўзган эди. Раҳмат унинг қўлини маҳкам ушлаб олди.

— Сендан сўраяпти!

Турғун ер остидан Раҳматга олайиб қўйди:

— Нега танқид қилади бўлмаса!

— Ўзингдан кўр, — деди Насиба. — Ноҳақ танқид қилибманми?

— Ноҳақ, ноҳақ, мен атиги уч марта дарсдан қочганман. Сен бўлсанг, доим шунақа қилади, деб ёзибсан.

— Папирос чекканинг ҳам ёлгонми?

— Ёлгон.

— Бунга ўз кўзим билан кўрганман!

Синфга ўқитувчи кириб келди. Ҳамма тинчланиб, жой-жойига ўтира бошлади. Турғун Насибанинг олди-дан ўта туриб, тишини гижирлатиб қўйди:

— Шошмай тур, типратикан.

Турғуннинг хатти-ҳаракатини зимдан кузатиб турган ўқитувчи шошмасдан йўқлама қила бошлади. Кейин журнални ёпиб, бир четга олиб қўйди-да, синфга назар ташлади. Ҳар куни хурсанд ўтирадиган болаларнинг негадир бугун қовоқлари солиқ.

— Нима гап ўзи? — деб сўради ўқитувчи.

Болалар воқеани гапириб беришди.

— Қилаётган ишнинг пионернинг иши эмас. Мен сенинг шунақа эканлигингни билмаган эканман, — деди ўқитувчи Турғунга ва болалардан сўради: — Энди нима қилмоқчисизлар?

— Эртага отряд йигилишида муҳокама қилмоқчимиз, — деди Насиба ўрнидан туриб.

— Жуда яхши. Мени ҳам қақиринглар. Синф раҳбари сифатида мен ҳам кирай.

Эртасига тўсатдан Насиба мактабга келмади. Отряд советининг раиси йўқлиги учун йигилиш қолдирилди.

Дардан кейин болалар залда шахмат мусобақасида қатнашаётган эди, Жамила келиб қолди.

— Бордингми, — Раҳмат шошиб-пишиб сўради, — нима гап?

— Касалхонада эмиш.

Болалар Жамилани ўраб олишди.

— Кеча Насиба дам олмоқчи бўлиб каравотга ётибди. Энди кўзи илинган экан нимадир шитир этибди. Қараса, папкасининг ичидан илон чиқиб келаётган эмиш. Насиба дод демоқчи бўлибди-ю, овози чиқмапти. Илон тап этиб ёнига тушибди. Шундан кейин... шундан кейин гапиролмай қолибди.

— Йўғ-э... — Раҳматнинг оғзи очилиб қолди. — Ростданми?.. Шу ростми-а?

Орага жимлик чўкди. Бурчақда турган Турғун қўлидаги болгачани тушириб юборди. Ҳамма чўчиб унга ўгирилди. У совуқда қолган боладек дағ-дағ титрар. юзи бўздек оқариб кетган эди.

У бирдан отилиб ташқарига чиқиб кетди. Болалар унинг кетидан қараб қолишди.

Эртасига Раҳмат билан Жамила касалхонага боришди. Эшик олдида ўтирган кампир икковига ичкаридан бир жуфт халат олиб чиқди:

— Манавини елкаларингга солиб олинглар. Хув, тўғридаги палатада. Узоқ ўтирманглар, хўми?

Жамила палата эшигини очиши билан Насиба югуриб чиқди. Иккала дугона қучоқлашиб кўришишди. Раҳматга қўл узатди.

— Соғайиб қолдингми? Қачон чиқасан? — деб сўради Раҳмат.

Жамила унинг биқинига туртиб шивирлади:

— Эсингни едингми, қанақа қилиб гапироди?

Раҳмат қизариб кетди. Шошганидан олиб келган «Ўн беш ёшли капитан» китобини Насибага узатди. Насиба китобнинг у ер-бу ерини варақлаб қайтиб берди. Кейин халатининг ён чўнтагидан қоғоз-қалам олиб, алланарсаларни ёзди-да, Раҳматга узатди.

«Ҳали Турғун тўртта китоб ташлаб кетди. Шунинг ўзи етади...» овозини чиқариб ўқиди Раҳмат. Кейин ажабланиб Жамилага қаради. Жамила ҳам бу гапдан ҳайрон бўлиб қолган эди.

Улар Насибанинг олдидан чиққанларида қоғозга ўралган алланарсани қўлтигига қистириб касалхонага шошилиб кириб кетаётган Турғунни кўришди. Раҳмат

уни чақирмоқчи бўлган эди, Жамила, қўй деб тўхтатди.

Насибанинг касалидан кейин болалар Турғунни мактаб ховлисида кам учратадиган бўлиб қолишди. У илгаригидек қизларнинг сочидан тортмас, ҳатто танаффусда ҳам ташқарига чиқмай, бир нуқтага тикилганича нималарнидир ўйлаб ўтирарди. Кеча Жамила унинг қошлари ўртасига тушиб турган сочидан тортиб: «Тартибли бўлиб қолибсанми», деган эди, Турғун қизариб кетди.

Орадан икки ҳафта ўтди. Бур куни дарс энди бошланганда югуриб Турғун кириб келди. У чопганиданми ё қаттиқ ҳаяжонланганиданми тез-тез нафас оларди.

— Насиба гапирди, ўз қулоғим билан эшитдим... — у ҳолсизланиб эшикка суянди, — ўша ердан келяпман. Эртага... мактабга бораман, — деди.

Шу топда Турғун Жамиланинг кўзига жуда яхши кўриниб кетди.

Ўқитувчи секин ўрнидан туриб Турғуннинг олдига борди:

— Бу хабаринг билан ҳаммамизни хурсанд қилдинг, бундан кейин дарсга кечикма, ўтир, — деди. Кейин болаларга қараб жиддий қўшиб қўйди: — Ҳар ҳолда жонли бурчакдаги сув илони қандай қилиб Насибанинг папкасига кириб қолганини аниқлаш керак.

## ЖАМИЛА

Мурод бир бурда нон билан товоқнинг тагидаги қаймоқни сидириб оғзига солди, кейин похол шляпасини кийиб кўчага чиқиб кетаётган эди, ошхонадан бувиси чақириб қолди.

— Муроджон!

— Нима, буви!

— Қаёққа, болам?

— Тоғамнинг олдига.

— Ҳай-ҳай, шу иссиқда-я. Қўй, болам, шаҳар бола-си нозик бўлади, офтоб уриб қолмасин. Ўрикнинг таги-га шолча солиб, дамингни олиб ёт. Кечқурун тоғанга овқат олиб борасан. Хўпми, болам?

Муроднинг қовоғи осилиб кетди... У бувисини яхши кўрарди-ю, бироқ ҳадеб ёш болага ўхшатаверишини ёқтирмасди. Рост-да, ўзингиз ўйлаб кўринг, онаси шундан-шунга ёлғиз ўзини ишониб юборса-ю, бувиси «офтоб уради» деб кўчага чиқармаса алам қиладими, йўқми.

Асли станциядан тўппа-тўғри тоғасининг олдига



ўтиб кетаверса бўларкан. Кечгача қовун полизни айла-  
ниб, кечқурун кела қоларди. Мурод шартта эшикни  
очиб чиқиб кетай ҳам деди. Онасининг «Худа-беҳудага  
бувингни хафа қилаверма», деб тайинлаганини эслаб,  
зўрга орқага қайтди. Айвонга чиқиб қалпоғини устун-  
даги михга илди-да, тиззасини маҳкам қучоқлаганча  
тумтайиб ўтириб олди. Бир коса ширчай кўтариб ошхо-  
надан бувиси чиқди.

— Ма, нон тўграб ичиб олгин, болам.

Мурод ҳафсаласизлик билан дастурхондаги бурда-  
сурда нондан тўгради-да, бир-икки қошиқ ичган бўлди.  
Бувиси бир айланиб келганда ҳам Муроднинг авзойи  
ўзгармаган эди.

— Ҳа, зерикмадингми, болам?

— Нега зерикарканман.

— Жўрақулни чақириб берайми, ўйнайсанми?

— Жўрақулингиз ким?

— Қўшнимнинг ўт-олов бир ўгли бор. Ўша,— буви-  
си деворга яқин борди-да, чақира бошлади:— Жўрақул,  
ҳо, Жўрақул!

— Нима?— девор орқасидан қиз боланикига ҳам,  
ўгил боланикига ҳам ўхшамаган товуш эшитилди.

— Баққа чиқ, Муроджон ўртоғинг келган.

Кўп ўтмай, устарада қирилган боши офтобда йилтил-  
лаб турган, қоп-қора кўзлари катта-катта бола девор-  
дан мўралади. У Муродга анграйиб қараб турди-да, ке-  
йин ўзини тутолмай ҳиринглаб кула бошлади.

— Нега куласан?— Муроднинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ўзинг боя станцияда нима қилдинг?

— Нима қилибман?

— Қоровул чол қулогингдан роса чўзиб тортдимми?

Мурод қизариб кетди. Ялт этиб бувисига қаради.

Хайрият, бувиси ошхонада куйманишиб юрган экан, эшитмади.

— Тўхта, мен ҳозир кўчадан айланиб чиқаман.

Жўрақул тишининг оқини кўрсатиб тиржайганча тушиб кетди.

Тавба! Станцияда ҳеч ким йўқ эди-ку, қаёқдан кўра қолдийкин? Э, бўлди, бу ўша — Муродни қутқариб қолган бола. Девордан қараши билан кўзига иссиқ кўринган эди-я! Қаерда кўрганийкинман, деб ўйлаб турганида ҳиринглаб энсасини қотирди-да. Бўлмаса дарров танирди. Гапнинг рости, шу бола бўлмаганда, бояги чол Муроднинг қулогини таг-туғи билан суғуриб олган бўларди.

...Поезд Мурод тушган станцияда беш минутча тўхтаб юриб кетди. Куннинг иссиқлигидан еру кўк ловиллайди. Водопровод жўмрагидан жилдираб тушаётган сув ҳам илиб қолган. Мурод ярим белигача ечиниб, водопроводнинг тагига тушди-да, роҳатланиб ювина бошлади. Қоровул чол унга бир қараб қўйди, байроқчаларини белига қистириб, иссиқдан зорлана-зорлана ичкаридан устига дока ёпилган каттакон қафас кўтариб чиқди. Қафасни эшик тепасидаги илгакка илиб, кириб кетди. Мурод бўйнини чўзиб шунча қараса ҳам нималигини кўролмади. Секин эшик тирқишидан мўраласа, чол каравотда кўзини юмиб ётибди. Мурод бўш яшикдан иккитасини судраб келиб бир-бирига мингаштирди. Кейин унинг устига чиқди. Энди докани оча бошлаган эди, яшик яхши ўрнашмаган экан, тойиб кетди. Мурод ўзини ўнгламоқчи бўлиб беихтиёр қафасга ёпишди. Бироқ қўли қафаснинг эшикчасига тегиб очилиб кетди. Мурод йиқилиб тушди. Шу пайт нимадир пар этиб осмонга кўтарилди. Ичкаридан чол югуриб чиқди. Бу орада эшак минган бир бола ўтиб қолди-ю, орага тушди. Бор гап шу. Мурод нима бўлганига ақли етмай, кўнгилсиз воқеани ярим йўлдаёқ унутган эди. Мана, Жўрақул қайтадан ҳаммасини эсига солди. Муроднинг юраги сиқилди. Шу топда негадир Жўрақул кўзига жуда-жуда ёмон кўриниб кетди. Ҳатто Жўрақул ичкарига кирганда ҳам қайрилиб қарагиси келмади.

— Юр, эшакка минамиз.

Мурод индамади. Жўрақул ҳайрон бўлиб, айвоннинг четига ўтирди.

— Э, ўшанга ҳам хафа бўлиб ўтирибсанми? У аллақачон қайтиб келган.

- Нима?
- Нима бўларди, қирғий-да.
- Қафасдаги қирғиймиди?
- Ҳа, ўзиям қирғиймисан қирғий-да. Бутун қишлоқда бунақаси йўқ.
- Қайтиб келмаган бўлса-чи?
- Вой, қизиқ экансан-ку. Қўлга ўргатилган қирғий бўлади-ку, қайтиб келмайдими? Ё уйига учиб келган, ё қафасида ўтирибди. Ишонмасанг, юр, бориб кўрамиз.
- Бувим чиқармаяптилар.
- Нега?
- Офтоб тегармиш.

Жўрақул дик этиб ўрнидан туриб ошхонага кириб кетди. Анчадан кейин бувиси билан бошлашиб чиқди.

— Майли, бора қол, болам,— деди бувиси Муродга, кейин Жўрақулга тайинлади,— сояда ўйланглар, хўпми, Жўрақул?

— Хўп!

Улар кўчага чиқишди. Қуёш сойнинг нариги бетидаги мирзатеракларнинг учига ўтгани билан ҳали куннинг тафти қайтмаганди. Дим. Терак барглари сўлгин, қил этган шабадага махталдек кўринарди. Соё бўйида учтўртта мол ўтлаб юрибди. Соё ёқалаб машина ўтиб кетди.

— Совхознинг янги машинаси,— деди Жўрақул.— Аттанг, буёққа келмади-да, катайса қилардик. Мурод, сен шу ерда тура тур, эшакни олиб чиқай.

Жўрақул уйдан эшак етаклаб чиқди. Ягири чиқиб кетган шимини тиззасигача қайириб, югуриб келиб эшакка минди. Мурод яёв бормоқчи бўлди, Жўрақул кўнмай орқасига миндирди. Жилов бўшаши билан эшак йўл ёқалаб юриб кетди.

— Ўргатилган!— деди Жўрақул,— пилдирашини қара! Дадавой аканинг эшигига бориб таққа тўхтайти. Ём еб ўрганиб қолган.

— Дадавой ака ким?

— Қулоғингдан чўзган чол-да. У станция қоровули. Бир қизи бор, худди ўзи. Жаҳли бурнининг учига туради,— Жўрақул эшакнинг бир мақомда пилдираб боришидан завқланиб кетиб, хиргойи қила бошлади.— Ёрим кетаман дейди, кетгизгани қўймайман,— у белидан маҳкам қучоқлаб хомуш бораётган Муродга ўгирилиб қаради-да, жим бўлиб қолди. Анчадан кейин бирдан қулиб юборди.

— Нега куляпсан?— деб Муроднинг жаҳли чиқиб кетди.

— Э, сенга кулаётганим йўқ. Ҳали эрталаб станцияга кетаётсам, Дадавой аканинг қизи сой бўйида китоб ўқиб ўтирибди. Сал бериқда эшакдан тушиб секин орқасидан бордим. Овозимнинг борича «вах» десам, шалоп этиб сойга йиқилиб тушса бўладими?

Муроднинг энсаси қотди. Мунча мақтанасан, демоқчи бўлди-ю, бироқ индамади. Жўрақул Муроднинг индамай қулоқ солиб бораётганини кўриб, очилиб кетди. Эшакни станцияда бир боладан иккита сапчага алишиб олганини, кейин бола алданиб қолганини билиб, ҳар куни эшакни сўраб уйига келгани борми, вайсаб борди. Сойга яқин қолганда эшак таққа тўхтади. Жўрақул оёғи билан эшакнинг қорнига тепиб кўрди, қўли билан яғринига шапатилаб урди, қани эшак юра қолса, бўлмади, ахири ерга тушишди.

— Ана, айтмадимми,— деди Жўрақул тизгинни Муродга тутқазиб. Кейин тўғридаги кўк эшикни гурсиллатиб ура бошлади.

— Жамила, ҳой Жамила?

— Нима?— ичкаридан қиз боланинг жаҳл аралаш товуши эшитилди.

— Ем олиб чиқ. Эшак тўхтаб қолди.

— Ҳар куни ем олиб чиқиб малайманми? Бир Олапарни қўйиб юбораман, додингни беради.

— Кўрдингми?— деди Жўрақул Муродга қараб.— Жаҳли бурнининг учида туради.

Жўрақул яна эшикни тақиллатди. Бироқ Жамила миқ этмади. Бу Жўрақулга алам қилиб кетди. Олазарак бўлиб деворга қаради. Бўлмади, ошиб тушса, Олапарни қўйиб юборади. Бирпас ниманидир ўйлаб қолди, сўнг танаси деворга ёпишиб турган толга тирмашиб чиқди-да, ҳовлига тортилган арқонни ечиб юборди. Бир дор кир ер билан битта бўлди. Жўрақул аламдан чиқиб настга тушганда, ичкаридан Жамиланинг ҳўнграб йиғлагани эшитилди. Муроднинг эти жимирлашиб кетди. Қўлидаги тизгинни улоқтириб кетиб қолмоқчи бўлди-ю, бироқ Жамилага ачинди.

— Яхши бўлмади, Жўрақул. Бечора не ҳасратда ювган.

Жўрақул Муроднинг қўлидан тизгинни оларкан:

— Ярим челақ ем олиб чиқиб берса, бир жойи камайрмиди,— деб пинғиллади.

Муроднинг зардаси қайнаб кетди.

— Ие, сеники қизиқ экан-ку. Бермаса зўрликми?

— Э, нега ёнини олиб қолдинг. Ҳаммаси сени деб бўлди-ку!

— Мени-я?

— Ҳа, сени. Қирғийни ким қўйиб юборди, сен. Ох, жойига учиб келганмикин, деб йиғлаб ўтирган ҳам сен... Мен аҳмоқ олиб бориб кўрсата қолай, хотиржам бўлсин, деб иссиқда лўкиллаб юрибман.

Мурод ҳам, Жўрақул ҳам бир-бирига қараб жимиб қолишди. Ғиқ этиб эшик очилди. Ичкаридан кўзлари йиғидан қизариб кетган Жамила чиқди.

— Қирғий учиб келган. Уйда. Инида ўтирибди!

— Ана, айтмадимми!— Жўрақул Муродни туртиб қўйди,— ўргатилган бўлгандан кейин қаёққа борарди. Учиб жойига келади-да. Қани, юр, Мурод, кўриб чиқамиз. Жамила, Олапаринг боғлиқми?

— Киравер,— деди Жамила йўл бошлаб.

Қизнинг бирдан ўзгариб, Жўрақулга қилаётган муомаласи Муродни ажаблантирган эди, йўқ, бунда гап бор экан. Жўрақул остонадан ҳатлаши билан Жамила тақ этиб эшикни ёпиб олди.

— Ҳа, қўлга тушмас экансан!— Жамила қувончидан қийқириб юборди. Мурод нима бўлганига тушунолмай, бориб эшикнинг калит соладиган тешигидан қаради. Жўрақул ҳовлининг ўртасида турибди, қулоғи калта, эшакдай баҳайбат ит эса эшик тагида чалқанча ётибди. Жўрақулга қараб аҳён-аҳёнда ириллаб қўяди.

— Қочаман деб овора бўлма,— деди Жамила,— почангдан олади.

Э, ҳазилингни қўй. Анавини эшик тагидан ол, чиқиб кетай.

— Сен билан ҳазиллашишга вақтим йўқ,— Жамила ошхонага кириб кетди. Жўрақул секин деворга қараб келаётган эди, ит ўрнидан туриб боланинг оёғи тагига ётиб олди. Жўрақул худди сурат олдираётган кишидай қотиб қолди. Ошхонадан қоп кўтариб Жамила чиқди.

— Ма, ҳамма кирларни йиғиб ол.

— Э, бор-э!

— Йиғмайсанми? Олапар!

Ит отини эшитиб ириллади. Жўрақул жаҳл билан тупроққа қорилиб ётган кирларни қопга тика бошладди. Ит тумшугини оёқларининг орасига олиб қузатиб ётди. Жўрақул ҳамма кирни қопга солиб бўлиб, кўчага



йўналган эди, Олапар яна эшикнинг олдига ётиб олди.

— Қаёққа?— деб сўради Жамила.

— Бўлди-да, яна нима дейсан?

— Қопни кўтар! — Жамила Жўрақулга бир кулча совун тутди. — Сойга борасан. — Жўрақулнинг кўзалари олайиб кетди.

— Ҳой, индамаганга ҳаддингдан ошаверма. Бир соламан.

— Қўлингни кўтар-чи, Олапар узиб олади.

Ит отини эшитиб яна ириллади. Жўрақулнинг дами ичига тушиб кетди. Жаҳл билан совунни олиб қопни орқалади.

— Ўзинг юрмайсанми?

— Мен нима қиламан,— деди Жамила эшикни очиб,— ўзинг бориб ювиб келасан.

Жўрақул кўчага чиқаман-у, қопни улоқтириб қочаман, деб ўйлаб, Жамиланинг бормаганига ичида суюниб қўйди. Олапар бунни сезгандай кўчага олдинроқ чиқиб турди. Жўрақул остонада турганича қизга, итингни олиб қол, деб ялинди ҳам, дўқ қилди ҳам, бўлмади. Кутиб туравериш жонига тегди шекилли, ит қопнинг бир четидан тортган эди, Жўрақулнинг эси чиқиб кетди.

— Қўрқма, кўп гап сотмай тезроқ юр, деяпти,— Жамила кулди,— агар ҳозир бормасанг, индамай почангдан олади, жаҳли ёмон.

— Тўхтаб тур,— Жўрақул муштини ўқталиб қўйди.— Қўлимга тушасан-ку, қулогингнинг тагига солмасам, Жўрақул отимни бошқа қўяман. Юр, Мурод.

— Мурод бормайди.

— Муродда нима ўчинг бор?— деб бақирди Жўрақул.

— Муродда ўчим йўқ, фақат илтимосим бор,— деди Жамила секин.— Толга чиқиб арқонни боғлаб тушади. Кўча чангитганларинг етар. Анави эшагингни эгасига элтиб беради. Мен унга уйини тушунтираман.

Жўрақул дод деб юбораёзди. Кўзлари ёниб турган Олапарга қараб аранг ўзини босди. Қопни кўтариб, индамай сойга кетди. «Қирини қоп-попи билан сойга оқи-зиб юбораман», деб ўйлади Жўрақул ва секин ёнига кўз қирини ташлади. Олапар Жўрақулдан кўз олмай, думини ликиллатиб келарди. Жўрақул барзанги итдан қутула олмаслигини тушунди.

Мурод арқонни толга боғлаб, эшакни эгасига топ-

шириб келди ҳам Жўрақулдан дарак йўқ эди. Хавотир олиб бориб келмоқчи бўлганди, Жамила тўхтатди.

— Қўявер, халақит берма, бориб келдим. Гупиллатиб кир ювяпти. Юр, қирғийни кўрасанми?

Мурод Жамилага шубҳаланиб қараган эди, Жамила хахолаб кулиб юборди.

— Қўрқма, Олапар ҳозир Жўрақул билан банд. Улар ичкари кириб кетишди. Талай вақтдан сўнг кўчага чиқишганда, олисда боши ерга тегай-тегай деб қоп орқалаган Жўрақул кўринди. Ёнида Олапар, у Жўрақулдан кўз олмай думини ликиллайтиб келяпти. Мурод Жўрақулга ачиниб, қопини олмоқчи эди, ит олдига солиб қувиб берди.

— Яқинлашма, Мурод!— деди Жўрақул инқиллаб,— бу ит эмас, бир бало экан, бирпас дам олдирмади-я, энди дам олай десам, бурнимнинг тагида ириллайди.

Мурод четга ўтиб, Жўрақулнинг орқасидан кела бошлади. Жамила эшикни очди. Жўрақул индамай ховлига кириб қопни айвонга ирғитди.

— Ол!

— Ия, бун яхшилаб сиқмабсан-ку! — Жамила қопни очиб, кирни титкилай бошлади.— Энди яхшилаб сиқиб, дорга ёй!

— Ёймайман,— деди Жўрақул йиғламсираб.

— Бақирма, қандоқ бўлса, ўшандоқ қилиб қўясан. Ўнгача санайман. Агар қилмасанг, ўзингдан кўр. Бир, икки...

— Мурод қарашиб юборсин.

— Майли, Мурод, қарашиб юбора қол,— деди Жамила. Жўрақулнинг қавариб кетган қўлларига қараб ачинганидан, қўй, мен ўзим ёя қоламан, деб юборишига ҳам сал қолди-ю, лекин ўзини тутди. Айвоннинг зинасига ўтирганича тишини-тишига қўйиб кузата бошлади. Мурод билан Жўрақул ҳамма кирни сиқиб дорга ёйиб бўлишгач, Олапар думини ликиллайтиб уйчасига кириб кетди. Жўрақул Жамилага бир хўмрайиб қаради-да, Мурод билан бошлашиб кўчага чиқди.

— Урардим-у, яқинда онаси ўлган,— деди Жўрақул,— ҳамма ишни ўзи қилади.

— Бечорага қийин экан.

— Қийин ҳам гапми?— Жўрақул орқасига қараб тўхтади. Эшик олдида Жамила қараб турарди. Жўрақул ғалати бўлиб кетди. Мурод ҳам. Иккаласи нима

қилишини билмай, ҳайрон бўлиб туришган эди, Жамила иккилағиб қолишганини кўриб уларнинг ёнига ўзи келди.

— Жўрақул, — деди ерга қараб, — ура қол. Урмасам отимни бошқа қўяман, деб қасам ичгансан. Биладан, бари бир айтганингни қиласан. Пайт пойлаб ўч оласан.

Жўрақул қизариб кетди. Бир нима демоқчи бўлди-ю, гапиролмай бошини қуйи солди.

— Бўлмаса, отингни... бошқа қўя қол, — деди Жамила, — Жўрақул эмас, Жўра бўла қолсин-а? — Жамила югуриб кириб кетди. Жўрақулга Жамиланинг гапи ёқиб кетдими, беихтиёр жилмайди.

— Юр, кетдик, — деди Мурод, — кечга қоламиз.

— Қаерга?

— Қовун полизга. Ўйнаб келамиз.

Муроднинг бувиси кўчада пойлаб турган экан.

— Ҳой болам, қаёқларда тентираб юрибсан, борадиган бўлсанг тезроқ бормайсанми. Тоғангни овқати совиб қолди.

## ТЎҒРИ ГАП ЯХШИ ЭКАН

Дарс қилишга эриниб, коптокни қўлтиқлаб кўчага чиқдим. Ҳеч ким йўқ. Кўчанинг у бошидан-бу бошига копток тепавериб зерикдим. Битта-яримта шерик тонай деб нариги маҳаллага ўтсам, у ерда ҳам болалар кўринмади. Ҳафсалам пир бўлиб қайтиб келаётган эдим, муюлишдаги эшикдан кичкина бир қиз бола чиқиб қолди. Шунисига ҳам суюниб:



— Бери кел,— дедим дарров.

Қизча бармогини оғзига солиб аграйиб турди-да. қўлимдаги коптокни кўриб, олдимга югуриб келди.

— Отинг нима?— дедим.

— Раъно.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Меҳмонга келганман.

— Оббо меҳмон-е!— дедим. Гашим жуда ёқиб кетди шекилли, қизча оғзининг таноби қочиб илжайди. Энди мақсадга ўтсам бўлаверади дедим-у, йўлкадан икки дона гишт кўчириб йўлнинг икки четига тиккайтириб қўйдим.

— Манави дарвоза!— дедим. Қизча яна бармогини оғзига солиб бақрайиб турган эди:

— Тушундингми?— дедим елкасига туртиб.

— Ҳа.

— Яхши. Қани ўртага тур,— дедим коптокни қўлимга олиб, — ҳа, нега қараб турибсан?

— Эшиги қани буни?

— Вой, эшиги сен-да!

Қизча кўзларини пир-пир учуриб менга ваҳима билан қаради-ю, орқасига қарамай қочиб қолди. Жон-ҳолатда кетидан қувдим. Эшикнинг олдидан аранг тутиб келиб дарвозага турғизиб қўйдим. Куйиб-пишиб ўн беш минут футбол нималигини тушунтирганимдан кейин бир оз ўйнагани рози бўлди. Шимимнинг почасини қайириб олиб, коптокни тепа кетдим. Копток қизнинг бир у ёнидан дарвозага киради, бир бу ёнидан. Эси паст қиз коптокни ушлаш ўрнига чўнқайиб олиб, қўллари билан юзини яширади. Шундай бўлса ҳам ўйинга қизиқиб кетиб: «Дунёда дарслардан ашула-ю, ўйиндан футбол бўлса», дейман ўзимга-ўзим. Бир маҳал коптокни дарвозага яқинроқ келтириб красницкийчасига бир тепган эдим, аҳмоқ копток чўққайиб ўтирган қизчани ўзи билан бирга юмалатиб дарвозага олиб кириб кетса бўладими. Қизча чинқириб юборди. Мен орқамга қарамай қочдим. Уйга етиб келиб ҳам анчагача қўрқиб ўтирдим. Назаримда, худди кўча эшикдан қизчанинг ота-онаси кириб келаётгандай бўлаверди. Шу куни на масала ечолдим, на она тилини қўлимга ололдим. Бунинг устига кечаси билан тиканга думалагандай бўлиб чиқдим. Эрталабга яқин туш ҳам кўрибман: қўшни маҳалланинг кўчасида бир талай нотаниш болалар билан футбол ўйнаётган эмишман. Бир маҳал шундоқ

дарвозанинг олдига келиб қолган тўпни тепаман десам, ўнг оёгим йўқ бўлиб қолганмиш. Қизча бўлса ариқ бўйидаги чинорнинг учига чиқиб олиб, ҳадеб менга тилини кўрсатармиш.

Эртасига қовоқларим шишиб, мактабга келганимда аллақачон дарс бошланган эди. Рухсат сўраб синфга киришим билан:

— Уй вазифанг тайёрми?— деб сўраб қолди арифметика ўқитувчимиз Фулом ака.

— Йўқ,— дедим гулдураб.

Орқада ўтирган болалардан бири пиқ этиб кулди. Кимдир кесатиб чуқур хўрсинди. Синфдагиларнинг икки кўзи менда эди. Бунинг устига Фулом ака ўрнидан туриб шундоқ рўпарамга келди-да:

— Хўш, сабаби борми?— деб сўради. Довдираб қолиб:

— Албатта бор,— дедим. Аммо нима деб баҳона қилишни ўйлаб ҳам кўрмаган эдим.

— Қани, қани, эшитайлик-чи?— деди Фулом ака.

Папкани бир у қўлтиғимга оламан, бир бу қўлтиғимга оламан, қани бирор нарса деб тилим айлана қолса. Ниҳоят гўлдирай-гўлдирай:

— Шунақа бўлиб қолди, Фулом ака,— дедим,— дарс тайёрлаб ўтирган эдим. Кўчада биров чинқирди. Деразани очиб қарасам, барзангидай бола кичкина бир қизчани копток билан уриб йиқитиб юборган экан. Ёш болани урадиган сенмисан, деб отилиб чиқдим у кетидан қувиб кетдим.

Ёлгон ҳам қўйилиб келаверди. Хийла ўзимни тутиб олиб, энди буёғини ўйлаб топай дедим-да, секин болаларга қарасам ҳаммаси оғзини очиб ўтирибди.

— Шунақа,— дедим,— кетидан қувлаб кетавердим, кетавердим, йўқ, ахир қўлга туширдим. Ўзи ҳам менга иккита келадиган барзанги экан. Қўлини орқасига қайириб тўппа-тўғри мактабга олиб бордим. Шу билан овора бўлиб кетиб... масалани ишлаш эсимдан чиқиб қопти.

Фулом ака негадир бошини чайқаб қўйди-да, ўтир дегандай ишора қилди. Ўтиришим билан Шокир партининг тагидан қўлимни маҳкам қисиб «қойилман», деб қўйди.

Қўнғироқ чалиниши билан болалар мени дув этиб ўраб олишди. Шокир бўлса, жон-қолимга қўймай ҳаммасини деворий газетага ёзиб берасан, деб туриб олди.

Эртасига дарсдан кейин эса қўлимдан судраб, отряд оталиққа олган боғчага олиб бораман деган эди, кўнмадим.

— Бекор айтибсан, — деди Шокир ўжарлик қилиб, — биз бугун «Пионер — кичкинтойларнинг ҳимоячиси», деган темада сбор ўтказмоқчимиз. Гапириб берасан!

Болаларни, қолаверса ялиниб-ёлвораётган Шокирни кўзим қиймай майли дея қолдим.

Боғчадагилар бизни тантана билан кутиб олишди. Ҳали хаёлимни бир жойга тўплаб улгурмаган ҳам эдим, Шокир менга сўз берди. Бир маҳал чурвақаларнинг ўртасига турволиб роса қизишиб гапираётган эдим, кимдир чийиллаб, «вой, катта одам ҳам ёлгон гапирадими», деса-я! Қарасам, чап кўзи кўм-кўк моматалоқ бўлиб кетган ўша дарвозабон қизча Раънохон болалардан ажралиб менга қараб келяпти.

Деразадан тушиб қочдимми, эшикданми, билмайман. Йигламоқдан бери бўлиб уйга югуриб борарканман, эртага нима дейман, Гулом аканинг кўзига қандоқ қарайман, деб ўйлардим. Асли бошга қилич келса ҳам тўғри гапирган яхши экан.

## БОЧКА

Тўйчи ғалати бола. Бир нарсани сезса, бўлди, ҳадеб сўрайверади-сўрайверади. Ҳаммасини билиб олгандан кейин икки-уч кун миқ этмай юради. Бир маҳал қарасанг, ясамоқчи бўлган нарсангни ўзи ясаб қўйган бўлади. Нега тайёрга айёр бўласан, десанг, гапингга жавоб бермай, кўзини лўқ қилиб тураверади. Энди бир иш қиладиган бўлсам, унга сира айтмайман.

Мақтабдан келиб, бобомнинг ҳовузчага ташлаб қўйган новдасидан олдим. Ошхонага кириб ичидан занжирладим.

— Рустам, — деди кимдир.

Ҳайрон бўлиб эшик тирқишидан қарадим. Ариқ бўйида синглим Доно мушукчасининг бўйнига лента тақиб ўтирибди. Бошқа ҳеч ким йўқ. Менга шундоқ туюлди шекилли, деб қўя қолдим. Бир нарса «тақ» этиб елкамга тушди. Қарасам — данак. Қулогимнинг тагида кимдир ҳиринглаб кулди. Чўчиб бошимни кўтарган эдим, мўрининг оғзида Тўйчи мўралаб ўтирган экан.

— Нима керак сенга?

— Хи... хи... ҳеч нарса, — деди у тишининг оқини кўрсатиб.

— Нега бировнинг томида ўтирибсан.

— Ўтирсам, ейилиб қоладими?

— Бор-эй, сен билан айтишиб ўтираманми, — деб индамай ишимни қилавердим. У гапга солмоқчи бўлиб роса уринди, туршак ташлади, бир чўнтак данак ҳам бермоқчи бўлди. Бари бир нима қилаётганимни айтмадим.

— Айтмасанг, айтмай қўя қол... Новдани қаердан олганингни биламан... Шошмай тур, бобонг келсин!

Самоварнинг олдида турган тарашадан олиб башарасига туширмоқчи эдим-у, бобомга чақишидан кўрқиб, лабимни тишлаб қолдим.

— Айтасанми?.. Учгача санайман... Кейин ўзингдан ўпкала. Бир...

Индамадим...

— Икки... и, У... У... У.

— Майли, туш, кейин айтаман.

— Итингни боғла. Ҳовлидан кираман.

— Ҳеч-да. Керак бўлса шу ердан тушавер.

— Мўридан-а?

— Эшикдан кирсанг, ойим кўриб қолади.

Бакрайиб қолганини кўриб, кулгим қистади.

— Сени қараю... Мен мўридан ҳар куни ўн марта чиқиб тушаман-у.

— Сигмасам-чи.

— Сигасан. Тушавер... э, бўлсанг-чи, тушадиган бўлсанг, туш. Мен ҳам учгача санайман. Бир... икки...

Тўйчи кўрқа-писа оёғини мўридан осилтирди, сирғалиб туша бошлади. Белидан юқорига келганда тиқилиб қолса бўладими. «Дод» деб юборди. Кўрққанимдан бирпас эсимни йўқотиб қўйдим. Ҳолсизгина осилиб турган иккита оёққа қараб қолдим. Нима қилиш керак? Бурчакдаги бочкани думалатиб келиб тўнтардим. Устига чиқа солиб жон ҳолатда почасидан торта бошлаган эдим... шими сидирилиб тушди.

— Вой, нега шимимни ечасан? — У оёғини силкитиб бақира бошлади. — Ахир чўнтагимда каптарнинг тухуми бор... Синдирасан!

— Тухумингни бошимга ураманми? Нега додлайсан!

— Нега ўзинг мўридан туширдинг.

— Семизлигингдан тиқилиб қолсанг, мен айбдорманми? Оз.

— Осилма!.. Қўйвор мени, вой, қўлим!..

Мен оёғидан қаттиқ тортган эдим, «тап» этиб елкамга тушди. Иккаламиз йиқилиб кетдик. Тўйчи ўрнидан тура солиб шимини кийиб олди.

— Ҳой, нима тўполон? — Ташқаридан ойимнинг товуши эшитилди. — Нега эшик ёпиқ?.. Рустам, ҳо, Рустам!

Тўйчининг мўридан тушганини билсаларми, роса гап эшитаман. Дарров сезадилар. Ахир афти қоп-қора куяку. Шундоқ билиниб турибди. Энди нима қиламан? Қалламга ажойиб бир фикр келди. Бочкани тўнтариб, ичига Тўйчини киргизиб қўйдим-да, эшикни очдим.

— Ҳа, нима бўлди?.. Ие, бочка нега ўртада қаққайиб турибди.

Шошиб қолдим.

— Ҳалиги... таги тешик экан, тузатмоқчиман.

— Тузатадиган одам эшикни занжирлаб тузатадимми?.. Бу нимаси, бу кимники, — дедилар ердаги дўппини кўрсатиб. Тўйчиники тушган экан.

— Бу... бу Тўйчиники...

— Ўзи қани?

— Ўзи... ана, — дедим бочкани кўрсатиб. — Ҳалиги... хи... Ичига кириб ёригини кўряпти.

— Вой, ойи... Тўйчи акам бочканинг ичида ўтириптилар, — деб юборди Доно мўралаб.

Ойим қошларини чимириб бирпас менга қараб турдилар-у, Донони етаклаб, индамай чиқиб кетдилар. Биламан: бир нарсага ишонмасалар доим шунақа қилдилар.

Тўйчи бочканинг тагидан аранг чиқди. Қўли билан биқинини чангаллаганича ўчоқ олдидаги тўнкага тумтайиб ўтириб олди. Иккаламиз ҳам анчагача жим қолдик.

— Ўғрига ўхшаб бировнинг мўрисидан қарамаганинга шу галва йўқ эди... — дедим. — Ойимга айтдимми, энди нима бўлсаям бочкани тузатишим керак.

— Тузат...

— «Тузат» эмиш. Сенсиз ҳам биламан буни.

— Ҳа, бўлмаса менга нима дейсан? Мен тузатиб берайми?

— Э, тузатиб бер, деб сенга биров ялиняптими? Қўлидан келмайди дейсанми?

— Келса, қил.

— Қиламан, — дедим тутақиб. — Сенга ўхшаб мих



қоқишу арра тортишни ўрганадиган тўгаракка қатна-  
масам ҳам, тузата оламан. Жа билагонлигингни пеш  
қивурма!

— Қим билагонлигини пеш қилди?

— Сен!

Тўйчи дик этиб ўрнидан турди-да, югуриб чиқиб  
кетди. Аламимдан қўлимдаги болғачани улоқтирдим,  
йиглаб юборай деб уйга кирдим-у, ўзимни таппа кара-  
вотга ташладим.

— Рустам, нега ётибсан, чой ичмайсанми? — Нариги  
уйдан ойимнинг товуши эшитилди. — Аданг келдилар,  
чиқ.

— Нима, тоби йўқми? — хавотирланиб сўради  
адам, — эрта ётипти.

— Йўғ-э, кунбўйи бочка тузатди, чарчагандир-да,

— Э, шундоқ де... яхши... Кечаги шолини ўшанга  
сола қол. Қоп бировники эди...

— Сабр қилинг... Битсин аввал...

Буни эшитиб, бир аламим минг бўлди. Ирғиб ўр-  
нимдан турдим. Ҳозир бўлган гапни бирма-бир айтиб  
бераман. Тўйчини ҳам... Йўғ-э, адам шундоқ суюнди-  
лар-ку, ойим халақит бермай, деб овқатни ҳам ҳовли-  
да қилдилар. Бочкани тузатмасам бўлмайди! Шунга  
ҳам ташвишми? Бир ҳаракат қиламан, битади-қўяди.  
Темирни маҳкамлаб, тагидаги тахтасини янгиласам бўл-  
ди-да.

Чойимни ичиб ошхонага кирдим, эшикни занжирлаб  
яна ишга киришдим. Болга билан темирга бир урган  
эдим, ёғочлари тўкилиб тушди. Остидаги тахтани олиб  
катта оқ картонга қўйиб ўлчадим. Кейин ўтган йили  
адам пол учун келтирган энли силлиқ тахтанинг битта-  
сини сугуриб олиб тўрт бўлак қилиб қирқдим уш тўх-  
таб қолди. Битта теша билан нима қилиб бўлади. Ўй-  
лай бошладим... Тўйчида бор, сўрасаммикин?.. Йўғ-э,  
ялиняпти, деб ўйлайди у.

Нима қилишимни билмай, ҳовлига чиқдим, ошхона-  
га кирдим. Ҳеч бало ўйлаб тополмадим. Тўйчи билан  
ўзимиз ясаган телефонда гаплашмоқчи ҳам бўлдим. Ке-  
йин Доно эсимга тушиб қолди. Иккита суратли китобча  
бериб алдай бошладим.

— Менга қара, Доно, сенга-чи, яна китоб бераман,  
хўнми?

— Хў-ў-ў-п.

— Ҳм... Бир нарса айтсам, қиласанми?

— Қиламан...

— Юр.

Телефон қилдим. Тўйчи «алло-алло» дейиши билан телефон қулогини Донога тутдим.

— Ма, адам рандайизни бериб турсин дедилар, дегин.

— Ма, адам рандайизни бериб турсин дедила... Рустам акам. — Овозининг борича бақирди Доно.

Жон-поним чиқиб кетди:

— Ўл дедила!

— Ўл дедила, — деб юборди Доно кўзини мендан узмай. Ҳаммасини расво қилди. Эси наст қиз! Ёш бола бир ишга аралашдим, бузмай қўймайди. Қўлидан телефонни тортиб олиб илиб қўйдим.

Қайтиб ошхонага кирдим. Шу топда бочка кўзимга бало бўлиб кўринди. Ўрнимдан туриб тепиб юборгим келди... Ўтирдим. Ўйлай бошладим. Қанча ўтирганимни билмайман. Бир маҳал мўридан аллақандай тугунча тарақ этиб тушса бўладими. Қўрққанимдан ўрнимдан туролмай қолдим. Кейин, жуда анчадан кейин ўзимга келиб, секин бориб тугунни очдим. Очсам... ранда, мих, искана. Ҳеч нарсага тушунмадим.

Бир маҳал эшикдан Тўйчининг ўзи кириб келди. Кўриниши анча жиддий эди. У худди ҳеч нарса билмагандай, бепарволик билан рандани кўлига олди. Тахталарни силлиқлай бошлади. Мен ушлаб турдим. Иккаламиз ҳам гапиришни хоҳлардик-ку, лекин нимадир халақит берарди. Унга тик қарашга ботина олмасдим.

— Елимнинг борми? — деб сўради Тўйчи менга қарамай.

— Қанақа елим?

— Елимдақа елим-да. Тахталарни бир-бирига елимлаш керак, бўлмаса бўлмайди.

У гир этиб уйдан пачоқ консерва банкада елим ҳам олиб чиқди...

Бочкани тузатдик. Шолини унга ағдариб, қопни бўшатиб қўйдик. Буни кўриб адамлар эртасига асбоб-ускуна олиб бермоқчи бўлдилар.

— Менга қара, Тўйчи, бир иш қиладиган бўлсак, ке, бирга қиламиз-а. Хоҳласанг-чи, эртагаёқ сават тўқишни ўргатиб қўяман. Келасанми?

— Майли, — деди Тўйчи.

Тўйчи асбобларини йиғиштириб, қўлтигига қистириб олди. Худди қизиқ бир гап айтмоқчи бўлгандек,

лабини қимтиб жилмайди, эшик олдида тўхтаб, менга ўгирилди.

— Келаман-у... лекин у ердан эмас, — деди мўрини кўрсатиб. — Эшикдан. Хўпми?

## ДАРЕ

Сўқмоқ йўлдан арава ўрмалайди. Намат қалпоғини қошигача бостириб, чопонига ўралиб олган аравакаш чол бедага ёнбошлаб мудрайди; ахён-ахён от жиловини силтаб эринибгина «чуҳ» деб кўяди. От ҳам эгасидан беипбаттар экан. Бошини оғир-оғир силкиб аранг оёғини судрайди. Хунобим ошиб кетди. Тавба, қўлидаги қамчинни савлатга кўтариб юрибдими бу одам? Отга босса-чи! Бунақада эрталабгача ҳам етмаймиз-ку. Айб ўзимда. Редакциянинг топшириги билан чўлдаги совхозларнинг бирига кетаётган эдим. Тайёр машина турган жойда қаердан ҳам пичан ортган мана шу фалокат оёғимнинг тагидан чиқиб қолди-ю, кап-катта одам, болалигим тутиб, пичанга ағанаб кетаман, деб аравага тушиб олдим. Мана энди сал кам бир соатдан бери йўлдамиз, назаримда бу йўлнинг охири йўққа ўхшайди. Ота, қамчиланг отингизни, дейишга тил қани. Ишинг жадал экан, нима қилардинг аравага миниб, демайдими. Ташида индамас-у, бир карра дилидан ўтказиши турган гап. Энди умидим катта йўлда. Зора бирон ўткинчи машина кўриниб қолса. Қоронғи бўшлиққа тикиламан, йўқ, аччиқ куз шамоли кўз очирмай чўлни бошига кўтариб гувиллайди. Ярим йўлдаёқ тишим-тишимга тегмай қолди. Плашимнинг ёқасини кўтариб, оёғимни пичаннинг орасига тикиб олдим. Муздек бир нарса юзимга тегиб этим жимирлаб кетди.

— Ота, отни қамчиланг, — дедим секин, — ёмғир томчилаяпти. Пичан ивиб кетади.

Чол индамади.

— Жониворга озор беришнинг ҳожати йўқ, мулла, — деди ниҳоят, осмонга қараб, — сийрак булут, томчилаб ўтиб кетса ажаб эмас.

Ёмғир баҳона бўлиб, зора жадалласа деган умидда эдим, йўқ, бу умидим ҳам пучга чиқди. Кап-катта одам ўзининг тамизи етмагандан кейин нима деб қистайман. Икки боғ пичанни устма-уст қўйиб, панасида мизгимоқчи бўлиб турувдим:

— Парво қилманг, мулла, — деб қолди чол осмонга яна бир қараб, — куз ҳавоси бир ёқдан «шир» этиб, бир ёқдан очилиб кетаверади. Мен сизга айтсам, мулла, сағалкам қирқ йилдан бери арава ҳайдайман. Не-не кунлар ўтмади, не-не сел, довулларда юрмадим, шунда ҳам отга озор берган одам эмасман. Отга қамчи урганнинг қўлига чиққон чиқсин.

Ана холос, шу ҳам гап бўлдим. Энсам қотиб чолга тескари ўтириб олдим.

— Баққа келинг, мулла, — деди чол менга ўгирилиб, — шу тонда бир нарса ёдимга тушиб кетди, бояги гапнинг боисини айтиб берай, келинг.

Биров бўйнимга сиртмоқ солиб судрагандай зўрга ўрнимдан туриб чолнинг ёнига чўккаладим.

— Мен сизга айтсам, мулла, отда гап кўп, — деди чол хаёлга толиб, — от инсон боласининг йўлдоши деганлари ҳақ гап. Қизиқ бир воқеанинг шохиди бўлмаганимда эҳтимол мен ҳам отга бунчалик ихлосманд бўлмасмидим. Босмачилар қурт-қумурсқадай ўрмалаб юрган кезлари эди. Ҳали у қишлоққа ўт кетган, ҳали бу қишлоқ талон-тарож, айниқса, Амударё бўйидаги аҳоли кўп азият чекарди. Босмачилар бугун бу қишлоқни босса, эртасига бошқа қишлоқнинг кулини кўкка совурарди-ю, ўн-ўн беш кун қаёқларгадир йўқолиб кетиб яна кўкқисдан пайдо бўларди. Бир марта изма-из қувиб, Қизилқумда адашиб қолдик. Ёз пайти эди. Қум барханлари қайнар, иссиқ ҳаво нафасни бўғар, бунинг устига сувимиз ҳам тугаб қолаёзган эди. Йўл излаб роса бир ҳафта қум гирдобиде қолиб кетдик. Жангчилар ҳаддан ташқари чарчаган, отлар ҳориган. Ҳаммадан ташналик эзарди. Бир куни ҳориб-чарчаб келиб энди қумга чўзилган эдик, олисдан, барханлар орасидан, галати қичқириқ эшитилди. Аввалига, бу бари асабнинг бўшашганлигидан деб кўя қолдик. Ўзингиз ўйланг, инсон юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган саҳрода одам боласи нима қилади? Бироқ, овоз кетма-кет такрорлангач, сакраб отга миндик. Кимдир ёрдамга чақираётгани аниқ эди.

Сарсон-саргардонликдан сўнг бир барханга чиқувдик, узоқдан отлиқ кўринди. Яқин боришимизни ҳам, бормаслигимизни ҳам билолмай қолдик. Отлиқ — хабашдек қон-қора, кўзлари чақчайган бир бола эди! Тавба, бу нима сир, саробми ё шум саҳронинг найрангими? Қани биттамыздан садо чиқса. Отлиқ бизни кўриб тўх-

тади. Нима қилишни билмай бошимиз қотиб қолди. Ким билади, борди-ю, босмачилар юборган бирор ай-гоқчи бўлса, унда бизни кўрган ҳамон қочмасмиди. Ҳар эҳтимолга қарши бошқа жангчилар жой-жойларида қолиб, ёлғиз ўзим яқинроқ бордим.

— Кимсан? Отинг нима? — деб қичқирдим, — бу ерларга қандай келиб қолдинг?

— Отим... Мурод! — деб жавоб берди бола.

То ҳушимни ўнглаб олгунимча бўлмай ўзини отдан ташлаб йиқила-сурила менга қараб югурди. Отдан тушдим. Бола югуриб келиб мени кучоқлаб олди. У энтикар, оппоқ тишларини кўрсатиб телбаларча кулар, кўзлари жиққа ёш эди. Боланинг бутун вужуди титрарди. Негадир ўзимнинг ҳам ўпкам тўлиб кетиб кўзимни артиб олдим.

Қўл силкитдим. Бирин-кетин жангчилар етиб келишди. Бу бола ким, қандай ният олиб келган уни бу оч сахрога? Ҳозир бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди, бу ҳеч кимни қизиқтирмасди ҳам! Биров сўнгги қултум сувини, биров тишининг ковагида асраб юрган сўнгги бир бурда нонини, хуллас, кимнинг нимаси бўлса болага тута кетди. Бу бола, жонидан-жаҳонидан кеча бошлаган одамларга, назаримда ҳаёт нафасини олиб келди, ҳар юракда лопиллаб турган умид чирогини бирдан чарақлатиб юборди-ю, сахро дашти ҳам, очлик ва ташналик ҳам бирпасда ёддан кўтарилди. Ҳаяжонимизнинг чеки йўқ, қувончимизга беноён сахро ҳам тор эди. Шунанга бўларкан ўзи, бир келган бахт бошқасини етаклаб келавераркан. Бола фақат овунчоқ эмас, нажотчимиз ҳам бўлиб чиқди. У Амударё ёқасидаги қишлоқларнинг биридан экан. Ота-онаси ёшлигида ўлиб кетиб, бобосининг қўлида қолган экан. Бобоси ўткир овчи бўлиб, кўпинча неварасини ҳам отга мингаштириб овга олиб чиқаркан. Эҳтимол, боланинг сахро сирларини бунчалик яхши билишига сабаб ҳам шу бўлса. Бундан бир неча кун аввал қишлоқни босмачилар босибди-ю, кекса овчининг отини тортиб олишибди, бироқ, от олдидан келганини тишлаб, орқадан келганини тепиб, ҳеч кимни яқинига йўлатмабди. Бу қўрбошига алам қилиб кетиб, бечора овчини шу ердаёқ отиб ташлабди ва отни ўргатиб олиш ниятида бола билан қўшиб олиб кетибди. Йўлда қизил аскарларга учраб, босмачилар ўзларини қум ичига уришибди.

— Бир ҳафтадан бери ҳаммаси овора, биронтасини

миндиргани йўқ. Дарё! — деди бола отни эркалаб, сўнгра қўшиб қўйди: — Буни бобом билан кичкина тойчалигида дарёдан тутиб олганмиз, дарё тошганда кечаси оқиб келган. Шу-шу оти ҳам Дарё, бу номни мен қўйганман.

От кишнаб, ер тепиниб қўйди. Оёқлари узун, пешанасида шапалоқдек қашқаси бор, булутдек бу от аллақачон ҳамманинг юрагини ўғирлаб қўйган эди. Болани газандалар чангалидан олиб чиққан шу от экан. Қаерга ҳам қочарди, юмушимизни қилиб юрсин, деб босмачилар болага тегишмапти, отни эса боглаб қўйишибди. Шу бугун ярим тунда бола чўчиб кўзини очса, Дарё арқонни узиб келиб унинг тепасида турганмиш. У сапчиб ўрнидан турибди-ю, отга миниб қочибди. Мудраб ўтирган соқчи сезиб қолиб талмовсираб ўқ узибди. Икки-уч босмачи кетидан қувибди. Бироқ етолмай ярим йўлдаёқ орқасига қайтиб кетибди. Қизил аскарларнинг саҳрода адашиб юрганини эса, бола уларнинг гап-сўзидан сезган экан. Шу яқин орадалигимизни била туриб, босмачилар ҳужумга ўтмай писиб ётиши таажжублантирган эди, йўқ, бунда гап бор экан. Улар ёлғиз ҳаракат қилгани журъат етолмай, ҳали ҳам қишлоқларга тинчлик бермай, изгиб юрган бошқа бир гуруҳ шерикларини кутишаётган экан. Бундан икки кун аввал уларга одам юборилган экан.

Ҳаммаси аниқ бўлди. Икки томонлама ҳужумга ўтиб, бизни саҳронинг ўзида янчиб ташламоқчи. Вақтни бой бермаслик керак эди.

— Улар олисдами? — деб сўрадим боладан. — Тахминан қаерда? Қанча юрилади?

Бола пешанасига қўлини тутиб ён-атрофга синчиклаб қарай бошлади ва олисда, кун ботарда учиб юрган бургутларни кўрсатиб:

— Ана, — деди, — ўша ерда. Бургут ўлжасини сезса тепасида айланаверади.

Қарасам, бизнинг тепамизда ҳам бир галаси оғир-оғир қанот қоқиб сузиб юрган экан.

Йўлга тушдик.

Қимсасиз саҳрода хабашдек бу боланинг пайдо бўлиши қанчалик тасодиф бўлса, кўққисдан қилинган ҳужум ҳам босмачиларга шунчалик кутилмаган бўлиб чиқди. Биронтаси қочиб қутула олмади! Йўлда қайтиб келаётган чопарни ҳам учратдик, қочиб қутулмоқчи

эди, мерган боланинг битта ўқи билан отдан қулади.

Аmmo у негaдир ёлгиз эди. Шерикларини тополмаганми, ким билади.

Икки кун қум кечиб, ниҳоят дарё ёқасига чиқиб олдиқ. Энди газандаларнинг яшириниб юрган сўнгги кичик бир тўдасини ҳам тезроқ тошиб қўлга тушириш керақ эди. Бирок, улар қаерда, кимнинг паноҳида жон сақлаб юрипти, билиб келсин, ундан ҳеч ким шубҳаланмайди, деб Муродни чекка бир қишлоққа жўнатдиқ. Босмачиларни гумдон қилиб бўлгач, болани қишлоққа олиб кетиш фикрим ҳам йўқ эмасди, мулла. Бирок тақдир раво кўрмаган экан.

Аравакаш огир хўрсиниб, бирдан жим бўлиб қолди. Аввалига малол келган ҳикоя аста-секин хаёлимни ола бошлаган эканми, хунук бир нарсанинг шарпасини сезгандай, галати бўлиб чолга қарадим.

— Хўш, уёғи-чи, нима бўлди, — деб сўрадим сабрим чидамай, — бола қайтиб келдимиз?

У жавоб ўрнига кўзларини юмиб олди. Шу зайлда анчагача жим кетдиқ. Чўл шамоли шаптидан қайтди. булут тарқаб, осмоннинг бир чеккасида хирагина юлдуз кўринди. Олисида битта-битта чўл чироқлари милтирай бошлади. Катта йўлдан вағиллаганча кўз қамаштириб машина ўтиб кетди.

— Қайтиб келди-ю, лекин... — деди чол маъюсланиб, кейин ганини давом эттирди: — Тонг саҳарда Дарёнинг бесаранжом кишиаб, ер тепиниши уйғотиб юборди. От бизни кўриб тинчиди. Бирок биронтамиз ҳадеганда эс-хушимизни йиғиб олиб, отга яқин боролмадиқ. Бола эгарни маҳкам чағгаллаб ётар, чаккасида бир қатра қон қотиб қолган эди. Отнинг чап сонидан қон томар, вафодор жонивор бу гал ҳам эгасини бир балодан олиб чиққан-у, бирок газандаларнинг шум ўқидан асрай олмаган эди!

Муродни дарё бўйидаги баланд тепаликка дафн этдиқ. Буни қаранг, ҳамма ўз гами билан бўлиб пайқамабди. Одамлар орқасидан оқсоқланиб келаётган отга кўзим тушиб, ҳайрагда қолибман. Ёнирай, жониворнинг кўзидан ёш оқарди!

Эгасиз от йўқолиб қолишидан чўчиб, қайтиб келишимиз билан панароқ ерга боғлаб кўйдим. Жонивор туриб-туриб бирдан кишнаб юборар, ер тепинар, кўзлари ола-кула бўлиб ёнчерига қарарди-ю, гала-говур ичи-

дан ўзига таниш, қадрдон товушни эшитмоқчи бўлгандай, қулоқларини диккайтириб жимгина туриб қоларди. Ўша куни на емга қаради, на сувга.

Вақт тиғиз эди. Жароҳатланган отни уринтиргани кўзимиз қиймай, йўлга чиқиш олдидан бир деҳқонга бердик.

...Босмачилар биздан қочиб, дарё кечаётганида чўкиб гарқ бўлди, уларнинг тўдаси ҳам тугади. Шерикларим уй-уйига, тугилиб ўсган қишлоқларига тарқай бошлашди. Қайтишда, жониворнинг жароҳати оғир эди, нима бўлдийкин, бир хабар олай, деган хаёлда деҳқонга учрадим.

— Бир ҳафтача туз тотмади,— деди деҳқон,— уч кун аввал хабар олгани кечқурун оғилхонага кирсам, от йўқ, арқонни узиб қочибди. Қидирмаган жойим, сўрамаган одамим қолмади, иним, омонатингизни сақлай олмадим. Эвазига нима сўрасангиз сўранг, фақат рози бўлсангиз бас.

Мен отни олиб кетиш учун эмас, шунчаки йўл устида кирган эдим, от таг-туғи билан сизники, бахтингизга топилсин, дея чол билан хайрлашдим-у, боланинг мозорини зиёрат қилиб кетиш ниятида дарё ёқасидаги тепаликка бордим. Қай кўз билан кўрайки, от эгасининг қабри устида чўзилиб ётарди. Шунақа, мулла, отда гап кўп экан, от вафодор жонивор, мен сизга айтсам, ия... буни қаранг, гап билан бўлиб, келиб қолибмиз. Йўлингиз қай томонга, мулла?

Қарасам, дарҳақиқат, арава совхознинг машъалдек чарогон кўчаларининг биридан ўтиб бораётган экан.

## МЕН ВА ЎРТОҒИМ

Соли иккаламиз мактабдан чиқиб келаётган эдик. Бирдан жиннилиги тутиб, дўшшимни олиб қочди. Кетидан қувиб кетдим. Менга қараганда Соли анча чаққон ва абжир эди. Тойчоқдек ирғишлаб дам кўчанинг у бетига ўтади, дам бу бетига. Менинг етиб келишимни жўрттага кутади-да, ушлай деганимда тутқич бермай яна қочади. Бир маҳал кўчанинг ўртасида туриб дўппини осмонга отди. Мен ҳаллослаб етиб келдим. Иккаламиз осмондан кўз олмай ўлжага шайланган бургутдек энди дўппига чанг соламиз деб турган эдик, муюлиш-



дан самосвал машина чиқиб қолди. Йўлқадан ўтиб бо-  
раётган бир аёл жонҳолатда «қочинглар», деб қичқир-  
ди. Мен у томонга, Соли бу томонга қочиб улгурган  
бўлсак ҳам шофёр шошиб қолди. Машинани тўхтата-  
ман деб чапга бурган эди, кўлмакдаги сувни сачратиб  
юборди. Аёл негадир вой деди-ю, кўллари билан юзи-  
ни бекитиб олди. Шофёр машинани тўхтатиб, пастга  
тушди.

Нима гап деб, йўловчилар тўхтади. Мен лип этиб  
машинанинг орқасига ўтдим-да, ўзимни жин кўчага ур-  
дим. Оёғимни кўлимга олиб чопяпману, назаримда би-  
ров гарданимдан чангаллаётгандай дам-бадам орқамга  
қарайман. Бахтимга ҳеч ким йўқ. Бир неча кўчани ай-  
ланиб уйимизнинг орқасидаги майдончага чиқсам, Со-  
ли садақайрағоч тагидаги майсада ёнбошлаб ётибди.

— Қойилман-ей,— деди ўрнидан туриб,— нима ба-  
ло, кармисан. Қоч дейман, қани эшитсанг. Қўлга ту-  
шиб кетдинг, деб ўтирган эдим. Ҳеч ким қувдими?

— Йўқ,— дедим секин ёнига чўккалаб. Оёқ-қўлим  
хали ҳам дир-дир титрар эди. Солига қараб ўзимни бир  
оз босиб олдим. У ҳеч нарса бўлмагандек бепарво эди.  
Папқасини бошига ёстиқ қилиб яна майсага чўзилар-  
кан:

— Хўп қутулибсан-да,— деди,— бўлмаса шофёрдан  
бир шапалоқ ердинг, дўппи қани?

— Сенда!— дедим.

Соли негадир юзимга узоқ қараб турди-да:

— Эсинг жойидами?— деб кулди.

— Ҳа?!

— Мен қочганда, дўппинг осмонда эди-ку!

— Ҳазилингни қўй,— дедим.

— Э, бор-ей,— Соли менга қараб кўл силтади.—

Ишонмасанг ана, папқани тит, чўнтагимни қара.

Бўшашиб кетдим. Тамом, расво бўлдим. Ўша ерда  
қолгани аниқ. Ўзимники бўлса майли эди. Дўппи укам-  
ники эди... Бундан Солининг хабари бор. Зўрлаб кий-  
дирган ҳам ўзи. Эрталаб чой ичиб бўлишим билан ҳов-  
лиқиб чиқди-да, бозорнинг оғзида тир очилибди, томо-  
ша қиламиз, деб шоширди. Ҳа, майли, деб кийиндим,  
қарасам дўппим йўқ. Қидирай деб, уйга кириб кетаёт-  
ган эдим, Соли кечикамиз, деб, укамнинг янги дўпписи-  
ни қозикдан олди-да, ейилиб қолмайди, деб бошимга  
илди.

Бирдан тутатиб кетдим.

— Нима қиламан энди, хўш?  
— Қўявер, — деди Соли бепарво, — бош омон бўлса,  
дўппи топилади.

— Хўш, укам-чи?

— Нима укамг?

— Сўраса нима дейман?

— Ие, шунга ташвишми? — деди Соли ва хиринглаб кула бошлади. — Хўп десанг, болохонада эски шляпа бор. Дадамники. Бераман. Укамг маҳалладаги чурвақаларнинг ҳавасини келтириб кийиб юради.

— Ўзинг кий!

— Ҳа, эй, — деди Соли кўзлари ола-кула бўлиб, — нега бақирасан. Ҳазилни биласанми?

— Сен биласан, — дедим жаҳлим чиқиб, — сен биласан! Ҳазилингни деб машина тагига кириб кетишимизга оз қолди. Бир бечора аёл яхшилик қиламан деб, янги атлас кўйлаги, қўлидаги сирень гули жиққа лой бўлди. Гулни битта-яримта касалга олиб кетаётган бўлса керак.

— Нима, жўрттага қилибманми? — деди Соли қовғини солиб. У аёлнинг кўйлаги лой бўлганидан беҳабар, шошилишда ҳатто қўлидаги гулни ҳам кўрмаган бўлса керак. Соли негадир хаёл суриб қолди. Мен ундан ҳали ҳам хафа эдим. Тоза таъзирини бермоқчи эдим-у, бироқ хомушлиги учун индамадим. Соли анчадан кейин бир нима демоқчи бўлиб менга ўгирилди. Негадир дик этиб ўрнидан турди-да:

— Юр, — деди, — кетдик.

Соли олдинда, мен эса орқада кетяман. Солининг бояги шўхлигидан асар ҳам йўқ. Шунча йўл юриб бир оғиз ҳам гапирмади. Уйига етганимизда эса индамай кириб кетди. Фақат шундагина дўппимни йўқолганлиги роса алам қилди менга. Унга нима, кирдикетди. Мен эса эшикнинг олдида юрагимни ҳовучлаб турибман. Эшикдан ҳовлига қарасам ҳеч ким йўқ.

Секин ичкарига кирдим. Дарсхонага ўтдим-да, эшикни ичидан қулглаб қаравотга чўзилдим. Миямдаги ваҳимали фикрларни қувай деб қўлимга китоб олдим. Бўлмади. Юрагим гаш. Нега бунақа? Тавба. Шу битта дўппигами-а? Анҳорнинг олдидан ўтиб кетаётган эдим. шамол учириб, сувга тушириб юборди. дейман, тамом. Укам ҳам, ойим ҳам бир нарса дермиди. Шу фикр миямга келиши билан ўзимни бир оз енгил ҳис қилиб

ўрнимдан турган эдим. деразани биров тақиллатди. Қарасам, Соли.

— Ха?— дедим.

— Бориб келдим, йўк,— деди Соли тўнгиллаб,— битта-яримта олиб кетган.

— Нимани?

— Дўппини-да!

— Эй, қўявер,— дедим. Шу тонда Солининг ўйчан кўзларига қараб негадир раҳмим келиб кетди.— Ташвиш тортмасанг ҳам бўлади. Ҳаммадан бечора бояги аёлга қийин бўлди. Асли қуён бўлмай, қолиб узр сўрасак бўлар экан. Нима, сен билан мени еб қўярмиди. Қайтага севишар эди.

— Рост айтасан,— бирдан афсусланиб деди Соли,— жўрттага қилганимиз йўқ-ку.

— Албатта,— дедим.— Аммо буни аёл билмади-да.

Соли менга қаради, мен унга. Кўзларимиз тўқнашганда галати фикр миямдан ўтди-ю, аммо бу шунчаки бир хаёл деб индамай турган эдим:

— Дўппини топиш энди қийин,— деди Соли,— аммо аёл дўппни эмас-ку!

— Бўлмаса-чи!— дедим.

Бу гап Солини шундай жонлантириб юбордики, ҳатто мени буткул ҳайратга солиб:

— Сен кўчада тур,— деди ҳовлиқиб,— мен ғир этиб уйга кириб чиқаман.

У гизиллаб кириб кетди. Ойимни ҳай-ҳайлаши билан тик турганимча ярим ниёла чой ичдим. Битта кулчани қўйнимга уриб кўчага чиққанимда, эшик олдида Соли турган экан. Қўлида бир қучоқ сирень гул.

— Нима қиласан бунга?— деб сўрадим.

— Қизиқсан-а,— деди Соли гулни иккига бўлиб,— бермаймизми?

— Эсингга келганини қара-я,— дедим қойил қолиб.— бу гулни кўргандан кейин-чи, кечирини уёқда турсин, терисига сигмай суюниб кетади. мана кўрасан.

— Суюмаса ҳам майли,— деди Соли.— кўнглидан чиқарса бас. Шуниси керак. Нима дединг-а?

— Бўлмаса-чи!

Қўлимизда гулдаста. Кўчанинг ўртасидан борянимиз. Ўтган ҳам қарайди, кетган ҳам. Гул ҳамманинг кўзини ўйнатади, айниқса қизларни. Бироқ катта кўчага чиқдик ҳамки қани биронта атлас кўйлакли аёл учраса!

Солининг иккала кўзи чап йўлкада, меники ўнгда, ана учратамиз, мана учратамиз билан боряпмиз-у, ҳеч ким йўқ. Юриб-юриб бир маҳал богнинг олдидан чиқиб қолибмиз. Аввалига иккаламиз ҳам ажабланиб бир-биримизга қараб олдик. Қизиқ-қизиқ билан шунча юрибмиз-а, тавба! Ўзи ҳам оёқда оёқ қолмаганини сада остидаги скамейкага ўтирганда билдик.

— Асли кузатишга шу ер боп экан,— деди Соли,— тўрт томони очиқ.

— Ҳамма шу ердан ўтади,— дедим.

— Тўғри, буниси ҳам бор,— деди Соли ва бирдан ҳовлиқиб ўрнидан туриб кетди.— Ана!

Соли кўли билан кўрсатган томонга қараб қувончимдан ўрнимдан туролмай қолдим. Богнинг ўртасидаги фонтан олдида атлас кўйлакли бир қиз ўтирар эди. У сумкасининг бандини елкасидан ўтказиб олган эди. Сувнинг кокила-кокила бўлиб отилишига хаёлчан қараб ўтирар, ўтган-кетган билан ҳам, сагал нарида аргимчоқ учаётган болаларнинг қий-чуви билан ҳам иши йўқ, гўё бу ерга атайлаб мана шу фонтанни томоша қилгани келгандек, офтобда кўзни олаётган сув маржонларидан нигоҳ узмасди. Ўйлаб қолдим. Ўшами ёки бошқами. Боя тоза кўрққан эканман. Афт-башараси ёдимда ҳам йўқ. Аммо кўйлаги худди шунақа атласдан эканлигини аниқ биламан. Шуниси муҳим-ку. Керак бўлса, дангал бориб сўраймиз-қўямиз. Аммо-лекин бунага ҳам ҳожат йўқ. Ўзи ўйлаб кўрса, худди ўшалиги шундоқ ҳам кўриниб турибди. Аввало, шунча одамнинг ичида битта атлас кўйлак учради— демак ўша! Қолаверса, боғда нега ёлғиз ўзи хомуш ўтирибди, хўш?! Кўйлагига сачраган лойни офтобда қуритяпти, ҳа, худди шундоқ. Бўлмаса нима, томоша қилгани фонтандан бўлак нарса қуриб қолибдими. Юрагим негадир бир орзиқиб кетди-ю:

— Ўша,— дедим.

Соли шубҳалангандек қараган эди:

— Худди ўзи!— дедим ҳовлиқиб.

— Юр,— деди Соли ва ўрнидан турди.

— Сен лип этиб гулни тутасан-у, узр сўрайсан,— дедим,— мен кечира қолинг, опа, деб ялиниб тураман.

— Хўп,— деди Соли.

Солидан икки қадам орқароқда бораётган эдим.

Соли қизга гул тутди, қиз хаёл суриб ўтирган экан. Чўчиб ўрнидан туриб кетди. Шу пайт сочлари ҳурпай-

ган, баланд бўйли бир йигит пайдо бўлди. У қиз билан кўриша туриб, Солига галати бир қараб қўйган эди. Соли илжайганча қотиб қолди. Мен эса, қочолмай, худди биров орқамга тирговуч тираб қўйгандай турган еримга михландим. Қиз йигит билан кета туриб орқасига қаради-да, шарақлаб кулди. Пешонамдан муздек тер чиқиб кетди. Қиз қайтиб келиб Солининг қўлидаги сиреннинг битта кичкина шохини синдириб олди ва йигит томонга чопиб кетди. Бундан кейинги аҳволимизни айтиб ўтирмайман. Садақайрағоч тагида газ сув бор экан, бир стакандан олиб ичаётган эдик, сувчи аёл менга тикилиб-тикилиб:

— Ҳой, ука, бояги сенмисан-а?!— деса бўладими. Мен унга қардим-у, оқ халатидан чиқиб турган атлас қўйлак ёқасини кўриб стаканни тушириб юбордим. Бечора Солининг томоғига газ сув тикилиб қолди. Эс-хушимизни йигиб олгунимизча аёл ичкаридан чиқиб қўлимдан маҳкам ушлади-да, буткага судради. Соли эса орқасига қарамай қочиб қолди. Аёл мени ичкарига олиб кириб, курсига ўтқазди ва жонҳолатда сумкасини тита бошлади. Мен ер тагидан эшикни мўлжаллаб турганимда аёл хитой қозоғга ўралган бир нарсани қўлимга тутиб:

— Ол буни,— деди,— шундай дўппини кўчага ташлаб кетадими одам. Боя машинанинг тагида қолганида ачинганимдан юзимни беркитиб олибман-а. Келиб қоларсан деб ишга кеч қолиб, кўчада роса бир соат кутибман-а!

...Кўчага чиққанимда Соли каттакоп чипорнинг панасига яшириниб мени кутиб турган экан. У дарахтнинг орқасидан чиқди ва бошимдаги дўппини кўриб, бақрайиб қолди. Мен эса хурсандлигимдан ўзимни тутолмай ҳадеб кулар эдим.

Соли бўлса бунинг сабабини тушунолмас, қуён бўлмаганида, қўлидаги гул сувчи аёлнинг буткасини безаб турган бўлар эди.

## АКРОМНИНГ ТОҒАСИ

Дам олиш куни бўлганидан тўпгача думалаб ётдим. Ойим ётаверма, одам ланж бўлиб қолади, деб уришганларидан кейин туриб ювиндим. Наридан-бери чой ичдим. Кеча Акром билан тўпни тепавериб дамини чиқариб юборган эканмиз, пуфлаб роса шиширдим. Кў-

чага чиқиб Ақромларнинг эшигини итарсам, берк. Тақиллатдим, ҳеч ким жавоб бермади. Эшитмаётгандир деб, ботинкамнинг тумшуги билан икки-уч тепдим. Ичкаридан аллакимнинг босиқ қадам олиши эшитилди. Биламан, Ақром бу. Доим шунақа қилади. Ойисига ё дадасига ўхшаб юриб келади-да, эшикни очиши билан «воҳ» деб чўчитади. Тўхтаб турсин, бир таъзирини бериб кўяй. Эшикни очди дегунча тўн билан бошига тушираман. Иккинчи ҳазиллашмайдиган бўлади. Четга ўтиб, тўпни эшикка мўлжаллаб турдим. Бироқ, ҳадеганда эшик очилавермади. Қўлим толиб кетди. Тўпни энди қўлтигимга олган эдим, эшик ғиқ этиб очилди. Жон ҳолатда тўпни эшикка иргитдим, бироқ тўп деворга тегиб, ариққа юмалаб кетди. Кўзларимни катта-катта очганимча турган еримда қотиб қолдим. Қаршимда белбоғини елкасига ташлаган бегона бир киши қошларини чимириб турарди. Бу одамни энди кўришим. Бўйи эшикка тегай деб турипти. Елкалари циркда кураш тушадиган полвонларникига ўхшайди: кенг, бақувват, юз-бўйинлари офтобда қорайган, фақат устара билан қирилган бошидаги дўпписининг ўрни оҳак суркаб қўйгандек оппоқ. Бу киши ким, Ақромларникида нима қилиб юрибди, ҳали ҳушимга келиб сўраганимча ҳам йўқ эди, жеркиб берди:

— Тирмизак, бу нима қилиқ?

— Мен Ақром деб ўйлабман...

— Нима, Ақромда қасд-пастинг борми?

— Кечирасиз... Ҳазиллашмоқчи эдим.

— Эй, ҳазилнинг уйи куйсин, шунақа бўладиган бўлса!

У яна бир марта бошимдан-оёгимгача қараб чиқди-да, мўйловининг учини сўрганича қўл силтаб кириб кетди. Бир зум ўтмай кўзлари ола-кула бўлиб Ақром чиқди.

— Эй, жиннивой, нима қилиб қўйдинг?

— Нима қилибман, копток қўлимдан чиқиб кетди, холос. Ўзи ким?

— Тоғам.

— Қачон кела қолувди?

— Кечаси. Донг қотиб ухлаб ётган эканман, биров оёгимни қитиқласа бўладими. Жон-поним чиқиб кўзимни очсам, тепамда тоғам турибди. Саломимга алиқ олишдан аввал кундалигимни сўраб қолди. Эртага кўринг, десам ҳам кўнмади.

— Ярим кечада атайлаб шуни кўргани келибдими?  
— Ким билади.  
— Кўрсатдингми?  
— Бўлмасам-чи, кўриб: «Ҳа, энди одам бўлиб қолибсан, ётавер, ўзим эрталаб уйғотаман», деди. Энди ухлаган эканман, бир маҳал яна уйғотди. Нима ишингиз бор, бирпас ухлай десам ҳам қўймай: «Тур-е, тонгинг гашти бошқача бўлади», деб қўлимдан судраб ҳовлига олиб чиқди. Маза қилиб ётгандирсан деб, уйингга қараб-қараб қўяман.

— Маза қилганда қандоқ, ўзим ҳам ҳозир турдим, — дедим керилиб, бироқ Акромнинг юмилиб кетаётган кўзларига қараб раҳмим келиб кетди, — қўявер, эртага кетса яна маза қилиб ухлайверасан.

— Қаерга кетади? — Акром ҳовлига бир қараб олиб қулоғимга пичирлади: — Бир ойга отпускага келган. Шу дейман, дунёда ғалати одамлар кўп-да, а!

— Нимайди?

— Дадамлар отпуска олсалар, Қримга бориб дам оладилар. Тоғам бўлса, атайлаб ишлагани келганмиш.

— Йўғ-е!

— Ҳа. Пахта териш машинаси ясайдиган заводга бориб шу машинанинг сирини ўрганармиш. Қалай, қойилми? Баъзи одатлари бўлмаса-ю, тоғам ажойиб одам-а, — деди Акром хаёл суриб. — Уч-тўрт кун бирга бўлган одам ўзининг тоғасидан ҳам яхши кўриб қолади.

Тўгриси, Акромнинг тоғаси менга ёқмади. Ўлгудай кўрсакан. Бунинг устига қовоғини солиб гапирадиган одам экан. Қап-катта бўлиб ҳазилни тушунмагандан кейин бунақа одамдан яхшилик кутиб бўлармиди? Албатта, йўқ. Буни Акромга айтмадим, айтиб нима қиламан, хафа бўлади. Хафа бўлиш ҳам гапми, бутунлай гаплашмай қўяди... Акром бир нима демоқчи бўлиб оғиз очган эди, ичкаридан тоғаси чақириб қолди. «Шу ерда тура тур», деб гизиллаб кириб кетди-ю, зум ўтмай қайтиб чиқди.

— Юр, сени тоғам чақиряптилар.

Юрагим шув этиб кетди. Бояги ҳазилимга роса гап эшитсам керак деб, қўрқа-писа ичкарига кирдим. Тоғаси ўқариққа нўш пиёз экаётган экан. Мени кўриб ариқдан чиқди.

— Қани, йигитча, бери кел-чи, бир танишиб қўяйлик. Отинг нима?

— Турди.

— Ҳа, баракалла, — деди елкамга қўлини қўйиб, — ўзинг анча дуруст болага ўхшайсан, аммо бояги қилингинг... Ҳай, майли, ўтган ишга саловат... Ўртогингдан бир нарсани сўрасам, тузук-қуруққина жавоб беролмаяпти. Ҳа, гап шуки, дарсдан кейин нима қилишларингни билмоқчиман.

Акром иккаламиз кўз уриштириб олдик.

— Дарсдан кейин нима қилардик, уйга келамиз, — дедим. Акром «тўғри» деб бошини қимирлатиб қўйди.

— Мактабда ётиб қолармидиларинг, албатта уйга келасанлар-да, — жавобимдан тоғасининг жаҳли чиқиб кетди, — хўш, ундан кейин-чи?

— Ундан кейин чой ичамиз, — дедим. Тоғаси жавобимдан қониқмаётганини кўриб, секин яна Акромга қарадим. Акром ҳайрон бўлиб, билинар-билинемас елкасини қисиб қўйди.

— Хўш, хўш, ундан кейин-чи?

— Ундан кейин бирпас футбол ўйнаймиз.

— Ҳа, баракалла, кечгача кўча чангитамиз, де?

— Йўқ, тоға, кўчага сув сениб ўйнаймиз, — деди Акром ўзини оқлаб.

Бироқ тоғаси тиззасига шапатилаб шунақа кулдики, кўзларидан ёш чиқиб кетди. Акром ҳам, мен ҳам нима бўлганига тушунолмайд қолдик. Тоғаси анчадан кейин кулгидан ёшланган кўзларини арта-арта уйга кириб кетди-да, елкасига чопонини ташлаб, этигини кийиб чиқди.

— Оббо азаматлар-е, кўчага сув сениб ўйнаймиз. денглар, қани, мен билан юринглар-чи.

Биз қаергалигини суриштирмасдан кетавердик. Гапиргани журъат қилолмасдик. Тоғаси бўлса, ёнида кетаётганимизни бутунлай унутгандай, қўлини орқасига қилиб, ниманидир ўйлаб борарди. Катта кўчадан мактаб томон бурилганимиздан кейин қадамини секинлатиб, бизга қараб қўйди.

— Оббо, сенлар-е, бу, ҳар куни копток тенавериш зериктириб юбормайдими, а? Мактабларингда бирон тўғарак йўқми, қатнашсаларинг?

— Нега бўлмас экан? Бор, — дедим дадиллашиб кетганимга ўзим ҳам ҳайрон бўлиб. — Битта эмас, олтита тўғарак бор. Бултур Акром билан трактор тўғарагига қатнашганмиз.



— Хўш-хўш?

— Гапнинг очиги, энди қатнашмоқчи эмасмиз. Ундан кейин, тўгарак тарқалиб кетай деб турибди, — деди Акром гапнинг ростига кўчиб, — бултур шунча қатнашиб, бир марта ҳам ер ҳайдаб кўрганимиз йўқ. Тракторимиз доим мактабнинг гаражида туради. Ҳайдамагандан кейин ўрганишнинг нима кераги бор?

— Рост, — деб юбордим мен ҳам ўзимни туюлмамай, — баҳорда бир юргизиб кўрганман. Мотори тутун чиқариб, поқ этиб ўчиб қолган.

— Бузуқ бўлса, тузатиш керак, — деди тоғаси.

— Тузатдик ҳам, бўлмади.

Шу билан гап узилди. Тоғаси яна алланималарни ўйлаб кетди. Акром симёғочда қатор тизилиб турган қушларга секин тош отиб кўйди. Мен қўлтигимдаги тўпнинг дамини чиқариб, икки буклаб чўнтагимга солиб олдим ва бултур пахтага чиққанимизни ўйлаб кетдим. Совхоз директори ўшанда ишимизга қойил қолиб, тўгарагимизга битта бузуқ трактор совга қилган эди. Ўшанда болаларнинг севинганини кўрсангиз. Эртасигаёқ тўгаракка олтмиш бола ёзилибди. Бироқ...

— Ҳа, нега ух тортасан? — ажабланиб сўради Акромнинг тоғаси.

— Эҳ, тракторимиз яхши бўлиб, машгулот ўтказадиган еримиз бўлганда-ку... саз бўларди-я... — дедим афсусланиб.

— Гап бунда эмас, — деди у қўлини силтаб, — ҳамма касал ўзларингда. Ҳа, бировнинг тайёрлаб беришига ўрганиб қолгансанлар. Хўш, машгулот ўтказиш учун ер керакми? Ер йўқми?

— Йўқ, — дедик.

— Бўлмаган гап. Эрталаб мактабларингни айланиб келганман. Мактаб орқасида бир танобга яқин ерни ахлат босиб ётибди. Бу нима, ер эмасми?

Рост. Эсимизга келмаганини қаранг. Акром ҳам, мен ҳам жавоб беролмадик. Тоғаси бўлса, ҳа, нега индамайсизлар, дегандай юришдан тўхтаб, бизга қараб турарди.

— Мактаб директори ё ўқитувчилар тозалаб беришини кутиб турибсизларми? Тракторни томошага кўйиб қўйгандан кўра ерни бошлаб ҳайдамайсизларми? Ана машгулот, ер ҳам бекор ётмайди, у-бу экасизлар. ё гапим чаккими?

Нима дердик.

Мактабда қоровул чолдан бўлак ҳеч ким йўқ экан. Қоровул ниятимизни билиб, дарров гаражни очиб берди. Ақром билан мен бир чеккада томоша қилиб турдик. Тоғаси тракторнинг уёқ-буёғини очиб кўра бошлади. Мактабга кирганимизни кўришган эканми ёки қоровул чол айтганми, мактаб атрофида турувчи болалар ҳам гаражга бирин-кетин бош тикиб мўралай бошланди. Кимдир... «устага ўхшайди», деб қўйди секин.

— Тракторларингнинг баъзи қисмларини янгилаш керак, холос, — деди тоғаси ташқарига чиққанимиздан кейин, — бўлмаса, бундоқ қилсак, тракторни тузатиш, хўш, директор билан гаплашишни мен бўйнимга олсам. Сизлар эртага ўқишдан кейин болалар билан бир ўзаро гаплашиб олсаларинг. Гап пухта бўлсин. Ишни тўппа-тўғри трактор ҳайдашдан бошласак. Хўпми?

Кўндик. Ақром «тоғам қалай», дегандай менга қараб қўйди. Мен унинг «икки-уч гаплашган одам ўзининг тоғасидан ҳам яхши кўриб қолади», деган гапларини эсладим.

— Қани, тирмизак, тўпингни ол-чи?

Биров устимдан муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Яна бояги воқеа эсига тушди шекилли, деб турсам, йўқ, тўпни олди-да, ўзи пуфлаб шиширди, кейин роса ўйнадик. Уйга қайтиб келганимизда Ақромга секин «юр, ўйнаймиз», деб шипшиган эдим, тоғаси эшитиб қолди.

— Ҳар нарсанинг вақти бор, ука, — деди жиддий, — ҳа, энди бундан буёғига ёш бўлавермайсанлар. Ўйлаб иш қилинглар.

Мен чиндан ҳам ўйлаб иш тутгани тўшимни қўлтиқлаб уйга кириб кетдим.

## ДАМ ОЛИШ КУНИ

Дам олиш куни эди. Бирпас ўйнай деб Шокирларни-кига кирсам, айвоннинг зинасида қовоғини солиб ўтирибди.

— Ҳа? — дедим ёнига ўтириб. — Нима бўлди?

— Ўзим... — деди уҳ тортиб, — айтганим билан бари бир тушунмайсан.

— Вой-бўй, нега тушунмас эканман?

— Хўп, тушунсанг, қани, айт-чи, — деди. Шокир менга қараб, — масалан борди-ю...

— Хўш?

— Синглингдан ҳеч нарсани аямасанг-у, у ўлгудек ўжар бўлса. Қани, айт, нима қилардинг?

— Менми? Мен, — ўйлаб қолдим, — бу ёмон одат, бу одатингни ташла, дердим. Яна ўжарликка қарши ёзилган китобларни ўқиб берардим.

— Хўш, унда ҳам бўлмаса-чи, — деди Шокир қизишиб, — унда нима қилар эдинг?

— Ундами? Унда энди ўзингдан кўр, деб дангал урардим! — дедим тоқатим тоқ бўлиб.

— Ҳа, яша! — деб қўлимни ушлаб олди Шокир қувониб. — Мен ҳам ҳозир синглимни уйга қамаб роса урдим.

Қарасам, уйнинг эшиги берк. Ичкарида Юлдуз пиқниқ йиглаяпти. Буни эшитиб галати бўлиб кетдим. Қиз болани ҳам уриб бўладими, демоқчи эдим, гапимни эслаб, тилимни тишлаб қолдим. Бусиз ҳам Шокир диққат эди. Юрагидаги дардини яширгани билан бари бир изтироб чекаётгани шундоқ юз-кўзидан кўриниб турибди. Иккаламиз ҳам индамай ўтирган эдик, Шокир йигламсираб:

— Расво бўлдим, — деди секин, — биттага ўнта қўшиб дадамга айтади.

— Албатта айтади-да, — дедим, — асли тутиб олиб уришдан аввал яна бир марта яхши гапириб кўрсанг бўларди.

— Бўлмади-да, — деди Шокир қўл силтаб, — бўлмади, ўртоқ. Ўтин ёриб бер дегин, ёриб берай, сув ташигин дегин, ташиб берай, нега энди мен гуручнинг курмагини терарканман, — дедим. Йўқ, ўжарлик қилиб



кўнмади. Мен кир юваман, ҳовли супураман, сен курмак терасан, деб туриб олди. Бир тоғора гуруч-а! Нима, менга зарур кептими!

— Шуни айт, — дедим. Чиндан ҳам ҳозир Шокирга раҳмим келган эди. — Нима, бошқа қиладиган ишинг йўқ эканми?

— Ким билади! — деди Шокир жаҳл билан эшикка қараб. — Индамаган сари елкага чиқади. Аядим. Асли қонга солиб савалаш керак эди.

Шокир тутоқиб ўрнидан туриб кетди. Қўй демасам. ҳозир яна ичкарига кириб синглисини дўппослашдан тоймас эди.

— Менга қара, — дедим тирсагидан ушлаб, — қиз бола билан олишиб нима қиласан, қўй. Яхшиси, алдаб-сулдаб йўлга солиш керак. Қиз бола лақма бўлади. Бир оғиз ширин гап айтсанг бас. Шилқ этиб тушаверди. Ишонмайсанми, мана ҳозир кўрасан.

Шокир бир оз тинчланиб жойига ўтириши билан эшикка яқинроқ бориб;

— Юлдузхон, — дедим мулойимлик билан, — буёққа чиқ, синглим.

Бир оздан сўнг эшик секин очилиб, кўйлагининг ени билан кўзларини арта-арта Юлдуз чиқди. У ҳали ҳам ўпкасини босолмай энтикиб қўяр, кўзлари эса қинқизариб кетган эди. Шокир ер остидан хўмрайиб қўйди-ю, аммо индамади. Мен гапни нимадан бошлашимни билмай турган эдим:

— Нима дейсиз? — деди Юлдуз.

Мен дарров гинахонликка ўтиб:

— Бу қандоқ бўлди, синглим, — дедим, — одам ака-сига ҳам иш букурадими?

— Акани биладими! — деди Шокир тўнғиллаб. — Унга маҳмаданагарчилик бўлса бас.

Шундан кейин мен гапни илиб кетдим. Одам деган завқланса борми илҳом деган нарса ўзи келавераркан. Ҳар гапларни гапирдим, ҳар гапларни гапирдим, фақат Шокир эмас, ўзим ҳам ўзимга қойил қолдим. Акани ука, укани ака ҳурматлаши лозимлиги ҳақида чала-чулна ўқиган китобларимдан қатор-қатор мисоллар келтириб ташладим. Қани Юлдуз гинг деёлса! Ҳатто ердан бошини кўтаролмай қолди.

— Шунақа, синглим, — дедим хулоса ясаб, — ука акадан фақат илтимос қилиши мумкин. Борди-ю, ака

укасининг илтимосини бажармаса, унақа акани боридан йўғи яхши. Тушундингми?

— Тушундим, — деди Юлдуз ҳиқиллаб ва бошини кўтарди, — бўлмаса, илтимосим бор.

— Марҳамат.

— Ошхонада ярим қоп гуруч бор эди. Ўшани отхонанинг томига олиб чиқиб берсанглар.

— Бу бошқа масала, — дедим дарров ва Шокирга қарадим.

— Ундан кейин-чи? — сўради Шокир шошиб.

— Бўлди! — деди Юлдуз ва пилдираб ошхонага ўтиб кетди.

— Эшитдингми, — дедим Шокирни туртиб, — айб ўзингда. Яхши гап билан-чи, э, ошна, нималар қилса бўлмайди-я! Тур, қопни олиб чиқиб берайлик.

Мен Шокир билан ошхонага кирганимда Юлдуз қопни тўғрилаб кўйган экан. Иккаламиз ярим қоп гуручни инқиллаб-синқиллаб ҳовлининг этагидаги отхонанинг томига олиб чиқдик. Кун тиккага келган эди. Тикилиб қараган кишининг кўзи тинади, ҳатто қўшни ҳовлидаги азим туп ёнгоқнинг барглари ҳам шалпайган, сўлгин. Оғилхонанинг эшигида ётган ола сигир ҳансирайди ва эринибгина думи билан пашшасини кўрийдди. Бироқ бу иссиқ бизга билинмас эди. Кўм-кўк баррадек ўтга думалаб пага-пага булутлар сузиб юрган мовий осмондан кўз узгим келмай қолди.

— Думала, — дедим, — одам осмонга қараб ётса, галати хаёллар келаркан.

Шокир ёнимга ёнбошлаши билан пастда алланима қарсиллаб кетди. Шокир чўчиб бошини кўтарди. Мен эса осмонга маҳлиё бўлиб ётган эдим.

— Тур! — деди бирдан Шокир, — расво бўлдик.

Шокир томнинг лабига бориб пастга қаради.

— Нима бўпти? — дедим эринибгина.

— Нарвон йўқ?

Хаёлларим сочилиб кетиб, ирғиб ўрнимдан турдим.

— Нега?

— Қим билади! — деди Шокир. — Ҳой, Юлдуз, буёққа қара.

Юлдуз секин ошхонадан чиқди.

— Нима?

— Буни сен қилдингми?

— Ҳа! — деди Юлдуз ва қўлидаги дастурхонини буклаб томга ирғитди, — шу гуручни тозалаб беринглар.

Ҳар куни ҳақиллайвериш жонимга тегди. Кейин ўзим парвон қўйиб бераман.

Бу гани эшитиб, турган еримда қотиб қолдим.

— Менга қара, писмиқ! — деди Шокир ўдагайлаб. — Яхшилиқча ҳозир жойига қўй. Бўлмаса худди жигингни эзиб қўяман.

— Вой тавба, илтимос қилсам ҳам-а! — Юлдуз муғамбирлик билан менга қараб қўйди-ю, яна индамай ошхонага ўтиб кетди. Мен лабимни тишлаб тескари қараб олдим.

Шокир худди оёғи куйган товукдай томнинг уёғидан-буёғига югуриб, сўкиб ҳам кўрди. Пўписа қилди ҳам, ялинди ҳам, Юлдуз ошхонада куйманиб юрган бўлса ҳам чурқ этиб овоз бермади. Мен пастга тушишни мўлжалладим. Яқин орада на дарахт бор, на девор. Сакрашни-ку, хаёлга ҳам келтириб бўлмас эди. Шокир сакраб юборишдан қўрққандай томнинг лабига ўтириб тиззаларини маҳкам қучоқлаб олди. Мен ҳам ҳафсалам пир бўлиб, секин унинг ёнига чўккалаган эдим:

— Қойилман, — деди пичинг билан Шокир, — ҳаммасини сен қилдинг. Энди ўтириб курмак тер!

— Нега энди, — дедим аламимни яширолмай, — ошини сен ейсану курмагини мен тераманми?

Роса олишдик. У менга ёпишди, мен унга. Гапирмаган гапимиз, мушт емаган жойимиз қолмай ҳарсиллаб яна томнинг лабида чўққайиб ўтирган эдик, ичкаридан Юлдуз чиқди. Ҳай-ҳайлашимизга ҳам парво қилмай, ҳовли супура бошлади.

— Бу аҳволда бўлмайди, — дедим ҳадеб пастга тикилиб ўтириш жонимга тегиб, — бир нарса ўйлаб топиш керак.

— Ўйлаб топ! Устасан-ку!

— Кесатма, — дедим иложи борича ётиги билан, — бунақада бирлашган ўзади.

— Хўш?

Мен ўйлаб қўйган ҳийламини Шокирнинг қулоғига пичирлаган эдим, у мамнун бўлганидан:

— Бошла! — деди ўрнидан туриб. Мен бошимни чангалладим. Томни у бошидан-бу бошига югурдим ва бирдан «хушимдан» кетиб йиқилдим.

— Ҳой, писмиқ! — деди Шокир. — Бировнинг боласини нима қилиб қўйдинг-а!

— Нима қибман? — деди пастдан Юлдуз.

— Ҳали ота-онасига жавоб берасан, — деди мушту-

мини кўрсатиб. — Офтоб тегиб йиқилди! Нарвонни қўй, мен уни пастга олиб тушай.

Мен ётган жойимда типирчилаб овозимни борича инграй бошлаган эдим, Юлдузнинг қиқир-қиқир кулганини эшитиб музлаб кетдим.

— Ўртоғингга айт, — деди у, — ҳамма қиз болалар ҳам лақма бўлавермайди.

Қандай туриб кетганимни ўзим билмайман. Жон-жаҳдим билан:

— Нарвонни қўй, — дедим, — бўлмаса ҳозир дод дейман!

Юлдуз елкасини қисиб:

— Майли, — деди пинагини ҳам бузмай, — эшитган одам Шокир билан ўртоғи жинни бўпти, дейди.

Жаҳлдан дағ-дағ титраб, яна Шокирнинг ёнига ўтириб қолдим. Офтоб қиздира бошлади. Бояги гир-гир шамол ҳам йўқ. Бошим айланиб, кўзларим тиниб ер тагидан Шокирга қарадим. Унинг икки кўзи жилдираб оқаётган ариқдаги сувда эди. Ташналик мени ҳам жузда эзиб қўйгани учун:

— Ке, — дедим, — тозалаб бера қолайлик.

Шокир жавоб бермади, анчадан кейин сўкинди-да:

— Майли, — деди, — аммо-лекин пастга тушгандан сўнг сен оёқ-қўлини ушлаб турасан, мен ўласи қилиб дўппослайман.

— Бўпти! — дедим. — Жазосини тортсин!

Иккаламиз ҳам роса дўппослашни келишиб олиб, дастурхонга гуручнинг ярмини ағдардик-да, ишга киришиб кетдик. Терлаб-пишиб роса бир соат курмак тозаланимиздан сўнг:

— Дунёда бундан қийин иш йўқ экан, — деб қўйдим.

Шокир ҳам худди шу фикрда бўлса керак, индамади.

Кун новча тераклар орқасига ботганда ишни тугатиб ўрнимиздан турмоқчи эдик, қани белимизни кўтара олсак. Шокир судралганча томнинг лабига бориб:

— Нарвонни қўй, — деди.

— Ҳозир, — Юлдуз қўлидаги бир даста косани ариқнинг четига қўйди, — Дилбарни айтиб чиқай.

Бунни эшитиб томдан сакраб юборай дедим.

— Нима?

— Бир ўзим қўёлмайман, — деди у ва кўчага чиқиб сингдимни бошлаб кирди.

— Вой, ака! — Дилбар кўзларини катта-катта очиб юборди. — Томда нима қилиясиз?

— Исиняпман, — дедим энсам қотиб.

Дилбар билан Юлдуз инқиллай-инқиллай нарвонни тиклашди-ю, бироқ на Шокир қимир этади, на мен. Иккаламизнинг ҳам белимиз шу қадар зирқирар эдики, ўрнимиздан тургудек ҳолимиз йўқ эди.

— Тушасану ушлайсан! — деди Шокир пичирлаб ва судралиб аранг нарвоннинг почасига оёгини қўйди. Бир амаллаб мен ҳам пастга тушдим. Юлдуз эса кўча эшикни мўлжаллаб бир чеккада турарди. У бир мени, бир Шокирни кузатаркан:

— Дилбар, — деди атайлаб, — сен акам ҳеч иш қилмайди, деб нолир эдинг: бўлмаган гап экан. Илтимос қилсанг, шунақа иш қиларканки!

Буни эшитиб Юлдузни маҳкам ушламоқчи бўлиб турган қўлларим ўз-ўзидан шалвираб ёнимга тушди. Шокир эса сингисини дўппослаш ўрнига негадир менга хўмрайди-да, пешонасига бир уриб уйга кириб кетди.

## МУСИЧА

Али банди йўқ эски папкани қўлтиқлаб синфга кириб келганда дарсга энди қўнгироқ чалинган эди.

— Ана ўзи! — деди Наима гапдан тўхтаб. — Тавба, қачон қараса тили оғзига тиқилиб юради-я.

Болалар Алига қараб кулиб юборишди. Али эса довдираб остонада туриб қолди.

— Ҳа, нега куласанлар? — деди ниҳоят гўлдираб, — маймун ўйнапманми?

— Йўғ-э, — деди Наима киноя билан, — ўзинг маймун бўлиб ўйнапсан.

Алининг кўзлари чақнаб кетди.

— Ким маймун?

— Гапни бурма, — деди Наима ҳам қизишиб, — боя нима қилдинг, қани, гапир?

— Нима қилман?!

— Вой товба. Одамнинг кўзига қараб тонади-я!

— Нима, нима дединг? — Али жаҳл билан қўлтиғидаги папкани қўлига олди. — Қани, қани, яна битта қайтар.

Шу пайт синфга ўқитувчи кириб қолмаса, папка Наиманинг ё елкасини қақшатарди, ё бошини. У оғзи



очилиб кетган папкани жаҳл билан қайта қўлтигига тикди-ю, жойига ўтиб кета туриб: «Шошмай тур», деб қўйди.

Дарс бошланди. Аммо ўқитувчининг гапи Алининг қулоғига кирмасди; у жаҳлдан тушмаган эди. Тавба, унга нима-я. Биров сенга тегмагандан кейин сақичингни чайнаб жим юравер.

Али эрта билан папкасини қўлтиқлаб мактабга келаётган эди. Кичкина болалар мусичанинг оёғига ип боғлаб учириб юришган эди. Али улардан мусичани тортиб олди. Ипнинг учига бир варақ қоғоз бойлаб мусичани қўйиб юборди. Мусича қоғозни пирпирак қилиб учиб кетиши билан Али болаларга ўзининг мерганлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлиб ердан тош олди-да, қоғозни пойлаб отган эди, тош қоғозга эмас, мусичанинг қанотига тегди-ю, қуш таш этиб ерга тушди. Шу пайт Наима пайдо бўлиб қолди, бир бобиллаб кетди. Болалар тумтарақай қочишди. Али ҳам, ке, сен билан айтишиб ўтираманми, деб мактабга бурилди-кетди. Энди мактабга келиб болаларнинг олдида Алини ерга уриб, ўзини осмонга кўтармоқчи, писмиқ. Тутиб олиб, ҳеч ким кўрмайдиган жойда бир таъзирини бериш керак.

Бироқ катта танаффусда ҳам, кичкина танаффусда ҳам Наимани ёлғиз қўлга тушириб бўлмади. Уйга ҳам қизлар билан бирга кетди. Али алаmidан чиқолмай уйга келса, жанжалнинг устидан чиқди.

— Ҳа, нима қил дейсиз! — деди онаси. — Мунча энди, аввал кўринг, билинг...

— Йўқотинг, вассалом, башарасини кўрмай, — деди дадаси гапни чўрт бўлиб.

Али бўшашиб йўлакда туриб қолди. У ҳайрон эди, шу пайтгача дадасининг жаҳли чиққанини ё бировга қаттиқ-қурум гапирганини кўрган эмасди.

Айвоннинг зинасига пўстак ташлаб, устида оёғини офтобга тоблаб уқалаб ўтирган бувиси:

— Алижон, буёққа кел, болам, — деди.

— Нима бўлди, буви?

— Мушукнинг жанжали, — деди бувиси, — айвонга чиқ, болам, очиқиб келгансан, чойингни ич.

Алининг кўнгли жойига тушди. Хайрият-эй, мушукнинг жанжали экан. Қурғур мушук ўтган куни онаси ташқарига чиқиб кетганда, қийма тахтанинг устидан катта бир бўлак гўштни илиб кетган эди. Бугун ҳам бир бало қилган, бўлмаса дадасининг жаҳли чиқармиди.

Али наридан-бери чой ичиб, кўчага чиқди-ю, Наималарнинг уйи томонга қаради: қани шу топда чиқса, ҳеч ким йўқ, айни хонаси эди. Анча кутди. Наимадан дарак бўлмади. Ҳатто ланг очиқ турадиган эшиги ҳам аксига бугун ёпиқ эди. Али эшикка кўз қирини ташлаб, икки-уч марта уёқдан-буёққа ўтди. Ниҳоят сабри чидамай, эшикнинг калит соладиган тешигидан секин мўралади. Наиманинг онаси ҳовлида кир юваётган экан. Наима йўқ, демак ҳали келмаган. Қизиқ, ундай деса Наима мактабдан ҳаммадан аввал чиққан эди. Шу пайт:

— Наима, — деб чақириб қолди онаси, — қизим, кирни ёйишиб юбор.

Наима кафти билан кўзларини ишқалаб уйдан чиқиб келди.

— Қўй, қизим, хафа бўлаверма, зора кўзини очса, Ҳали кўриб ўзимнинг ҳам юрагим эзилиб кетди.

Наима чўққайиб кирларни кўлига дасталади-да, эшик олдидаги чизимчага ёйгани кела бошлади. Али ўзини четга олди. Қойил. Бир нарса бўлган, бўлмаса у унча-мунчага йиглайдиган қиз эмас. Ажаб бўпти. Али хурсанд бўлиб, жўнаб қолди. Болалар билан роса ўйнаб, уйга кирганда, ойсиси аллақачон ишга кетган эди. Бувиси ҳассасига энгагини тираб зинада ўтирибди.

— Буви, нима қилиб ўтирибсиз? — деди Али.

— Ўзим, болам, ўзим, — деди бувиси хомуш, — қозонда овқатинг бор, совиб қолмасин, олиб е.

Лекин Али овқатни иштаҳасизлик билан еди. Пап-касидан китоб-дафтарларини олиб, дарсга ўтирди. Тўғрида, дадасининг деразасида чироқ ўчди. Аммо, папироснинг чўғи анчагача кўриниб турди.

— Ойи, келмадимми? — деди дадаси деразадан бошини чиқариб.

— Йўқ, болам, келмади, — бувиси тиззасининг кўзларини уқалай-уқалай ўрнидан турди, ҳасса билан пўстакни уриб қоқди, — келмади, келса шу пайтгача келарди, келмади.

Бувиси айвонга кирди.

— Нима, буви?

— Мусича, болам, мусича, — деди у пўстакни хонтахтанинг ёнига ёзиб, — бечора болалари эрталабдан бери чирқ-чирқ қила-қила энди тинди. Онаси учиб келармикин десам, келмади. Даданг айтмоқчи, мушук еганга ўхшайди, болам. Мушук қургур бунақа нарсага ўч.

Али бувисининг гапани эшитиб, юраги орқасига тортиб кетди. Бир амаллаб ўрнидан турди-да, аранг ечиhib каравотга чиқди ва кўрпага бурканиб олди. Шу аҳволда қанча ётганини билмайди, кўрпадан бошини чиқариб қараса, бувиси ҳали ҳам равоннинг ойнасига бошини қўйиб мудраб ўтирибди.

— Ётинг, буви, — деди Али, — ётинг, нима қиласиз ўтириб.

Бувиси қоронғида пайпаслаб ёстигиңи тузатди-ю, бироқ ётмади.

— Уйқум қочиб кетди, болам, — деди, — бир нарса ёдимга тушиб, уйқум қочиб кетди.

— Нима?

Бувиси ҳадеганда жавоб бермади.

— Алғов-далғов кезлар эди, — деди ниҳоят, — бир қуни буванг раҳматли уйга қайтиб келмади. Излай-излай бир ҳафта деганда шўрликни дарёдан топишди. Босмачилар отиб ташлаб кетган экан. Даданг ёш бола эди. Эсимда: она-бола мусичанинг болаларига ўхшаб, тунлари чирқираб чиққан эдик.

Али ўрнидан туриб ўтирди, тиззасини маҳкам қучоқлаганча оғир-оғир киширик қоқар, вужуди эса титрар эди. Охири ухлаб қолиб, туш кўрибди: она мусича бир қанотлаб учиб келиб, каравотнинг суянчиғида ўтирган эмиш. Дам одамга ўхшаб кулармиш, дам кўзларига ёш олармиш. Али гапирай деса, оғзида тили йўқмиш... Али қора терга ботиб уйғонганда тун хиралашиб, узоқ-яқинда машиналарнинг овози эшитила бошлаган эди. Анчагача қимир этмай карахт бўлиб ётди-ю, бирдан ғалати бир фикрдан вужуди яйраб кетди. Нега шуни кеча ўйламаган экан! У ўрнидан туриб, апил-тапил кийиндида, она мусича яраланган бўлса учолмай ётганмикан, деб майдонга бориб, ҳаммаёқни тинтиб чиқди. Йўқ, ҳафсаласи пир бўлиб қайтаётиб, Наималарнинг эшигига келганда сесканиб тўхтаб қолди. Ичкаридан Наиманинг қийқириб кулгани эшитилар эди. У бир йўла алампидан чиқмоқчи бўлгандек, бор кучи билан эшикни тешиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Наима ҳовлининг ўртасида турган экан. Тарақ-туруқдан чўчиб, қўлидан ниманидир тушириб юборди. Алланарса «пар» этиб томга қўнди,

— Ойи, учди! — деди яна қийқириб Наима, — қаранг!

Она мусича энди бемалол учинига кўзи етдими, ен-

гил бир силкиниб ҳавога кўтарилди ва Алиларнинг уйи томонга учиб кетди.

Али эса, эшикнинг бир табақасига суянганича, киприк қоқмай осмонга қарар, унинг кулаётганини ҳам, йиглаётганини ҳам билиб бўлмасди.

## ОЛИСДАГИ ЧИРОҚЛАР

Кечки пайт эди. Чўлга борадиган машина тополмай бошим қотиб турганда бир йўловчи: «Вақтни бой бермай, настрокқа, Ём қишлоғининг йўлига бориб туринг. Ўтса ўша ердан ўтади, бу ерда машина бўлиши гумон», деб қолди. Яхшиям гапига кириб айтган жойига борган эканман, кўп ўтмай мотор овози эшитилди. Бир оздан кейин узокда, ясси тепалик бағрида кажавали мотоцикл кўринди. Қувонганимдан иккала қўлимни кўтардим.

— Чўлгами, биродар?

— Ҳа.

— Ола кетмайсизми?

Мотоциклчи, енги тирсагигача нимарилган, совун кўпигидек оппоқ сочли киши ҳа ё йўқ демай, қошларини чимириб ёнига қаради: шошганимданми, ё бошидаги похол қалпоғининг катталигиданми пайқамабман. Энди кўрдим. Кажавода бир бола ўтирган экан.

— Хўш, боя нима деган эдим, йигитча? — деди мотоциклчи болага, — буёғи қандоқ бўлди энди?

Бола киприк қоқмай бурнини бир тортиб: «Ана, орқа бўш-ку», деди ва ер остидан менга қаради. Ҳеч нарсага тушунолмаётган эдим, мотоциклчи:

— Қани, орқага мингашинг, — деб қолди.

Орқага мингашим биланок мотоцикл сапчиб юриб кетди. Бола омонат ўтирган экан, қалқиб қўлидан бир нарсани тушириб юборди-да, жонҳолатда:

— Тўхтанг, амаки, — деб қичқирди.

— Яна нима бўлди? — деди киши жаҳл билан мотоциклни тўхтатиб.

— Тушиб кетди! — деди бола йигламсираб. — Шунанга ҳайдайсизми?

— Нима тушиб кетди?!

— Нима бўларди, миҳ.

Бола оёғининг остини тимирскилай бошлади. Киши бир нима деб тўнгиллаб қўйди-ю, бироқ қаттиқ гапирмади, напирос олиб тутатди.

— Топдингми? — деди ниҳоят сабри чидамай.

— Тондим! — деди бола қувониб бошини кўтараркан, — юргизаверинг.

Бола — бола-да. Бўлмаса битта миҳни деб мотоциклни тўхтатиб ўтирадим. Мотоциклчи болага қараб турди-да, бошини чайқаб: «Эсимни емасам, сени мотоциклга олармидим», деб қўйди.

Мотоцикл бу гал оҳиста жилиб, йўлга тушди.

Лахча чўғ бўлиб, чўл этагига илиниб турган қуёш ботиши билан бирдан қоронғи тушиб қолди. Этни жунжитадиган шабада турди. Костюмимнинг тугмасини қадаб олдим. Олис-олисларда, чўл этакларидида чироқлар милтирай бошлади. Киши борган сари мотоциклнинг тезлигини оширар, жуда шошаётганга ўхшарди. Бола эса, алланимани бағрига маҳкам босганича чироқларга тикилиб борарди. Шу тахлит бирор соат юрганимиздан кейин бола мотоциклчига нимадир деди. Эшитолмадим. Мотоциклчи ҳам эшитмадими ё жаҳлдан тушмаган эканми, индамади. Фақат анчадан кейин унга совуққина бир қараб қўйган эди, бола қалпоғининг тагига кириб кетди. Ҳозир мотоциклдан тушириб юборди, деб ўйлаган бўлса керак. Буни кўриб болага раҳим келди. Унга далда бермоқчи бўлиб қалпоғини тортиб қўйдим. У секин бошини кўтариб:

— Нима? — деди.

— Қаерга кетяпсан?

— Бобомнинг олдига.

— Қўлингдаги нима?

Бола кишига қўрқув аралаш бир кўз қирини ташлади.

— Қаламча, гулники! — деди киши энсаси қотиб, — э, тавба, бола бўлмаса, шундан шу ёққа қаламча кўтариб юрадими?

Бу боладан кўра менга таъсир қилди. Тавба, катта одам шу гапни гапириб ўтирса-я!

— Бобосига бўлса керак-да! — дедим юмшоқроқ қилиб. — Яхши қипти. Бобоси хурсанд бўлади.

Бола миннатдорчилик билан қараб қўйди. Мотоциклчига гапим ёқмади шекилли, чурқ этмади-ю, ҳарқалай боланинг ёнини олганимга норози бўлгандай:

— Тавба! — деб қўйди чўзиб.

Бола хўрсинди.

Яна ҳаммамиз жим қолдик.

— Бобонг нима иш қилади? — дедим болани нохуш фикрдан чалғитиб.

— Янги совхозда. Темирчи, — деди ва бобосини кўз олдига келтирди шекилли, юзи ёришиб кетиб кишидан сўради:

— Амаки, сиз ҳам танисангиз керак-а?

— Қаердан танийман? — деди киши жеркиб, — ҳадеб гапга тутавермай тек ўтир. Эрталабдан бери қонимга ташна қилиб юбординг-ку!

Бола ўпкалаб:

— Почтачи ҳаммани таниши керак, — деди.

Бу пайт мотоцикл канал ёқасидаги текис йўлга тушиб олган эди.

— Амаки.

— Ҳа.

— Ана сув.

— Сув бўлса нима қилай?

— Ташнаман дедингиз-ку, — деди бола куйиниб, — ичиб олинг, каналнинг суви ширин бўлади.

Почтачи бирдан қаҳқаҳлаб кулиб юборди. Бола нима гаплигига тушунолмаي яна қалногининг тагига кириб кетди. Мен қўпол, тунд одамнинг бу қадар юракдан кула олишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

— Оббо тирмизак-э, — деди почтачи ўзини аранг кулгидан тийиб, — сендан хафа бўлиб ўтирган мен ҳам боламан, — у менга бир қараб қўйди, — ўзи бугун галати кун бўлди. Бунақаси бўлган эмас. Совхоздагиларнинг кўпчилиги қишлоқдан. Кун ора келиб турмасам бўлмайди. Йиғилган хат-патларни олиб кетай, деб, эрта билан келган одам, мана энди қайтыпман. Қишлоққа киришим билан манави дардисар, бузилса-қолса. Бир механик болага ялиниб-ёлбориб тузаттирдим. Энди қишлоқдан чиқаётсам бир аёл: «Ўғлимни янги совхозга ташлаб ўтсангиз, бобосини соғинганмиш», деб ялиниб қолди. Болангизни йўловчи машинага солиб юборасиз, ҳали йўлда иши зарур одам учраб қолади, десам ҳам қани энди манави йигитчага гап уқтириб бўлса: кажавага чиқиб ўтириб олибди. Туш, десам: «Жўрттага баҳона қиялпсиз, ҳеч ким учрамайди», дейди. Бу ҳам майли-я. Яна дам ўтмай тўхтатади. Ҳа, нима гап, десам, анави ерда мих ётибди, анави ерда темир ётибди, ўшани оливолай, деб роса йўлдан қўйди.

— Ҳаммаси керак бўлади-да, — деди бола қовоғини солиб, — нима, ерда ётгани яхшими?

— Э, бола бўлмасанг, битта занглаган мих билан кўприк қуриб бўладими? Ҳзим шошиб турибман. Бир ёқда хат эгалари кутяпти. Иккинчи ёқда, — почтачи болага ишора қилиб қўйди, — мана шунақа бир тирмизак ўғлим бор. Бугун — туғилган куни эди.

Почтачининг гапи оғзида қолди. Бирдан мотоцикл патиллаб ўн-ўн беш қадам силжиб борди-ю, таққа тўхтади. Бола ҳам, мен ҳам бир-биримизга қараб олдик. Почтачи бўшашиб пастга тушди. Қўлини белига тираганича анчагача мотоциклга хомуш қараб турди, кейин моторни юргизмоқчи бўлган эди, ишламади. Ҳафсала си пир бўлиб: «Эрталабдан бери ишим юришмаяпти», деб йўл ёқасидаги харсангтошга ўтирди. Унинг кўзлари олисдаги чироқларда эди. У хат эгаларини ўйлаётганими ё тиқ этса эшикка қараб ўтирган ўғлиними, билиб бўлмасди. Биз-ку, сал юрсак катта йўлга чиқиб оламиз-а! Уёғи осон, бирон ўткинчи машинага тушиб жўнаймиз-қўямиз. Бироқ унинг ҳоли нима кечади. Мотоциклни судраб боролмайди. Бу ерлардан машина ўтиши гумон.

— Амаки, гугурт чақиб юборинг, — деди бола мотоциклнинг олдига чўккалаб.

Мен, нима қилмоқчи бу бола, деб ёнимдан гугурт олдим.

— Амаки, буёққа қаранг, — деб чақирди почтачини бола, — ёғ ўтадиган найчага тош кириб қолган экан.

Почтачи ўрnidан туриб, боланинг олдига келди. Ишонқирамай энгашиди-да, найчани пуфлаб кўрган эди, ҳаво ўтмади.

— Хайрият, — деди жонланиб, — мен моторга бир бало бўлиптими, деб қўрқиб кетибман. Бу савилни яқинда ўрганганман. Бир ери бузилса, нима қилишни билмай бошим қотади.

У чўп билан найчани тозаламоқчи эди, бўлмади. Чўп найча ичида синиб қолаверди. Кейин бирдан алланарсани эслаб, болага:

— Қани бояги! — деди.

— Нима бояги?

— Мих-да, нима бўларди.

Бола шоша-пиша чўнтагидан михни олиб почтачига узатди.

Кўп ўтмай яна йўлга тушдик. Бола янги совхоз идо-

раси олдида тушиб, биз билан хайрлашди ва зингиллаганча идоранинг орқасига ўтиб кетди. Почтачи унинг кетидан шошиб пастга тушди. У ҳам идоранинг орқасига ўтиб кетди. Лекин кўп ўтмай қайтиб келди.

— Мих менда қолибди, — деди ачиниб.

Мен кажавага ўтириб олдим. Жўнадик.

Бейхтиёр почтачининг бояги гапни эсладим: «Битта занглаган мих билан кўприк қуриб бўлармиди?!» Вақти келса кўприк ҳам қуриб бўларкан. Бунга почтачининг ўзи ҳам тан бергандир, деб секин ёнимга ўгирлдим.

Унинг кўзлари олисларда, қоронғи зулматни тешиб, йўл кўрсатиб турган чироқларда эди.

## ПОЙГА

Симёгочдаги радиокарнай хириллаб дам одамларни тартибга чақиради, дам аллақандай куйни хиргойи қилади. Ишподром одамга тўлган, ҳатто майдон атрофини ўраб турган сон-саноксиз очиқ машиналарнинг усти ҳам тирбанд одам. Баъзилар дарахт тепасига ҳам чиқиб олишган, чунки у ерга райондаги ҳамма колхозлардан одамлар келишган. Бугун байрамнинг биринчи куни, район биринчилиги учун пойга бўлади, кейин уч кун сайил, улоқ.

Шокир иккаламиз оломонни аранг ёриб боряшимиз. Шокир бир қўлида қамчи, бир қўли билан камаримни ушлаб, туртила-сурила орқамдан келяпти. Билиб турилмаң анча ҳаяжонланаяпти. Фақат у эмас, мен ҳам ҳаяжондаман. Оёқларим қалтираб, букилиб-букилиб кетади. Лекин бу аҳволимни Шокирга сездирмаслик керак.

— Қўрқма, энг муҳими, қўрқма! «Юлдузча»ни биласан-ку, бунақаси дунёда битта. Унга ишонса бўлади. Фақат тўсиққа келганда нихтала-ю, ортиқча қийнама, хўпми? — дедим.

Шокир гапларимга «хўн» дейди-ю, бироқ сўзимни эшитяптими, йўқми, билмайман.

Бир амаллаб одамларнинг орасидан чиқиб олдик. Шокир енгил «ух» тортиб қамчи билан этигининг қўнжига уриб қўйди. У бошини қийиқ билан тангиб, этигининг қўнжини тўпигигача қайтариб олган, тавба, худди ҳақиқий чавандознинг ўзи-я, унга жуда ҳавасим



келяпти, лекин иложим қанча. Мен пойгага яхшироқ тайёрлана олмадим. Шунинг учун бу гал Шокир қатнашадиган бўлди. Лекин бунинг нима фарқи бор. Уми, менми бари бир эмасми. Ишқилиб ютсак бас.

— Дикқат, дикқат! — Радиокарнайдан дикторнинг овози эшитилди. — Пойга бошланишига беш минут қолди. Бугунги мусобақада райондаги ўн олти мактаб ўқувчилари қатнашади.

Шокир қўлимни қаттиқ қисди-да, югуриб кетди. Мен орқага қайтиб, дарров ўзимизнинг машинага чиқиб олдим. Қобилбобо менга қараб қўйди-да, соқолини тутамлаб яна майдонга тикилди. Унинг томирлари бўртган ориқ қўллари билинар-билинемас титрар эди.

Майдонга қарайман, лекин кўзимга пишқириб турган «Юлдузча»дан бўлак ҳеч нарса кўринмайди.

Дикторнинг овози тинди. Майдонга салобатли жимлик чўкди. Кейин бирдан ҳаммаёқни от дупури тутиб кетди. Икки кўзим ҳамон отлиқларда. Отга минган Шокир ўртада кетяпти. «Юлдузча» қулоқларини динг қилиб, чиройли бўйинини чўзиб тўсиқлардан енгил ўтиб бормоқда. От ҳар сакраганда Шокир унинг бўйнига ёпишиб олади-ю, яна қаддини кўтаради ва ён-верига қараб қўяди. «Қойил!» деб қичқириб юбордим, чунки «Юлдузча» бешинчи ўринга ўтиб бормоқда эди.

— Энди жиловини бўшат, болам! — дейди Қобилбобо ҳам ўзини тутолмай, — бўшат, айни мавриди.

Отлар майдонни иккинчи марта айлана бошлади, энди йўлда тўсиқ йўқ, буёғи осон.



— «Юлдузча!» — деб қичқираман олдимиздан ўтишаётганда, — бўш келма!

— Ҳа, ҳа. Бўш келма! — дейди Қобилбобо ҳам.

Одамлар нималардир деб қичқиришади, қўл силкишади. «Юлдузча» энди тўртинчи бўлиб бормоқда. «Юлдузча» олдинга бир интилди-да, ёнидаги икки отни орқада қолдириб кетди. Яна ҳаммаёқни одамларнинг қийқириги қоплади. Бизнинг тойчоғимиз эса, бор кучини йиғиб ҳамон олға интиларди. Яна бир отлик орқада қола бошлади.

— Қамчини бос! — деб қичқира бошладим.

— Бўш келма! — деди Қобилбобо ҳам. — Бўш келма, болам.

Ҳозир «Юлдузча» яна бир олдинга сапчиши керак, бўлмаса... Ҳаяжондан кўзларимни маҳкам юмиб олдим. Қулоғимга одамларнинг шовқин-сурони эшитилиб турибди. Бироқ кўзимни очгани юрагим дов бермайди. Шу пайт бирдан ҳаммаёқ жим бўлиб қолди. Кўзимни секин очиб қарадим.

Энг олдинда «Юлдузча» ўқдек учиб келарди! Шу пайт одамларнинг қичқириги орасидан дикторнинг таптанали овози эшитилди.

— Дикқат, диққат! Маррага биринчи бўлиб «Юлдузча» келди. Мусобақа голиби ўн иккинчи мактаб ўқувчиси Шокир Мирзакаримов!

Мен одамлар орасини ёриб ўтиб, «Юлдузча»га қараб югурдим.

\* \* \*

Бу галабамиз кейин бўлган. Аввал нима гап бўлганидан хабарингиз йўқ, келинг, айтиб берай.

Шокирларникига чиқсам, диванда ётган экан. Кўкрагида аллақандай китоб. Секин бўйнимни чўзиб қарадим: «Мюнхаузеннинг бошидан кечирганлари». Тавба! Шокир ҳам қизиқ. Қаёқдаги чўпчакларни ўқийди-да, кейин доим хаёл суриб ётади. Бўлмаса кеча ўзи айтган-а: «Тушга яқин чиқ, тайёр бўлиб тураман», деб.

— Сени қара-ю, бунақа чўзилиб ётишингни билганимда, ўзим кетаверардим.

Шокир лип этиб ўрнидан турди.

— Эҳ, Вали, бир ажойиб китоб ўқидим...

— Бўлди, борасанми-йўқми, — дедим гапини чўрт

кесиб. Индамасам ҳаммасини гапириб берадиган. Чўп-чак эшитишга кимнинг вақти бор!

Шокир апил-тапил кийина бошлади.

— Сен кўчада кутиб тур, дарров чиқаман.

Кўчага чиқдим. Хиёл ўтмай Шокир кўринди.

— Юр.

— Ёлдингми?

— Бўлмаса-чи, мана, — деб Шокир пахталигини ечиб кўрсатди, — оймнинг кир ёядиган арқони. Белимга боглаб олдим. Бари бир ҳозир керак эмас-ку. Кечкурун яна тортиб қўяман.

Кетдик.

Келсак Қобилбобо отларга ем солаётган экан. Шокир бир тўрва емни олиб, бурчакдаги панжара ичида гижинглаётган тойга солмоқчи бўлган эди, Қобилбобо тўхтатди.

— Менга бера қол, — деди у тўрвани олиб, — хурки-тиб юборасан. Шарпага булутга санчийди. Асов-да, асов. Қўлга ҳеч ўрганмади-ўрганмади.

«Ўша», деди Шокир қулоғимга пичирлаб. Қарадим. Тоймисан-той. Пешонасида қашқаси ҳам бор. Қулоқларини диккайтириб, олов кўзлари билан бир қаради-да, олдинги икки оёғини кўтариб пишқирди.

— Қўлга ўргатсак борми, пойгада биринчиликни олади, — деди Шокир, — кеча раис «қирдаги йилқиларга қўшиб юбора қолинг, бари бир қўлга ўрганмайди», деб Қобилбобога тайинлаб кетди.

— Йўғ-е.

— Рост.

Ташқарига чиқдик.

— Хўп ажойиб той-да, Қобилбобо, — дедим, — пойгага қўйса бошқа отларни ярим йўлда қолдириб кетса керак-а?

Қобилбобо соқолини тутамлаб Шокир билан менга бир қараб қўйди-ю, оппоқ ўсиқ қошларини чимирди.

— Зумрашалар, тойга қанд бериб юрганмишсизлар.

— Йўғ-е, — дедик баб-баравар.

— Йўғинг нимаси. Матқобил ўз кўзи билан кўрибди-ку! — Лабимни тишлаб қолдим. Негаки, ўтган кун Шокир билан чойхоначидан насиёга қанд олган эдик. Ўшанда чойхоначи кўпроқ олаверинглар, ҳисоб-китоби-

ни дадаларингиз билан қиламан, деганда, Шокир: «Уйда қанд кўп, буни тойга оляпмиз», деб оғзидан гуллаб қўйган эди.

Секин Шокирга қарадим.

— Тойга деб ўзимиз еган эдик, Қобилбобо, — деди Шокир. «Хайрият!» деб қўйдим. Қобилбобо чойхоначи кўрибди, деб, ўсмоқчилаб сўраган эканми, Шокирнинг гапига дарров ишона қолди.

— Тагин бор-йўгимда олдига яқинлаша кўрманглар.

— Йўғ-е... жинни бўлибмизми, — деди Шокир.

— Ўзи-ку, жуда зотдор-а, — деб қўйди бобо, — хўп бўлмаса, мен кетдим, борай.

Ҳар куни шу: тушда келиб отларга қараб турамыз. Қобилбобо уйига бориб овқатланиб келади.

Қобилбобо кетиши билан бир оз ўзимга келдим.

— Қўлга тушай дедик-а, Шокир?

— Ҳа, бунақа иш хавф-хатарсиз бўлмайди, — деди Шокир белидаги арқонни ечиб, — бошлаймизми!

— Майли.

— Ма, бир учини ушла, бир учини тойнинг бўйнига солиб чиқаман.

Шокир ичкарига кириб кетиб, анчадан кейин чиқди. Докадек оқарган юзидан, қўллариининг қалтирашидан роса кўрққанлиги кўриниб турса ҳам сездирмай илжайди.

— Асов деганча бор. Бўйнига арқон солдиргунча, ярим чўнтак қандимни еди. Қани, арқонни белимга боғла. Маҳкамроқ, э-э, жуда сиқиб юбординг-ку, нафасим тиқилиб қолди. Бўлди, бор, тойни ҳайдаб чиқ, мен шу ерда тураман.

Ичкарига кириб эшикни очдим, кейин орқага ўтиб, хипчин билан тойнинг яғринига бир туширган эдим, той ўқдек отилиб ташқарига чиқди. Чиқди-ю, қаёққа боришини билмай, туриб қолди.

— Вали, нимага қаққайиб турибсан, — деди Шокир, — ур!

— Эсинг жойидами?

— Ҳа?!

— Сени судраб кетса-чи.

— Мени-я. Ана холос. Мюнхаузенни ўқимаганлигинг шу ердан билиниб турибди. Бунақа ишга юрак керак, оғайни, — деб керилиб қўйди у, — қани, бўл.

Югуриб-югуриб ховуридан тупади. Яна жойига киргизиб қўямиз.

Қамчи тортдим. Той Шокирнинг атрофида гир айланди-ю, далага отилди. Шокир гандираклар йиқилди. Той олдинга интилиб, бор кучи билан уни судраб кетди. Мен нима қилишимни билмай анқайиб қолдим.

— Вали, Вали, қаёқдасан? — деб қичқирди Шокир.

Шундагина кетидан чопдим. Юз метрча югуриб, Шокирга етиб олиб арқонга ёпишдим. Той иккаламизни судраб кетяпти-ю, хаёлимда, қани энди каттакон чана бўлса, маза қилардик, дейман. Икки кишини судраш тойга оғирлик қилдими, тўхтади.

— Менга қара, Шокир, ке, яхшиси, белингдаги арқонни ечиб юбора қолай, отхонага ўзи қайтиб борар.

— Бормаса-чи?

— Қизикмисан, қаерга борарди.

Шу пайт таранг бўлиб турган арқон бўшагандек бўлди, секин бошимни кўтариб қарасам, той бизга қараб келяпти. Жон-поним чиқиб кетди. Шокирни маҳкам қучоқлар олдим.

— Ҳозир ўчини олади биздан, — дедим кўрқиб, — ҳаммасига сен айбдорсан. «Ўргатамиз», «пойгага қатнашамиз»миш-а!

— Э, нима дейсан. Маза қилиб китоб ўқиб ётган жойимдан ўзинг олиб чиқдинг-ку!

— Мен-а?!

— Ҳа, сен.

— Нега кеча ўзинг уйга кир деб ялиндинг? Бундан чиқдики... — Шу пайт той теламизда кишнади. Оғзимдаги гапим ичимга тушиб кетиб, ер тишлаб қолдим. Шу алфозда иккаламиз ҳам индамай ётавердик. Той оёғимдан тишлаб судраб кетадигандай туюлди менга:

— Тур, қоч! — деб шивирладим Шокирга, — мен ҳам кетингдан югураман.

— Аҳмоқ, қаёққа қочаман, — деди йиғламсираб, — белимдан арқон боғлаб қўйибсан-ку.

— Баб-баравар турамыз, — дедим, — бунақада эрта-лабгача ётаверамиз.

— Хўш! — деди Шокир.

Секин турдик. Йўқ, той жойидан қимирламади. Шокир чўнтагидан қанд олиб тутди. Той Шокирнинг қўл узатаётганини кўриб орқасига тисарилди-ю, бироқ қандга кўзи тушиб, бўйнини чўзди.

Шокир билан олдинма-кейин кета бошладик. Той

хам орқамиздан юрди. Отхонага кирдик. Той хам кирди. Биз бир амаллаб ташқарига чиқиб олдик.

— Ия, бўйнидан арқонни ечмабмиз-ку, — деди Шокир, у кириб тойнинг бўйнидан арқонни ечиб чиқмоқчи эди, узоқдан Қобилбобо кўриниб қолди.

Шокир арқоннинг учини ичкарига улоқтириб, эшикни зичлаб ёнди-да, остонага ўтириб олди.

— Ҳа, азаматлар, ўтирибсизларми? Баракалла, баракалла. Ие, Шокирвой, нега ҳаммаёгинг қор?

— Ҳи... ҳалиги, Вали билан қорбўрон ўйнадик.

— Шунақами?.. Қани, бундоқ қил-чи.

Қобилбобо отхонага кириб коржомасини кия бошлади.

— Шокир, ҳо Шокир, анави арқонми? Нега бу ерда ётибди?

Кўрқа-писа отхонага кирдик. Қобилбобо арқонни тортган эди, той кишнаб юборди.

— Бу нимаси, сенлар бойладингларми?

— Ҳа, ҳалиги... той ҳадеб панжарадан бўйнини чўзаврган эди, қочиб кетмасин деб...

— Боғлаб қўйдик, — дедим Шокирни туртиб.

— Ҳа, ҳа, боғлаб қўйдик.

Қобилбобо тойнинг бўйнидан арқонни ечиб олдимизга улоқтирди.

— Жўна икковинг бу ердан!

Иккаламиз арқонни ҳам ташлаб қочдик.

— Яхши бўлмади, — деди Шокир ярим йўлда, — юр, бориб узр сўраймиз.

— Эртага борсак-чи, унгача Қобилбобо ҳам жаҳлидан тушиб қолади.

— Гапинг тўгри, — деди Шокир хўрсиниб, — той бизга анча ўрганиб қолувди-да, ишимиз чала қолди.

— Қўявер, — дедим унга далда бериб, — бари бир эртага келамиз. Дадам, одам бир ишни бошласа, охиригача етказиши керак, дейдилар.

Эртага келганимизда Қобилбобо ҳайдаб юбормади-ю, бироқ қовогини солиб қарши олди. Той бизга ўрганиб қолганини кўргандан кейин жаҳлидан тушди.

— Лекин менсиз олдига яқинлаша кўрманглар, — деди бир оз ён бериб. — Тойни ўргатмоқчи бўлсаларинг, шартим шуки, мен боримда ўргатасанлар, хўпми?

— Хўп, — дедик.

Нихоят, биз орзиқиб кутган кун ҳам келди. Мен бу ҳақда сизга ёдингизда бўлса, ҳикоянинг бошида ганириб берган эдим.

## БАҲОНА

Дунёда бировни кутгандан ёмони борми. Кўчага чиқасан, уйга кирасан, қиладиган ишингнинг тайини йўқ. Бу ҳам майли. Ҳаммадан алам қиладигани шуки, бир ерга ипсиз боғланасан-қоласан. Қани қимирлаб кўр-чи. Кеча ўзи ялинган-а, ҳеч қаёққа кетма, арифметикани бирга тайёрлайлик деб. Негаки, иккаламиз ҳам мана шу фандан нўноқроқмиз. Бунинг устига, арифметика ўқитувчимиз Салимжон Турсунович худди ўчакишгандек ҳар куни сўрагани-сўраган. Қошки индамай «икки»сини қўйиб қўя қолса. Унақасан, бунақасан, деб тоза жонимизни олиб қўйган. Арифметикадан Шокир ҳам, мен ҳам безиллаб қолганмиз. Тайёрлаб келиб шу одамга ўзимизни бир кўрсатиб қўймоқчи эдик, мана кун оғиб қолди ҳам Шокирдан дарак йўқ. Бор-е, дедим-да, ўриннинг тагига жой солиб ёнбошладим. Қўлимга энди китоб олган эдим, эшик очилиб Шокир кўринди.

— Қойил-е, — дедим, — дарс нима бўлди?

Шокир эса остонадан жилмай:

— Парво қилма, — деди қўл силтаб, — яхшиси, бери кел.

— Нимага?

— Гап бор.

Шокирнинг кетидан кўчага чиқсам, эшик олдида нотаниш бир қизча турибди. У мени кўриб негадир чўчиб тушди ва кўзларини катта-катта очиб Шокирнинг панасига ўтди. Мен, бу ким, деб Шокирга қараган эдим, у сабр қил дегандек кўз қисди ва қизчага бир нарса деб пичирлади-да, қўлимдан етаклаб уйга олиб кираркан:

— Кўрдингми, — деди маънодор илжайиб, — сен бўлсанг арифметика дейсан-а!

Мен ҳеч нарса тушунмай, Шокирга бақрайиб турган эдим, Шокир қиқир-қиқир кула бошлади.

— Энди арифметикани тайёрламасанг ҳам бўлади, —

деди у бирдан тўхтаб сирли товуш билан, — қизчани танидингми?

— Йўқ.

— Шунақасан-да, — деди Шокир куйиниб, — одам танитайсан. Бўлмаса битта кўрганда танишинг керак эди.

— Хўш, ким экан?

— Топ. Кимга ўхшайди.

Мен ўйлаб ҳеч кимга ўхшатолмай турган эдим, Шокир ичига сигдиролмай:

— Салимжон Турсуновичнинг қизи! — деди.

Мен хангу манг бўлиб қолдим.

— Йўғ-е, — дедим анчадан сўнг аранг эс-хушимни бир ерга тўплаб, — нега кепти?

— Сени кўргани, — деди Шокир кесатиб, — эсинг жойидами. Нега келади. Мен ўзим топиб келдим. Кечга қолганимнинг сабаби ҳам шу. Келаётсам, ариқ бўйида бир қиз йиғлаб ўтирибди. Кўзимга иссиқ кўринди-ю, олдига яқин бориб қарасам Салимжон Турсуновичга ўхшайди! Дарров миямга, боғчадан келаётган бўлса адашиб қолган, деган фикр келди. Дарров алдаб-сулдаб кўлидан етакладим. Аввалига кўнмади. Мен сенга кўз очиб-юмадиган кўғирчоқ олиб бераман, деганимдан кейин зўрга келди.

— Энди нима қиламиз.

— Ҳамма гап шунда-да, — деди Шокир керилиб, — ҳозир Салимжон Турсунович бошини чангаллаб ўтирибди десанг-чи! Балки қизини қидириб юргандир? Иккаламиз етаклаб олиб борсак кўрасан, суянганидан юраги ёрилиб кетади. Ундан кейин дарсига кирмасанг ҳам индамайди.

Мен Шокирнинг ақл-идрокига илгари ҳам қойил қолиб юрар эдим. Аммо бу гал чин юракдан тан бердим. Гапни чўзмай:

— Юр, — дедим, — уйини биласанми?

— Йўқ, — деди Шокир ва кўлимдан ушлади, — уйини билмайман, гап бунда ҳам эмас. Бундоқ ўтир, маслаҳат бор.

Мен Шокирнинг ёнига чўккаладим.

— Хўш, айтайлик, уйга олиб бордик, — деди Шокир, — дадаси албатта, сен билан мени кўрганидан кейин қизидан қандай болалар экан, деб сўрайди. Шундайми?



— Шундай, — дедим.  
— Хўш, қизи нима дейди?  
— Нима дерди? — дедим Шокирнинг фикрига тушунолмамай, — яхши болалар экан, дейди, вассалом.

— Шу холосми?

— Ҳа?!

— Бу кам, — деди Шокир шартта ганимни бўлиб, — борди-ю, дадасига ўқувчиларингиз у олиб берди, бу олиб берди, роса меҳмон қилди. деб кўпирса, қани бир ўйлаб кўр-чи, дадасининг юраги чиқиб кетмасмикин?

— Турган гап!

— Ҳа, ана энди ўзингга келдинг, — деди Шокир, — бор, бўлмаса олиб чиқ.

— Нимани?

— Фотоаппарат оламан деб йигиб юрган пулингнида, бўлмаса нимага меҳмон қиламиз, хўш?

Дарҳақиқат, ўйлаб кўрсам, ҳозир унча-мунчанинги юзига борадиган вақт эмас экан. Дарров уйга кириб пулни олиб чиқдим-да, шартта Шокирга тутдим.

— Ма!

— Қойилман! — деди Шокир мамнунлик билан чўнтагига жойлаб, — мана энди бошлаб борсак бўлади.

Шокир шундай деб эшикка йўл олди-ю, аммо бирдан тўхтаб:

— Менга қара, — деди пичирлаб, — сен отинг нима, кимни қизисан деб эзмачилик қилиб юрма.

— Нимага?

— Шунга ҳам тушунмайсанми, — деди Шокир, — чўчитиб юборасан. Мен ҳам атайлаб сўраганим йўқ. Юрак сезгандан кейин эзмачилик қилиб суриштириб ўтиришининг нима кераги бор.

— Майли, ўзинг биласан, — деб кетидан кўчага чиқдим.

Кетяпмиз. Қизча ўртада. Бир Шокирга мўлтираб қарайди, бир менга. Нега бизни шу қадар тетик ва хурсанд бораётганимизнинг сабабини тушунолмамай гаранг. Майли билмагани яхши. Бунақа нарсага ҳали унинг ақли етмайди. Унга ширин-ширин нарса бўлса бас.

Катта кўчага чиқиб, битта морожний олиб қизчага бердик. У ўзида йўқ мамнун эди, қорни роса оч экан, йўл-йўлакай иккита тешиккулча еди. Гастрономнинг олдидан ўтиб кетаётган эдик, Шокирнинг таклифи билан битта пирожний олиб чиқдим.

Қизча пирожнийни бир чеккага ўтириб олиб роса ту-

ширди. Биз тепасида ҳақ деб кутиб турдик. Шунча пул кетса ҳам ҳеч хафа эмас эдим. Майли дердим ўзимга-ўзим, битта арифметика учун ҳар қанча сарф қилсак ҳам оз. Хафа эмасман. Бироқ қизча қорнини тўйгазиб олиб, «кетаманга» тушиб қолди. На менга қулоқ солади, на Шокирга.

— Ҳой, менга қара,— дейман ялиниб,— ҳали ҳам сени уйингга олиб кетяпмиз. Қўрқма!

— Ҳа,— деди гапимни илиб Шокир,— сени уйингга олиб кетяпмиз. Фақат қорнингни тўйгазиш учун бу ерга келгандик.

Қизча эса кўзларини ола-кула қилиб тўхтаб қолди, Шокирга қараб:

— Бормайман,— деди.

Йўлқадан ўтиб бораётган бир аёл менга ғалати қараб қўйган эди, жонҳолатда қизчанинг бошини силай бошладим.

— Борасан, яхши қиз,— дедим шошиб-пишиб,— нега бормас экансан, борасан. Даданг қидириб юрибдилар а!

— Дадам-а?

— Ҳа!

Қизча қўллари билан юзини тўсди ва тўсатдан ҳўнграб юборди. Шокир алдаб кўрди, мен алдаб кўрдим, қани кўнса.

Йўқ, қайтага уввос солиб йиғлай бошлади. Бу ҳам етмагандек бир маҳал ерга думалаб:

— Мен уёққа бормайман,— деб чийилласа бўлади-ми,— уйимга бораман.

Нима қилишимизни билмай шошиб қолдик. Шокир иккаламиз аранг ўрнидан тургазиб яна ялина бошладик. Мен гир этиб тўғридаги магазиндан қўғирчоқ олиб чиқдим. Қизча бир оз ўзига келиб қолди. Шокир вақтни бой бермай яна битта морожний тутқаэди.

— Бу нима қилганинг,— дедим секин бошини силаб,— нега додладинг? Уйингга кетяпсан-ку!

— Уйим уёқда эмас,— деди яна титраб-қақшаб қизча.

— Қаерда бўлмаса, айт,— деди Шокир.

— Боя олиб келган жойингизда.

Мен ялт этиб Шокирга қарадим. Шокир эса ранги ўчиб қизчанинг ёнига чўккалади.

— Сен Салимжон Турсуновичнинг қизларимсан?

Қизча кўзларини катта очиб:

— Йў-ўқ,— деди чўзиб.

Бу гаждан оёқ-қўлим бўшашиб:

— Нега?— дедим. Қизча жавоб бермади.

Шокирнинг дами ичига тушиб кетди. Мен ҳам нима дейишимни ва нима қилишимни билмай қолдим. Қизча эса хаёлига ҳеч нарса келтирмай қўғирчоғини томоша қилиш билан банд эди.

— Нега бўлмаса ариқ бўйида йиглаб ўтирган эдинг,— деди Шокир бирдан туюқиб,— қани айт-чи, хўш?

— Қўғирчоғим ариққа тушиб, оқиб кетганди.

Ҳаммаси аниқ эди. Бу Салимжон Турсуновичнинг қизи эмас. Шокир чолни кўриб бувам деб етаклаб келаверган, қойилман-е! Эсиз, ҳам вақт кетди, ҳам пул. Бутун вужудим қалтираб бирдан Шокирнинг ёқасидан бўғиб дўппослагим келди. Шокир эса худди сувга тушган нондек бўшашиб ўтирар эди. Менга қарагани ботинолмай юзини тескари бурди ва жаҳл билан қизчанинг қўлидан қўғирчоқни юлиб олди.

— Эси наст қиз,— деди у ўшқириб,— бор, жўна!

Қизча қўрқиб бесаранжом бўлиб қолди. Кўзлари олаийиб ранги қув ўчиб кетди.

— Қўй,— дедим раҳмим келиб,— қўғирчоқни қайтариб бер. Бўлар иш бўлди. Энди фойдаси йўқ.

Шокир қўғирчоқни улоқтирди. Қизча қўрқа-писа секин борди-да, тупроққа қорилган қўғирчоқни олиб этагига артди. Шокирнинг яна тортиб олишидан қўрққандай маҳкам бағрига босиб мўлтираб тураверди.

Орқага қайтдик. Қизча орқамиздан пилдираб келяпти. Шокир жим. Аҳён-аҳён гўлдираб сўкинади, алланима деб пичирлайди, нима деяётганига қулоқ ҳам солмайман. Ўзимнинг дардим ўзимга етарди. Бироқ Шокирнинг қилиғини ўйласам ҳали ҳам ғазабим тошиб қўлларим ўз-ўзидан мушт бўлиб тугилади. Аранг босаман ўзимни.

Муюлишдан чиққан аёл хаёлимни бўлиб юборди.

— Ҳой, Раъно!— деди жонҳолатда у. Орқамизда қўрқа-писа келаётган қизча пилдираб олдинга ўтди ва аёлга қараб югурди. Мен тўхтаб қолдим.

— Ойиси шекилли,— дедим.

Аммо Шокирнинг гапиргудек ҳоли йўқ эди. Кўзлари пир-пираб, тиззалари қалтирар, гўё аёл ёқасидан бўғадигандек саросимада эди.

— Қаёқда юрибсан,— дерди куйиниб аёл,— қидирмаган жойим қолмади-я.

Қизча қўлидаги кўгирчоқни ойисига кўрсатиб қулогига нимадир деб пичирлади. Аёл юмшаб бирдан илжайди-да:

— Аканга раҳмат дедингми, қизим,— деди.

— Йўқ.

— Нега?

— Эсимдан чиқиб қошти.

Аёл қизидан ўпкалагандек бош чайқаб қўйди-да, кўгирчоқ учун самимий миннатдорчилик билдирди.

Уйга қайтар эканмиз:

— Асли ўзимизни-ўзимиз алдамай дарс қилсак бўлар экан,— дедим.

— Эсиз,— деди Шокир уҳ тортиб,— қанча пул кетди. Сен пулга ачинма. Мен айбдорман. Бераман.

— Гап пулда эмас,— дедим.— Бекорга қанча вақтимиз кетди, тушундингми?

Шокир яна секин уҳ тортди-ю, бироқ индамади. Нима ҳам дея олар эди. Иккаламиз бўлмагур хаёллар билан чалғимай, эртадан бошлаб чинакамига дарс тайёрлашга аҳд қилиб, уйга кирдик.

## ГИЛОС

Шахло мактабдан келаётиб хайрон бўлди. Ҳар куни жимжит кўчада бугун одам кўп эди. Ҳаммининг қўлида кетмон, бел. Биров ариқ тозалайди, биров кўчат экади. Шахло бирпас томоша қилиб турди-да, югуриб уйга келди.

— Буви, ҳо, буви, қанисиз?

Бувиси айвонда хамир қораётган эди. Шахлонинг товушини эшитиб, ойнадан бошини чиқарди.

— Ҳа, болам?

— Нега уйда ўтирибсиз?

— Уйда ўтирмай нима қилай?

— Кўчага чиқмайсизми?

Бувиси ажабланди.

— Вой болам, сенга нима бўлди?! Кўчада нима қиламан?

— Ҳамма кўчада-ку!

— Нима қилишяпти?

— Дарахт экишяпти.

— Бундоғ демайсанми, — деди бувиси хамирли қўлини бир-бирига ишқалаб, бир оз энгашди-да, осмонга қаради. Эрталабки ёмғирдан сўнг ғуборсиз осмонда қуёш чарақлаб турибди. Битта-яримта тош отди шекилли, ўриқдан бир гала чумчуқ гур этиб кўтарилди. Тумшугига хашак илиб олган қалдирғоч айвон пештоқига келиб қўнди. Олис-олисида турналарнинг «қуре-қуре»си эшитилди.

— Ҳадемай ялпиз ҳам кўкаради, ялпиз сомса қилиб бераман, — деди бувиси Шахлога. — Бу йил ўзи ҳар йилгидан эрта келди.

— Нима, буви?

— Баҳор-да, болам.

— Қачон келди?! — деди Шахло ўпкаланиб. — Нега менга айтмадингиз?

Бувиси ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Ўзим ҳам билмай қопман, болам. Кечаси кепти. Билсам, дарров сени ҳам уйғотардим.

— Дадам билдиларми?

— Йўқ, даданг билмаган кўринади. Бўлмаса, кўчадаги амакиларингга ўхшаб дарров кўчат обкеб экарди. Ким баҳорни яхши кўрса, ўша кўчат экади.

Бувиси Шахлони айвонга олиб кириб, пиёлага сут қуйди-да, нон ясай бошлади. Шахло индамай анчагача ҳовлига қараб ўтирди.

— Буви, — деди оғзидан бармоғини олиб, — сиз баҳорни яхши кўрасизми?

— Бўлмасам-чи! Баҳорни ким яхши кўрмас экан. Ҳамма яхши кўради. Мен ҳам, ойинг ҳам, даданг ҳам, сен ҳам, — бувиси Шахлога ўгирилиб хайрон қолди, — вой, нега сутингни совитиб ўтирибсан.

— Менга анавини олиб беринг, — деди Шахло лунжини осилтириб, — ҳозир олиб беринг.

Бувиси тушунмади. Шахло қўл чўзган томонга қараб яна ажабланди.

— Нимани, болам?

— Анув дарахтни, — деди Шахло.

— Қўй, болам, уни ўтган йили даданг бир ўртоғиникидан олиб келган-а. Ҳадемай гуллаб, гилос қилиб беради.

Шахлонинг ўжарлиги тутиб кетди.

— Керакмас, ҳозир олиб берасиз.

— Вой, ростдан айтяпсанми, нима қиласан уни?

— Кўчага экаман!— деди Шахло кўзларига ёш олиб,— бўлмаса Шахлоларникида ҳеч ким баҳорни яхши кўрмас экан, дейишади.

Бу гап бувисига қаттиқ таъсир қилди. У уюшиб қолган тиззаларини уқалай-уқалай ўрнидан турди-да, Шахлони бағрига маҳкам босиб, у юзидан-бу юзидан ўпди.

— Майли, болам,— деди бувиси,— бир парча ҳовлини ҳар қаричида кўчат, тиқилиб кетди ўзи. Бир нарса эки, эл ҳам наф кўрсин, ола қол, дадангга ўзим жавобини қиламан.

Бувиси ҳовлига тушди. Шахло қувончини ичига яширолмай дик этиб ўрнидан турди-да, кичкина куракчасини судраб кўчага чиқиб кетди. Ариқ бўйини ўйиб чуқурча қазиди. Ичкарига кирганда бувиси кўчатни тайёрлаб қўйган эди.

\* \* \*

Орадан тўрт йил ўтди. Мана ҳозир Шахло еттинчи синфда. Кичкиналигида эккан ўша ниҳол жой кунгак бўлгани учунми, гуркираб ўсди. «Ҳовлида сиқилиб ётган экан-да», дерди бувиси ҳар кўрганда завқи келиб. Дадаси ҳам мамнун эди. Бешинчи йилга ўтганда гилос бир дона нишона қилди. Шахло тоза пишсин деб, маҳалладаги болаларни йўлатмай юрган эди, бир куни жуда қизиқ бўлди: Шахло деразанинг олдида дарс тайёрлаб ўтирган эди. Кўчанинг нариги бетига ойиси билан келаётган бир бола кўм-кўк барглар орасида кўз қамаштириб, қиш-қизариб турган гилосни кўрди-ю, ойисининг қўлидан чиқиб юрганича кўчанинг бу бетига ўтди. Гилосга тирмашди. Бироқ бўйи етмади.

— Вой, буви,— деб юборди Шахло ўрнидан туриб. Айвонда нимадир қилаётган бувиси ажабланиб уйга кирганда Шахлонинг ранги оппоқ оқариб кетганди. У кўчадан кўз узмасди.

— Қаранг, буви,— деди пичирлаб.

Бувиси ташқарига қаради-ю, дарров тушунди. Шахло деразадан бошини чиқариб болага ҳайҳайламоқчи эди, бувиси тўхтатди.

— Қўй, болам, ўшани насибаси экан.

Бола қўлларини тирнаб бўлса ҳам тирмаша-тирмаша охири гилосни узиб олди. Шахлога ўгирилиб, хурсанд жилмайди ва гилосни оғзига солди-ю, шу заҳоти кўчанинг бошига етиб қолган ойисининг кетидан чопиб кетди. Шахло деразадан бошини чиқариб боланинг кетидан

қараб қолди. Унинг мугамбирона жилмайишини ўйлаб Шахло негадир бир энтикди-да, ўзини тутолмай кулиб қўйди.

У хурсанд эди. Аммо нега хурсандлигини ҳали ўзи ҳам аниқ билмасди.

## ПОХОДДА

Мендан лагерни нимаси ёқади, деб сўрасангиз, саёхати дейман. Ҳар йили ана шу саёхатни ҳеч ким менчалик орзиқиб кутмаса керак. Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг, Лагерга келасиз. Болалар ҳали тузуккина танишиб олмасданоқ саёхат бошланади. Янги жойлар, қишлоқлар, одамлар, йўлдаги саргузаштларни айтмайсизми. Мана шу саёхатда кимни қанақалиги дарров билинади, одам ўзига дўст ортттиради. Мен бунга ишондим. Бу йилги саёхатда мен жиззахлик Усмон деган бола билан дўстлашиб қолдим. Тоғдан тушиб келаётган эдик, оёғим шилиниб кетиб орқада қолдим. Тарбиячимиз менга қараб:

— Орқада қолиб кетма, — деб танбех берди.

Бусиз ҳам алаимдан зўрға келаётган эдим. Тарбиячининг гапи таъсир қилди. Тўғрисини айтсам, тарбиячининг баъзи одатлари биринчи куни менга ёқмаган эди. Қачон қарасангиз худди тиши оғриган одамдай юзини буриштириб юради. Гап сўрасангиз калласини иргитиб зўрға жавоб беради. Мен уни бирор марта ҳам кулганини, ё бирор бола билан ҳазиллашганини кўрмаган эдим.

«Шу одам тарбиячи бўлса, ўттиз кун диққинафаслик билан ўтаркан» деб қўйдим, биринчи куниёқ. Аммо саёхатга чиққанимизда болалар билан бир оз ёзилишиб гаплашганини кўрдим-у, «чакки эмас-ку» дедим. Мана ҳозир аҳволимни кўра туриб берган даккисидан яна хўрлигим келиб, тишимни-тишимга қўйганча келаётган эдим, Усмон секин пичирлади.

— Шиппагинг сиқяптими?

— Ҳа.

— Бошқа нарса кийиб олсанг бўлар экан.

Мен жавоб бермадим. Шу тобда унинг меҳрибончилиги ҳам жуда малол келди. Аммо Усмон орқада қолиб шоша-пиша оёғидагини ечди-да, менга узатди.

— Ма!

— Э, қўй.

— Хўп де. Ҳали йўл олис. Менга катталиқ қиляпти. Бўл тез.

Мен кийиб олдим-у, оёгим яйраб кетди. Усмон иккаламиз анчагина орқада қолган эдик. Болаларга етиб олайлик, деб югурдик. Ярим йўлда қотиб туриб қолдим. Бутун аъзойи баданим титраб кетди. Овозимнинг бори-ча чинқириб юборай дедим. Нега десангиз, шундоқ рўпарамда, каттакон тошнинг остидан олачипор илон бошини чиқариб турарди. Умримда илоннинг тиригини кўрган эмасман. Ўзи ҳамма ҳайвонларнинг ичида кўрқадиганим илон эди. Усмон ҳайрон бўлиб орқага қайтди-да:

— Ҳа?— деди.

Мен зўрга имлаб тошни кўрсатдим. У илонни кўрдю, ўзини тутолмай хахолаб кула бошлади.

— Кўрқдингми?

Жавоб беришга ҳолим йўқ эди.

— Оббо сен-е, шу юрак билан саёхатга чиқиб юрибсанми? Бу чақмайди-ку! Шаҳар боласисан-да. Илон расмини фақат китобда кўргансан. Аттанг, бирор идишимиз бўлганида олиб кетар эдик.

...Йўлга тушдик. Ҳозир ҳаммага айтиб калака қиладди деб ташвиш босди. Шу илон ўлгур ҳам, тавба, келиб келиб менинг олдимдан чиқадими. Худди ўчакишгандай-я! Аммо болаларга етиб олди-у, Усмон чурқ этмади. Гўё бояги воқеани унутгандай ёнимда индаман борар эди. Кўнглим жойига тушиб «хайрият» деб қўйдим. Оёгимнинг огриги ҳам аввалгидай эмас. Шунинг учун руҳим анчагина тетик эди. Чўққилари олмосдай йилтиллаб турган тоғлар, ёнбағридаги кўм-кўк арчалар, губорсиз, тиниқ осмонда сузиб юрган бургут галаларига қараб завқланиб боряпман.

— Ана, сой,— деди тарбиячи,— шу сойдан ўтсак бас. Уёғи яқин. Кун ботгунча лагерга етамиз.

Сойга етиб келишимиз билан муздек шабада юзимизга урилиб, этимиз жимирлаб кетди. Бир неча тоғ жилғасидан ҳосил бўлган бу сойнинг этаги ёйилиб, мовий бўшлиққа сингиб кетган эди. Қирғоқда эса қора-қура болалар қўй, сигир ўтлатиб юришарди. Соининг у бетида қишлоқ уйлари кўзга кўрина бошлади.

— Сой саёз,— деди тарбиячи,— аммо тез оқади. Шиппакни ечиб, бир-бирингизни маҳкам ушлаб олинг. Секин ўтамиз, хўпми?

Биз бир амаллаб ўтиб олди-у, аммо қизлар харха-



ша қилишди. Нега десангиз, кўм-кўк тошлари кўриниб турган муздек тоғ сувидан ўтгани уларнинг юраги дов бермас эди. Тарбиячи қанча гапирмасин, қизлар ўтмай-миз, деб туриб олишди.

— Бўлмаса чайла тутиб яшайверинглар, — деди Усмон қичқириб, — қайиқ ясаб, кейин ўтказиб қўямиз.

Қизлар лабларини буриб мушт кўрсатиб қўйишди. Ҳозир ҳазил-хузулга вақт йўқ эди. Шошилиш керак эди. Чунки кун оғиб қолган, ҳадемай қуёш ҳам ботади. Бу ерлар қоронғида кўрқинчли бўлса керак. Айниқса сойнинг шовиллаши юракка аллақандай ваҳима соларди. Қуйироқ томонни энди кўрдим. Ўртада каттагина оролча бор эди. Оролча тошлоқ бўлишига қарамай ҳар хил мевали дарахтларга тўла эди. Яхши жой экан, деб қўйдим. Шу пайт қизлар яна нариги қирғоқдан чувиллашиб қолишди.

— Умиджон ака! — қичқирди қизлардан бири, — нарироқдан ўта қолайлиқ, ҳов анави оролчанинг олдидан, ўша ер жуда саёзга ўхшаб кўриняпти.

Тарбиячи қизлар кўрсатган томонга қаради-да, ғалати жилмайиб, маъқул дегандек бош қимирлатди ва ўзи ҳам қирғоқ бўйлаб кетди. Биз унга эргашдик. Қизлар эса оролнинг олдидаги ўша саёз жойдан ҳам ўтгани кўрқоқлик қилиб туриб қолишди.

Тарбиячи ўзи сувга тушди. Қизларни қўлидан етаклаб оролчага олиб ўтди. Оролнинг ўртасида каттақон тош қаққайиб турарди. Тарбиячи тошни икки-уч айланиб негадир қараб қолди. Сўнг қўли билан пайпаслаб алланарсаларни қидира бошлади. Биз қизиқиб битта-битта оролга ўтдик. Умиджон ака эса гўё ҳаммани унутгандай ўзи билан ўзи овора эди. Тошни ишқалаб аллақандай ғадир-будир чизиқларга қаради-да, хаёлга чўмиб қолди, анчадан сўнг енгил хўрсишиб, бизларга ўгирилди.

— Хўш, кетдикми?

Унинг товуши негадир титрар эди. Ўзи шундай деди-ю, бироқ жойидан қимирламади. Тошга йўнилган бу эгри-бугри харфларда қандайдир сир бор эди. Тарбиячининг бирдан ўйга чўмиши, юзидаги ғалати ифода буни тасдиқлаб турарди. Шу пайт Усмон қаердандир занглаган пачоқ тоғорача билан банди синиқ қошиқ топиб келди-ю, ҳаммамиз ҳовлиқиб оролни изғий кетдик. Топган нарсаларимиз анча-мунча эди. Тешик қозон, чириб, илвираб кетган самовар карнай, сопол парчалар, эҳ-ҳе,

хуллас саноги йўқ эди. Битта мен десам, йўқ, Усмон ҳам, қизлар ҳам қизиқишиб қолишган эди.

— Бу нима?— деди секин Усмон.

Умиджон ака индамади. Анчадан сўнг яна бир енгил хўрсинди-да:

— Бунинг тарихи қизиқ,— деди,— мавриди келганда айтиб бераман. Қалай, орол ёқдими?

Оролда олча, кўксултон, тоғолча бир-бирига мингашиб ўсганидан қалин ўрмонга ўхшаб кетган эди. Бу соясалқин жойдан ҳеч кимнинг кетгиси йўқ. Тўрт кунлик саёҳат анчагина толиқтириб қўйган бўлса ҳам, бу ернинг манзараси буткул руҳимизни ўзгартириб юборган эди. Саёҳатни янгидан, қайтадан бошлашга тайёرمىз. Қани шу ерда бир кеча тунасақ, деган хаёлда эдик. Ҳамма нарсамиз бор эди-ю, аммо озиқ-овқат масаласи чатоқроқ. Шундай бўлса ҳам ҳаммамиз Умиджон акадан қолайлик деб сўрадик. Майли, дедик, бу ерда балиқ кўнга ўхшайди. Балиқ шўрва қилиб ича қоламиз.

— Бўпти,— деди бирдан Умиджон ака бир қарорга келиб,— бугун тунаймиз. Эрта билан йўлга тушамиз.

Дарров палаткаларни тиклашга киришдик. Қизларимиз чой қўйди. Беш-олти бола Умиджон ака бошлиқ балиқ тутгани кетди. Уч-тўрттамыз оролдаги қуриб қолган дарахтларнинг шох-шаббасини йиғиштириб келтирдик. Кечқурун балиқ шўрвадан сўнг гулхан ёқдик.

Гулхан атрофида суҳбатлашиб ўтирар эканмиз. Умиджон аканинг ўзи орол ҳақида, тошдаги ёзув тўғрисида гап очиб қолди.

— Оғир йиллар эди,— деди у,— қишлоғимизда кўпчилик урушга кетган, бутун қийинчилик хотин-халаж, болалар зиммасида эди. Дарсдан сўнг далага чиқардик. Катталар билан бир қаторда ишлар эдик. Бунга ҳеч ким мажбур қилмасди, йўқ, асло, ўзимизнинг хоҳишимиз шу эди. Раис, қишлоғимизнинг кекса агрономи Нусратбобо бизларни ҳар кўрғанда «кўп уринманглар, ҳой, офтобга эҳтиёт бўлинглар» дерди-ю, бироқ юзидан, товушининг оҳангидан ачинаётганлиги шундай сезилиб турарди. Биз эса узукун ишлаб ҳориб, чарчаб келардик. Ўйнагани ҳам ҳолимиз келмас эди, дарров ўринга ёта қолардик. Қаникул бошланиши билан бутунлай далада қолиб кетардик, шийпонда тунардик. Қолхозда ишчи кучи етишмас эди. Аммо каттаю кичик буни сездирмасликка ҳаракат қилар, ҳамма аламини ишдан олар эди. Ана шундай кунларнинг бирида дадамдан... қора

хат келди. Ойим бу гамни кўтаролмай ётиб қолди. Мен кечқурун ишдан барвақт чиқиб уйга қайтадиган бўлдим. Қўни-қўшнилар, Нусратбобо ва хотини Тўти буви ҳамдард бўлиб кўнглимизни қанча кўтаришмасин, юпатишмасин, ойимнинг аҳволи кундан-кунга огирлашар эди. У ўрнидан турмас, овқатга эса қайрилиб ҳам қарамас, йиғидан хиралашган дардли кўзларини шифтга тикканча хомуш ётар эди.

Бир куни ярим кечада ойим уйғотди.

— Тур, ўғлим,— деди ҳовлиқиб,— тур, идорага чиқамиз.

— Нега?— дедим ўрнимдан тургим келмай.

— Бир машина бола келибди.

Дик этиб турдим.

Идоранинг олди одамга тўла, шовқин-сурон, йиғисиги эди. Ҳамма машинага интилар, Нусратбобо эса «хой, шошманглар» деб машинадан тушган озгин, ранг-пар болаларни багрига босар, сўнг сон-саноксиз чўзилган қўлларга узатар эди. Одамлар меҳр билан уларни қучиб, юзидан, пешонасидан ўпар ва ўзи билан олиб кетар эди.

Бир чеккада Тўти буви малла соч, кўккўз, мен тенги бир болани маҳкам ушлаб турарди. Бола қўлга ўрганмаган тойчага ўхшар эди; кўзлари аланг-жалаңг, бор кучи билан Тўти бувининг қўлидан чиқмоқчи бўлиб, ўзини дам чапга, дам ўнгга ташлар эди.

— Умид, бери кел,— деди Тўти буви менга кўзи тушиб,— болам, тиллашиб бер, уйга олиб кетай десам унамаяпти, жон болам, айт: ўзим ўгил қилиб оламан, айт, тушунтириб айт!

Бола бир силкиниб Тўти бувининг қўлидан чиқди-ю, мени кўриб, туриб қолди. Ич-ичига чўккан кўзлари дардли, аламли эди. Мен оҳиста елкасига кўлимни қўйдим.

— Отинг нима?

У жавоб бермади, ердан бош кўтармади. Сўнг бир энтикди-да.

— Кетаман,— деди худди ўзига-ўзи гапиргандай,— кетаман. Бари бир қочиб кетаман. Ойимни... ойимни ўлдиришди, ойимсиз мен... ҳеч қаёққа бормайман!

Ўзимни босолмай қолдим. Ўпкам тўлиб:

— Мени... дадамни!— дея бирдан ҳўнграб юбордим. Бола менга, дока рўмолининг учи билан намланган кўз-

ларини артаётган Тўти бувига қараб турди-да, сўнг бирдан мени қучоқлаб олди.

Оти Саша экан. Биз уни уйга олиб келдик. Уруш азобини тортган, энг яқин кишилари, укаси, ота-онасидан айрилган бу бола анчагача ўзига келолмай юрди. Ойимнинг бутун хаёли унда эди. Кечалари ўрnidан туриб устини ёпиб қўяр, термилар, хўрсинарди. Саша уйқусида босинқирар, титраб-қақшаб «қочинг, ойи, ойи-жон», деб чинқириб юборар эди. Мен чўчиб ўрнимдан туриб кетар эдим. Ойим эса уни бағрига босиб юпатар, овитар эди. Саша кўпинча ойимнинг қўлида ухлаб қолар эди. Ойим унинг ширин уйқусини бузгани кўзи қиймай тонг отгунча каравотнинг четида ўтириб чиқар эди. Ўзимизнинг сигиримиз йўқ эди. Саша ўрnidан тургунча ойим гузардан албатта бир товоқ қаймоқ келтириб қўяр эди. Кўпинча Саша ҳам биз билан далага чиқмоқчи бўларди. Мен жон дердим-у, аммо ойимдан ҳайиқардим.

— Қўй, болам,— дерди ойим,— дам ол, иссиқда ури-ниб қоласан.

Саша ойим билан менга ўрганиб қолди. Аммо ўқтин-ўқтин ойиси, туғилиб ўсган қишлоғи эсига тушиб бурчак-бурчакда йиғлаб олар эди. Буни кўриб кўнглим алланечук бўлиб кетарди. Ойим бўлса-ку, ўзини тутолмай Сашани бағрига маҳкам босарди-да, хўнграб юборар эди. «Отинг ўчсин, уруш», дея қаргаб кетарди. Қишлоғимизга келган украиналик, белоруссиялик болалар билан ҳаммамиз иноқ эдик. Бўш пайтларимизда мана шу сойдан балиқ тутар эдик, чўмилардик. Саша эса ингичка, ёқимли товуш билан қўшиқ айтишга тушарди. Биз унинг мунгли, алам ва дардли қўшиғини жимгина тинглардик.

Бир куни чошгоҳ пайт, Нусратбобо болаларни шийпонга тўплаб:

— Маслаҳат бор,— деди,— хўп десанглар, айтаман. Биз бир-биримизга қараб олдик.

— Майли, айтинг,— дедик,— розимиз.

— Эртадан далага тушгача чиқсанглар-у, қолган вақтни бир юмуш бор, шунга сарфласаларинг. Гап шуки, қишлоғимизга келган болаларга тузуккина қарай олмаяпмиз. Кўриб турибсизлар, катталарнинг қўли ишдан бўшамаяпти. Сизларга айтадиган гапим шуки, яхши жой топсанглар, болаларга лагерь очсак.

Бу фикр ҳаммамизга маъқул бўлди.

Мана шу оролни танладик. Лагерь ташкил қилдик.

У пайтларда алоҳида жиҳозларимиз йўқ эди, бунақа палаткалар қаёқда дейсиз. Ҳар бир бола уйдан топган-тутганини, ҳатто кўрпа-тўшагини келтирди. Шундай қилиб, оролчада кичкинагина лагерь пайдо бўлди. Озиқ-овқатни колхоз омборидан келтирар эдик. У пайтда лагерь бошлиғи ҳам йўқ, ҳаммасини ўзимиз бажарардик. Кўпинча чарчаган бўлишига қарамай иккита катта-катта қовунни қўлтиқлаб Нусратбобо ҳам келар эди. Гулхан атрофига тўпланар эдик. Саша ва унинг ўртоқлари туғилиб ўсган қишлоғи, мактабдошлари ва уруш даҳшатлари ҳақида гапириб берар эди. Фашистлар қишлоқни вайрон қилгани, бегуноҳ одамларни қириб ташлагани ҳаммамизни газаблантирар эди. Баъзан юлдузларга термилиб уйқум келмасди. Хаёлимни Сашанинг ҳикоялари чулғаб олар эди. Эҳтимол уруш бораётган қишлоқдаги одамлар ҳам мана шу юлдузларни кўриб тургандир. Тезроқ озодликка эришиб фашистлар зулмидан қутулишни сабрсизлик билан кутаётгандир. Қани энди худди эртақдаги паҳлавонлардек ҳаммамиз бир кечада каттакон бўлиб қолсагу, ўша одамларни қутқаргани жўнасак!

Бир куни оролга келсам, Саша ва уч-тўртта бола мана шу каттакон тошга ниманидир ўйиб ёзишяпти. Қизиқиб тепасига бордим.

— Нима бу?

Саша бошини кўтарди.

— Ўқи!

— «Йўқолсин уруш!» — деб ўқидим.

...Шунақа, болалар, мана шу тошдаги сўзга йигирма саккиз йил бўлибди. Аёвсиз шамоллар ҳам, жалалар ҳам ўчириб кетолмабди, зотан бу сўзни ҳеч ўчириб бўлмайди, одамларнинг юрагига ёзилган бу сўз!

Бошлиқ жим қолди. Ҳаммамизнинг хаёлимиз қачонлардир мана шу оролда яшаган болалар ва улар ёққан гулханда эди.

— Ҳозир улар... қаерда? — деди Усмон.

Умиджон ака узоқ хаёлга толиб сўнг бошини кўтарди.

— Уруш тугагач, қариндош-уруғлари олиб кетишди. Аммо дўстлигимиз узилмади. Ёз бўлди, бутун қишлоқ болалари билан биргалашиб уларникига, улар эса бизникига келишар эди. Мен ҳаммаси билан хат олишиб турардим... Уларнинг қарийб ҳаммаси олий ўқув юрларини битириб, ажойиб касб кишилари бўлиб ети-

шишган. Тошкентда зилзила бўлган кезлари кўпчилиги шу ерга келишган эди. Ҳозир ҳам қурилишларда иш-лашмоқда. Саша ҳам бор, шу ерда. Агар хоҳласанглар уларни лагерга таклиф қиламиз, учрашув ўтказамиз.

Бу таклифдан ўзимизда йўқ хурсанд эдик.

Ой чиқди. Ҳаммаёқ аллақандай сеҳрли, ажойиб ман-зара кашф этди. Олис-олисларда чироқлар милтиллай бошлади... Умиджон аканинг ҳикоясидан таъсирланиб, анчагача ухлаёлмай сойнинг шовуллашига қулоқ солиб ётдим. Эртаги кунни, Саша амаки билан бўладиган уч-рашувни ўйлаб, хаяжонланар эдим. Гўё менга қачонлар-дир мана шу оролда яшаганларнинг шовқин-сурони орасидан Саша амакининг, ўша, кичкина Сашанинг кўшиги баралла эшитилиб тургандай туюлар эди.

## ЙЎЛДА

Гира-ширада уйдан чиққан Бобоқул билан Мирқо-бил чақчақлашиб енгил қадам ташлаб боришарди. Аммо кўп ўтмай тоғ ортидан кўтарилган қуёш ҳамма-ёқни қиздира бошлади-ю, Бобоқулнинг халтасидаги бир шиша лимонадни ҳаш-наш дегунча иккови ичиб тамомлашди. Мирқобилнинг ойиси патир, тухум, узум солиб тугиб қўйган эди, Мирқобил ўжарлик қилиб ол-маган эди. Бобоқул ҳам «чайни тоғамникида ичаман» деб чиққан эди. Кўп ўтмай икки ўртоқнинг қорни очди. Бироқ айб ўзларида бўлгани учун гик этмай келишар-ди. Кун эса борган сари қизир, ташналик эзар, юриш оғирлашарди. Икки ўртоқ шунча йўл босишса ҳам би-



рон ўткинчи машина учрамади. Йўл ёқада, мажнун-тол остида тўнка ёраётган самоварчи:

— Ҳа, йўл бўлсин,— деди ўгирилиб.

Бобоқул тўхтади.

— Далага, тоғаникига, ўйнаб келгани кетяпмиз!

— Ҳа, яхши,— деди самоварчи,— кун қизиққа қолибсизлар-да, чой дамлаб берай.

Бобоқул ўжар бўлмаса дадаси йўл-пўлда у-бу оларсан деб анчагина чақа берган эди, шуни ташлаб келадими. Мирқобил эса Бобоқулда пул бордир деб ишонган эди, мана энди икки ўртоқ тамадди қилиб олай деса на чўнтагида пули, на халтасида нони. Бобоқулнинг ўйланиб турганини кўриб:

— Қани, баққа келинлар,— деди самоварчи,— битта кўк чой дамлайман. Ўзим ҳам ҳали нонушта қилганим йўқ, баҳона билан бир бурда нон еб оламан.

Икки ўртоқ сўрига чиқди. Чойхоначи чой дамлади, патнисда иккита нон, қанд олиб чиқди. Сўрининг остидан каттагина ананас қовунни олиб, косалади. Ҳаммалари иштаҳа билан ея бошлашди. Самоварчи бўшаган пиёлага чой қуяркан:

— Ҳа, олинлар, тортинманлар,— деб ора-чора қис-таб қўярди. Мана, Бобоқул ҳам, Мирқобил ҳам роса қорниларини тўйдиришди. Чолга раҳмат айтиб, йўлга тушишди.

— Бечоранинг чойига пул ҳам бермадик-а,— деди Мирқобил.

Бобоқул эса:

— Ўзи сўрамади-ку,— деди елка қисиб.

Қорни тўйиб Бобоқулнинг чиройи очилди, Мирқобил негадир хомуш эди. Шу алфозда анчагина йўл юрини гач:

— Асли тўнка-дўнкаси бўлса ёриб берсак бўларкан,— деди Мирқобил — қари одам экан, суюнардир.

Бу гап Бобоқулга ёқмади. Уйда қилмаган ишни кўчада қиламанми, деб хаёлидан ўтказди ва тезроқ юр деб, ўртогини шоширди. Мирқобил бошқа гаширмади. Бобоқул баҳайбат зонтдек олисда савлат тўкиб турган садақайрагочдан кўз узмай борарди. Етиб олишса маза, сой бор, балиқ тутишади, кейин тоғасининг ўғли билан тоққа боришади. У ерда ёввойи қуён отиб олиш ҳам ҳеч гапмас. Нега десагиз, тоғасининг ўғлида ов милтиги бор. Ўтган йили ёзда Бобоқул билан тоғдан тўртта қуён отиб келишган. Қуённинг гўштидек мазали гўшт

дунёда йўқ, кўк пиёз, помидор, озгина чеснок солиб қайнатса борми, бай-бай, ана овқату мана овқат.

— Менга қара, — хаёлини бўлди Мирқобил, — орқага қайтаман.

Бобоқул ажабланди.

— Нега?

— Ўзим...

Мирқобил бошқа гап айтмади. Ўзининг тамизи бўлса билиб олар, деб ўйлади. Бобоқул ҳам яна сўрамоқчи бўлиб оғиз очган эди, Мирқобил қўл силтаб, орқага жўнаворди. Бор-е, сенга ялиниб ўтираманми, деди-ю, Бобоқул ҳам йўлида давом этди. Бормаса-бормас, ўзи кетаверади. Нима, тоғамникига юр, деб ялинганмиди. ўзи бир ҳафтадан бери қачон олиб борасан деб. жон-ҳолига қўймади-ку. Бобоқул ана шундай хаёллар билан анчагина юриб қўйган эди. Қимдир чақиргандай бўлди. Бобоқул аланглаб ёнига қаради. Нарироқдаги сўқмоқда эшак арава турарди. Аравакаш қўл силтаб, яна Бобоқулни чақирди.

— Нима? — сўради Бобоқул.

— Иним, бери кел.

Бобоқул ноилож бурилди.

Қараса, арава синиб ётибди. Устида бирталай қовун, аравакаш Бобоқулни учратиб қолганидан ниҳоятда хурсанд эди.

— Обба, иним-е! — дерди ҳар гапининг бирида, — буни қара, палакат келиб-келиб шу ерда синса-я! Колхознинг лагери бор. Ўша ерга олиб кетаётган эдим. Мана, ярим йўлда шу алфозга учраб ўтирибман. Ташлаб кетай десам буни билмайман, бориб лагердагиларга хабар берай десам уни билмайман, гир этиб бориб келсанми?

Бобоқул кўзларини катта очди.

— Қаёққа?

— Лагерга-да, — деди аравакаш, — бориб шундай-шундай десанг бас, болаларнинг ўзлари келиб олиб кетишади. Мен сенга лагернинг қаердалигини тушунтириб берай-а, нима дейсан?

Аравакаш ҳамон Бобоқулдан жавоб кутарди.

— Боролмайман, — деди Бобоқул.

Аравакаш эса:

— Нега? — деди худди кулоқларига ишонмагандек.

— Амаки, шошиб турибман, тоғамникига кетяпман.



Бобоқул секин орқага бурилди. Аравакаш худди ўзига-ўзи айтгандек «аттанг» деб қўйди.

— Майли, иним, йўлдан қолма, битта-яримтани учратсанг албатта шундоқ-шундоқ деб қўй. Бугун лагердаги болаларнинг тугилган кунини нишонлашмоқчи экан, шунга раис бува элтиб бер деганига мен ҳам рози бўлган эдим, аттанг!

Бобоқул катта йўлдан шипиллаб кета бошлади. Туриб-туриб аравакашнинг илтимоси унга алам қиларди. Ғалати одам экан. Ҳеч бўлмаса «ма, йўлда сўйиб ерсан», деб битта қовун ҳам бермади-я! Тағин шу иссиқда лагерга бориб болаларни бошлаб кел, дейишини қаранг. Аммо Бобоқул жаҳлдан тушиб, бундоқ ўйлаб кўрса, дарҳақиқат, аравакашга ҳам қийин экан, молини кўчанинг ўртасига ташлаб кетолмаса, кун тепада қиздириб турган бўлса, асли лагерь қаёқдалигини сўраб олса ҳам бўларкан. Эҳтимол йўлдадир, баҳона билан лагерга кириб сув-пув ичиб олармиди. Йўл эса ҳамон оғирлашарди. Бунга қаранг, Бобоқул шунча юрди, битта машина ҳам учрамади-я. Қолхознинг машиналари шаҳарга мол олиб тушиб кетган бўлса ҳали кечки томон қайтади. Кутишининг эса ҳеч иложи йўқ. Бобоқул уйдагиларга эрта билан бориб кеч салқинда қайтаман деб келган. Асли ҳар эҳтимолга қарши ётиб қоламан деб қўйса ҳам бўларкан. Бирпас дам олай деб Бобоқул ариқ четидаги тол соясига чўккалади.

— Бобоқул!

Олиса Мирқобил кўринди. У чоғиб келарди. Кела солиб Бобоқулнинг ёнига чўккалади. Кўриниши хурсанд эди.

— Ҳа?

— Ўзим, — деди Мирқобил, — чолнинг атиги битта тўнкаси бор экан. Бирпасда ёриб ташладим. Бечора шунча хурсанд бўлдики, ўзи дунёда бировни хурсанд қилишдан яхши иш йўқ экан деб қўйдим. Машинага солиб юборди. Ҳов анови муюлишгача олиб келиб қўйди машина.

Икки ўртоқ жим қолди. Мирқобил жилмайишини қўймасди. Бобоқул эса юраги ғаш, негадир Мирқобилнинг гапларидан ғашлиги яна ҳам ортди. Жазирама офтобда бирор ўткинчига маҳтал бўлиб ўтирган аравакаш кўзига кўриниб кетиб, дик этиб ўрнидан турди.

— Юр!

Мирқобил унга эргашиди. Бобоқул тез-тез қадам таш-

лаб борарди. Орқасига қарамасди. Гўё қараса ўша аравакаш «аттанг» деб унга афсусланиб тикилиб тургандек бўлаверарди. Анча йўл юришди. Мирқобил ҳайрон эди. Нега Бобоқул хафа, қовоғидан қор ёгади-я! Мирқобилнинг қайтиб келганига суюнмади ҳам. Демак, ҳали аразлаб кетиб қолганда Бобоқул ҳеч хафа бўлмаган эканда, ўзи ҳам тентак, бирпас чолнинг у-бу ишларига қарашиб уйига қайтиб кетаверса бўлмасмиди? Бобоқул хафа бўлмасин деб ҳаллослаб чошиб юрибди-я!

— Мунча имиллайсан?

— Ҳа?

— Бунақада қачон етамиз,— деди Бобоқул,— офтобни қара куйдириб юборди, илдам-илдам юр.

— Менга қара,— деди Мирқобил,— мунча зарда қиласан?

— Ким зарда қиляпти?

— Ким бўларди, сен-да,— деди Мирқобил.— ё қайтиб кетаверайми. Мени кўриб суюнмадинг ҳам-а, кет десанг, кетавераман.

Бобоқул елка қисди.

— Ўзинг биласан.

Тўгриси, бунақа жавобни Мирқобил сира-сира кутмаган эди. Нима дегани бу, бор, кетавер, деганими, тавба, Бобоқулдан шу гап келяптими-а, Мирқобил қулоқларига ишонмасди. У бирпас ажабланиб, Бобоқулга тикилди. Аввалига ҳазил деб ўйлади. Йўқ, Бобоқулнинг қиёфаси жиддий эди. Мирқобил бўшашиди. Аттанг, Бобоқулни яхши билмас экан. Дадаси дўст сафарда билинади, деб тўгри айтган экан. Бунни қаранг-а, шунча йил бирга ўқиб, бирга ўйнаб юрган ўртоғининг қанақалигини энди билиб ўтирса-я. Мирқобил секин хўрсинди-да, орқага қайтди. Бобоқул унга, қол, демади. Йўлда давом этди. Аммо юрагининг гашлиги тобора ортиб борарди. Боя эрталаб чиққандаги қувончидан асар ҳам қолмаган эди. Ўзини мажбур қилиб қадам ташларди-ю, аммо шунча кун кутган бу саёҳат унга ҳеч қандай хурсандчилик бағишламасди. Неғалигини Бобоқул ўйлаб ҳам кўрди. Бироқ сабабини топа олмади. Офтоб эса ниҳоятда қиздирар. Бобоқулнинг кўз олди жимирлашиб борарди. Фикрини чалгитмоқчи бўлиб ҳар хил яхши хаёлларни ўйламоқчи бўларди-ю, бироқ ўша аравакаш кўз олдидан сира-сира кетмасди. Нима қилаётганикин, албатта бирор пана жойда ўтиргандир, эҳтимол битта катта қовунни олиб косалаяптими, аммо Бобоқул бундай

ўйлаб кўрса шохобча йўлда бирор тиккайган дарахт, бирор уй йўқ, демак офтобда ўтирибди, ҳа ўтирибди, бир арава қовунни ташлаб қаёққа борарди. Лагердаги болалар ҳам ғалати-я, туғилган кунлари экан, шу қовун ўлгурни ўзлари бориб олиб келишса бўлмайдими, мана ҳозир маза қилиб сувда чўмилишяптими, ё соясалқин ўрикзорда китоб ўқишяптими, лекин араванинг синишини улар ҳам қаёқдан билибди дейсиз. Бир арава қовунни кўрганда болалар роса қувонишган бўларди-да, аттанг, арава синмаганда Бобоқулнинг юраги ҳам бунақа ғаш бўлмасмиди.

Бобоқулнинг қадами секинлашди. Негадир ортиқ юролмай қолди. Нимани хаёл қилмасин, ўзини чалғитишга уринмасин, йўлдаги аравакашнинг қиёфаси кўз олдидан нари кетмасди. Энтикди, бўшашди, бирдан орқага ўгирилди, йиғламсираган товуш билан:

— Мирқобил! — деди.

Мирқобил жуда олислаб кетган эди. Эшитмади. Бобоқул нима қилишини билмай бирпас туриб қолди. Олдинга юрай деса юраги ғаш, бир қадам ҳам қўёлмайди, орқага қайтай деса... Бобоқул бирдан югура бошлади. Мирқобилга яқин қолганда яна овозини баланд қилиб:

— Тўхта! — деди.

Мирқобил тўхтади.

Бобоқул етиб келди. У энтикар, ҳадеганда гапиролмасди. Гапнинг тўғриси, Мирқобил ўртоғини ҳеч бунақа аҳволда кўрмаган эди. Нима бўлди, нима гап, нега Бобоқул бу аҳволда, тинчликми?

— Биласанми, — деди ниҳоят Бобоқул, — боя сендан бир нарсани яширган эдим.

...Икки ўртоқ шохобча йўлга бурилганда уларни аравакаш кўриб, пешвоз чиқди.

— Айтдингми?

Бобоқул индамади.

Яқин қолишганда:

— Йўқ, — деди, — амаки, йўлда ўртоғимни учратиб қолдим. Қовунингиз бор-йўғи икки қоп чиқар, қопингиз борми?

— Йўқ-да, — деди аравакаш, — иккитагина қоп бўлганда-ку, эшакка ортиб кетаверардим-а, араванинг тагида биттагина йиртиқ қоп бор, ҳаммаси кетмас.

— Бўлмаса, ўшанга солайлик, — деди Бобоқул, — қолганини қўлтиқлаб ола қоламиз.

— Майли, — деди мамнун аравакаш, — раҳмат, бара-

калла, лагердагилар ҳам худди сенларга ўхшаган бола. бир кўриб суюнсин.

Ҳаммалари қопдан ортиб қолган қовунни қўлтиқлаб. йўлга тушишди.

Анчагина юришгач:

— Шу ерда пича дам олайлик-а,— деб қолди аравакаш қўлтиғидаги қовунни ерга қўйиб. Болалар ҳам ариқ ёқасидаги толнинг олачалпоқ соясига чўккалашди. Аравакаш қовун сўйди. Учовлари роса чанқашган экан, Бобоқул Бобоқул бўлиб, бунақа ширин, бунақа асал қовун еган эмас. Мирқобил бўлса оғзини ҳар тўлдириб қовун чайнаганда «бай-бай», деб бош чайқаб кўяди!

...Лагердаги болалар қий-чув, хурсандчилик билан кутиб олишди. Бобоқул ҳам, Мирқобил ҳам ана шу ғала-ғовурдан фойдаланиб секингина қайтиб чиқишди. Кимдир «бояги болалар қани», деб сўраб қолган эди. Олисда аравакашнинг чақирган товуши эшитилди. Аммо Мирқобил билан Бобоқул қайтиб киришмади.

— Яхши қилдик,— деди Мирқобил,— нима, қовунни кўтариб келдик деб ҳаммага кўринишимиз шартми?

— Тўғри,— деди Бобоқул, у ҳам ўзида йўқ хурсанд эди.— Лекин-чи, бу ишимиз жуда зўр бўлди!

— Бўлмаса-чи,— деди Мирқобил,— кун ҳам яримлаб қолди. Бобоқул, нима қиламиз?

— Хўп десанг орқага қайта қолайлик,— деди Бобоқул,— келар дам олиш кунни барвақтроқ йўлга чиқамиз.

Икки ўртоқ орқага қайтишди. Аммо улар хафа эмас эдилар. Қайтага руҳлари тетик эди, дам-бадам бир-бирларига илжайишар, хурсандликларининг чеки йўқ эди. Нега, Бобоқул ҳам, Мирқобил ҳам бунинг аниқ сабабини билишмасди.

Аммо билиш шартмиди?

## ЖАСУР БОЛАЛАР

Баҳорнинг илиқ-иссиқ кунлари одамнинг юраги қизиб уйда ўтиролмай қолди. Мен ҳам битта китобни қўлтиқлаб, неварам билан боққа бордим, боғ деганим, машиналарнинг ғала-ғовуридан сал наридаги каттагина хиёбон эди, бу ерга мана шу атрофдаги катта уйларда турувчи қари-қартанглар йиғиларди. Қиши билан димиқиб, диққинафас бўлган кишилардан баъзи кунлари янги

бўёқдан чиққан скамейкаларда жой қолмасди. Биров бурнига кўзойнак кўндириб журнал варақлаган, уч-тўрт киши термосда чой дамлаб келиб чақчақлашган, шахмат суришиб ўтирган ишқибозлар ҳам кам бўлмасди. шунақа гавжум бўлиб кетарди бу хиёбон.

Мен ҳам холироқ жой топиб, қўлтигимдан китобни олдим. Неварам ёнимда ўтириб зерикди шекилли, хиёбоннинг бошида қий-чув қилаётган болаларнинг олдига қараб кетди. Осмонда губор йўқ. Офтоб одамга хуш ёқадди. Янги барг ёзган дов-дарахтларда қушлар тинимсиз чуғурлайди, силаб-сийпалаётган шабада аллақердаги ялпиз исини димоққа гуп-гуп уради. Яшнаб, яшариб бо-раётган табиатдан кўз ололмай ўтирган эдим, қушларнинг чуғур-чуғури эшитилмай қолди-ю, кўп ўтмай бир галаси шундоқ тепадан учиб ўтди, алланарса «тап» этиб оёгим тагига тушди. Қарасам, чумчуқ экан. Хуркиб кетиб, яна жон-жаҳди билан осмонга кўтарилган эди. узоққа боролмади. Қўлимга олдим, қанотидан қон оқарди!

— Ҳаҳ, ноинсоф! — дея уёқ-буёққа қарадим. Ҳамма ўзи билан ўзи овора, яқин орада бирор бола йўқ, ҳаммаси хиёбоннинг этагига эди. Қушнинг қанотини ювдим. Рўмолчамнинг бир четини йиртиб, ярасини боғлаётган эдим, уч-тўрт бола ҳовлиқиб келиб қолди. Биттасининг қўлида рогатка. Бола ҳам, қўлидаги рогатка ҳам шу топда кўзимга жуда-жуда хунук кўриниб кетди.

— Нега тош отдинг?

Бола кафтимда тинирчилаётган жониворга худди бир бўлак тошга қарагандай бепарво назар ташлаб. индамай тураверди. Кўзларига боқиб галати бўлиб кетдим: юраги жиз этмади-я. Тагин бунинг устига менга олайиб қараб, шерикларини эргаштирганча хиёбоннинг этагига қараб югуриб кетди. Ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Хузур-ҳаловатим йўқолди. Негадир бу ердан тезроқ кетгим келди. Афт-ангоримдан бетоқат бўлаётганимни сезган неварам ҳам индамай эргаша қолди. Бу бола беозор қушга нега тош отди, тош отганда нимани ўйлади, нимани ҳис қилди, боя каллам гувиллаб кетган экан, уйга яқин қолганимда бир оз совиб, ўзимдан ўзим хафа бўлдим. Еш болага ўхшаб аразлаб юрибман-а, тавба, нега ўша бераҳмни қулогидан чўзиб, инсофга чақирмадим, аттанг, қайтиб борсам хиёбоннинг этаги бўм-бўш, ҳеч ким йўқ. Аксига, неварам ҳам ўша болаларнинг биронтасини танимас экан!

Уруш йиллари эди.

Милицияда ишлар эдим. Одамларимизнинг кўпчилиги йўқ, фронтга кетган, иш эса кўп, баъзан уч-тўрт кунлаб навбатчиликда қолиб кетардик. Бир куни шошилинч хабар олдик. Унда қуролланган жиноятчи қидирилаётганлиги айтилган эди, бўй-басти, кийим-кечаги, кўриниши, қўйинг-чи, бутун қиёфаси, ҳатто жаҳли чиққанда тирногини кемтийдиган одатигача батафсил маълумот бор эди. Жиноятчи шаҳарда узок қололмаслиги, албатта олисроқ бирор жойга жўнаб кетишга уриниб кўриши ҳам тахминдан холи эмас, шунинг учун вокзал, автобус станцияларини назардан қочирмаслик тўғрисида кўрсатма бор эди. Энди уйга кетмоқчи бўлиб турган эдим, бўлмади, ёнимга одам олиб, дарров вокзалга жўнадим. Милиция формасини ечиб, оддий деҳқончасига кийиниб олганмиз, елкамизда бир боғламдан арқон, ўша кезлари вокзалда нима кўп ташкачи кўп бўларди, боришимиз билан дарров ўшаларга қўшилиб оламиз, деган умидда эдик. Қор учқунларди. Изгирин шамол кўз очирмасди. Йўллар, йўлаклар боя бир оз кун илиганигами, кечга бориб тоза яхмалак бўлиб қолган эди. Йўл ёқасидаги мажнунтолнинг шохидан ҳасса қилиб олдик, энди хотиржам бораётган эдик, муюлишдаги тор кўчадан бир бола югуриб чиқиб қолди. Менга туртилиб, узала йиқилди. Қўлидан халтачаси, бошидан қалпоғи учиб кетди. Мен нима бўлганига ҳали тушуниб етмай дарҳол қўлидан ушлаб турғизаётган эдим, ўша тор кўчадан яна икки бола югуриб келди-ю, йиқилган болага ёпиша кетди.

— Ҳаҳ, қўлга тушмас экансан!

— Э, бу нима қилиқ? — дедим аранг уларнинг чангалидан болани ажратиб, — иккита одам битта болага кучларинг етдими, уят-е!

Бола пинжимга кириб олди. Анови иккови чўчиб, бир оз четланди. Шунда ҳам бола қочгудай бўлса, дарров қувишни мўлжаллаб шай бўлиб туришди. Жанжални бир ёқлик қилмай кетгани кўнглим бўлмай қолди, қолаверса, шеригим ановиларни гапга сола бошлаган эди. Билсак, улар болалар уйдан экан. Бирининг оти Мирсалим, иккинчисиники Ҳошимбой экан. Мирсалим — кўзлари катта-катта, қотма, узун бўйли бола берган саволларимизга хуши келмай жавоб қайтарди-ю, аммо паст бўйли, афт-башарасидан очиққина кўринган Ҳошимбой ҳаммасини гапириб бера бошлади. Мана шу болани қўлга туширолмай анчадан бери доғда юришган

экан. Ҳали дарсдан чиқиб остановканинг қорини курашаётган экан, бирдан болани кўриб қолишибди, дарров ушлашибди. Бола эпчиллик қилиб икковининг қўлидан чиқибди-ю, шу томонга қараб қочибди:

— Ҳа, айби нима, Ҳошимбой? — деди шеригим. Ҳошимбой болага галати бир қараб:

— Ўзидан сўранг, амаки, — деди. Бироқ бола жавоб беришдан кўра яна қочишни мўлжаллаб турган эканми, Ҳошимбой билан Мирсалимнинг алаҳсиганидан фойдаланиб, секин орқага бир қадам ташлаган эди:

— Овора бўлма! — деди Ҳошимбой. Бола чўчиб яна менинг биқинимга кириб кетди. Ҳошимбой ерда ётган халтачани олди.

— Мана, амаки!

Қарасам, халтада анчагина чумчуқ!

— Нега отдинг?

Бола миқ этмади. Бош эгиб тураверди. Ҳошимбой боланинг елкасига туртиб:

— Ҳа, нега индамайсан? — деди. Бола ўпкаси тўлди, энтикди, бирдан кўзларига ёш келди.

— Ойим касал, — деди аранг, — ойим... уйимизда...

Орага оғир жимлик чўкди. Ниҳоят, Ҳошимбой болага яқинлашди-да, елкасига оҳиста кўл кўйиб:

— Ўзинг ўйла, ҳозир кимга осон? — деди, — лекин нима бўлса ҳам паррандага озор берма.

Боланинг аҳволи қанчалик ачинарли бўлмасин, ammo Ҳошимбой ҳақ эди. Афтидан бола ҳам кўлимдаги халтачага ҳозир бефарқ қарай олмас, оғир аҳволда эди. У ниҳоят бошини кўтарди. Жавдираб ҳаммага бир-бир қаради, бўшашди, ниманидир ўйлаб турди-да, икки чўнтагидаги майда тошларни ағдариб ташлади. Қўлидаги рогаткани ариққа улоқтирди, секин торкўчага қараб кетди.

— Тўхта, — деди Ҳошимбой. Бола кўчанинг оғзида тўхтади. Ердан кўз узмай Мирсалим билан Ҳошимбой келишини кутиб турди, учови аҳиллик билан торкўчага бурилиб кетганини кўриб, биз ҳам йўлда давом этдик.

— Анови иккови яхши болалар экан, — деди шеригим.

Мен унинг гапини маъқуллаб, бош силкидим. Ҳозир ҳар иккимизнинг хаёлимиз вокзалда, у ердаги одамларда эди. Ишни нимадан бошлаш лозим, калаванинг учини қаердан излаш керак, шу топда жиноятчи нима қиляпти.

кимнинг паноҳида жон сақлаяпти, хаёлимиз ана шунақа жумбоқлар билан банд бўлиб, йўлдаги воқеани унутган эдик. Аммо шу куни ҳам, эртасига ҳам бутун хатти-харакатимиз зое кетди, жиноятчининг изига тушолмай, бошимиз қотди. У биз тасаввур қилгандай соддагина эмас, аксинча жуда айёр экан, қаерга яширинган бўлса ҳам қулай пайт пойлаб ётгани аниқ эди. Минг хил режа туздик, минг хил хаёлга бордик. Охири бўлимимиздаги кекса, тажрибали бир хизматчининг маслаҳатини амалга оширишга аҳд қилдик. Мен зотан бунақа масъулиятли, қолаверса, қалтис ишларга болаларни аралаштириш тарафдори эмас эдим-у, аммо чуқур мулоҳаза қилиб кўрсак, бошқа иложимиз ҳам йўқ экан. Ўйлаб-ўйлаб тунов кунги икки болага тўхталдик. «Юраги соф болалар», деди шеригим яна эслаб. Режамиз оддийгина, аммо жиноятчини чўчитиб юбормас, аксинча, уни осонлик билан қўлга олиш имконини берарди. Бу ишга болалар аралашшини назарда тутиб, режани ҳар томонлаи пухталадик, ниҳоят, Ҳошимбой билан Мирсалимни район милициясига чақиртириб келдик. Узоқ суҳбатлашдик. Болалар оққўнгил, ақл-хуши жойида, синчков кўринди. Мақсадимизни айтдик. Улар ёрдам беришга рози бўлишди. Биз бу иш масъулиятли, қолаверса, қалтис эканлигини қайта-қайта тушунтирдик, аммо болалар чўчиш уёқда турсин, назаримиздан қочган баъзи нарсаларни аниқлашга ҳам ёрдам беришди.

...Эртасига барвақт вокзалга йўл олдик. Елкаларидаги қопчиққа иккита пахмоқ адёл, беш-олтита кумуш қошиқ, биттадан оҳори кетмаган сочиқ солиб қўйганмиз, эгнилари ҳам юпунгина, шубҳа туғдирмаслик учун оёқларидаги этикни эски, ямоқ ботинкага алмаштириб олишган эди. Мен икковининг қўлидан ушлаб боряпман. Ҳошимбой вокзалга киришимиз билан кўзларига ёш олиб:

— Жон амаки, қўйиб юборинг, — деб «ялинишга» тушди. Мирсалим овозининг борича ҳўнграб «йиғлай» бошлади. Одамлар нима гаплигига қизиқиб тўхташди. Биров ёқа ушлаган, биров «аттанг» деб бош чайкаган, симёғочнинг тагидаги ямоқчи дўконидан бош чиқариб сўради:

— Ўртоқ милиционер, бу болаларнинг гуноҳи нима?

Мен ҳам жўрттага овозимни баланд қилиб жавоб қайтардим:

— Буни қаранг, ётоқхонанинг нарсаларини ўғирлаб,



қочишган экан, икки кундан бери қидиравериб, жоним да-жон қолмади, ҳозир тутдим.

Ямоқчи яккам-дуккам соқолини тутамлаб, болаларга бирпас разм солиб турди-да:

— Бу шумтакаларни яхшилаб жазоланг! — деди.

Шу пайт Мирсалим бирдан қўлимга «ёпишди». Ҳошимбой жонҳолатда силтаниб ерга думалади. Мирсалим жон-жаҳди билан тирсагимни «тишлаб» олган эди, мен қичқириб юбордим-у, қўлимни чангаллаб қолдим. Ҳошимбой билан Мирсалим бирпасда одамларнинг орасига кириб ғойиб бўлди. Улар анча йироқлашганини кўриб овозимнинг борича:

— Ушланглар! — дедим. Одамлар орасидан икки ўсирири чикиб болаларни «қувлаб» анча жойгача борди-ю, аммо «тутолмай» изига қайтиб келди. Мен «афсусланиб» орқага қайтдим.

Вокзалда уч ходимимиз қолди. Улар одамларнинг назарида ҳар хил юмуш билан ивирсиб юришган бўлса ҳам, болалардан кўз узишмас, олиса ҳушёр бўлиб туришарди. Қани кўрайлик-чи, натижа нима бўларкин деб, сабрсизлик билан кута бошладик. Аммо кўп ўтмай одамларимиздан бири ҳовлиқиб келиб қолди.

— Иш чатоқ, — деди, — сиз кетишингиз билан ярим соат ўтар-ўтмас болаларни йўқотиб қўйдик. — Нима?!

Юрагим гаш, кўзимга ҳеч нарса кўринмас, фикр-ёдим болаларда эди. Нима гап, нима бўлди, наҳотки бирон нарсани назардан қочирган бўлсак! Ахир, хавф-хатар сезишлари билан улар дарров орқаларига қайтишлари ё бўлмаса ўша ердаги одамларимизга шипшитиб қўйишлари керак эди-ку! Ҳаммаёқни қарадик, қидирмаган жойимиз қолмади. Аммо ном-нишон тополмай, шу кун ҳаммамиз мижжа қоқмай чиқдик. Шу йўқолганча болалар уч кун деганда топилди.

Эрта билан барвақт шошилиб келаётсак, ўша тор кўчанинг бошида йўлка кураб юрган бир бола имлаб чакирди, олдига бордик.

— Нима?

Бола жавоб бериш ўрнига:

— Юринг, — деди ва куракни елкасига ташлаб, шипиллаганча торкўчага кириб кетди. Шеригим билан ажабланиб, кетидан бордик, бола гапимизга қулоқ солмас, орқасига қарамай зингиллаб борарди. Шу алфозда анчагина юрдик. Нураб, ярми қулаб кетган девор олди-

да тўхтадик, бола кўчанинг икки бошига аланглаб олгач:

— Боққа ўтинг, — деди-ю, югурганча кўчанинг бошига бориб, яна йўлканинг қорини курай бошлади. Девордан ўтдик. Яккам-дуккам қолган дарахтларнинг шохидаги қорни силкитиб, олақаргалар уёқдан-буёққа учар, тинимсиз қағилларди, ташландиқ жой экан, фақат жинкўча томондаги ярми қулаган девор демаса, боғнинг қолган томони очиқ, катта кўчага қўшилиб ётарди. Бу ерга нимага келдик, деб уёқ-буёққа аланглаб турган эдик, рўпарамиздаги ёнгоқнинг панасидан Мирсалим чиқиб қолди!

— Мирсалим?! — кўзларимга ишонмай қолдим, қувончдан қичқириб юборай дедим, болани маҳкам кучоқлаб олдим, — нима бўлди, қаерда эдиларинг. Хошимбой қани?!

— Буёққа юринг, — деди Мирсалим пичирлаб, — айтиб бераман.

У бошлаб келган жой анча қулай эди. Бир томонини ёнгоқ тўсиб турарди, иккинчи томонида уч-тўрт метр нарида ковлаб ташлаб кетилган чуқурнинг тупроғи уюлиб ётарди. Ўртага чўққайган одамни на торкўчадан, на катта кўчадан бирор ўткинчи пайқамасди.

— Хўш?!

— Хавотир олманг, амаки.

— Қани?

— Анови ямоқчи билан дўконнинг ичида чой ичиб ўтирибди.

— Нима? Ямоқчи билан, нега?

— Ҳозир айтиб бераман. — деди Мирсалим, — ўша куни қўлингиздан қочишимиз билан вокзалнинг орқасига ўтдик. Қарасак, боши берк кўчага кириб қолган эканмиз. Бирпас нафасимизни ростлаб орқага қайтаётган эдик, ердан чиқдим, осмондан тушдим, шундоқ рўпарамизда анови симёғочнинг тагидаги ямоқчи пайдо бўлди. «Ҳа, бу ерда нима қилиб юрибсизлар», деди. Мен «адашиб кириб қолибмиз, амаки» дедим-у, Ҳошимга имладим, иккаламиз жуфтакни уриб қолмоқчи эдик, чол илжайиб «бери келинлар», деди имлаб. Мен бирор гап айтмоқчимиз деб яқинлашган эдим, маҳкам қўлимдан ушлади. Ҳошим қоча бошлаган эди, чол чалиб юборди. Ҳошим коптокдек думалаб кетди. Чол уни ҳам дарров гарданидан чангаллади, қўли чўяндек қаттиқ экан, оғриқнинг зўридан кўзимдан ростакамига ёш чиқиб кет-

ди. «Қўйиб юборинг, жон амаки», деб ялиндик. «Бекор айтибсан, муттаҳам, — деди чол, — ҳаммасини кўзим билан кўрдим, ҳозир мелисага бераман». Биз баттар уввос солиб йиғладик. «Жон амаки, манашу қопчигимиздаги иккита ян-янги пахмоқ адёлни олинг-у, бизни қўйиб юборинг», деб яна ялина бошладик. Бу гал у бир оз жаҳлидан тушиб «кўчанинг бошида анови мелиса турибди, — деди, — ушласа нима бўлишларингни биласанларми?» Биз кўзимизни бақрайтириб туравердик. У бизга болалар уйдан ҳайдалишимиздан тортиб қамалиб кетишимизгача, ҳаммасини гапириб берди. «Хўш, энди қаёққа бормоқчисизлар?» — деди. Ўзимизни гўлликка солиб, елкамизни қисиб туравердик. Чол бир менга, бир Ҳошимга қараб турди-да, қўлимизни қўйиб юборди, биз қочмадик. «Майли, савоб йўлига яхшилиқ қилай», деди ва кўчадаги тахта деворнинг бир бўлагини олиб, имлади. Мен фақат шундагина уни рўпарамизда қандоқ қўққисдан пайдо бўлганини тушундим, иккаламиз тахтанинг орасидан ичкарига ўтиб олдик. Чол тахтани жойига қўйиб, миҳ қоқиб қўйди, кирган жойимиз чолнинг дўкони орқасидаги кичкина хужрача экан. «Бугунча шу ерга яшириб қўяман, — деди у, — аммо эртага жўнанглар, сенларни деб мелисага тушиб юрмай». Биз хужрадаги эски-туски ичига кириб ухладик. Чол ҳам дўконида қолди. Эртасига зора ҳайдаб юборса десак, йўқ, уйгонганимизда олдимизга қотган нон билан ярим чойнак чой кўтариб кириб қолди. «Кечаси билан ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлашди, битта-яримтани излашди шекилли, сенларни десам, иккита адёлга жилла ҳам оёғи куйган товукдай югуришмаса керак», деб чиқиб кетди. Яна бирпасдан кейин хужрага бош тиқиб «одамларнинг орасида иккита янги одам пайдо бўлди. Елкасига арқон ташлаб юрибди, афтидан жилла ташкачига ўхшамайди», деди. Нима қилишимизни билмай қоронғи хужрада ётавердик.

Мен нега одамларимиз болаларни бирдан йўқотиб қўйганини, икки кун қидирсак ҳам нега болаларнинг изини тополмаганимизни энди тушундим.

— Хўш, ундан кейин-чи?

— Бугун эрта билан чой-нон олиб кириб, «иним, сенга бир юмуш бор» деб қолди, майли, айтинг, дедим. «Яхши ошнам бор, жуда ғариб одам, касал ётганмиш, бир мижозимнинг этигини созлаб берган эдим, озроқ қанд берди. Шу қандни ташлаб келсанг, уйини тушунтириб

бераман, ўзим борай десам, сизлардан кўнглим тинчимаёшти» деди. Чойни ичиб бўлишимиз билан чўнтагидан ўн тўрт чақмоқ қанд олди, биттасини Ҳошимга, биттасини менга берди, биттасини оғзига солди. Қолганини эса латтага яхшилаб ўраб, чўнтагимга солиб қўйди, «эшикни аввал икки марта, кейин секинроқ яна бир марта тақиллатасан, — деб тайинлади, — ўзи касал одам, менадан бошқани хушқўрмайди, шунинг учун мен борганимда доим шунақа қиламан, кўча-қўйда алахсима, бор-у, гириллаб кел. Йўлда нафси бузуқлик қилиб юрма, печта қанд олиб борганингни мен ошнамдан сўраб биламан-а? Мен қўл тегизмасликка қасам ичдим-у, ўрнимдан турган эдим, «вокзал томонга зинҳор ўтма» деди. Яна ўша тахтачани очиб, ўзи орқа кўчагача кузатиб қўйди. «Қочини хаёлингга келтирма, ўртоғинг қолди-я», деб қўшиб қўйди. Вокзалга ўтолмаганим учун ўзимизникиларни кўролмай бошим қотиб келаётсам, торкўчанинг бошида боя сизни бошлаб келган бола юрибди, танидингизми уни, амаки?

— Ким у? — деди шеригим.

— Анови куни чумчуқни қийратиб юрган болаку! — деди Мирсалим, — сизларни шу ерга бошлаб келишни тайинлаб, ўзим чол айтган одамникига жўнадим. чол алахсимамай дарров бориб кел деганига чўчиб, ўша боладан илтимос қила қолдим.

— Яхши қилибсан, — дедим, — ёмон болага ўхшамайди.

— Йўқ, амаки, ёмон бола эмас экан. Ўшандан кейин биз ўртоқ бўлиб кетдик, мен сизга кейин айтиб берман.

— Майли, — дедим, — бордингми? — Ҳа.

— Хўш?

— Чол айтган уй Салорнинг ёқасида пастқамликда экан, топгунча анча овора бўлдим, боя чол айтгандек эшикни тақиллатган эдим, эшик қия очилиб, ичкаридан чолнинг ошнаси «қани буёққа бер» деб қўл чиқарди.

— Афти-чи, афтини кўролмадингми?

— Йўқ.

— Кейин-чи?

— Қантни олиб, «шу ерда тур» деб эшикнинг ичидан беркитди, кўп ўтмай яна қўлини чиқариб, «мана буни бериб қўй» деди.

Мирсалим чўнтагидан қоғозга ўралган нарсани олиб,

менга узатди, авайлаб қоғозни очсам, бир боғлам майда мих, ҳеч нарсага тушунмай шеригимга қарадим.

— Бу нима?

— Қизик, — деди шеригим михни қўлига олиб, — бунда бир гап бормикин, қани санаб кўрайлик-чи, бир, икки, тўрт... ўн битта экан.

— Хўш? — дедим.

— Демак, неча чақмоқ қант олганлигини михнинг сони орқали чолга билдиряпти, ё гапимда мантиқ йўқми?

— Бор, — дедим, — бор, демак қантнинг сони шу қадар муҳимки, борди-ю, йўл-пўлда бола биронтасини еб қўйса, ҳамма режа чиппакка чиқади, шундайми?

— Ҳа, баракалла, — деди шеригим, — ҳамма гап михда эмас, қантда ҳам эмас. Ана шу ўн бир рақамда, хўш, бу нима? Бу нимани билдиради?

Бош қотиришга тўғри келди. Аммо болани бу ерда узоқ ушлаб қололмас ҳам эдик, чолда шубҳа тугилиши мумкин эди, бирдан хаёлимга келган нарсадан сесканиб кетдим.

— Чол болани кузатган бўлса-чи.

— Йўқ, — деди шеригим комил ишонч билан, — авваламбор Ҳошимбой мушук эмаски, хужрага қамаб, дўконини ташлаб чиқса.

— Хўш, шундай деяйлик, — дедим, — анови одам-чи?

— У бутунлай шубҳадан холи, кундузи чўчимай уйдан чиқа олса, Мирсалимни ўртада воситачи бўлишига ҳожат қолмасди. Ботинкасини мойламоқчи бўлиб чолнинг олдига борарди-қўярди, бундан кўнглингиз тўқ бўлсин. Мени бошқа нарса ташвишга соляпти.

— Нима?

— Чол иккала болани қўрқмасдан нега хужрада сақляпти?

Мен Мирсалимга ўғирилдим.

— Қопчигингдаги нарсалар қани?

— Турибди, — деди Мирсалим, — чол очиб кўрди-ю, олмади. Қопчиқларни бошимизга ёстиқ қилиб ётибмиз.

— Бўпти! — дедим хотиржам, — чол анойи эмас, болаларга бирор шикаст етказиш хаёлида ҳам йўқ, сир очилгудай бўлса, «ўғриларни мен ушладим» деб бола-

ларни ўзи милицияга олиб бориб топширади. Шунинг учун ҳужрада сақлашдан чўчимайди.

— Шундаймикин, — деди шеригим хаёлга толиб, — болалар бояги гапни айтиб қўйишидан хавфсирамасмикин?

— Йўқ, — дедим, — чол унга анови шеригини бир амаллаб жўнатиб юборади. Бола қантни михга алмаштириб келдим деган гапига ким ишонарди, деб ўйласа керак чол!

— Лйтгандай, — деди Мирсалим бирдан, — айтгандай, бир нарсани унутибман. Чол «қантни эртага кечқурун чойга солиб ичаркансиз» деб айтишни тайинлаган эди.

— Хўш, айтдингми?

— Ҳа.

— У киши-чи, у киши нима деди?

— «Майли, — деди, — эртага кечқурунгача чол шу михларни этигимнинг пошнасига қоқиб қўйсин!»

Яна жумбоқ, бу валдир-вулдура гапдан фақат «кечқурун» деган сўздагина маъно борга ўхшарди. Демак, чолни кечқурун деган сўзини тўғри тушунганлигини бояги киши яна бир марта тасдиқлаётган эди!

Масала ойдин эди. Агар биз хато қилмасак, демак, ўша кишининг эртага кечқурун ўн бирдаги поездда жўнаб кетиши мумкинлиги ҳақида гап борарди!

Мирсалимни бундан ортиқ ушлаб бўлмасди. Унга эҳтиёт бўлишликни қайта-қайта айтдик, бирор шубҳа, бирор хавф сезгудек бўлса, ямоқчининг дўкони атрофида айланиб юрадиган одамларимизга дарров сездириб қўйишини тайинлаб, жўнатиб юбордик.

Шеригим билан ўша бола бошлаб келган торқўчадан қайтдик. Ҳаммаси жойида, биз кутгандан кўра яхшироқ натижа беряпти. Аммо ҳали фикр-мулоҳаза қиладиган кўп нарса бор, аввало яшириниб ётган ўша одам кечқурун тўппа-тўғри поездга ўтираверадими ё чолга учрайдими, билет чолда бўлса кейингиси эҳтимолдан холи эмас. «Эртага кечгача этикнинг пошнасига мана шу михни қоқиб қўйсин» дегани нима, фақат «кечқурун» деган сўзни ниқоблаш учун ишлатилган гапми, ё унда яна бирор маъно борми, борди-ю, эрта тунда чолнинг олдига ўтса, чол уни болаларга кўрсатадими, ё болаларни вақтинча уёқ-буёққа жўнатиб турадими?

Аммо эртасига қизиқ хабар эшитдик. Чол ташкачиларнинг орасида юрган одамларимиздан бирини ўсмоқ-

чилаб гапга солибди. «Мелисанинг қўлидан қочган болалар шу атрофда изғиб юрибди, мен кўздан қочирмай турсам, сиз гир этиб районга хабар қилиб келинг, ўзим борардим-у, дўконни ташлаб кетолмайман» дебди. Яхшики, одамимиз ҳушёрлик қилиб кўнмабди. «Э, ака, мени тирикчиликдан қолдириб нима қиласиз, хабар берсангиз ўзингиз бориб хабар бераверинг» дебди-ю, дарров бир йўловчининг қопини елкасига қўйиб жўнабди. Ямоқчи кетидан бўзариб қопти.

— Хўш, — дедим шеригимга.

— Сиз ҳақсиз, — деди у, — чол анойи эмас. Битта ўқ билан иккита куёни отмоқчи. Яъни, шубҳали кўринган ташкачини синамоқчи бўлган, қолаверса, болаларни тўппа-тўғри кўчага ҳайдаб эмас, тагин бунинг устига милициядан битта раҳмат эшитиб, улардан эртага кечгача қутулмоқчи!

Эртасига ҳақ деб кутдик. Аммо чолдан дарак йўқ эди. Симёғочдаги чироқлар хирагина милтиллади, вақт саккиздан ўтиб борарди. Ташқаридан қараганда бепарво ўтирган бўлсак ҳам юрагимизнинг гупиллашини ўзимиз эшитиб ўтирган эдик, кўзимизни деразадан узмасдик. Ойнанинг тагидан тугунча кўтариб, кеча бизни Мирсалимнинг олдига бошлаб борган бола ўтиб қолди. Хаёлимга ғалати фикр келиб, дарров болани чақириб келдим.

— Ойинг тузукми?

— Раҳмат, — деди бола, — касалхонадалар, анча тузалиб қолдилар.

— Ўзинг-чи, ўзинг ким билан турибсан?

Бола бошини қуйи солди.

— Ёлғиз, — деди анчадан сўнг.

— Хўн десанг, ойинг тузалиб чиққунча болалар уйга жойлаб қўйай, — дедим, — ойинг ҳам бамайлихотир даволанади, сен ҳам иссиқ-совуқда қолмайсан.

— Майли, — деди бола қувониб.

— Бўлмаса эртага кел, — дедим, — аммо ҳозир сenga бир юмуш бор, ўғлим.

— Майли, амаки, айтинг.

Бола гириллаб кетди-ю, орадан кўп ўтмай қайтиб келди.

— Ямоқчи дўконини ёнди!

— Яхши, — кўнглим бир оз жойига тушди. — Энди уйингга бор, эртага албатта менга учра.

Бола хурсанд бўлганча уйга жўнаб қолди. Орадан

жилла кўп ўтгани йўқ, кўчада Ҳошим билан Мирсалимнинг қўлидан судраб келаётган ямоқчи кўринди, чолнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқарди, иккаласини болохонадор қилиб сўкарди, эшик тарақа-туруқ очилиб, ямоқчи болаларни судраб кирди.

— Мана муттахамлар, мана!

Мирсалим билан Ҳошимбой ўзини тутолмай бирдан иккови қучоғимга отилди. Шунча кун унинг чангалида яшаш осон эмас эди. Мен ҳам ўз фарзандимдек бўлиб қолган бу болаларни ҳадеганда бағримдан бўшатгим келмасди. Чол талмовсираб, бояги ясама важоҳатидан асар қолмай, орқага бир қалқиб кетди-ю, бесаранжом кўзлари билан эшикка қаради.

— Ўтиринг, — деди шеригим совуққина, — ҳозир ропша-роса тўққиз, вақт зиқ, хўш, гапнинг лўндасига кўчамизми?

Чол деразанинг олдидаги курсида чўкиб ўтирарди. Шеригимнинг гапига ҳа ҳам, йўқ ҳам демади. Анчадан сўнг болаларга хўмрайиб:

— Чакки шубҳа қиялпсиз, — деб ғулдуради хириллаган товуш билан, — мен буларни яхши кўнгиш билан тутиб келган эдим.

— Бас қилинг, — дедим ва Салор бўйидаги уй, қанд, мих, кечқурун ўн бирдаги поезд, ҳаммасини бирма-бир эсига солдик. Аслида ҳамма хоинлар қўрқоқ, қўрқоқларда эса доим хоинликка мойиллик бўлади, деб тўғри айтишади. Чол ҳам шунақалардан бири эди. Анчагача тўрга тушган балиқдай типирчилади-ю, иложи қолмай, ниҳоят ёрилди: бунга қаранг, биз ҳали келиб улгурмаган ўша хабардаги жиноятчини қўлга тушириш учун ҳамма чорани кўриб қўйган эканмиз, биз қидираётган одам тунда, ўн бирдаги поездда келиши керак экан.

— Келаётган одамни танийсизми?

— Йўқ.

— Уни ким кутиб олиши керак?

— Ўша Салорнинг ёқасида турадиган одам.

— Сиз-чи?!

— Мен... — деди чол довдираб, — мен...

— Ҳа, сиз!

— Билмадим, — деди чол бошини чангаллаб ва кўз қирини девордаги осма соатга ташлаб қўйди. Соат мили чорак кам ўнни кўрсатарди.

— Ўжарликни қўйинг, фойдаси йўқ, — дедим, — дўконни ёнишингиз билан ҳали замон олдингизга кели-



ши керак бўлган анови ошнангиз қўлга олинган. Хўш, «этикнинг пошнасини михлаб қўйдингизми?»

Чол ялт этиб қаради. Унинг ҳозиргина мўлтираб, одамнинг раҳмини келтириб турган кўзлари ғалати йил-тиллаб кетди, билинар-билимас лабини тишлаб, жим қолди.

— Улгурганим йўқ, — деди ниҳоят, — этик ҳам, нарса ҳам менда эмас, ўша одамда.

— Хўш?

— Келадиган одам чамаси ярим соат тўхтаб, оёғи-дагини мен тайёрлаб қўйган этикка алмаштириб, яна бошқа поездга ўтириб, жўнаши керак экан. Аммо, так-рор айтаман, азбаройи йўқчиликдан шу ишга рози бўл-дим, айбим шу, бошқа нарсани билмайман.

— Шундаймикин? — дедим ишонмай, чолнинг кўн-жи қайрилган қўпол этигига қараб, бирдан чигаллашиб кетган калаванинг учини яна топгандай бўлдим.

— Ечинг!

— Нимани?!

— Оёгингиздаги этикни!

Бу қутилмаган таклиф чолни эсанкиратиб қўйди.

— Нима? Милиция идорасида-я, — деб бирдан сак-раб туриб кетди, — бир бечоранинг оёғидаги этикка кўз олайтириш, бу қандай адолатсизлик!

— Энди ҳаммаси аён, — дедим осойишталик билан, негаки, чол хатти-ҳаракати билан ҳозир ҳамма шубҳам-ни тасдиқлаган эди, — ўша одамни сиз кутиб, оёгингиз-даги этикни уникага алмаштиришингиз керак эди, хўш?!

Шу пайт эшик очилди. Одамларимиз чолнинг Салор бўйидаги уйда яшириниб ётган ошнасини тутиб келин-ган эди. Қовоқлари салқиган, афт-башараси ёқимсиз. ўрта яшар киши экан, чол билан кўз уриштириб, ёнида-ги бўш курсига ўтирди.

— Бу ошнангиз, — дедим чолга, — анови келаётган жиноятчининг ё алоқачиси, ё шериги, эҳтимол ҳамма кўрсатмани шундан олгансиз, кейин аниқлаймиз, сиз-нинг кўмагингиз билан у ҳам, бу ҳам ўн биру ўттиздаги поездда эсон-омон жўнаб олиши керак эди!

Чол ортиқ бош кўтармади.

Ҳамма гап унинг этигида экан. Икки кишининг по-мига тайёрланган қалбаки ҳужжат, қўш қават қилиб ти-килган кўнжидан бир даста пул чиқди.

Соат ўн бирда чолнинг «меҳмон»ини кутиб олдик.

Эртасига анови болани Мирсалим билан Хошимбойнинг ёнига жойлаштириб қўйдим. Шу-шу учови олдимга тез-тез келишар, майда-чуйда ишларимга қарашиб туришарди. Мен ҳам уларга жуда ўрганиб қолган эдим, бир ҳафта кўрмасам қидириб олдиларига борардим.

Уруш тугади. Йиллар ўтди. Болалар ҳам ўсиб, улгайди, уйли-жойли бўлди. Мен ҳам пенсияга чиқдим. Мана ҳозир ўрнимда район милициясини ўша бола бошқаряпти. Онаси ўтган йили вафот этди. Бир куни оёқсининг қабрини зиёрат қилиб қайтаётган эдик. Йўлдаги садақайрағочда чигиллаб оламини бошига кўтараётган қушларга қараб қолди:

— Аттанг, болалигимдаги ўша тентаклигим бир умр армон бўлиб қолди. Беозор паррандаларни қийратганимда, ўшанда болалари ҳам худди мен ҳозир онамни қўмсагандек чирқираган бўлса керак!

Буни қаранг, шунча йил ўтса ҳам ўша доғ юрагида экан.

...Шу пайт хиёбоннинг этагида қий-чув кўтариб, яна бояги болалар пайдо бўлди.

— Юр, — дедим неварамга.

— Қаерга?

Мен уларга, ўша ажойиб, ўша жасур болалар ҳақида гапириб беришим керак, шу топда дилимдагини айтмай туrolмасдим. Хиёбоннинг этагига қараб юрдим.

## МУСТАФО

Отряд советининг раиси Мустафони ҳамма хурмат қилади: футбол ишқибози, шахматчи, масала ишлашда унга тенг келадиган бола йўқ, кўп ўқийди, билимдон. ажойиб-ғаройиботлар тўғрисида бир гапга тушса, ҳамманинг оғзини очиб қўяди. Энг муҳими, ширинсўз. хушмуомала. Шунинг учун ўқув йилининг бошида бош пионервожатий:

— Отряд советининг раислигига кимни сайлаймиз, — деганда, ҳамма бир овоздан:

— Мустафони! — деган эди.

Авваллари Мустафо илгари қандай бўлса ўшандайлигича қолаверди. Синф раҳбари «синфимизнинг аълочиси» деб фахр билан тилга олганда, фақат Мустафо эмас, ҳамма болалар ич-ичларидан хурсанд бўлишарди. Отряд советининг раиси бўлгандан кейин болаларнинг

ўқишига ҳам эътибор бериш керак-да, Мустафо шундай қилди: Ўктам деган болага ёрдам берди. Ўктам тириш-қоқ, ҳаракатчан бола эди. Биринчи чоракда иккилари уёқда турсин, ҳатто «уч»ларни ҳам «тўрт»га чиқарди, иккинчи чоракда эса аълочилар қаторига ўтиб олди.

— Менга раҳмат айт, — дерди ҳар доим болаларнинг олдида Мустафо, — мен бўлмасам, эҳ-ҳе, ўша «иккинг» билан судралиб юраверардинг.

Ўктам қизариб-бўзариб:

— Яхшилигингни унутмайман, — дерди-ю, ичида ўртоғидан қаттиқ хафа бўларди. Яхши, ёрдам берибсан, шуни ҳамманинг олдида гапиравериш шартми? Бир марта гапирдинг бўлди, ҳадеб қайтараверасанми? Мустафо эса ўртоғининг юрагида кечаётган бу ўйлардан бе-хабар, «менга раҳмат де» деб пеш қилишни қўймасди. Бир куни буни болалар ҳам сезишди. Нодира билан Вали:

— Бўлди, — дейишди Мустафони четга чақириб, — ҳадеб Ўктамни уялтираверма!

Энди синф раҳбари битта Мустафони эмас, Ўктамни ҳам тилга оладиган бўлди-ю, бу Мустафога алам қилиб, худди бир нарсасини йўқотиб қўйган кишидек ғалати бўлиб қолди. Бирор бола у ё бу фандан тушунмай танаффусда Мустафога мурожаат қилса:

— Ҳа, ўзингни калланг йўқми, — деб жеркийдиган бўлиб қолди. Ўктам эса тушунмаган боланинг ёнига ўтириб соатлаб бирга дарс тайёрлар, шериги яхши баҳо олса худди ўзи олгандек қувониб кетарди, аммо бирор марта ҳам «мен сенга ёрдам беряпман», деб пеш қилмас, қайтага болаларнинг олдида «йўқ, ўзи яхши дарс қиляпти» деб шеригининг ёнини оларди.

Мустафо ўзгариб қолди. Буни ҳамма пайқади, баъзилар юзига тик айтишди, баъзилар эса шама қилишди, бироқ Мустафо, парвойига ҳам келтирмади. Ўктам аълочи бўлгани билан, хўш, унга ўхшаб футбол ўйнай оладими, шахмат-чи, албатта йўқ, демак, ҳали ҳам у ҳаммадан олдинда, айниқса кунларнинг бирида дадасининг расми газетада чиққанда унинг гердайданини кўрсангиз. Синфга кирди-ю, болаларга ғалати қараб бепарволик билан папкасидан газета чиқарди.

— Манавини кўринглар, — деди у газетани ўқитувчининг столига қўйиб. Ўзи эса бир чеккага бориб илжайиб турди. Ҳамма қизиқиб ўрнидан турди, газетага ёпишди, Нодира газетани қўлига олди.

— «Ажойиб коммунист», — деди Нодира мақолага кўз югуртириб. Унда машинасозлик заводининг токари, кекса коммунист Самад Каримов деган кишининг камтарлиги, ишбилармонлиги, шогирдларига ғамхўрлиги ҳақида гап борарди.

— Яхши одам экан, — деди Нодира. Ҳамма унинг фикрига қўшилди. Мустафо оғзининг таноби қочиб:

— Бу киши — менинг дадам! — деди.

Кечқурун чой ичиб ўтиришар экан, Мустафо синфда бўлган воқеани оқизмай-томизмай дадаси билан ойисига гапириб берди. Ойиси унча эътибор бермаган бўлса ҳам, Самад ака қошларини чимириб, қовоғини солиб ўғлига тикилди. Нима гап, наҳот шу гаплари рост бўлса, хаёлидан ўтказди.

— Хўш, — деди Самад ака, — ундан кейин-чи?

— Э, ундан кейин кўрсангиз, ҳаммаси оғзини очиб қолди, — деди Мустафо ҳовлиқиб — менинг дадам қанақалигини ҳамма билиб қўйсин дедим-да, тўғрими ойи?

Ойиси ошхонада нима биландир куймаланишаётган эди. Мустафонинг гапларига «тўғри» деб қўя қолди. Аммо дадаси индамай ўрнидан турди, бошини қуйи солиб уйнинг у бошидан-бу бошига одимлади, пиёладаги чойи совиб қолди, бироқ у чой ичишни хаёлига ҳам келтирмасди, ниҳоят уйнинг ўртасида тўхтади-да:

— Газетани ҳаммага мақтаниб кўрсат деб ким айтди сенга? — деди.

Мустафо кўзларини катта очиб дадасига қаради.

— Хеч ким, ўзим...

Мустафо довдираб қолди. Дадасига нима бўлди, газетада чиққан нарсани олиб бориб ўртоқларига ўқитса ёмонми, нима қипти, ахир ҳаммани ҳам газетага ёзишавермайди-ку?

— Э, аттанг! — деди Самад ака ва бошқа гапирмай кийина бошлади. Шу пайт эшик тақиллади, Мустафо ташқарига чиқди, кўп ўтмай ташқаридан Мустафонинг аллаким билан гаплашаётгани эшитилди. Дадаси беихтиёр қулоқ солди-ю, ғалати бўлиб кетди:

— Уф-фф, — деди Мустафо, — ўзинг-чи?

— Айтяпман-ку, — деди нотаниш бола, — мана шу масалага ҳеч тушунолмапман, икки соатдан бери бошимни қотираман, қани жавобига тўғри чиқса. Ишлаган бўлсанг...

— Дафтарни бер, кўчириб олай, демоқчимисан, —

деди Мустафо унинг гапни бўлиб, орага жимлик чўкди. Нотаниш боланинг ҳазин товуши эшитилди.

— Мустафо, — деди у, — қойилман-е! Тушунтириб бер деяпман, дафтарингни бошимга ураманми!

— Аълочисан-ку, — деди Мустафо киноя билан.

— Нима, аълочи ҳамма нарсани билаверадими, бирон нарса сўраса айб бўларканми?

Дадаси таниди. Бу Уктам эди. Тунов куни Мустафо уни аълочи эканлигини, синф раҳбари энди фақат Мустафони эмас, унинг номини ҳам тез-тез тилга олишини галати бўлиб гапириб берган эди. Э, аттанг, ўшанда Мустафога яхши эътибор бермаган экан, ҳа-ҳа, ўшанда Мустафо жуда галати кўринган эди кўзига, сўзлари ҳам қизиқ, илгаригидек самимий эмас эди.

Мустафо қовоқ-тумшуғи осилиб қайтиб кирди.

— Дада, — деди у, — бугун балиқ овига олиб бормоқчи эдингиз-ку, эсингиздами?

— Эсимда, — деди дадаси ва иш кийимларини кия бошлади. Ойиси эса бир парча пишган гўшт, сариеғ суртилган икки бўлак нонни қоғозга ўраб узатган эди, дадаси барвақт қайтаман, деб олмади. Мустафо анчагача унинг оғзини пойлади. Аммо Самад ака гапириш уёқда турсин, Мустафога ўгирилиб ҳам қарамади. Мустафонинг сабри чидамай:

— Бормаймизми? — деди секин.

— Йўқ.

— Нега? — деди Мустафо.

— Кўряпсанми, — деди дадаси, — ишга кетяпман!

Яна гап бўлинди. «Бугун дам олиш куни-ку» хаёлидан ўтказди Мустафо, нега дадаси заводга кетяпти. Мустафо ҳайрон эди. Самад ака эса остонадан орқага қайтди.

— Бўш бўлсанг мен билан юр, — деди у, — заводни кўриб келасан, ё дарсинг борми?

— Йўқ, дада, — деди Мустафо ва дарров кийиниб, дадасининг олдига тушди. Улар то завод эшигига етгунча индамай келишди. Илгарилари кўчага бирга чиқишганда Мустафо билан дадаси ҳазил-ҳузул билан чақчақлашиб боришарди. Энди бўлса, тавба, дадасига бир гап бўлганми, ё ишда, йўғ-е, уни илғор деб доим макташади-ку!

Завод эшиги олдида турган уч-тўрт ёш ишчи Самад акани кўриши билан худди ўқитувчига кўзи тушган

ўқувчидек сергак бўлиб қолишди, гапдан тўхташди, ҳурмат билан саломлашишди. Самад ака ҳар бири билан қўл олишиб саломатлиги, ўқиши, бола-чақасигача бирма-бир сўраб чиқди. Ҳатто эшик тагида турган қорувул билан ҳам роса уч-тўрт минут ҳол-аҳвол сўрашди. Завод директори, ўрта бўйли, малла сочли бақалоқ киши эса, узоқдан Самад акани кўриши билан тўхтади:

— Дам олмасиз-да, — деди жилмайиб.

— Э, уйда ўтиролмадим, — деди Самад ака.

Директор маънодор бош чайқаб қўйди.

— Яширмай қўя қолинг, Эгамназарнинг олдига келгансиз.

— Топдингиз, — деди Самад ака.

— Ана шунингизга қойилман-да, — деди директор оҳиста Самад аканинг елкасидан қучиб, — раҳмат!

Самад ака Мустафони цехга олиб кириб, ҳар хил машиналарни кўрсатди, қайси машина қандай ишлаши тўғрисида озгина гапириб берди, сўнг, кўзлари чақчайган, озгин йигитча билан баҳслаша кетди, машинани юргизиб юбориб, ниманидир куйиб-пишиб кўрсата бошлади.

— Ҳой, Эгамназар, — деди Самад ака, — гап деталнинг сонида эмас асло, сифатида!

— Биламан, домла, аммо...

— Нима демоқчи бўлганингни тушундим, — деди Самад ака унинг гапини бўлиб, — ҳар иккови муҳим, аммо сифатига алоҳида эътибор бер. Сен ишлаётган деталь кўпга чидамаса, кимга фойда-ю, кимга зиён?

Чақчайган кўзли киши қизарди. Қўли билан пешонасини силади. Икки қошининг ўртасига қорақуя суриб қўйганини ўзи ҳам билмай қолди. Буни кўриб, Мустафонинг бирам кулгиси қистадикки, «дада, ҳовлини айланиб келай» деган баҳона билан ташқарига чиқиб кетди.

Завод ҳовлиси каттагина эди. Атрофи кўм-кўк дарахтзор, ўртадаги гуллар кўз қамаштирарди, офтобда ял-ял ёниб, бир туп лола ҳам очилиб ётибди. Мустафо скамейкага ўтириб, осмонда париллаб учаётган қушларни томоша қилди, зерикди, ўрнидан туриб ҳурмат тахтасидаги кишиларни кўздан кечира бошлади. Ана дадасининг ҳам расми! Унинг мулоим кўзлари Мустафога кулимсираб қараб тургандай. Боя эшик олдида учраган ишчилар ҳам бирин-кетин ичкарига кириб, ал-

ланарсаларни тортиша-тортиша Мустафонинг олдида тўхтаб қолишди.

— Самад акага қойилман, — деди ишчилардан бири расмдан кўз узмай, — ҳали ҳам бўш келмайди-я.

— Қизиқсан-а, — деди шериги, — бўш келмайди-миш-а. Сен билан мендақадан ўптасига ақл ўргата олади.

Бу гаплар Мустафога бирам ёқиб кетдики, бутун вужуди яйраб кетгандай бўлди. Қизиқ, дадаси ҳақидаги газетада чиққан мақолани ўқишгапмикин, шу топда бирдан «бу менинг дадам» деб юборгиси келди. Бироқ ўзини аранг босди.

— Ҳозир Самад ака нимага келди, биласанми, — деди бояги киши.

— Йўқ.

— Шунақасан-да, — деди шошиб-пишиб. — Эгамназарнинг олдига келди. Ойнадан бориб қарасам, нима қиянти дегин, Эгамназарга иш ўргатяпти, бутун сирини очяпти, бу чолга тан берса бўлади.

— Қойилман, — деди шериги, — бўлмаса иккови мусобақадос-а!

Мустафо ортиқ уларнинг гапига қулоқ солмади. Ғалати бўлиб нарига кетди. Қизиқ, дадаси мусобақадос бўлса, нега бировга сирини очади, бунақада ютқазиб қўйиши турган гап-ку!

Шу пайт Эгамназар билан дадаси ташқарига чиқиб қолди. Ҳар иккови хурсанд, ҳар икковининг кайфи чоғ эди. Дадаси бир нарса деб Эгамназарнинг елкасига оҳиста уриб қўйди. Эгамназар суюниб кетди:

— Раҳмат, домла.

— Энди тушундингми?

— Тушундим, — деди Эгамназар қувонч билан, — сизнинг гапингизча иш тутсам роса ярим соат вақт тежар эканман, демак, йигирмата ортиқча деталь деган гап, раҳмат, Самад ака.

Ота-бола уйга қайтишди. Мустафо негадир хомун эди. Ора-чора дадасига қараб кўярди. Дадаси аксинча. хурсанд кўринарди. Охири Мустафонинг сабри чидмай:

— Дада, — деди секин.

Самад ака ўглига қаради.

— Нима?

— Нега, нега ундай қилдингиз?

Самад ака аввал бу саволнинг маъносига тушунма-

ди, кейин бирдан ажабланиб ўглига қаради-ю, қадами-ни секинлатди.

— Ҳали олдинга ким келди?

— Ўктам келган эди, нега сўраяпсиз?

— Ўзим, — деди дадаси ва жим қолди.

Катта кўчадан ўтиб уйлари томон бурилишганда Самад ака худди ўзига-ўзи гапиргандек алланарса деди. Мустафо эшитолмади. Сўрагани ботинолмай келаётган эди, дадаси бош чайқаб:

— Аттанг, — деди, — қани, айт-чи, Ўктам ким?

— Ўртогим, — деди Мустафо.

— Йўқ, — деди Самад ака яна бош чайқаб, — ўртогинг эмас.

Мустафо ҳайрон бўлиб:

— Ие, дада, нега унақа деяпсиз? — деди, — рост айтяпман, ўртогим! Бирга ўқиймиз, ўзингизга ҳам бир неча марта айтганман-ку, Ўктам ўртогим деб!

— Йўқ, — деди Самад ака аранг жаҳлини босиб, — ўртогинг бўлса ғайрлик қилмас эдинг, уялмай «ўртогим» дейсан-а!

Самад ака яна жим қолди.

Мустафо дадасининг ёнида бошини ердан кўтаролмай борарди. Улар шу алфозда уйга кириб келишди.

Шу куни Мустафо дарсга ўтирди-ю, бироқ ручка ушлаган қўли қимир этмай қолди. Қалласига ҳеч нарса кирмасди. Шу аҳволда қанча ўтирганини ўзи ҳам билмайди. Бирдан кўзига Ўктам кўриниб кетди. Чакки қилди, жуда ёмон бўлди, биров ёрдам сўраб эшигингни тақиллатиб келса-ю, у бўлса, Мустафо дик этиб ўрнидан турди, кийинди, папкасини қўлтиқлаб, дадаси ўтирган хонага чиқди. Телевизор кўриб ўтирган дадаси кўз ойнак устидан Мустафого қаради:

— Қаёққа, ўғлим? — деб сўрамоқчи эди, Мустафонинг қўлтигидаги папкани кўриб индамай қўя қолди.

Мустафо кетиши билан:

— Қаёққа кетдийкин шу пайтда? — деди ойиси хавотирланиб.

Самад ака хотиржам ва мамнун эди.

— Қўявер, ойиси, — деди, — чамамда ўртогиникига кетди, борсин, ўргатсин, ўзи ҳам ўрганеди, нима дединг. хотин?

— Майли, — деди ойиси бўшашиб, — ундай бўлса майли.



Дарҳақиқат, Мустафо Ҷутамларникига юриб эмас,  
югуриб борарди!

## БИР ЧАҚМОҚ ҚАНД

*(Испан болалари ҳаётидан)*

У Гарри Гран Вия Лайитана<sup>1</sup> кўчасидаги транспорт контораси олдига келганда юлдузлар бирин-кетин сўниб, атроф гира-шира ёриша бошлаган эди. Перико уёқ-буёққа аланглаб, гизиллаганича кўчанинг нариги бетига ўтди: бир оз юрган эди, кимдир чақирди.

— Перико, тўхта, мунча шошилмасанг.

Перико орқасига ўгирилди. Унинг қаршисида ўзи каби жулдур кийимли, эти суягига ёпишган, ориқ, катта-катта кўзлари уйқусизликдан киртайган бола турарди. Бу унинг дўсти Албертто эди.

— Қалай, ойинг тузукми?

— Ҳа.

Доктор нима деди?

— Ширали есин, меъдаси сусайган, дейди. Кечадан бери қидириб, бир чақмоқ қанд тополмайман.

— Қандмиш-а, — Албертто истехзо билан кулиб қўйди. Унинг ошпоқ тишлари негадир шу топда Перикога қандни эслатди.

Албертто бир оз хаёл сургач, ялт этиб Перикога қаради.

— Биласанми, бугун-чи!.. Бугун топган чақамизни қўшиб, боққолникига бориб кўрамиз.

Кўчадан бирин-кетин юк машиналари ўта бошлаши билан иш кутиб йўлақларда, ахлат яшиқлари ёнида мудраб ўтирган оч, жулдур кийинган болалар контора эшиги олдига йигила бошлашди.

Шу пайт катта темир дарвозадан паст бўйли, семизлигидан кўзлари юмилиб кетган киши чиқди. Болалар «дув» этиб уни ўраб олишди.

— Амаки, ишингиз борми?..

— Амакижон, менга иш беринг, укам касал...

Бояги киши ўшқириб берган эди, чумчуқдай чугурлашиб турган болалар жим бўлиб қолишди. У ўнга

---

<sup>1</sup> Мадрид кўчаларидан бири.

яқин тетикроқ болани танлаб олди-да, ичкарига томон юра бошлади.

Албертто ўртоғига, орқамдан қолма, дегандек кўз қисиб қўйди. Перико тўдага қўшилиб олди.

— Ҳой, сен қаерга суқилиясан, шум, йўқол! — деб қичқирди бояги киши ва жон-жаҳди билан Периконинг елкасидан ушлаб итариб юборди.

— Амаки, унга ҳам иш беринг... ойиси касал, — ялинди Албертто.

— Ўчир овозингни, ит. Бўлмаса сени ҳам ҳайдаб юбораман.

— Перико, қидириб кўр-чи, бирон иш топилиб қолар. — Албертто Перикони юпата бошлади. — Кечкурун шу ерда кўришамиз, хўпми...

Перико ахлат яшигининг ёнига келиб, бошини ингичка қўлларига тираганича узоқ ўтириб қолди. Шу аҳволда қанча ўтирганини ўзи ҳам билмайди. Аҳён-аҳён у чўчиб кетиб, бошини кўтариб қўяди. Шундай кезлар худди биров: «Ҳой бола, мана буни уйимга элтиб бер, хизмат ҳақингга қанд оласан», деяётгандек бўлади. Бола қувонч билан атрофга жавдирайди-ю, ҳеч ким йўқлигидан умидсизланиб, бошини эгади. Яна алдоқчи ширин хаёл унинг фикрини узоқ-узоқларга олиб кетади. Бир чақмоқ қанд. Бир чақмоқ қанд...

У шу бугуноқ қанд топиб, уйига олиб боради. Ойисига қанд чой қилиб беради. Ойиси эрталабгача соғайиб кетади. Ана унда... Айтгандек, қанднинг мазаси қанақа эди. У бир неча марта тамшанди, қалин лабларини ялаб, қулт этиб ютинди...

У ўзини бир оз юнатиш учун атрофни кузата бошлади.

Қаршисидаги ахлат яшигининг олди ҳар кундагидек гавжум. Худди янги тўкилган донга ёпирилган жўжалардек, қовурга суяклари кўриниб турган, афт-башараси кир беш-олти бола бирон нарса топиш умидида яшиқни титарди.

Перико ўрнидан турди, иш қидириб шаҳар кўчаларини кеза бошлади. Икки-уч соат айлангач, иш топишдан бутунлай умидини узди. У қайтиб, темир дарвозага етган ҳам эдики, кимнингдир қичқирган товуши эшитилди. Перико аланглаб атрофга қаради.

— Вой, афтинг қургур-эй, — кўчанинг у бетиде ҳаворанг шляпали, семиз бир хоним қаршисида яшиққа суяниб турган ўн-ўн бир ёшлар чамасидаги болани кў-

лидаги зонтик билан туртиб овозининг борича ўшқирарди, — кўтаролмасанг, нима қилиб олдинг, а!

— Холажон, жон холажон, урманг, — йиғи аралаш гапирарди бола, — озгина дам олай, элтиб бераман. Албатта элтиб бераман, оз қолди-ку...

— Оббо пес-эй, тилинг ҳам борми. Йўқол кўзимдан, исқирт. — Хоним болани итариб юборди. Шу пайт унинг кўзи Перикога тушиб қолди. — Сен нима қилиб турибсан, қаққаймай ўлгур!.. Кел!

Перико қўрқа-писа унга яқинлашди.

— Манавини кўтариб, кетимдан илдам-илдам юр.

Перико яшикни аранг елкасига қўйди. У олдинда пишиллаб кетаётган хонимнинг кетидан битта-битта қадам ташлар экан, негадир бояги боланинг докадек оқариб кетган юзи кўз ўнгидан кетмасди. Унинг олдида ўзини гуноҳкор ҳис қиларди. Улар муюлишдаги икки тавақали кўк эшик олдида тўхташди. Хоним ёнидан калит олиб эшикни очди.

— Хув, стол устига қўй, — деди хоним ичкарига киришгач, сўнг Периконинг шохлари атрофга тартибсиз ўсиб кетган тут остидаги итдан қўрқаётганини кўриб, қўшиб қўйди, — қўрқма, сен исқиртга ит ҳам қарамайди.

«Ҳеч нарса бермай қувиб юборса-» . Яшикни қўйarkan, хаёлига келган бу тасодифий фидан Перико бир чўчиб тушди.

— Ма, тиришиб ўлгандирсан, — хоним уйдан икки бурда қотган нон олиб чиқиб, Перикога узатди. Сўнг стулга ўтириб итга қараб жилмайди. Ит эркаланиб думини ликиллатганча унинг олдига келиб юмалади.

— Вой, жонгинам, зерикдингми? — деб хоним итининг бошини силаб, ёнидан бир чақмоқ қанд чиқариб, кўз-кўз қилиб осмонга ирғитган эди, ит илиб олди. Периконинг кўзлари чақнаб кетди. «Қанд...» пичирлади у.

Ҳозир унинг кўзига ит икки оёғи ўртасига олиб гажиётган қанддан бўлак ҳеч нарса кўринмасди.

— Хола, итга ҳам қанд берасизми?.. — ниҳоят ўзини туголмай сўради Перико.

— Нима ишинг бор... — деди хоним бепарвогина. Кейин итнинг қанд ейишини завқ билан томоша қилди. — Ит қанд еса, суяги мустаҳкам бўлади.

— Холажон, ойим касал, хизмат ҳақимга бир чақмоқ қанд беринг. Доктор...

Бу гап хотинга ёқмади. Юзини буриштирди.

— Вой, қанд емай тишларинг тўкилгур-эй, оладиганингни олдинг-ку, тагин қанақа ҳақинг қолди-а?!  
Хоним Перикони қарғай-қарғай эшикни ёпиб олди.  
Перико яна темир дарвоза олдидаги ахлат яшигининг олдига келиб ўтирди.

Қуёш аллақачон дарахтларнинг орқасига яширинган бўлса ҳам Алберттодан дарак йўқ эди. Перико қаттиқ очиққанини энди сезди. Қўлидаги бир бурда қотган нонни беихтиёр оғзига яқинлаштирди. Бироқ, кўзига касал онасининг сап-сарик юзи, ич-ичига ботиб кетган кўзлари кўриниб кетди-ю, нонни қайта чўнтагига солиб қўйди.

Ниҳоят, темир дарвоза очилди. Перико дик этиб ўрнидан турди. Бирин-кетин сочларини қурум босган болалар кўринди. Улар худди касалхонада узоқ ётиб, юришни унутиб қўйгандек зўрга қадам босишарди. Шу пайт кимдир Периконинг елкасига кўлини қўйди.

— Албертто, сенмисан?.. — Перико дўстини зўрга таниди. Унинг юз-кўзлари худди кўмир конидан чиққан ишчиларникидек чанг-қурум босган. Қўнғир сочлари тўзиб, пешонасига ёпишиб қолган. Албертто ҳолсизгина илжайди.

— Иш тополмаганга ўхшайсан-а. Майли, хафа бўлма, — деди у дарвоза томонга бир қараб олгач. — Менда нича пул бор. Юр, боққолникига борамиз.

— Узингга-чи...

Албертто бир гап бўлар, деб қўл силкиди. Перико индамади, бироқ ўзини бир оз ўнгайсиз сезди.

— Сен шу ерда тура тур, — деди Албертто настак бир эшик олдига келишгач. Албертто ичкарига кириб кетди... Перико бир жойда туrolмас, уёқдан-буёққа юрар, тақ этса ялт этиб эшикка қарарди. У эндигина эшик тирқишидан мўраламоқчи бўлиб турган эди, Албертто чиқиб қолди:

— Перико, мана. Энди ойинг албатта тузалади, эшитяпсанми, албатта тузалади.

— Албертто, дўстим!

— Юр, юр... тезроқ.

Улар югурганларича катта кўчадан кенг сэйхонликка чиқишди. Ой ёруғида аранг кўзга ташланган турган чайла олдида ивирсиб юрган ит уларни кўриб, алланарсани тишлаб қочди.

Перикто билан Албертто чайла томон отилишди.

— Ойи, — Перико ховлиққанидан эшик олдидаги челака туртиниб йиқилиб тушаёзди. — Мана, топдим...

Уй қоронғи эди. Перико туртина-туртина яримта сопол товоқдаги пиликни ёқди. Уйнинг ўртасидаги похол устида ётган онасининг ич-ичига ботган ярим очиқ кўзлари шипга тикилган. Оппоқ сочлари тўзғиган, ингичка, ориқ қўллари икки ёнига ташланган эди.

Перико қўрқиб кетди.

— Ойижон, — Перико энгашиб қўлидаги қандни унинг оғзига тутди. — Мана, енг, тузаласиз, ойи, ойижон.

Онага ўғлининг меҳрибонлиги қаттиқ таъсир этган эди. У дармонсиз бошини Перико томон буриб, зўр-ба-зўр жилмайди.

Периконинг чеҳраси очилди. Ойисининг шу бир жилмайишининг ўзи фақир, ғамхона кулбани бирдан ёри-тиб юборгандай бўлди!

## БАРНО

Барно остонага чиқиб, офтобда исиниб ўтирган эди, Мунира ўртоғи челакача кўтариб уйдан чиқиб қолди. Барнога қаради-ю, индамай ариқдан сув олиб кириб кетди. Бирпасдан кейин яна чиқди. Яна ариққа челакачагини ботириб кириб кетаётган эди, Барно ўрнидан туриб олдига борди.

— Мунира?

— Ҳи...

— Нега индамайсан?

— Иш қиялман, — деди Мунира ва зингиллаганича уйга кириб кетди. Барно ҳайрон бўлиб, унинг орқасидан қараб қолди. Остонага келиб яна офтобда исиниб ўтирди. Мунирани кутди. Мунира чиқмади. Анчадан кейин Мунираларнинг эшиги «ғиқ» этиб очилди. Барно қараса, қия очиқ эшикдан Мунира мўралаб турибди. Барно олдига бормоқчи бўлиб, ўрнидан турган эди, Мунира тақ этиб эшикни ёпиб олди. Барно нима қилишини билмай кўчанинг ўртасида туриб қолди. Кейин секин Муниранинг эшигига борди. Бир кўзи билан эшикнинг қалит соладиган тешикчасидан мўраласа, Мунира теша билан ҳаллослаб ер чопяпти. Барно ҳайрон бўлди. Иккинчи кўзи билан яна қаради. Мунира тешани бир

четга улоқтириб, юмшаган ерни қўли билан ковлади. Кейин челақчадаги сувни қуйди. Ўрнидан туриб кўчага чиқа бошлади. Барно орқасига қайтди. Ҳовлига кирди. Эшикни қия очиб, мўралаб турди. Кўзлари ола-кула бўлиб, кўчага Мунира чиқди. Барноларнинг эшигига, кўчанинг бошига қаради. Ҳеч ким йўқ. Йўл ёқасига чиройли пол қилиб экилган гулларнинг атрофида айлана бошлади. Барноларникига яна қараб олди-да, кўчадаги бир туп гулсапсарни таг-туғи билан юла уйга қочириб кетди. Барно турган ерида қотиб қолди. Шу тонда Мунира унинг кўзига жуда-жуда ёмон кўриниб кетди. Барно бўшашиб, лунжлари осилиб ошхонага — бувисининг олдига келди.

— Ҳа, нима бўлди, қизим?

— Мунира... Ўғри экан, — деди Барно.

Бувиси ҳайрон бўлиб Барнога қараб қолди.

— Вой ўлмасам, нима деганинг, қизим?

— Ўзим кўрдим-ку.

— Нимани?

— Кўчадан гул ўғирлаганини, — деди Барно ўпкаси тўлиб.

Бувиси афсуслангандай бошини чайқаб қўйди.

— Мунира тушмасин, кўчанинг файзини ўғирлаб нима қилар экан. Қўй, у билан ўртоқ бўлма, ёмон қиз экан.

Барно қараса, бувисининг жаҳли чиқиб, кўзлари пир-пир учяпти. Бувисининг хафа бўлганидан Барнонинг юраги ачиди. Бир нима қилиб кўнглини кўтармоқчи бўлди. Бувисига қараб жилмаймоқчи бўлган эди, юзлари буришиб йиғлаб юборди.

— Қўй, қизим, хафа бўлма, — деди бувиси Барнони юпатиб, — ҳали ойиси ишдан келсин, айтиб берай!

Шу куни кечгача Барнонинг чиройи очилмади. Кечга яқин ҳовлига курси қўйиб, оёғини осилтириб ўтирган эди, хаёлига ғалати бир фикр келди. Қувониб қийқириб юборди.

— Буви, ҳой буви, — Барно курсидан ирғиб тушиб, ошхонага югурди, — буви... теша қани?

Бувиси уришиб берди.

— Тешани нима қиласан, қўй, ўйнама, оёгингни чопиб оласан!

— Вой, ўйнамайман! — Барно тешани олди. Бувиси нима қилар экан деб кетидан чиқиб қаради. Барно гул-

зорга кириб, очилиб турган бир туп гулсафсарнинг те-  
насида туриб қолди. Кўчириб олгани кўзи қиймай бир  
бувисига ва бир гулга қаради. Бувиси Барнонинг пия-  
тини сизди шекилли, майли дегандай имлаб кулиб қўй-  
ди. Барно авайлаб гулни олди. Кўчага олиб чиқиб Му-  
нира юлиб кетган гул ўрнига ўтқазди.

Барно ўз ишидан қувониб кетган эди. Бувисининг  
олдига югуриб кириб кетаётганда, Мунира эшикка чи-  
қиб худди сурат олдираётган одамдай қотиб турарди...

## БУВИСИ

Барнонинг бувиси ошхонада эди. Айвонда қўғирчоқ  
ўйнаб ўтирган Барно ойнадан бошини чиқариб бувисини  
чақира бошлади:

— Буви, ҳой буви!

— Нима дейсан, болам?

— Буёққа қаранг.

Бувиси ошхонадан чиқди.

— Ҳа?

— Келинг, қўғирчоқ ўйнаймиз!

Бувиси кулиб юборди.

— Вой, нима деяпсан, қизим, қариганда қўғирчоқ  
ўйнамай мени кўтарсин, ёш боламанми.

Барно кўзларини катта-катта очиб бувисига қаради.

— Кеча ўзиз нима дедиз?

— Нима депман?

— Дадамга «мен ҳам қариб, ёш бола бўлиб қол-  
дим», — дедиз-ку...

— Ҳа, десам нима қипти?

— Бола бўлиб қолган бўлсангиз, келинг, қўғирчоқ  
ўйнаймиз деяпман-да.

Бувиси кула-кула ошхонага кириб кетди.

Барно бармогини оғзига солганча бувисининг кети-  
дан қараб қолди. Бувиси ҳам қизик, нимага қулди?

## БИР «ҚОШИҚ» ШЎРВА

Барнонинг бувиси:

— Бир қошиқ аччиққина шўрва қила қолинг, ке-  
лин, — деди.

Овқат пишар маҳалда нима ҳам бўлиб Барно ошхо-  
нага кирган эди, қозонга кўзи тушиб:

— Ойи, — деди ҳайрон бўлиб.

- Нима, қизим?
  - Нега бувимнинг айтганларини қилмадингиз?
  - Вой, ана, — деди ойиси, — шўрва қияпман-ку.
- Барно лабини буриб ойисига қаради:
- Бувим бир қошиқ шўрва қилгин десалар, сиз бир қозон шўрва қияпсиз-ку!

## МЕҲМОН-МЕҲМОН

Барно билан Лола жуда аҳил эди-ю, бир куни арзимаган нарсага жанжаллашиб, оралари бузилиб қолди, нимага денг-а!

Байрам арафаси эди. Опаси Шахло сингилларимни қувонтирай деб битта сариқ, битта қизил шар кўтариб, уйга келса, Барно билан Лола олчанинг соясида «меҳмон-меҳмон» ўйнашаётган экан.

Қизлар Шахлонинг қўлидаги шарни кўриб бирам қувониб кетишди-ки, аста қўясиз.

Шахло кула-кула иккита шарни иккита тотув сингилсининг қўлига тутқазди-ю, бувисининг олдига кириб кетди. Лола билан Барно яна бир-бирларини меҳмонга чақира бошлашди. Анча-мунча таклифлардан сўнг, ниҳоят, икки ёш катта бўлгани учун Барно қизил шарни кўтариб «меҳмон»га келди.

— Вой, нима қилиб овора бўлиб юрибсиз, — деди Лола, — қуруққина келаверсангиз бўлмасмиди, қўлингизга биров қарармиди?

Барно бунақа ширин-шакар гаплардан яйраб-яшнаб:

— Ҳали ҳам қуруққина келдим, айланай, — деб қўлидаги шарни дарров Лолага тутди, — олинг, олмасангиз хафа бўламан, иккиламчи остонангизга қадам босмайман!

— Вой, нега ундоқ дейсиз, ўзимда ҳам шар бор, — деди Лола, — мана!

— Сизники хунукроқ экан, — деди Барно зўрлаб, — шарнинг қизили чиройли бўлади, айланай, олинг!

Барнонинг мақтовларидан сўнг Лоланинг кўзига ҳам қизил шар чиройлиг-у, ўзиники хунук кўриниб кетди, аттанг, боя опасининг қўлидан дарров қизилини ола қолса бўларкан. «Меҳмон» Барно битта конфетни оғзига солиб, дарров ўрнидан тура қолди.

— Вой, нега турдингиз?

— Бормасам бўлмайди, тандирга сомса ёпиб, буёққа



келаверган эдим, айланай, мушук ўлгур еб қўймасин.

— Вой, шунақами, — деди «мезбон» Лола «ачиниб», — бошқа келганингизда бафуржа ўтирадиган бўлиб келинг.

Лола хурсандчилик билан қўлидаги сариқ шарни Барнога тутди.

— Олинг, қуруқ кетманг.

— Вой, сизнинг шарингизни нега оларканман, — деди Барно юраги шув этиб, — ўзимникини қайтариб бера қолинг, айланай.

— Вой, ўлмасам, — деди Лола гинахонликка ўтиб, — меҳмон нарсасини қайтариб олиб кетмайди, уят бўлади.

Барнонинг кўзлари пир-пир учиб:

— Майли, айланай, майли, — деди шошиб, — уят бўлса ҳам олиб кета қолай.

— Йўғ-е, — деди Лола, — тугунингизга ўзимнинг сариқ шаримни тугиб қўйганман, ўшани олаверинг.

Барнонинг юраги яна ғалати бўлиб:

— Бекор айтибсан! — деди жон аччигида, — бувим тўйдан тугун олиб келганда «вой, барака топкур шундоқ ўзимни нарсамни қайтариб қўйибди» деганини ўзим эшитганман.

Лола ҳам бўш келмай:

— Бекоргинани айтибсан, — деди, — бувим ундан кейин «нарсамни алмаштириб қўйгани бечоранинг ҳеч балоси бўлмаса керак-да», деган!

Барнонинг ҳозиргина ширин-шакар сўзлардан сузилиб турган кўзлари олайиб кетди:

— Бер шаримни! — деди.

— Вой, — деди Лола қизил шарни маҳкам қучоқлаб, — сен меҳмонсан-а!

— Бер, — деди Барно жон-жаҳди билан, — мен «меҳмон» эмасман. Барноман!

— Йўқ, меҳмонсан!

— Йўқ, Барноман!

Бошланди...

Сўзларидан ҳозиргина бол томиб турган «меҳмон» «мезбон»га ташланди. Минг айланиб, минг ўргилаётган «мезбон» ҳам анойи эмас экан, дарров «меҳмон»нинг сочига чанг солди! Шу топда фақат айби сариқ бўлгани учунгина ҳеч кимга кераги бўлмай ҳовлининг ўртасида ётган шарни мушук кўриб қолди, оғилхонанинг томидан тушиб келди. Шарнинг олдида чўққайиб ўтирди.

Шар кўзига қизиқ кўринди шекилли, қўли билан секин тегиб кўрган эди, шар юмалади. Мушук «қочиб» кетаётган шарга жон-жаҳди билан таниланган эди, шар «пақ» этиб бирдан кўздан ғойиб бўлди-қўйди. Мушук бу ғалати товушдан чўчиб, аввал уёқ-буёққа қараб олди, сўнг, югурганча яна оғилхонанинг томига чиқиб кетди, қайтиб тушгани юраги дов бермай анчагача олчанинг тагида юмдалашаётган «меҳмон» билан «мезбон»га қараб ётди.

— Бер!

— Йўқ, бермайман!

— Ҳали шунақами?!— деди Барно ва Лоланинг қучогидаги шарга чанг солди. Шар ёрилди-ю, фақат шундагина пуф сассиққа чиққан сариқ шар эсларига тушиб, қидириб қолишди.

— Қани менинг сариқ шарим? — деди Лола.

— Вой, сариқ шар нега сеники бўларкан? — деди Барно, — сариқ шар меники. Мен меҳмонман, ўзинг тугунимга тугиб бергансан.

«Меҳмон» билан «мезбон» бир-бирлари билан талаша-талаша бундоқ қарашса, сариқ шар ҳам аллақачон тамом бўлган экан!

Ҳали-ҳали ўйлайман, ўшанда, оббо Шахло тушмагур-е, шу шарларни бир хил қилиб ола қолса шундоқ иноқ, шундоқ тотув қизалоқларнинг орасидан қора мушук ўтмасмиди?!

## МУШУК

Барнонинг бир тутам ошноқ пахтадек мушуги бор. Мушуги ундан ҳеч айрилмайди. Қаерга борса эргашиб юради. Барно ҳам мушукка жуда ўрганиб қолган. Бирпас кўрмаса туролмайди, иккови шунақа иноқ.

Барно айвонда мушук билан ўйнаб ўтирган эди. Бувиси ошхонадан бир товоқ пишган сут олиб чиқди.

— Ичиб ол, болам.

— Хўп, бувижон, — деди Барно қўл ювгани водопровод томон кетаркан. Қайтиб келиб қараса, товоқ бўш, сут йўқ. Барно ҳайрон бўлиб ўтирган эди, ошхонадан бувиси чиқиб қолди.

— Ҳа, болам, нега қараб ўтирибсан?

— Қани?

Нима «қани?»

— Сут,— деди Барно.

— Вой, мушугинг ўлсин,— деди бувиси бўш товоқни кўриб,— ичиб қўйгандир.

Мушук ҳеч нарсадан хабари йўқ, мунчоқдек кўзларини Барнодан узмай, чўққайиб ўтирарди. Барнонинг аччиғи чиқди, шу топда кўзига мушук жуда ёмон кўришиб кетди.

— Кет,— деди мушукни ҳайдаб,— сен билан ўртоқ бўлмайман, ҳамма сутимни ичиб қўйибсан!

Мушуги ҳовлига тушиб яна қайтиб келди-да, Барнонинг олдида чўққайди. Бу гал Барно унга қарамаса ҳам, аммо қувиб юбормади. Мушук кўзларини ундан узмай жавдираб ўтирди, зерикди, қўллари билан юзларини юва бошлаган эди, Барно қувониб кетди.

— Буви, ҳой буви?

Бувиси ошхонадан чиқди.

— Нима дейсан, болам?

— Дарров келинг.

Бувиси ҳайрон бўлиб, айвонга яқинланди.

— Буви, сутни, мушук ичмаган экан.

— Қаёқдан била қолдинг?

— Ана!— деди Барно,— ана мушук энди юзини ювяпти!

Бувиси, мушук одатда овқатдан кейин юз ювади димоқчи бўлди-ю, бироқ мушук билан неварасининг тотувлигини бузгиси келмай, индамай кулиб қўя қолди.

## ТЎҚСОН ЙИЛГАЧА ЎРТОҚ

Барно эрталаб турса, ёнида мушуги йўқ. Ҳаммаёқни қаради. Қаравотнинг тагидан ҳам, шкафнинг ичидан ҳам, бувисининг тахмонидан ҳам, ҳеч қаердан тополмай хомуш бўлиб ўтирган эди, бувиси сўради.

— Ҳа, болам?

— Мушугим қани?

— Вой мушугинг ўлсин,— деди бувиси,— ана, ҳовлида копток ўйнапти.

Барно оёғининг учида туриб ҳовлига қаради. Мушук ярми қизил, ярми сариқ коптокни уёқдан-буёққа думалатиш билан овора эди. Барно хўмрайди, лаблари осилди, бармоғини оғзига солиб тумтайиб олди. Бувиси неварасининг авзойига қараб:

— Нима бўлди, болам?— деган эди, Барно энти-киб қўйди.

— Ановини кўрмаяпсизми, менсиз ўзи ўйнаяпти, бўлди, ўртоқчиликдан чиқдим. Олдимга келсин, бошига муштлаб-муштлаб ҳайдаб юбораман!

Мушук Барнонинг овозини эшитиб дарров югуриб келди, суйкалди, ўз айби учун узр сўрагандек чўзиб миёвлаб қўйди. Барнонинг жаҳли чиқиб кетди. Урибуриб ҳайдаб юборди. Мушук ҳовлига тушди-ю, индамай ошхонага кириб кетди.

Шу куни нима қилишини билмай Барно жуда зерикди, кўчага чиқди, уйга кирди, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бувисининг орқасида эргашиб юрган мушукни чақирмоқчи бўлиб икки-уч оғиз очди-ю, ялингиси келмай индамади. Кечга томон сабри чидамай:

— Буви,— деди.

— Нима, болам?

— «Анави» нега кетингизда юрибди?

Бувиси орқасига ўгирилиб кулиб юборди.

— Отини айта қолсанг бўлмайдим, болам! Нима экан деб ҳайрон бўлиб ўтирибман.

Бувиси неварасининг мушуксиз жуда-жуда зерикиб қолганини дарров пайқади-ю, қандай қилиб яраштириб қўйсам экан, деб ўйлаб тинчимади. Сўнг мушукни қўлига олиб, қулоғига бир нима деб пичирлади. Барнони кўрсатиб ерга қўйиб юборган эди, мушук югуриб айвонга чиқди-ю, Барнонинг рўпарасига чўққайди. Барно ичида қувонса ҳам, ялингиси келмай юзини тескари буриб, мушукка жимжилогини чўзди.

— Қиличми-тўқмоқми?

Мушук ҳеч нарсага тушунмай бир бувисига, бир Барнога қараб «миёв»лаб қўйган эди, бувиси кула-кула деди:

— Тўқмоқ, қизим, тўқмоқ!

— Бўлмаса тўқсон йилгача ўртоқ,— деди Барно.

Шундай қилиб, мушук билан Барно тўқсон йилгача ўртоқ бўлишди-ю, шу-шу бир-бирларини бошқа ҳеч хафа қилишмади!

## ҚИЗЧА ВА ЗОНТИК

Куз ҳавосини билиб бўладими. Офтоб чарақлаб турган эди. Ишдан чиқсам ёмғир шивалаяпти. Аксига зон-

тик ҳам олмаган эканман. Шу пайт сада қайрағоч та-  
гида кичкинагина қизчанинг чўнқайиб ўтирганини  
кўриб қолдим. Унинг эғнида оқ фартук, оёгида та-  
пичка.

— Ҳа?— дедим энгашиб.

Қизча кўзларини катта очиб зонтикнинг тагидан қа-  
ради:

— Ёғиб кетди,— деди хомуш.

— Уйинг узоқми?

— Йўқ.

— Бўлмаса нима қилиб ўтирибсан,— дедим тушу-  
нолмамай,— зонтигинг бор-ку.

Қизча жавоб бермади. Анчадан кейин:

— Тапичкам лой бўлади,— деди.

— Ана холос!— деб юбордим.

Бола-да. Зонтиги бор-у, шипиллатиб кетавермайди-  
ми.

— Лой бўлса тозалаб оларсан, тагин уйингдагилар  
хавотир олиб ўтирмасин,— дедиму йўлга бурилдим.  
Бироқ кўп ҳам юрганам йўқ. Чақмоқ чақиб бутун хиё-  
бонни кўкимтир тусга бўяб ўтди. Кўз очиб-юмгунча  
ёмгир жалага айланди-ю, аранг сада қайрағочнинг та-  
гига қочиб улгурдим. Қизчанинг ёнига чўккалаб мен  
ҳам ёмғирнинг пасайишини кутиб ўтирдим.

— Қизиқ-а,— деди бир маҳал қизча жилмайиб.

— Нима?

— Этигингиз бор экан.

— Ҳа, бор. Нима эди?

— Аммо зонтигингиз йўқ экан.

— Йўқ, қизим, йўқ. Эрталаб олишни унутибман.

— Мени зонтигим бору этигим йўқ.

— Буни қара-я,— дедим нима демоқчи эканлигига  
энди тушуниб,— менинг этигим сенда бўлса ё сенинг  
зонтигинг менда бўлса, иккаламиздан биттамыз аллақа-  
чон уйда ўтирган бўлар эканмиз-а.

— Ҳа, амаки.

Қизча афсусланиб бош чайқади. Бирдан менга ўги-  
рилди-да:

— Манг,— деди кўлимга зонтигини тутиб,— ола қо-  
линг.

— Йўғ-е. Нима деяпсан. Узинг-чи?

— Ёмгир пасайиши билан бошимга напкамни қўйиб  
кетавераман.

Аммо мен кўнмадим. Шунда у ўйлаб туриб:

— Бўлмаса мени кўтариб олсангиз,— деди,— зонтикни ушлаб кетардим. Сизнинг бошингиздан ёмгир ўтмасди. Менинг эса оёғим лой бўлмасди.

— Бу таклифингга розиман,— дедим қувониб.

Шундай қилиб, иккаламиз ҳам манзилга етиб олдик. У уйига, мен трамвай остановкасига. Унинг тапичкаси лой бўлмади, менинг эса бошимдан ёмгир ўтмади.

## «ДАРВОЗАБОН»

Лагерда юрибман-у, хаёлим Орифда. Нима қилаётганикин. Роса кўча чангитиб тўп тепаётганмикан ё Тентаксойдаги бувисиникига кетганмикан? Уйда йўқ, албатта. Бўлмаса шунча хатимга битта жавоб ёзмасмиди. Лагердан кела солиб Орифларникига чиқдим. Ойиси ошхонада овқат қилаётган экан, Орифни сўрасам:

— Уйга кира қол,— деди,— дам олиб ётибди.

Эшикни очсам, уй қоп-қоронги, деразаларга чойшаб тутилган. Аллақерда паровозга ўхшаб нимадир пиш-пиш қилади. Ҳайрон бўлиб остонада турган эдим:

— Ойи!— деди Ориф,— ичагим узилиб кетди-ку!

Қарасам каравотда Ориф ётибди. Секин олдига бордим.

— Ҳа, нима қилиб ётибсан?

— Э, сенмисан?— деди Ориф ёстиққа ёнбошлаб,— мен ойим деб ўйлабман. Қачон келдинг?

— Ҳозир,— дедим ва деразанинг пардасини очдим. Ёруғда Орифга қарадим-у, хангу манг бўлиб қолдим: Ориф пуфакдек шишиб, кўзлари юмилиб кетибди.

— Касалмисан?

— Йўғ-е,— деди Ориф ва олдидаги столга ишора қилди,— ўқишга ҳам оз қолди. Мана шунақа дам олиб куч йигиб ётибмиз.

Стол устига қараб бўлмас эди. Олма, тарвуз, бурда-сурда нон, бир пиёла мураббо, толқон, ярим шиша қатиқ, яна алланималар, хуллас, йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Шу пайт ойиси бир лаган қовурдоқ олиб кирди. Ориф энгини шимариб ётган ерида овқатга тушиб кетди. Лаган тагидаги ярим пиёла ёққа нон тўғраб еди. Устига чой қуйиб симирди. Кетидан компот ичди. Икки қошиқ толқонни оғзига солиб, шишадаги қатиққа қўл узатди. Сўнгра яна чалқанча чўзилиб, оёқларини чалиштирди-да:

— Шунақа, огайни, — деди пишиллаб, — яқинда кўча командалари ўртасида учрашув бўлади. Куч йиғянман. Ўзимга қарамасам бўлмай қолди. Қўлим тегиб хатингга жавоб ҳам қайтара олмадим. Хафа бўлмайсан, огайни. Мана, манавини кўряпсанми, ўн беш кунда-я.

Ориф билагини кўрсатиб.

— Нима бу? — деди.

— Бир кило гўшт!

Уйга чиқиб кетдим.

Дархақиқат орадан уч кун ўтгач қўшни кўча футбол командаси билан сайхонликда учрашув бўлди. Ориф дарвозабон эди. Ўйинга аралашмай қўя қол десак ҳам «мен бу учрашувга атайлаб куч йиққанман» деб туриб олди. Ноилож кўндик.

Шу куни рақибларимиз дарвозага ўн тўрт тўп кириштиди. Ориф пишиллаб копток тутаман, деб ҳар гал коптокдан олдин ўзи думалаб дарвозага кириб кетар эди.

## УЧ ОПА-СИНГИЛ

Уч опа-сингил бор экан. Каттаси Доно, ўртанчаси Раъно, кичкинаси Зухро экан. Доноси эрка, Раъноси ўжар, Зухроси қизғанчиқ экан. Сира бир-бирлари билан чиқишолмай, жанжаллашгани-жанжаллашган экан. Шунча айтилган гаплар-у, шунча қилинган панд-насихатлар у қулоқларидан кириб, бу қулоқларидан чиқиб кетаркан-у, бувилари минг-минг пушаймон бўлиб қолаверар экан.

Бир куни бувилари уч опа-сингилни уйда қолдириб:

— Аҳилгина бўлиб ўтиринглар, — деб тайинлабди, — бозордан қовоқ олиб келиб, сизларга сомса ёпиб бераман, хўпми?

Уч опа-сингил:

— Хўп! — дейишибди-ю, бувилари остона хатлаб кўчага чиқиши билан ваъдаларини унутишибди. Уйни бошларига кўтариб жанжаллаша кетишибди, бу галги жанжал ҳали бувилари бозордан олиб келиб улгурмаган қовоқдан чиқибди.

— Уругини мен оламан, — дебди Доно, — бувим қовуриб берса, маза қилиб чақаман.

Раъно кўзлари ўйнаб:

— Сен-а? — дебди.

— Ҳа, мен, — дебди Доно ётган жойида тамшаниб.

— Хо, — дебди Раъно, — ярми меники!

— Бекор айтибсан, — дебди Доно санчиб туриб. Қара, иккита курак тишинг ҳам йўқ, яхшиси бувимга ўхшаб юмшоққина қовоқ сомса еб қўя қол!

— Бувимга ўхшаб-а? — дебди Раъно титраб, — мен қовоқ сомса ейман-у, сен уругини чақасанми?

Хуллас, жанжал бошланибди-ю, Доно билан Раъно бир-бирларининг тишларини санаб чиқишса, икковининг ҳам иккитадан тиши йўқ экан. Шунинг учун қовоқ уругни ўртадан бўлишга эндигина келишиб туришган экан, бир чеккада қўғирчоқ ўйнаб ўтирган Зухро иккала опасига ташланибди.

— Вой, менга қани?

Яна бошланган жанжал юмдалашга ўтибди. На унисидан, на бунисидан биттагина қовоқ уруги ололмаган Зухро оналарининг юзига чанг солибди. Раъно Дононинг бошидан ёстиқни тортиб олиб, Зухрога отибди. Зухро ҳам абжиргина экан, ёстиқни ердан олиб энди Раънога улоқтирмоқчи бўлиб турган экан, Доно дарров унга ташланибди. Вақтни бой бермай Раъно ёстиққа ёпишибди. Бир учидан Раъно, бир учидан Зухро, бир учидан Доно торта-торта, охири ёстиқни йиртишибди-ю, бутун уй парга тўлибди!

Яхшики, бувилари келиб қолиб, қизлар аранг эс-хушларини йиғиб олишибди.

— Ҳой, яна нимани жанжали-а?

Қизалоқлар бувиларининг қўлидаги қовоқни кўришибди-ю, бошлаган жанжалларидан тоза изза бўлишибди.

## БЕРАҲМ ҚИЗ

Бир бераҳм қиз жониворларни қийратишни яхши кўраркан: офтобда исиниб ётган бароқ мушукнинг думидан ушлаб, ошхонанинг томига улоқтираркан. Айвонга қамалиб қолган чумчуқларни тутиб, оёғига қогоз боғлаб учираркан, ўрикнинг шохидаги майнага тош отаркан. Фақат ҳовлидаги шалпангқулоқ итга теккани журъат қилолмас, аммо дам юзини буриштириб, дам тилини чиқариб унинг ҳам гашига тегиб қўяр экан. Шалпангқулоқ «бас, ҳаддингдан ошма», деб ириллаши билан қизча дарров уйга кириб оларкан. Шундан кейин мушук томдан тушаркан, майна ўриikka келиб қўнаркан.



Бир куни бароқ мушук, майна, чумчуқ бераҳм қизнинг адабини бериб қўйсақ, деб итга маслаҳат солишибди.

— Сабр қилинглари-чи!— дебди шалпангқулоқ,— балки эси кириб қолар.

Мушук думини ликиллатиб:

— Эси киргунча думсиз қоламан,— дебди.

— Ҳадемай қанотимдан айриламам,— дебди майна тош тегавериб патлари синиб кетган қанотларини ёзиб. Чумчуқлар ҳам чирқиллашибди.

— Майли, билганингизни қилинг,— дебди ит ночор.

Аламзада жониворлар қизчанинг опалари мактабга, ойиси ишга кетиши билан уйга ёпирилиб киришибди. Қизча шунча чумчуқларни кўриб қувониб, ҳаммасини ушлайман деб ўрнидан турган экан, чумчуқлар дам пешонасидан, дам бошидан, дам кўлидан, дам оёғидан чўқий бошлашибди. Қизча чумчуқларнинг хужумидан аранг қутулиб ҳовлига қочиб чиқмоқчи бўлган экан. бароқ мушук «жойингдан қимирлама» дегандек кўзларини ўйнатиб. мўйловини силкитиб, остонага чўққайиб ўтириб олибди. Майна қизчанинг бошига кўниб, овозининг борича сайрабди. Бароқ мушук бир сакраб қизчанинг тиззасига чиқиб, даҳшат билан «миёв»лабди.

Шунда қизча бувисининг: «Болам, жониворларга озор берма», деган гапини эслаб, ўкинибдию овозининг борича:

— Шалпангқулоқ!— дебди йигламсираб,— мени кутқар, энди буларга ҳеч тегмайман.

Шалпангқулоқ қизчанинг аҳволини кўриб: «Ҳа, энди тоза адабини еганга ўхшайди», деб ириллаб қўйган экан, бароқ мушук қизчанинг тиззасидан тушибди, майна билан чумчуқлар гуриллашиб ҳовлига чиқиб кетишибди. Шу-шу чумчуқлар ризқларини териб, бемалол ҳовлида юрадиган, майна ўрикнинг шохида чўчимай ўтирадиган, бароқ мушук эса офтобда хотиржам исиниб ётадиган бўлибди.

## ҚИЗҒАНЧИҚ

Салимага ойиси ярми қизил, ярми сариқ копток олиб берган эди. Салима коптокни қўлтиқлаб кўчага чиқса, ўртоқлари чувиллашиб қувлашмачоқ ўйнашаётган экан. Салиманинг қўлтиғидаги коптокни кўришди-ю, оғзилари очилиб, бирин-кетин олдига келишди.

— Вуй!— деди Замира,— бунча чиройли?

Муборак эса:

— Яп-янги экан, — деди ҳавас билан.

Уларнинг орасида Салиманинг синглиси Лола ҳам бор экан, янги коптокни кўриб, қувончдан кўзлари чақнаб кетди.

— Ке, ўйнаймиз,— деди коптокка қўл чўзиб.

Салима чўчиб тушди. Мунчоқдек кичкина кўзлари пирпираб, ўзини четга олди.

— Йўқ,— деди кўрқа-писа,— ўйнамайман, копток ерга тегса эскиб қолади.

Лола опасининг гапидан ўртоқлари олдида изза бўлди, қизариб-бўзариб:

— Коптокни нимага чиқарган бўлмаса,— деди,— ўйнагани-да!

Қизлар кулишди.

— Ўйнамайсанми? Бўлмаса қўлтиқлаб юравер.

Салима лип этиб уйга кириб кетди-ю, эшикни ёпди, кўнгли бир оз жойига тушди.

— Опанг қизганчиқ экан,— дейишди қизлар чувиллашиб Лолага.

— Қўяверинглар,— деди Лола жўрттага овозини баланд қилиб,— ҳали ухлаганда олиб роса ўйнайман.

Салимани ваҳима босди. Рост, Лола ўжар, айтганини қиладиган қиз, ухлаганда олиб ўйнаса, Салима билиб ўтирибдими?! Ваҳима кўрқувга айланди-ю, коптокни қаерга яширишни ўйлаб боши қотди. Ёстиқнинг остига кўйган эди, ёстиқ дўппайиб қолди, каравотнинг тагига юмалатиб кўрган эди, хаёлида Лола энгашиб олаётгандек бўлаверди. Бувисининг олдига бориб: «Жон буви, шуни сандиққа солиб қўйинг», деган эди, нинага ип ўтказолмай хуноб бўлиб ўтирган бувиси ойнакнинг тагидан ғалати қараб:

— Вой тавба, коптокни ҳам сандиққа соладими?— деди.— Болам, хаёлинг жойидами?

Салима бўшашиб ҳовлига чиқди. Ўтинхонага кириб, икки палён ўтиннинг тагига яширди, кўнгли хотиржам топиб ташқарига чиқди-ю, лоп этиб хаёлига келган фикрдан бўшашиб кетди. Ҳали ойиси тандирга олов ёққанда, Лола албатта ўтинга кирди, топиб олса-чи? Салима дарров коптокни олиб ойисининг кийим иладиган жовонига яширди. Бир оз ўзига келиб ўйлаб кўрса, бу ер ҳам нобоп экан...

Хуллас, минг жойга яшириб, минг жойдан олди, ни-

хоят, Лола ўйласа тушига кирмайдиган жой деб, дарвозанинг олдидаги ахлат яшикнинг ичига ташлаб, устига хазон ташлаб қўйди-ю, хориб-чарчаб ухлаб қолди. Шу куни кечаси билан копток тушига кириб чиқди: Лола коптокни топиб олиб, ўртоқлари билан ўйнагани кўчага чиқиб кетаётган эмиш. Салима дод деса, овози чиқмасмиш. Эрта билан касал одамга ўхшаб уйғонди-ю, коптокни қаерга яширганини ўзи ҳам эслай олмай, тоза боши қотди.

Кечгача минг ўйлаб, минг қидириб, аранг эслади. Дарвозанинг олдига югуриб борди-ю, ахлат яшикни бўш кўриб:

— Ойи! Ойи, ахлат яшикдаги хазонни нима қилдиз?— деди.

— Эрта билан ахлат машина ўтган эди, ташлаб юбордим, қизим,— деди ойиси.

Эсиз копток-а!

## ЁНҒОҚ БИЛАН ТЕРАК

Терак билан ёнғоқ ёнма-ён ўсибди. Йил сайин ёнғоқ йўғонлашибди тўрт томонга шох отибди, терак бўлса бор кучини сај флаб ёнғоқдан икки баравар юқорига чиқиб олибди-ю, шундай бесунақай дарахт билан ёнма-ён яшаётганлиги, ан жуда ўкиниб кетибди. Чиройли новдаларини силкитиб, тангадек бежирим баргларини шитирлатиб:

— Ҳой, қўшни,— дебди,— сенга нима бўлган-а?

Ёнғоқ ҳар бири шапалоқдай-шапалоқдай баргларини шовиллатиб:

— Нима бўпти?— деб сўрабди ажабланиб.

— Аҳволингга қара, мунча эгиласан, қаддингни ростласанг-чи, осмонга қараб ўс!

Ёнғоқ ҳар бири шапалоқдай-шапалоқдай баргларини шовиллатиб дебди:

— Бе, осмонга қараб ўсганимдан нима фойда, менга ҳаёт берган она ерга бош эгмай яшолмайман.

Терак қўшнисининг гапларидан кулибди. «Букчайиб ўл», дебди ичида ва қуёшнинг нурларида яйраб-яшнаб осмонга ўсаверибди-ю, энг баландга чиқиб олиб қараса, ўзидан чиройлироқ бирон дарахт йўқмиш: ҳаммаси кўримсиз, бесўнақай тарвақайлаган эмиш. Ўрик ҳам. олма ҳам. ёнғоқ ҳам кўзига жуда хунук кўриниб кетиб-

ди-ю, ўз қадди-қоматининг келишганлигидан мамнун бўлиб яна ҳам кеккайиб кетибди, ёнғоқни менсимай қўйибди. Шамол туриб сал барглари тегиб кетса ҳам жиғибийрони чиқиб, ёнғоққа ёпишаверибди:

— Ҳой, мунча ялпайиб ҳамма жойни эгаллаб олдинг-а!

— Қани?— дебди ёнғоқ, — шунча жой бекор ётибди-ку, шунча жой сенга камми?

— Кам! — дебди терак, — сен мени бутунлай тўсиб, ҳеч кимга кўрсатмай қўйдинг. Бесўнақай шохларингни йиғиб ол. Ҳуснижамолимни ҳамма кўрсин!

— Э, ҳа, — дебди ёнғоқ, — ҳали гап буёқда дегин! Сени ҳуснижамолинг кимга керак экан?

— Ҳаммага! — деб қичқирибди терак вужуди билан силкиниб, — ўзинг хунук бўлганингга ғайирлик қиялсан!

— Мен-а?!

— Ҳа, сен!

— Умринг қисқа, ортиқча бино қўйма, — дебди ёнғоқ, — минг кеккайганинг билан ўтиндан бўлакка ярмайсан!

— Мен-а?— дебди терак, — бекор айтибсан, одамлар мени деб яшайди, бўлмаса экармиди.

— Мен одамларни деб яшайман!— дебди ёнғоқ

Терак ёнғоқнинг гапларига яна кулибди, аммо унинг кулгиси кузга келиб йиғига айланибди, деҳқон теракни вояга етганини кўриб кесиб олиб кетибди. Келгуси йили теракнинг тўнқасидан ингичка новда чиқибди, кўн ўтмай у ҳам ёнғоққа етиб олиб, шундай бесўнақай дарраҳт билан ёнма-ён яшаётганидан нолий бошлабди. Деҳқон унинг ҳам тагига арра қўйибди.

Ҳар тўрт-беш йилда терак тўнқасидан кўкарган новда кесилиб кетармиш-у, аммо одамларни тўйдиргани учун ёнғоқ ҳали ҳам баҳайбат қулочларини кенг ёйиб ўз жойида турганмиш!

## ҚИЗИЛ ОЛМА

Эргаш бикиниб келди-ю, лагерь эшиги олдида турган Мунисага кўзи тушди. У ўжар, бир сўзли бу қизнинг бугун навбатчи эканлигидан хабарсиз эди. Остонадан ҳатлашга журъат қилолмай турган эди:

— Ҳа, — деди Муниса, — ухламай нега санқиб юрибсан!

Эргаш довдираб қолди. Секин атрофига қаради. Ҳеч ким йўқ. Мунисани туртиб ўтиб кетмоқчи эди, юраги дов бермади. Бу қизга ўчакишиб барака топиб бўлмайдди. Туртиш уёқда турсин, қўли тегиб кетса ҳам бутун лагерни бошига кўтаради. Эргаш ишни яхшилиқча битирмоқчи бўлиб қаппайиб турган майкасига қўл солиб, бир дона қизил олма олди.

— Ма! — деди ён-верига аланглаб, — биров кўриб қолмасин! — Муниса олмага қараб ажабланди. Бунча чиройлик. Тавба, бунақасини ҳали у ҳеч кўрган эмас. Ярми қизил, ярми сариқ, одам кўзини узгиси келмайди. Қаердан олдийкин? Важоҳатидан шу яқин орадаги колхознинг боғига тушган, ҳа, аниқ. Бирдан Мунисани титроқ босди. Гўё айбни ўзи қилиб қўйгандек юраги шув этиб:

— Қаердан олдинг? — деди.

— Э, — Эргаш қўл силтади, — суриштириб нима қиласан. Бергандан кейин олавер-да. Аммо туя кўрдингми, йўқ. Тушундингми?

Мунисанинг кичқиригидан Эргашнинг жони чиқиб кетаёзди. У яна уёқ-буёққа аланглаб ҳеч ким эшитмаганига ишонгач, ялинишга ўтди. Бироқ Муниса кўнмади. У Эргашнинг қўлидан маҳкам ушлаб лагерь бошлигининг хонасига судради. Эргаш бир силтаб унинг қўлидан чиқди. Қўйнидаги олмалар ер билан битта бўлди. Орқасига ҳам ўгирилмай палатага югурди. Ҳамманинг ухлаб ётганидан фойдаланиб, наридан-бери ечиниб ўрнига кирди.

Муниса олмаларга қараб юраги эзилди. Тавба, кимдир йил бўйи меҳнат қилсин-да, бир безори узиб олсин. Шу инсофданми? Ердаги олмаларни териб тўппа-тўғри бошлиқнинг олдига кирмоқчи бўлди-ю, хаёлига келган бир фикрдан тўхтаб қолди: хўп, олмаларни-ку, олиб киради. Бошлиқ шу заҳоти Эргашни кўнчилиқнинг ўрта-сида изза қилади. Бу Эргашнинг буваси Мўминжон аканинг қулоғига етса-чи? У Тошкентдаги институтлардан бирида ишлайди. Ўзи ҳам мана шу атрофга тез-тез чиқиб туради. Мўминжон акани ҳозирги илмий иши боғдорчилик билан боғлиқ. Невараси лагерга чиққандан бери Мўминжон ака беш марта келиб кетди. Икки марта болалар билан боғ ҳақида шунақа ажойиб суҳбат ўтказдики, ҳар бир боланинг юрагида яхши ният билан ҳар йили бир жуфт кўчат ўтқазиш, қатта бўлса боғбон бўлиш орзуси туғилиб қолди. Охириги келишида Мў-

минжон ака жуда хурсанд эди. Лагерь бошлигига:

— Мана, кўрасиз, — дерди хаяжонланиб, — йигирма йилдан бери қилаётган меҳнатимнинг натижасини яқинда кўрасиз!

Муниса ўшанда Мўминжон аканинг хурсандлигини, ёш болага ўхшаб нимадандир қаттиқ хаяжонланганини ўйлади-ю: «Бу гал Эргашни огоҳлантириб қўяман. Бу қилиқни иккинчи қайтармасин. Бувасининг хурмати, шундай қилганим яхши», — деб қўйди ўзича.

Муниса бўшашиб орқасига қайтди.

Офтоб тиккада. Лагерь жимжит. Ҳатто эрталабдан базм қурган қушлар ҳам иссиққа тоб беролмай ин-инига кириб кетган. Лагерь этагидаги катта анҳорнинг бир меъёрдаги шовиллаши, олис-олисида, колхоз даласида тракторнинг тириллашигина қулоққа чалинади, холос. Муниса эса эшик олдидаги курсига ўтириб олиб, Эргаш билан бўладиган суҳбатни ўйларди. Муниса горннинг овозидан чўчиб бошини кўтарди. Бирпасда ҳамма ёқни қий-чув босиб кетди.

Муниса кўзлари билан Эргашни кидирарди. Бироқ у кўринмасди. Овқат маҳалида Муниса пайт пойлаб секингина Эргашнинг ёнига ўтирди-да:

— Сенда гап бор, — деди.

Эргаш Мунисага кўз қирини ташлади.

— Ҳа, нима дейсан?

Муниса индамай ўрнидан турди. Эргаш ҳам шошиб компотини ичди-да, унга эргашди.

— Гап шу, — деди Муниса, — бояги номаъқулчиликни иккинчи қилмайсан. Шунга ҳозир менга сўз бер. Бўлмаса...

Эргашнинг кўзлари ола-кула бўлди.

— Хўш?

— Бўлмаса... бошлиққа айтаман!

У Мунисанинг кўзларига галати бир тикилди-да, тиржайди.

— Нимани айтасан? — деди у елкасини учуриб, — бирон гуноҳ қилибманми? Қани, гапир-чи? Ҳа, боягиними, кечикдинг, опшоқ қиз, боягини боя гапириш керак эди. Минг айтганинг билан энди фойдаси йўқ.

Муниса унинг кўзларига тикилиб, «одам ҳам шунақа сурбет бўладими», деб хаёлидан ўтказди. Эргаш эса гўё Мунисанинг тилини қисиб олгандек ўзини бемалол тутиб:

— Айтмайсан! — деди, — айтсанг менга ўчакишиб

кун бермаяпти дейман-у, лагердан гойиб бўламан. Кейин ўзларинг бурнингни тортиб ўлгудек қидирасанлар.

Муниса шартта орқасига бурилиб кетди. У газабдан қалтирар, негадир хўрлиги келиб ўзини тутолмасди. Эргашни шунчаки тўполончи деб юрса, бу учига чиққан сурбет бола экан. Тавба, ҳозирдан тухматга ўрганса, катта бўлганда нима бўлади. Йўқ, буни ҳозироқ бошлиққа айтади. Айтмай туrolмайди ҳам. Қуппа-кундуз куни ўғирлик қиласан-у... тавба, нега ўша заҳоти кетидан палатага кириб олиб чиқмади. Қаёқдаги андишага бориб, Эргашнинг ўғрилигини яшириб кетди.

Шу тобда Муниса ўзини гуноҳкор сезар, негадир, юзлари ҳам худди ўша ерда тўкилиб ётган олмадек қизариб кетган эди. Муниса бўлган воқеани бошлиққа айтишга улгуролмай қолди. Бирдан лагерда шов-шув бошланди, ҳамма лагерь этагидаги ҳовуз томон югурарди. Лагерь бошлиғи билан Муниса ҳам ажабланиб боришди. Қимдир олисдан: «Тезроқ келинглар, Эргаш сувга чўкибди», деб қичқирди. Бу хабардан Муниса бўшашиб кетди. Улар югуриб етиб келишганда сув бетида Эргашнинг дўпписи қалқиб юрар, сузишни биладиган болалар кийимлари билан ҳовузга шўнгишарди.

— Ҳа, нима гап?

Лагерь бошлиғи ўзини жуда йўқотиб қўйган эди. Муниса эса гўё Эргашнинг чўкиб кетишига ўзи айбдордек кўзлари жиққа ёш, нуқул ҳовузнинг атрофида гир айланади.

— Сувда ҳеч ким йўқ, — деди ҳовуздаги болалардан бири, — ҳамма ёқни қараб чиқдик.

Лагерь бошлиғи бир оз ўзига келди-да, бояги болани қидириб топди. Қичқирган бола тутила-тутила Эргашнинг ҳовуз томон югуриб кетганини, йўлда эса унга Мунисанинг дастидан менга кун йўқ, ҳозир ўзимни сувга ташлайман деганини гапириб берди.

— Ўзинг кўрдингми?

— Нимани?

— Эргаш ўзини сувга ташлаганини кўрдингми, деяпман!

Бола кўзларини катта-катта очиб:

— Йўқ, аввалига ишонмадим, — деди, — кейин келсам, ҳовузда Эргашнинг дўпписи сузиб юрибди.

Шунга қарамасдан, болалар яна ҳовузни тинтиб чиқишди. Бироқ Эргашнинг дўпписидан бўлак бирор но-

му нишон топишолмади. Бутун лагерь оёққа туриб, бошқа ерларни ҳам қидира бошлашди. Унга яқин одам катта кўчага чиқиб кетди. Бир неча бола лагерь атрофини кўздан кечирди. Эшикда турган навбатчи бола минг бир қасам ичиб:

— Эргаш эшикдан чиққани йўқ, — деса ҳам бари бир ишонмай колхознинг боғигача бориб келишди. Бироқ ҳеч қаердан Эргашни топишолмади. Ҳамма чарчади. Лагерь бошлиғи қидиравериб ҳолдан тойди. Муниса эса жавдираб, одамларга қарар, аммо ҳеч кимни кўрмас эди. Болалардан ийманмаса лагерни бошига кўтариб йиғлашдан ҳам тоймасди. Нега гаширди. Балки ростдан ҳам Мунисага ўчакишиб.. йўғ-е, деб қичқириб юборди.

Ёнида ўтирган бошлиқ Мунисанинг авзойини кўриб:  
— Нима бўлди сенга, қизим? — деди.

Муниса ўзини тутиб туrolмади. Нимадир томогини қаттиқ қисди. Гапирмоқчи эди, тили гапга келмади ва кўллари билан юзини тўсиб ўкириб юборди.

Қидирув ҳамон давом этарди. Бутун палаткаларни, каравотларнинг тагидан тортиб лагерь омборхонасигача қараб чиқишди. Ҳар қаёққа қидириб кетган болалар шалвираб қайтиб келишди. Ҳамманинг юзида ташвиш, қиёфаси жиддий эди. Болалар энди нима қилдик, дегандек бошлиқдан жавоб кутишарди. Бошлиқ индамай ҳовуз томон юрди.

Муниса унга эргашиб бораркан:

— Энди нима қилдик, — деб пичирлар ва умид билан ён-атрофга қарарди. Болалар ҳам елкаларини огир тош босгандек, бошлиқнинг кетидан жим боришарди.

Ҳовуз бўйида каттакон чинор бор эди. Унинг қуюқ сояси ҳовузнинг ярмини ва бильярд хонани эгаллаб турарди. Ҳаммалари ана шу чинор соясида тўпланишиб, сўзсиз ҳовузга тикилишди, сув бетида эса Эргашнинг дўшиси ҳамон қалқиб юрар эди.

Шу пайт нимадир тепада қарс этди. Муниса бошини кўтарди-ю, ҳангу манг бўлиб қолди. Чинорнинг тепасида, каттакон шохда Эргаш ўтирарди. Аввалига Муниса кўзларига ишонмай турди, кейин:

— Афтинг қурсин, — деб қичқирди.

Муниса титрар, ҳадеганда гапиролмас, икки кўзини чинордан узмас эди. Ҳамма Муниса қараган томонга ўгирилди. Орага огир жимлик чўкди. Эргаш эса настга



карагани журъат этолмай, чинорнинг каттакоп шохини маҳкам қучоқлаганча чурқ этмай ўтирарди.

Жимлик бузилди-ю, ҳориб-толган болалар шалоладек кўпириб кетди. Ҳамма олдинма-кейин қичқириб Эргашга таибеҳ бера бошлади. Баъзилар мушт ҳам кўрсатиб қўйишди.

— Пастга тушсин, — деди кимдир, — бошлаб таъзирини берамиз!

Бошлиқ болаларни аранг тинчитди-да, Эргашга ўғирилиб:

— Пастга туш, — деди ҳорғин ва пешонасидаги тер томчиларини рўмолча билан артаркан, болаларга билдирмай секин хўрсиниб қўйди. Эргаш пастга бир қараб олди-да, сирғалиб туша бошлади. У болалар роса дўппослашса керак, бошлиқ сўкиши турган гап, деб чўчиган эди. Йўқ, пастга тушганда унга ҳеч ким яқинлашмади. Болалар тарқаб кетишди. Ҳовуз бўйида бошини қуйи солган Эргаш, лагерь бошлиғи ва Муниса қолди, холос.

— Бор, — деди бошлиқ, — овқатингни еб ол.

Бошлиқ оҳиста бурилди-да, битта-битта қадам ташлаб хонасига қараб кетди. У ниҳоятда чарчаган эди. Унинг юрагида нималар кечганини ҳозир ҳеч ким тасаввур қилолмасди. Эшик олдидаги скамейкага ҳорғин чўккалади.

— Нима қиламиз?

Бошлиқнинг қаршисида кўзларини пирширатиб Муниса турарди.

— Ҳеч нарса, — деди. — Эргашга бир оғиз ҳам қилган номаъқулчилиги тўғрисида гапирманглар. Ўзи ўйлаб кўрсин, қилмиши ўзига билинсин. Гапириш қочмайди.

Орадан уч кун ўтди.

Эргаш ўкинган бўлиб чекка-чеккадан ҳали ундан, ҳали бундан узр сўраб юрганда лагерь эшигига машина келиб тўхтади. Машинадан тушган поҳол қалпоқли чўққисоқол киши — болаларга таниш, ажойиб олим Мўминжон ака эди. Болаларнинг қувончи ичига сигмай кетди, олимнинг қаршисига югуришди.

Мўминжон ака невараси Эргашнинг пешонасидан ўнди. Болалар билан илиққинна кўришди-ю, бироқ негадир чиройи очилмади. Лагерь бошлиғи олимнинг кайфиятини сўрагандан кейин Мўминжон ака юрагидаги дардини сиздиролмай:

— Орзумиз чишакка чиқди, — деди ва бирдан чу

қур хўрсиди, — тажриба учун колхоз ер ажратиб берган эди. Ўша ерга тўрт йил аввал қирқ туп янги навл олма эккан эдик. Биттаси нишона қилган эди бу йил.

Мўминжон ака жим қолди.

Эргашнинг ранги ўчди. Кўзлари ола-кула бўлди. Талвасага тушиб, бирдан қичқириб юборди ва ўзини Мўминжон аканинг қучоғига отди.

— Бува!

Мўминжон ака Эргашнинг аҳволига ажабланди-да, бошлиққа қаради. Бошлиқ эса гўё кекса олимнинг олдида катта гуноҳ қилиб қўйгандек бошини қуйи солиб индамай турар эди. Муниса секин болаларни бошлаб олиб кетаркан, кўзига ер билан битта бўлиб ётган ўша ярми қизил, ярми сариқ олмалар кўриниб, орқага қаргани ҳам ботинмай югурганча палатага кириб кетди.

Ўша кунини Эргаш лагердан жўнади.

## ГУЛДАСТА

Меҳмонларни болалар номидан табриклар гулдаста тақдим қилиш Адҳамга топширилган эди. Табрик сўзини роса бир кун ёзди. Вожатийга кўрсатган эди, «яхши, қисқа, мазмундор бўлибди», деди. Эрталаб туриб ёдлади. Наридан-бери чойини ичиб, оқ шойи кўйлагини кийди. Дазмолланган галстугини тақиб мактабга жўнади. Болалар ҳам вақтида етиб келишди. Тўрдаги столга қизил алвон ёзишди. Ўртага эса каттакон гулдаста қўйишди. Ташқарида оёқ шарпаси эшитилиши билан кимдир: «Келишяпти», деб юборди. Ҳамма жой-жойига ўтирди. Адҳам галстугини тўғрилаб, эшикка қаради.

Ичкарига Вали кирди.

— Ҳм... Келмайдиган бўлишди...

— Нега?

— Акам касал, — деди у. — Лев амаким... Зарур уни билан районга кетибди.

Ҳамманинг руҳи тушиб кетди. Адҳамнинг йиғлаб юборишига оз қолди. Ўйлаб кўринг ахир: бир ҳафтадан бери орзиқиб кутилган учрашув бирдан йўққа чиқади-ю, хафа бўлмайдими?

Адҳам нима қиламиз дегандек, эшик олдида қўлларини чўнтагига тиқиб турган Валига қаради.

— Бошқа кунини ўтказамиз. Шу бугун шартми? — деди Вали болаларга кўз қирини ташлаб.

Адхам столдаги гулдастани газетага ўраб, Валига тутди.

— Бўлмаса, бизнинг номимиздан акангни сўраб қўй. Менга қара, яхшиси уч-тўрт киши бўлиб кўргани бора қолайлик. Нима дейсан, Вали?

— Йўқ... Йўқ... — деди Вали орқага тисарилиб ва Адхамнинг йўлини тўсмоқчи бўлгандек, эшикнинг тутқичини ушлаб олди: — Акамнинг иситмаси баланд. Мен ўзим... мен ўзим... сўраб қўяман...

Болалар тарқалишди. Адхам ҳаммадан кейин қолди-да, қизил алвон билан вазаларни топшириб уйига жўнади. У катта кўчадан ўтиб, муюлишга етганда, бояги гулдастанинг ариқ ичида ётганини кўриб тўхтаб қолди. Бориб олди. Ха, боягининг худди ўзи! Адхамнинг кўзлари чақнаб кетди. Ҳеч нарсага тушунолмай, ариқ бўйидаги катта тошга ўтирди. Вали нега ташлаб кетдийкин? Ё уйига олиб боргани уялганмикин! Нимадан уялади? Бу болаларнинг совгаси-қу!

Адхам ўйлаб-ўйлаб ўйининг охирига етолмагач, эртасига синф раҳбари, она тили ўқитувчиси Ойша онага бўлган воқеани гапириб берди. Ойша она олдидаги бир даста дафтарни четга суриб қўйиб сўради:

— Гапинг тўғрими? Балки бошқадир.

— Йўғ-е... ўзим ясаган гулдастани ўзим танимайманми?

— Учрашувни ким таклиф қилган эди?

— Ўзи... отряд йиғилишида. Унинг акаси пахта тегиш машинаси ясайдиган заводда ишлайди. Лев амаки ҳам. Яқинда газетада ҳар икковининг расми чиққан. Буни ўзи олиб келиб кўрсатди. Ўшанда улар билан учрашув ўтказмаймизми, деган эди, ҳаммамиз кўндик. Буни таклиф қилишни Валининг ўзига топширдик. У эртасигаёқ «акам билан Лев амакини айтиб келдим, шанба куни келадиган бўлишди», деди. Шанба куни бўлса шунақа деб ўтирибди.

— Қизиқ, — деди Ойша она хаёлга толиб. — Гапирганда ўзини қандай тутди?

— Бирпас довдираб қолди. — деди Адхам. Лоп этиб хаёлига бир нарса келиб, ўқитувчига қаради. Ўқитувчи зимдан Адхамни кузатиб ўтирган эди, унинг хаёлидан ўтган фикрни сезди шекилли, бошини чайқаб «аниқлаш керак, эҳтимол тўғридир», — деди.

Бўлиб ўтган бир воқеадан кейин Адхамнинг шубҳаси тўғри чиқди. Она тили дарси эди. Ойша она тўсатдан

Валини доскага чақириб қолди. Валининг юраги шув  
этиб кетди.

— Уй вазифасини тайёрлаб келдингми? Қани, бўл-  
маса эга ва кесимли гап тузиб, доскага ёз-чи?

Вали мисол тополмагач, ўқитувчи болаларга қаради.

— Валига ким ёрдам беради?

— Мен!..

— Қани, Адҳам.

Адҳам ўрнидан турди.

— «Қўрқоқ ёлгон гапирди».

— Яхши... Ия нега ёзмай турибсан, Вали?

Вали Адҳамга бақрайиб турган экан, ўқитувчининг  
сўзидан бир чўчиб тушди.

— Менимча... Менимча... Маъноси тўғри эмас, —  
деди ниҳоят гулдираб у.

— Нега?

— Ёлгон гапирган одамнинг... ҳаммаси қўрқоқ бўла-  
вермайди.

— Ана холос, — деб юборди Ойша опа, — Адҳамга  
маънодор қараб олиб, — менимча Адҳамнинг фикри тўғ-  
ри. Ёлгон гапирган одам, албатта қўрқоқ бўлади. Қўр-  
қоқ одам доим ёлгон гапирди.

Валининг кўз ўнги қоронгилашиб кетди...

Эртасига дарс бошланганда, синфга Ойша опа билан  
Валининг акаси Салим ака кириб келди. Ҳамма Валига  
қаради.

— Акам касал деб роса лақиллатган экансан-да, —  
деди Адҳам, — икки баҳоларингни уйдагилар билиб қо-  
лишидан қўрққансан-да... Ўзим ҳам шундайдир деб ўй-  
ловдим. Фақат ўзинг иқрор бўларсан деб юрган эдим.  
Қўрқоқ!

— Мен... Мен... қўрқоқ эмасман, — Валининг қалин  
лаблари титраб кетди, — мен ўзим ҳаммасини акамга  
айтиб бердим.

## МУНДАРИЖА

Дангасанинг ҳоли вой . . . . .	5	Дарё . . . . .	211
Чинор . . . . .	37	Мен ва ўртоғим . . . . .	216
Чағалайлар . . . . .	44	Акроннинг тоғаси . . . . .	221
«Темурчи»лар . . . . .	49	Дам олиш куни . . . . .	226
«Оталиққа олганман» . . . . .	56	Мусича . . . . .	232
Икки дангасанинг саргу- заштлари . . . . .	60	Олисдаги чироқлар . . . . .	236
Юлдуз учди . . . . .	105	Пойга . . . . .	240
Ҳавасим келди . . . . .	111	Баҳона . . . . .	247
Ўрик . . . . .	118	Гилос . . . . .	252
Умиданинг найранги . . . . .	123	Походда . . . . .	255
Сиз ишонасизми? . . . . .	129	Йўлда . . . . .	262
«Э, аттанги» . . . . .	136	Жасур болалар . . . . .	268
Қайси бола сайланар- кин? . . . . .	141	Мустафо . . . . .	282
Кинога оляпман . . . . .	148	Бир чақмоқ қанд . . . . .	289
Қорбобонинг топшириғи . . . . .	154	Барно . . . . .	293
Олтин қўллар . . . . .	168	Бувиси . . . . .	295
Нок . . . . .	170	Бир «қошиқ» шўрва . . . . .	295
Бир пуд тош . . . . .	173	Меҳмон-меҳмон . . . . .	296
Копток . . . . .	176	Мушук . . . . .	298
Зайнаб хола . . . . .	181	Тўқсон йилгача ўртоқ . . . . .	299
Болалар шодлиғи . . . . .	188	Қизча ва зонтик . . . . .	300
Аниқлаш керак . . . . .	192	«Дарвозабон» . . . . .	302
Жамила . . . . .	195	Уч опа-сингил . . . . .	303
Тўғри гап яхши экан . . . . .	203	Бераҳм қиз . . . . .	304
Бочка . . . . .	206	Қизғанчиқ . . . . .	305
		Ёнғоқ билан терак . . . . .	307
		Қизил олма . . . . .	308
		Гулдаста . . . . .	314

**М 37**

**Маҳмудов Л.**

Дангасанинг ҳоли вой: Ҳикоялар.— Т.: Ёш гвардия,  
1989.—320б.

**Маҳмудов Л. Беда лентяя: Рассказы.**

Ўз2

*Литературно-художественное издание  
Для детей среднего школьного возраста*

*На узбекском языке*

**ЛАТИФ МАХМУДОВ**

**БЕДА ЛЕНТЯ**

*Рассказы*

Переиздание

Редактор Сурайё Сайдалиева

Рассом Т. Шумская

Бадий редактор Р. Зуфаров

Тех. редактор В. Демченко

Корректор Б. Юнусов

ИБ № 2585

Теришга берилди 26.05.1989. Босишга рухсат этилди 19.10.89. Формати 84×108<sup>1</sup>/ 32. № 1 офсет босма қозоғга «Обыкновенно-новая» гарнитурда, офсет босма усулида босилди. Босма листи 10,0. Шартли босма листи 16,80. Шартли кр.-отт. 17,22. Напш листи 16,56. Тиражи 30000. Буюртма № 1042. Баҳоси 65 т. Шартнома 57—89.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. 700113, Тошкент, Чилонзор массиви. 8-қўртал.  
«Правда» газетаси кўчаси, 60-уй.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг  
Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.  
Тошкент, Ленин кўчаси, 41.